

ЎЗБЕКИСТАН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

АХБОРОТ-КУТУБХОНА
ФАОЛИЯТИГА ОИД
СТАНДАРТЛАР
ТЎПЛАМИ

"Ўзбекистан маркаси" нашриёти
Тошкент 2008

МУНДАРИЖА

ОСТ 7.4-95	Нашрлар. Чикиш маълумотлари	5
ОСТ 7.5-98	Журналлар, тўпламлар, ахборот нашрлари эълон килинадиган материалларни нашриётга оид расмийлаштириш	58
ОСТ 7.9-95	Реферат ва аннотация.....	82
ОСТ 7.14-98	Ахборот алмашиш учун формат ёзувнинг тузилиши	91
ОСТ 7.19-2001	Маълумотлар алмашинуви учун формат	102
ОСТ 7.22-2003	Саноатга оид каталоглар, умумий талаблар	185
ОСТ 7.23-96	Ахборот нашрлари, тузилиши ва Расмийлаштириш	193
ГОСТ 7.28-2002	Ахборот алмашинуви учун лотин алифбоси символларининг кенгайтирилган тўплами	205
ОСТ 7.29-80	Магнит тасмаларда ахборот алмашиш учун кенгайтирилган кирилл алифбосини тақдим этиш	225
ГОСТ 7.30-80	Магнит тасмаларда ахборот алмашиш учун грек алифбосининг тақдим этилиши	233
ГОСТ 7.32-2001	Илмий-тадқиқот иши туғрисида ҳисобот структураси ва расмийлаштириш қоидалари	243
ГОСТ 7.47-84	Ахборот тиллари луғатлари ва атамали маълумотлар учун коммуникатив формат, ёзув мазмуни	269
ГОСТ 7.52-85	Магнит тасмадаги библиографик Маълумотлар билан алмашиш учун коммуникатив формат, ҳужжатнинг қидирув образи	294
ГОСТ 7.53-2001	Нашрлар. Китобларнинг халқаро стандарт рақамланиши	310
ГОСТ 7.56-2002	Нашрлар. Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақамланиши	316
ГОСТ 7.60-2003	Нашрлар. Асосий турлари, атамалар ва таърифлар	322
ГОСТ 7.61-96	Нашрлар. Давлат (миллий) библиографик кўрсаткичлар, умумий талаблар	375
ГОСТ 7.65-92	Киноҳужжатлар, фотоҳужжатлар ва микрошаклдаги ҳужжатлар, архивда сақлашга қўйилган умумий талаблар	395
ГОСТ 7.68-95	Фоно-ва видеоҳужжатлар, архивда сақлашга қўйилган умумий техник талаблар	416
ГОСТ 7.69-95	Аудиовизуал ҳужжатлар, асосий атамалар ва таърифлар	433
ГОСТ 7.73-96	Ахборотни қидириш ва тарқатиш, атамалар ва таърифлар	444
ГОСТ 7.81-2001	Нодаврий, даврий ва давомли нашрлар Чиқаришни статистик ҳисобга олиш, Умумий қоидалар	460
ГОСТ 7.84-2002	Нашрлар муқовалар ва қалин муқовалар	474
ГОСТ 7.86-2003	Нашрлар. Нашриёт аннотациясига қўйиладиган умумий талаблар	481
ГОСТ 7.88-2003	Нашрлар сарлавхаларида сарлавхалар ва сўзларни қисқартириш қоидалари	489

Д а в л а т л а р а р о с т а н д а р т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши
бўйича стандартлар тизими

Нашрлар.
Чиқиш маълумотлари

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича
давлатлараро кенгаш
Минск

Сўз боши

1 Россия Федерацияси Матбуот бўйича кўмитасининг Россия китоб палатаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (1995 йил 26 апрелдаги 7-95-сон баённома).

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи (Стандартлаштириш миллий орган номи)

Қозоғистон Республикаси (Қозоғистон Республикаси Давстандарти)

Россия Федерацияси (Россия Давстандарти)

Ўзбекистан Республикаси (Ўздавстандарт)

Украина (Украина Давстандарти)

3 Стандарт «МЭК/ИСО, 3-қисм, 1989 «Составление и оформление международных стандартов» директиваларининг стандартларни тузиш, баён қилиш ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар қисмига жавоб беради

4 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича кўмитасининг 1995 йил 18 октябрдаги 545-сон қарори билан ГОСТ 7.4-95 давлатлараро стандарти 1996 йил 1 июлдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

5 ГОСТ 7.4-86 ўрнига

Д а в л а т л а р а р о с т а н д а р т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши
бўйича стандартлар тизими

Нашрлар. Чиқиш маълумотлари

System of standards on information,
librarianship and publishing.

Publications. Imprint

Жорий этиш санаси 1996-07-01

1 Кўллаш соҳаси

Ушбу стандарт чиқиш маълумотларига ҳамда уларнинг матнли, нотали ҳамда тасвирий нашрларда жойлаштирилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Диссертациялар авторефератлари, норматив-техник ҳужжатлар учун стандарт чиқиш маълумотлари қисмига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Стандарт картографик ва ахборот нашрларига тааллуқли эмас.

Стандарт ташкилий-ҳуқуқий структураси, идоравий тегишлилиги ва мулкчилик шаклидан катъи назар, ноширлар ва матбаа корхоналари учун мўлжалданган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.1-84 Ҳужжатнинг библиографик тавсифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари.

ГОСТ 7.5-88 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Даврий ва давомли нашрларда ҳамда нодаврий тўпламларда жойлаштириладиган материалларни нашриётга оид расмийлаштириш

ГОСТ 7.9-95 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Реферат ва аннотация. Умумий талаблар

ГОСТ 7.23-80 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот нашрлари. Тузилиши ва расмийлаштирилиши

ГОСТ 7.4-95

ГОСТ 7.51-84 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Каталог ва картотекалар учун varaқчалар. Умумий талаблар

ГОСТ 7.53-86 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Китобларнинг халқаро стандарт рақамланиши

ГОСТ 7.56-89 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақамланиши

ГОСТ 7.60-90 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Асосий турлари. Атамалар ва таърифлар

3 Умумий қондалар

3.1 Чиқиш маълумотларининг таърифи

3.1.1 Чиқиш маълумотлари - нашрни характерловчи ҳамда уни расмийлаштириш, истеъмолчиларни хабардор қилиш, библиографик ишлов бериш ва статистик ҳисобга олиш учун мўлжалланган элементлар комплекси.

3.2 Чиқиш маълумотларининг таркиби, руйхати ва жойлаштирилиши

3.2.1 Чиқиш маълумотларининг таркиби, руйхати ва жойлаштирилиши нашр турига боғлиқ.

3.2.2 Стандарт билан белгиланган чиқиш маълумотларининг ўрнини алмаштирилишига йул қўйилмайди.

3.2.3 Нашрнинг турли жойларида жойлаштириладиган айнан бир хил маълумотлар ўртасида фарқ бўлишига йул қўйилмайди, 4—6-бўлимларда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

3.2.4 Нашрнинг барчаси ёки бир катор томлари (қисмлар, нашрлар, сонлар) учун умумий бўлган чиқиш маълумотларининг элементлари улар келтирилган шаклдан фарқсиз равишда келтирилган бўлиши керак.

3.3 Чиқиш маълумотларининг асосий элементлари

3.3.1 Чиқиш маълумотларининг асосий элементлари қуйдагилар ҳисобланади: муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар; нашр сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар, чиқиш маълумотлари; тасниф индекслари; халқаро стандарт рақамлари; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

3.3.2 Муаллиф номи (исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси, исми ва фамилияси ёки тахаллуси) муаллиф белгиланган полотнода келтирилади.

Муаллиф номи бош келишиқда келтирилади.

Нашрни яратишда иштирок этган шахсларнинг (тузувчилар, таржимонлар, рассомлар, чизмакашлар, фотосуратчилар, тақризчилар, Таҳрир хайъати аъзолари, кириш сўзи, кириш мақоласи, хотима, шархлар, изоҳлар муаллифлари, муҳаррирлар, корректорлар, тўлдирилган нашрларда матбаа ишлари бажарувчилари) номлари бажарган ишларининг характери кўрсатилган ҳолда бош келишиқда келтирилади.

Жамоа бўлиб бажарилган ишларда муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган бошқа шахсларнинг номлари улар томонидан қабул қилинган кетма-кетлиқда келтирилади.

3.3.3 Нашр сарлавҳаси (4-7-бўлимларга ҳам қар.). Нашр сарлавҳаси муаллиф ёки ношир томонидан белгиланган ёки тасдиқланган кўринишда кўрсатилади.

Нашрни сарлавҳасиз чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Нашрнинг барча томлари, нашрлари, сонлари учун умумий бўлган Сарлавҳа бир хил расмийлаштирилган бўлиши ҳамда титул varaғидаги бошқа маълумотлардан фарқланиши керак.

«Каталог», «Бюллетень», «Ишлар», «Илмий ишлар», «Илмий ёзишмалар» сўзларидан иборат бўлган кам ахборот берувчи Сарлавҳалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Уларга қараткич келишиғида нашр босиб чиқарилиши учун масъул ташкилот номи кўшилади.

3.3.4 Сарлавҳа устидаги маълумотлар - нашр сарлавҳаси устида жойлаштириладиган маълумотлар.

Сарлавҳа устидаги маълумотлар нашр турига боғлиқ ҳолда (4-7-бўлимларга ҳам қар.) қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: номидан нашр босиб чиқариладиган ташкилот номи тўғрисидаги маълумотлар; серия сарлавҳаси; серия нашри сони; серияга асос солинган йил; қуйи серия сарлавҳаси; қуйи серия нашр сони.

3.3.5 Сарлавҳа остидаги маълумотлар - нашр сарлавҳаси остида жойлаштириладиган маълумотлар.

Сарлавҳа остидаги маълумотлар нашр турига боғлиқ ҳолда (4-7-бўлимларга ҳам қар.) қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: сарлавҳани изоҳловчи маълумотлар; ўқувчи манзили, нашрнинг вазифаси, адабий жанри, нашр тури тўғрисидаги маълумотлар; нашрнинг тақрорланиши (қайта нашр қилиниши), ишлов берилиши, нашрнинг ўқув қўлланмаси, дарслик ёки расмий нашр сифатида тасдиқланиши тўғрисидаги маълумотлар; асар таржима қилинган матн тили тўғрисидаги маълумотлар ва таржимоннинг номи; тузувчи, масъул (илмий) муҳаррир, иллюстратор-рассом ва безатувчи-рассомнинг номлари; таҳрир хайъати тўғрисидаги маълумотлар; қўп томли

нашр мўлжалланган томларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар; том, китоб қисмининг тартиб рақами; алоҳида нашр килинган иловадаги асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар.

Қайта нашрнинг тартиб рақами ва томлар, нашрлар, китоблар, қисмлар ва ҳоказоларнинг рақамланиши араб рақамларида келтирилади.

3.3.6 чиқиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади (4-7 а қар.): нашр босиб чиқарилган жой, ношир номи ва нашр босиб чиқарилган йил.

3.3.6.1 Нашр босиб чиқарилган жой ноширнинг юридик манзили ҳисобланади.

Агар нашр босиб чиқарилган жой ношир номининг қисми бўлса, бу ҳолда нашр босиб чиқарилган жой кўрсатилмайди.

Ношир бўлинмаси ёки филиали томонидан босиб чиқарилган нашрнинг босиб чиқарилиш жойи ушбу бўлинма ёки филиалнинг юридик номи ҳисобланади.

3.3.6.2 Нашрни тайёрлаш ва босиб чиқарилишини амалга оширувчи юридик шахс ношир бўлиб ҳисобланади. Ношир номи унинг рўйхатга олиниш вақтида белгиланган шаклда келтирилади.

Ношир бўлинмаси ёки филиали томонидан босиб чиқарилган нашрларда ношир номи, кейин эса бўлинма ёки филиал номи кўрсатилади.

Бир нечта ноширлар билан ҳамкорликда босиб чиқариладиган нашрларда ҳар бир ҳамкор-ноширнинг жойлашган ўрни ва номи кўрсатилади.

3.3.6.3 Нашрнинг босиб чиқарилиш йили араб рақамлари билан «йил» сўзи ёки «й» қисқартмасисиз белгиланади.

3.3.7 чиқиш маълумотлари (4-7 га қар.) қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин: нашриётчилик фаолияти учун лицензия рақами ва у берилган сана; теришга топшириш ва босиб чиқаришга имзолаш санаси; қоғоз ҳамда варағ улушининг тури, рақами, формати; асосий матннинг шрифт гарнитураси; босма тури; шартли босма ва ҳисобга олиш-нашриётчилик варақларидаги нашр ҳажми; адади; матбаа корхонасининг буюртма рақами; ношир номи ва тўлиқ почта манзили; матбаа корхонасининг номи ва тўлиқ почта манзили.

3.3.8 Тасниф индекслари (4-бўлимга қар., шунингдек 6-бўлимга ҳам қар.) қуйидагиларни ўз ичига олади: УТ (Универсал ўнлик таснифлагич) индекси, КБТ (Кутубхоначилик-библиографик таснифлагич) индекси.

3.3.9 Халқаро стандарт рақамлари (4, 6-бўлимларга қар.) қуйидагиларни ўз ичига олади: китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN) ва халқаро стандарт серияли рақами (ISSN).

3.3.10 Штрих-кодлар муқова, қалин муқова қопқоғи, супер муқованинг охириги томонида пастдаги чап ёки ўнг бурчакда келтирилиши мумкин. Штрих-кодлар EAN стандартларига мувофиқ расмийлаштирилади.

3.3.11 Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конун ҳужжатларига мувофиқ, барча нашрларда келтирилади. Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси дойра ичига олинган «С» ҳарфи, асарга бўлган ҳуқуққа эгалик килувчининг номи ва нашр қилинган йилдан иборат.

3.4 Нашр тўғрисидаги қўшимча маълумотлар

3.4.1 Ахборот-библиографик мақсадлар учун нашр да аннотация, реферат, аннотация қилинган каталог варақчаларининг макети (АКВМ) ва библиографик полоса (колонтитул) келтирилиши мумкин.

Аннотация ва реферат ГОСТ 7.9 бўйича; АКВМ - ГОСТ 7.51-84 бўйича; колонтитул - ГОСТ 7.5 бўйича (2, 4-бўлимларга қар.) тузилади ва расмийлаштирилади; АКВМ учун библиографик тавсиф ГОСТ 7.1 бўйича тузилади.

3.4.2 Муаллиф чиқиш маълумотларининг юқорида кўрсатилган элементларидан ташқари ўз ихтиёрига кўра нашрлар тўғрисидаги исталган бошқа маълумотларни келтириш ҳуқуқига эга.

3.5 Чиқиш маълумотларини жойлаштириш

3.5.1 Чиқиш маълумотлари қуйидагича жойлаштирилади: титул варағида ва унинг орқа томонида, қўшма титул варақда (матнли биринчи бетнинг юқори қисмида), нашрнинг биринчи, охириги бетларида ёки охириги полосада - китоблар, брошюралар, альбомлар, нотали нашрлар, бюллетенлар, тўпламларда; биринчи полосада (ёки биринчи полосанинг юқори қисмида) ва охириги полосанинг пастки қисмида - буклетлар, варақалар, газета ва календарларда (чўнтак ва миниатюралар табель-календарлар бундан мустасно); варақнинг юқори қисмида ҳамда варақнинг пастки майдонида - афишалар, транспорт ҳаракати жадваллари, матнли ва тасвирий плакатлар, бадий репродукциялар, эстампларда; орқа томонида - тасвирий откриткалар, чўнтак ва миниатюралар табель-календарларда.

Муқова корешоғи ва қалин муқова қопқоғидаги титул варағи чиқиш маълумотларининг асосий элементларини блокларнинг қалинлиги 9 мм дан ортиқ бўлганда келтириш шарт.

3.5.2 Нашрда титул варағи бўлмаса, чиқиш маълумотларини қўшма титул варақда, қўшма муқова қопқоғининг олд томонида ёки муқованинг биринчи бетида жойлаштириш керак.

3.5.3 Репринт ва факсимил нашрларда титул варағи иккита бўлиши шарт: янгидан қайта нашр қилинаётган нашрнинг титул варағи ва оригинал нашрнинг титул варағи. Янгидан қайта нашр қилинаётган нашрга тааллуқли бўлган чиқиш маълумотлари титул варағида кўрсатилганларнинг

биринчисида келтирилади. чиқиш маълумотларининг устида алоҳида сатрда «Репринт нашр», «Факсимил нашр» ёзувлари келтирилади.

3.6 Чиқиш маълумотларини жойлаштиришдаги алоҳида ҳолатлар

3.6.1 Турли тиллардаги аралаш матнли нашрларда муаллифларнинг номлари ва/ёки сарлавҳа титул варағида ушбу нашрда фойдаланилган барча тилларда келтирилади. чиқиш маълумотларининг қрилган барча элементлари нашрдаги матн тилларидан биттасида келтирилади.

3.6.2 Бир нечта ноширлар, шу жумладан хорижий нашриётлар билан ҳамкорликда чиқариладиган нашрларнинг титул варағида ҳар бир ҳамкор-ноширнинг номи ҳам кўрсатилади.

3.6.3 Алоҳида нашр қилинган иловалардаги чиқиш маълумотлари нашр турига боғлиқ ҳолда расмийлаштирилади (4-7-бўлимларга қар.).

Асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар (муаллиф номи, нашр сарлавҳаси) илова сарлавҳасига кирмаса, сарлавҳа остидаги маълумотларда келтирилади. Бу ҳолатда нашр илова бўлиб ҳисобланиши кўрсатилади.

Асосан нашрда алоҳида нашр қилинган илова, унинг чиқиш даврийлиги, фарқланувчи хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар чиқиш маълумотларининг устида жойлаштирилади.

3.6.4 Аниқ, турдаги нашрларнинг чиқиш маълумотларини расмийлаштирилишига қар.: 4-бўлим - китоб нашрлари, шу жумладан, даврий бўлмаган сериялар; 5-бўлим - нотали нашрлар; 6-бўлим - серияли нашрлар (даврий ва давомли, шу жумладан даврий ва давомли сериялар); 7-бўлим - варақли нашрлар; 8-бўлим - экспорт учун махсус мўлжалланган нашрлар.

4 Китоб нашрлари

4.1 Чиқиш маълумотларининг асосий элементлари

4.1.1 Китоб нашрларининг чиқиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар; нашр сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари"; қайта босиб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар; тасниф индекслари; муаллифлик белгиси; китобларнинг халқаро стандарт рақамлари ва штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

4.2 Чиқиш маълумотларини жойлаштириш

4.2.1 Мононашрда битта, иккита, учта муаллифларнинг номи титул варағида сарлавҳадан олдин кўрсатилади.

Муаллифлар тўртта ва ундан ортиқ бўлса, уларнинг номи титул варағида ёки унинг орқа томонининг юқори қисмида жойлаштирилади. Титул варағининг орқа томонида муаллифларнинг номларидан олдин «Муаллифлар» сўзи жойлаштирилади.

Такрорланадиган мононашрларда муаллифлар жамоасининг ўзгартирилиши тўғрисидаги маълумотлар титул варағининг орқа томонида келтирилади.

Таржима қилинган нашрларда муаллиф номи босиб чиқарилаётган нашрнинг матн тилида келтирилади. Асл нусха матннинг тилидаги муаллиф номи контртитулда ёки титул варағининг орқа томонида келтирилади.

Шунингдек, муаллифларнинг устида сарлавҳадан олдин келтирилади. Муаллиф фамилияси матбаа воситалари билан ажратиб кўрсатилади.

Муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишларда муаллифларнинг номларидан биринчи учтаси «ва бошқалар» сўзи қўшилган ҳолда келтирилади.

Отасининг исми қўлланилиши қабул қилинмаган ҳолларда муаллиф номи отасининг исмисиз келтирилади.

Хорижий тиллардан таржима қилинган нашрларда муаллиф номи максимал тўлиқ шаклда келтирилади. Умумий сарлавҳали тўпламга киритилган асарларнинг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар титул варағида ёки унинг орқа томонида келтирилмайди ва ГОСТ 7.5 бўйича расмийлаштирилади.

4.2.2 Нашр сарлавҳаси титул варағида ва чиқиш маълумотларининг устида матбаа воситалари билан ажратиб кўрсатилган ҳолда келтирилади.

Такрорий нашрларда сарлавҳаниннг ўзгартирилиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек аввалги нашр сарлавҳаси титул варағининг орқа томонида келтирилади.

4.2.3 Сарлавҳа устидаги маълумотлар титул варағининг юқори қисмида, контртитул ёки авантитулда жойлаштирилади (шунингдек 3.3.4 га қар.).

Номидан нашр босиб чиқарилаётган ташкилотнинг номи расман белгиланган шаклда келтирилади.

Конференция, съезд, симпозиум, йиғилиш ва ҳоказолар материалларининг нашрларида сарлавҳа устидаги маълумотларда фақат асосий ташкилотчилар кўрсатилади.

4.2.4 Сарлавҳа остидаги маълумотлар титул варағида сарлавҳа остида келтирилади (3.3.5 га қар.).

Ҳар хил шахслар томонидан таржима қилинган асарлар тўпламида таржимонларнинг номлари ГОСТ 7.5-88 бўйича расмийлаштирилади.

Тузувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг расмийлаштирилиши -4.2.5-бандга қар., муҳаррирлар тўғрисидаги маълумотлар - 4.2.6-бандга қар., иллюстратор-рассом ва безатувчи рассомлар тўғрисидаги маълумотлар -4.2.7-бандга қар.

4.2.5 Тузувчининг номи титул варағида сарлавха остидаги маълумотларда ва унинг орқа томонида келтирилади. Тузувчининг номини келтириш тартиби муаллиф номини расмийлаштиришга ўхшаш - 4.2.1 га қаралсин. Тузувчининг номидан олдин бажарилган иш ҳарактерини белгилловчи қуйидаги сўз келтирилади: «Тузувчи», «тузди», «Тузувчи-муаллиф», «Тузувчи-муҳаррир», «танлашни амалга оширди», «ишлов берди», «умумлаштирди», «таърифини тузди», «танлади», «ишлаб чикди», «тўплади», «ёзиб олди».

4.2.6 Масьул (илмий) муҳаррир тўғрисидаги маълумотлар титул варағида ёки унинг орқа томонида келтирилади.

Таҳрир хайъати аъзоларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар титул варағида, унинг орқа томонида ёки контртитулда кўрсатилади.

Муҳаррир, бадий муҳаррир, техник муҳаррир ва корректор тўғрисидаги маълумотлар чиқиш маълумотларининг устида юкорида келтирилган тартибда келтирилади.

4.2.7 Иллюстратор-рассом, безатувчи-рассом ва фотосуратчи номлари иллюстрация қилинган нашрларда титул варағида ёки унинг орқа томонида келтирилади.

4.2.8 Чиқиш маълумотлари (3.3.6-бандга қар.) титул варағининг пастки қисмида келтирилади.

Такрорий нашрларда аввалги нашрнинг босиб чиқарилиш йили титул варағининг орқа томонида келтирилади.

4.2.9 Чиқиш маълумотлари (3.3.7-бандга қар.) нашрнинг охириги варағида, титул варағининг орқа томонида, шунингдек муқованинг 3 ва 4-томонларида жойлаштирилади.

Чиқиш маълумотлари титул варағининг орқа томонида унинг пастки қисмида муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси ва китобнинг халқаро стандарт рақамигача бўлган жойда келтирилади.

Мақсадли вазифасига кўра нашр тури тўғрисидаги маълумотлар чиқиш маълумотларининг устида, муаллифнинг тўлиқ шаклдаги номи устида, муаллиф бўлмаса - сарлавха устида келтирилади.

Мақсадли вазифасига кўра нашр тури тўғрисидаги маълумотлар ГОСТ 7.60-90 бўйича белгиланади (расмий, илмий, илмий-оммабоп, сиёсий-оммабоп, ўқув, амалий-ишлаб чиқариш, норматив амалий-ишлаб чиқариш нашри, маълумотга оид, рекламага оид, бадий-адабий, бўш вақт учун мўлжалланган нашрлар).

4.2.10 Нашрнинг такрорий нашр бўлиб ҳисобланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳамда қайта нашр амалга оширилган нашр тўғрисидаги

маълумотлар титул varaғининг орқа томонида келтирилади. Бундай нашрнинг титул varaғидаги чиқиш маълумотларида нашр босиб чиқарилган жой, такрорий нашрни амалга оширган ношир номи ва такрор нашр қилинган йил кўрсатилади.

Такрорий нашр амалга оширилган нашр тўғрисидаги маълумотлар ГОСТ 7.1-84 бўйича келтирилади.

4.2.11 Тасниф индексидан олдин тасниф тизимининг номини билдирувчи аббревиатура келади. Тасниф индекси таснифланиш белгисини ўзида ифодалайди. Тасниф индекси УУТ. ва КБТ нинг тегишли жадваллари бўйича тузилади.

УУТ индекси титул varaғининг юқори чап бурчагида алоҳида сатрда жойлаштирилади.

КБТ индекси титул varaғининг орқа томонида юқори чап бурчагида УУТ индекси остида алоҳида сатрда жойлаштирилади.

4.2.12 Муаллифлик белгиси муаллиф (агар нашрда муаллифлар сони учтадан кўп бўлмаса, биринчи муаллиф) фамилиясининг биринчи ҳарфи ёки сарлавҳа биринчи сўзининг биринчи ҳарфидан (агар муаллифлар сони учтадан ортик, бўлса ёки муаллифлар бўлмаса) ҳамда ушбу фамилия ёки сарлавҳанинг биринчи ҳарфларига мувофиқ, бўлган икки хонали сондан иборат булади.

Муаллифлик белгиси титул varaғининг орқа томонидаги юқори бурчақда тасниф индексларидан кейин жойлаштирилади.

4.2.13 Китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN) ГОСТ 7.53-86 бўйича келтирилади ҳамда титул varaғининг пастки чап бурчагида ёки қўшма титул varaғининг пастки чап қисмида жойлаштирилади.

4.2.14 Штрих-кодлар - 3.3.10 га қар.

4.2.15 Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси (3.3.11 га қар.) титул varaғининг орқа томонидаги пастки ўнг бурчагида ёки қўшма титул varaғи майдонининг пастки ўнг қисмида жойлаштирилади.

Турли муаллифлар асарларининг тўпламида ҳар бир алоҳида асарнинг муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси асарнинг бошланғич ёки охириги матнли полосасида келтирилади.

4.2.16 Комплект нашрларда чиқиш маълумотлари комплектга кирувчи ҳар бир нашрда ва ғилоф, папка, муқовада келтирилади.

Комплектга кирувчи ҳар бир нашрда комплект сарлавҳаси ҳамда комплектдаги нашрлар сони тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

4.2.17 Таржимаси биринчи марта эълон қилинаётган нашрларда титул varaғининг асл нусха тилидаги чиқиш маълумотлари титул varaғининг орқа томонида ёки контртитул да келтирилади.

4.2.18 Рус тилидан бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрларда титул varaғида келтирилган барча чиқиш маълумотлари рус тилига таржима қилиниши шарт, муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган

шахсларнинг номлари бундан мустасно. Номлар транслитерация шаклида келтирилади. Ушбу маълумотлар чиқиш маълумотлари ва улардан олдинги маълумотларнинг устида нашрнинг охириги бетида ёки титул варағининг орқа томонида нашрнинг асосий матн тили кўрсатилган ҳолда келтирилади.

4.2.19 Серияли нашрларда серия сарлавҳаси, серияни чиқариш рақами, куйи серия сарлавҳаси, куйи серияни чиқариш рақами сарлавҳа устидаги маълумотларда келтирилади.

Серия сарлавҳаси ва унинг таржимаси ушбу сериянинг барча нашрлари учун бир хил бўлиши керак.

Барча серияларни яратишда иштирок этган шахсларнинг (муҳаррир, 10 та тузувчи, расом ва серия таҳрир хайъатининг таркиби) номлари серия сарлавҳаси остида титул варағида, контртитулда ёки титул варағининг орқа томонида бажарилган иш ҳарактерини (масалан, «Сериянинг таҳрир хайъати») кўрсатувчи сўзлар билан кўрсатилади.

Серияга асос солинган йил деб ушбу сериянинг биринчи китоби босиб чиқарилган йил ҳисобланади.

Серияга асос солинган йил серия сарлавҳаси остида титул варағида ёки контртитулда келтирилади.

4.2.20 Кўп томли нашрларда муаллиф номи, агар ҳамма томларда айнан битта муаллиф бўлса, умумий сарлавҳа устида келтирилади ва чиқиш маълумотлари устида тўлиқ шаклда такрорланади; агар томларнинг муаллифлари турлича бўлса, уларнинг номлари том рақами остида келтирилади ва чиқиш маълумотларининг устида тўлиқ шаклда келтирилади.

Кўп томли нашрнинг умумий сарлавҳаси ва унинг таржимаси барча томларда бир хил бўлиши керак. Умумий сарлавҳа титул варағида ва (ёки) контртитулда келтирилади.

Алоҳида том сарлавҳаси (хусусий сарлавҳа) титул варағида, агар барча томларда айнан битта муаллиф бўлса, том рақами остида кўрсатилади; агар томларнинг муаллифлари турлича бўлса, том сарлавҳаси муаллиф номи остида жойлаштирилади.

Бутун кўп томли нашрга тааллуқли бўлган сарлавҳа остидаги маълумотлар, шу жумладан нашр мўлжалланган томларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар умумий сарлавҳа остида жойлаштирилади. Алоҳида томга тааллуқли бўлган сарлавҳа остидаги маълумотлар титул варағида том сарлавҳаси остида жойлаштирилади.

Бутун кўп томли нашрнинг таҳрир хайъатининг таркиби умумий сарлавҳа остида ва/ёки бутун кўп томли нашрга тааллуқли бўлган сарлавҳа остидаги маълумотларда келтирилади.

Алоҳида том таҳрир хайъатининг таркиби алоҳида том сарлавҳаси (хусусий сарлавҳа) остида ва/ёки унинг сарлавҳа остидаги маълумотларида келтирилади.

Бутун кўп томли нашр ва алоҳида том таҳрир хайъатининг таркибини титул варағининг орқа томонига кўчирилишига йул қўйилади.

Кўп томли нашрнинг босиб чиқарилиши бошланган йили кўп томли нашрнинг иккинчи ва кейинги томларида титул варағининг орқа томонида кўрсатилади.

4.2.21 Аннотация ва/ёки АКВМ барча китоб нашрларида келтирилади, табиий ва техник мавзу бўйича илмий нашрлар бундан мустасно. Реферат табиий ва техник мавзу бўйича илмий нашрларда жойлаштирилади (3.4.1 га қар.). Аннотация, АКВМ ёки реферат титул варағининг орқа томонида, нашрнинг охириги бетида, муқова ёки супер муқованинг иккинчи бетида жойлаштирилади.

5 Нотали нашрлар

5.1 Чиқиш маълумотларининг асосий элементлари

5.1.1 Нотали нашрларнинг чиқиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар; нашр сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар; лавҳанинг давлат рақами; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

5.1.2 Сарлавҳа остидаги, маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади: мусиқа жанри, мусиқа шакли, мусиқа турлари, тоналлик тўғрисидаги маълумотлар; ижро этиш воситалари (асбоб, ансамбль, оркестр, овоз ва х.,) тўғрисидаги маълумотлар; опус (асар) ва унинг ичидаги тартиб рақами; мавзунинг кўрсаткич рақами; нашрга киритилган актлар, пардалар, картиналар, асар қисмларининг сони тўғрисидаги маълумотлар; муаллифлик ишининг характери (муаллиф таҳрири) ёки янги вариант, версия тўғрисидаги маълумотлар; нашр мўлжалланган махсус мусиқий муассасаларнинг синф ёки курси тўғрисидаги маълумотлар (агар улар серия сарлавҳасига киритилмаган бўлса); нотали матн (партитура, партия, дирекцион) ва/ёки клавирнинг баён этилиш шакли тўғрисидаги маълумотлар.

Шунингдек, алоҳида нашр этилган парчаларнинг сарлавҳа остидаги маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: сахна асари, кино- ёки видеофильм, радио ёки телепостановка, кўп қисмли мусиқий асар ёки вокал (вокал-чолғу) циклининг номи; хусусий номга эга бўлган кўп қисмли мусиқий асар ёки вокал (вокал-чолғу) цикли қисмининг номи; алоҳида нашр этилган опера парчаларида ариянинг биринчи сўзлари, бироқ речетатив ёки сахналар эмас.

5.1.3 Нотали китоб нашрларида чиқиш маълумотларининг расмийлаштирилишига қўйиладиган умумий талаблар - 4-бўлимга қар.;

даврий ва давомли нотали нашрлардаги чиқиш маълумотларининг расмийлаштирилишига қўйиладиган умумий талаблар - 6-бўлимга қар.

5.2 Чиқиш маълумотларини жойлаштириш

5.2.1 Бастакорнинг номи титул варағида нашр сарлавҳаси (номи)дан олдин келтирилади ҳамда чиқиш маълумотларининг устида тўлиқ шаклда такрорланади.

5.2.2 Алоҳида нашр қилинган мусикий асар ёки тўпламга киритилган барча мусикий асарларни ишлаб чиққан ёки қайта ишлаган аранжировка қилган), инструментовка (оркестровка) қилган, ишлов берган, уйғунлаштирган, ёздирган (нотага туширган) муаллиф номи бажарилган иш («Қайта ишлаш», «Ишлов бериш», «Ёзувни амалга оширди») ҳарактерини билдирувчи сўзлар билан 12-титул варағида сарлавҳа остидаги маълумотларда келтирилади ҳамда сарлавҳа устидаги маълумотларда тўлиқ шаклда такрорланади.

Ишлаб чиққан ёки қайта ишлаган (аранжировка қилган), инструментовка (оркестровка) қилган, ишлов берган муаллифнинг номи, агар у бастакорнинг ўзи бўлса, титул варағида сарлавҳа остидаги маълумотларда такрорланмасдан бастакор томонидан бажарилган муаллифлик ишининг ҳарактери тўғрисидаги маълумотлар билан алмаштирилади («Муаллиф ишловида», «... учун қайта ишлаш муаллифи», «Муаллиф аранжировкаси» ва Ҳ.).

Бадий матн муаллифининг номи титул варағида сарлавҳа остидаги маълумотларда кўрсатилади ҳамда чиқиш маълумотларининг устида тўлиқ шаклда такрорланади.

5.2.3 Адабий асар (шу жумладан либретто) номи, агар у нашрга киритилган мусикий асар номидан фарқ қилса, унинг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар билан бир каторда ва (ёки) титул варағида сарлавҳа остидаги маълумотларда адабий жанри кўрсатилган ҳолда келтирилади.

5.2.4 Бир вақтнинг ўзида тўпламга киритилган барча асарларни ишлаб чиқиш ёки қайта ишлаш (аранжировка қилиш), инструментовка (оркестровка) қилиш, ишлов бериш, уйғунлаштириш, ёздириш (нотага тушириш) муаллифи бўлиб ҳисобланадиган тузувчининг номи титул варағида сарлавҳа остидаги маълумотларда ва чиқиш маълумотларининг устида тўлиқ шаклда бажарилган иш ҳарактерини белгиловчи («Тузди ва уйғунлаштирди», «Тўплам тузувчиси ва пьесаларни қайта ишлаш муаллифи», «Альбом учун пьесаларни аранжировка қилиш ва танлаш», «Нота ёзувини тузди ва ишлаб чиқди» ва х.) сўзлар билан келтирилади.

Алоҳида партиянинг иловасида кўрсатилган муҳаррир номи клавирада такрорланади.

5.2.5 Досканинг давлат рақами (доска рақами, нашриёт рақами) ҳар бир нота полосасининг пастки қисмида нота элгувчи остида жойлаштирилади.

5.2.6 Бир варақли нотали нашрларда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси нашр биринчи бетининг пастки қисмида жойлаштирилади. Нотали нашрлардаги муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгисини 3.3.11, 4.2.15 га қар.

5.2.7 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрлардаги чиқиш маълумотларини 4.2.18 (китоб нашрлари) ва 6.1.15 (даврий ва давомли нашрлар)га қар.

6 Даврий ва давомли нашрлар

6.1 Даврий нашрлар (рўзномалардан ташқари)

6.1.1 Чиқиш маълумотлари куйидагиларни ўз ичига олади: нашр сарлавҳаси; нашрнинг хусусий сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; муҳаррирлар, таҳрир хайъати, тузувчилар, рассомлар, корректорлар тўғрисидаги маълумотлар; рақамланиши; чиқувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; тасниф индекслари; халқаро стандарт серияли рақами; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

6.1.2 Сарлавҳа имкон қадар оддий ва қисқа бўлиши керак. Нашрнинг умумий сарлавҳаси ва бўлим (серия, қуйи серия) сарлавҳасидан иборат бўлган мураккаб сарлавҳа кўринишида келтирилишига йул қўйилади.

Сарлавҳа нашр бағишланган билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасини акс эттириши керак.

Сарлавҳанинг расмийлаштирилиши у билан бирга келтириладиган бошқа элементлардан ажралиб туриши керак.

Ношир-ташқилот номини билдирувчи ҳамда сарлавҳага кирувчи аббревиатура сарлавҳа остидаги маълумотларда ёки сарлавҳа устидаги маълумотларда ёйиб ёзилади.

Нашр сарлавҳаси титул варағида ёки қўшма титул варағида, шунингдек муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида жойлаштирилади.

Нашр бўлими (серия, қуйи серия)нинг сарлавҳаси нашрнинг бутун босиб чиқарилиш вақти мобайнида бир хил бўлиши керак. Нашр бўлими (серия, қуйи серия)нинг сарлавҳасини унинг эмблема (марка)сини сақлаб қолган ҳолда алмаштирилишига йул қўйилмайди.

Хусусий сарлавҳа, агар алоҳида нашрларда мавжуд бўлса, нашр сарлавҳаси остида. нашр сонидан кейин титул варағида ёки қўшма титул варағида, шунингдек муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида жойлаштирилади.

Таржима нашрларида сарлавҳа титул варағида ёки қўшма титул варағида таржима амалга оширилган тилда ҳам келтирилади.

6.1.3 Сарлавҳа устидаги маълумотлар ношир-ташкilot номини ўз ичига олади.

Ношир-ташкilot номи сарлавҳа остидаги маълумотларга киритилган бўлса, у ҳолда унинг номи келтирилмайди (6.1.4 га қар.).

Сарлавҳа устидаги маълумотлар титул варағида ёки қўшма титул варағида нашр сарлавҳаси устида жойлаштирилади, агар улар мавжуд бўлмаса - муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида жойлаштирилади.

6.1.4 Сарлавҳа остидаги маълумотлар (3.3.5 га қар.) куйидагиларни ўз ичига олади: тематика, ўқувчи манзили ва мақсадли, вазифасини ҳарактерловчи маълумотлар, нашр тури, «Журнал», «Бюллетень» ва ҳоказа сўзлар билан бошланувчи сарлавҳа остидаги маълумотлар ифодасидаги ношир-ташкilot номи; нашр даврийлиги, унга асос солинган йил ва ой тўғрисидаги маълумотлар; нашр хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар; алоҳида нашр қилинган иловаларда асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар.

Нашрга асос солинган йил ва ой бўлиб рақамланган нашрнинг биринчи сони (нашри, томи) босиб чиқарилган йил ва ой ҳисобланади. Нашрга асос солинган йил ва ой ўрнига нашр қилинган йил тартиби кўрсатилишига йул қўйилмайди.

Сарлавҳа остидаги маълумотлар титул варағида ёки қўшма титул варағида нашр сарлавҳаси остида жойлаштирилади, улар йуқлигида эса - муқованинг биринчи ёки иккинчи бетида ёхуд қалин муқова қопқоғининг олд томонида жойлаштирилади.

6.1.5 Даврий нашрларнинг рақамланиши ҳар йили биринчи рақамдан бошланади (жорий рақамланиши). Тартиб рақамдан ташқари, ой (ойлар) кўрсатилишига йул қўйилади.

Жорий рақамлашдан ташқари, нашр сонининг тартиб рақами асос солинган кундан бошлаб келтирилади (умумий рақамланиши). Умумий рақам жорий рақамдан кейин кичик кавсларда кўрсатилади. Умумий рақамлашни тақвим йилнинг бошидан киритиш лозим. Иккиланган рақамлаш нашрнинг барча сонларида сақлаб қолинади.

Рақамлаш титул варағида ёки қўшма титул варағида, шунингдек муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида келтирилади.

Рақамлашда босмадан чиқиш йилидан катъи назар нашр тааллуқли бўлган йил кўрсатилади.

Агар кетма-кетликдаги рақамланиш узилиб қолса, бу кейинги сонда (танаффус давомийлиги, том рақами, шунингдек охириги сон рақами ва санаси) кўринарли жойда кўрсатилиши керак.

6.1.6 Чиқиш маълумотлари (3.3.6 га қар.) титул варағида ёки қўшма титул варағида келтирилади.

6.1.7 Бош ёки масъул муҳаррирнинг номи, «Таҳрир хайъати» сўзи, таҳрир хайъатининг таркиби титул варағининг оркатомонида ёки охириги полосада кўрсатилади, титул варағи бўлмаганида - муқованинг иккинчи ёки учинчи бетида кўрсатилади.

Рассом, бадиий муҳаррир, таржима нашри муҳаррир, техник муҳаррир, корректорнинг номи чиқиш маълумотларининг устида кўрсатилади.

6.1.8 Чиқиш маълумотлари (3.3.7 га қар.) охириги полосада, титул варағининг орқа томонида, муқованинг иккинчи, учинчи ёки тўртинчи бетларида келтирилади.

6.1.9 УУТ индексини барча нашрларда келтиришга йул қўйилади. УУТ индексининг расмийлаштирилиши - 4.2.11 га қар.

6.1.10 Халқаро стандарт серияли рақами (ISSN) ГОСТ 7.56-89 бўйича келтирилади ҳамда муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади, улар бўлмаганида эса - титул варағи ёки қўшма титул варағининг юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади. Агар ISSN умумий сарлавҳага ва бўлим (серия) сарлавҳасига бириктирилган бўлса, бу ҳолда аввал умумий сарлавҳа ISSN келтирилади, унинг остида эса - бўлим (серия) сарлавҳаси ISSN келтирилади.

6.1.11 ШТрих-кодлар - 3.3.10 га қар.

6.1.12 Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси - 3.3.11, 4.2.15 га қар.

Турли муаллифларнинг мақола ва материаллари эълон қилинганда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси нашрнинг бошланғич ёки охириги полосасининг пастида келтирилади.

6.1.13 Бошқа тиллардаги параллел нашрлар тўғрисидаги кўрсатма чиқиш маълумотларининг устида жойлаштирилади. Агар нашр бир нечта тилларда ва бошқа сарлавҳа остида параллел равишда босиб чиқарилаётган бўлса, бу ҳолда бу туғридаги кўрсатма билан бирга уларнинг сарлавҳаси ҳам келтирилади.

6.1.14 Даврий нашрнинг мустақил иловалари (3.6.3 га қар.) йил доирасида хусусий рақамланишга эга бўлиши керак. «Илова» сўзи ҳар доим титул варағида ёки қўшма титул варағида аниқ ажратиб ёзилган бўлиши керак.

Асосий нашрда нашрнинг алоҳида нашр қилинган иловаси мавжудлиги тўғрисидаги кўрсатма чиқиш маълумотларининг устида жойлаштирилади.

6.1.15 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрларда рус тилидаги таржимада қуйидагилар келтирилади: сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; ношир номи; ношир (таҳририят)нинг почта манзили; матбаа корхонасининг номи ва почта манзили. Нашр сарлавҳаси транслитерация шаклида келтирилади. Ушбу

маълумотлар чиқиш маълумотларининг устида охириги полосада, титул варағининг орқа томонида, мукованинг иккинчи, учинчи ёки тўртинчи бетида нашрнинг асосий матн тили кўрсатилган ҳолда келтирилади.

6.1.16 Икки ёки бир нечта нашрларни битта килиб бирлаштиришда аввалги нашрлардан бирининг сарлавҳасини янги нашрга бириктиришга, унга асос солинган йилни саклаб қолишга ҳамда унинг рақамланишини давом эттиришга йул қўйилади.

Нашрни икки ва ундан ортиғига бўлишда аввалги сарлавҳа ва рақамланишни янгидан юзага келган нашрлардан фақат биттасига бириктиришга йул қўйилади. Нашрга асос солинган йил бўлинишда юзага келган барча нашрларда сакланиб қолишига йул қўйилади.

Нашрдаги барча ўзгартиришлар тўғрисида (қайта номлаш, сарлавҳа остидаги маълумотларнинг ўзгартирилиши, асос солинган йил, рақамлашни аниқлаштириш, нашр босиб чиқариладиган жойнинг кўчирилиши ва х.) охириги ўзгартирилмаган ва биринчи ўзгартирилган нашр (сон)ларда титул варағининг орқа томонида ёки мукованинг иккинчи бетида хабар бериш керак.

6.1.17 Даврий нашрда аннотация, реферат ва библиографик полоса зарур бўлганда келтирилади (3.4.1 га қар.).

6.2 Давомли нашрлар

6.2.1 Чикдш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: нашр сарлавҳаси; нашрнинг хусусий сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; муҳаррирлар, таҳрир хайъати, тузувчилар, корректорлар тўғрисидаги маълумотлар; рақамланиши; чикувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; тасниф индекслари; халқаро стандарт серияли рақами; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳрфаза қилиш белгиси.

6.2.2 Сарлавҳа; сарлавҳа устидаги маълумотлар; муҳаррирлар, таҳрир хайъати, тузувчилар, корректорлар тўғрисидаги маълумотлар; чикувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; халқаро стандарт серияли рақами (ISSN); тасниф индекслари; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси; бошқа тиллардаги параллел нашрлар ва иловалар тўғрисидаги маълумотлар; нашрнинг бирлаштирилиши, бўлиниши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши тўғрисидаги маълумотларнинг расмийлаштирилиши – 6.1 га қар.

6.2.3 Сарлавҳа остидаги маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади: нашр тури; масъул муҳаррир номи; нашрга асос солинган йил; алоҳида нашр қилинган иловаларда асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар.

Сарлавҳа остидаги маълумотлар титул варағида нашр сарлавҳаси остида жойлаштирилади.

6.2.4 Рақамлаш рақамланган нашрга асос солинган кундан бошлаб юритилади (умумий рақамлаш).

Нашр сони нашр сарлавҳаси остида ҳамда сарлавҳа остидаги маълумотларда титул варағида, шунингдек, муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида келтирилади.

6.2.5 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрларда чиқиш маълумотлари ҳамда нашрнинг матн тили тўғрисидаги маълумотлар - 6.1.15-бандга қар. Бундан ташқари, рус тилидаги таржимада номидан нашр босилиб чиқарилаётган ташкилотнинг ёки бутун давомли нашрнинг босиб чиқарилиши учун масъул бўлган ташкилотнинг номи келтирилади.

6.2.6 Аннотация, реферат ва библиографик полоса - 6.1.17 га қар.

6.3 Рўзномалар

6.3.1 Чиқиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: сарлавҳа; сарлавҳа остидаги маълумотлар; рақамлаш; нашрнинг чиқиш санаси; муҳаррирлар ва/ёки таҳрир хайъати тўғрисидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар.

6.3.2 Сарлавҳа-6.1.2 қар.

6.3.3 Сарлавҳа остидаги маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади; ношир (нашр учун масъул бўлган ташкилот) номи; нашрнинг даврийлиги тўғрисидаги маълумотлар; рўзномага асос солинган йил, ой ва сана; бошқа тиллардаги параллел нашрлар ва иловалар тўғрисидаги маълумотлар. Рўзномага асос солинган йил ўрнига унинг нашр қилинган тартиб йили кўрсатилишига йул қўйилмайди.

Сарлавҳа остидаги маълумотлар биринчи полосада жойлаштирилади.

Алмаштириладиган полосаларнинг мавжудлигида ҳамда рўзнома ёки унинг алоҳида сонларининг турли нашрлар билан чиқарилишида сарлавҳа остидаги маълумотларда нашр хусусиятлари кўрсатилади (оқшом, шаҳар, вилоят, зонага оид, алоҳида тоифадаги ўқувчилар учун периферияли).

6.3.4 Рўзнома муҳаррирининг номи, «Таҳрир хайъати» сўзи ёки таҳрир хайъатининг таркиби охириги полосанинг пастки қисмида чиқиш маълумотларининг устида келтирилади.

6.3.5 Рўзнома сонлари биринчи полосанинг юқори қисмида араб рақамлари билан кўрсатилади. Жорий рақамдан кейин (тақвим йили бошидан) кичик қавсларда умумий тартиб рақам (рўзномага асос солинган кундан бошлаб) келтирилишига йул қўйилади.

6.3.6 Ҳафта куни, сана (араб рақамларда), ой номи (қисқартирилмасдан) ва йилни ўз ичига олувчи нашрнинг чиқиш санаси рўзноманинг биринчи полосасида келтирилади.

нашриётчилик фаолияти учун лицензия рақами ва у берилган сана (рўйхатга олиш гувоҳномаси); А2 (420x595 мм) форматдаги рўзнома иккита полосасининг форматига келтирилган босма варақлардаги нашр ҳажми; адади; таҳририятнинг тўлиқ; почта манзили ва телефон рақами; матбаа корхонасининг буюртма рақами; матбаа корхонасининг номи ва тўлиқ почта манзили.

Чиқиш маълумотлари рўзнома охириги полосасининг пастки қисмида келтирилади.

6.3.8 Рўзноманинг кетма-кетлиги ва нашрдаги ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотлар биринчи полосада ёки охириги полосанинг пастки қисмида келтирилади. Ушбу маълумотлар 6.1.16 да белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши керак.

6.3.9 Агар нашр бир нечта тилларда паралел равишда босиб чиқариладиган бўлса, у ҳолда чиқиш маълумотларининг устида бу тўғрисидаги кўрсатма билан бирга унинг рус тилига таржима қилинган сарлавҳасини келтириш лозим.

6.3.10 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрлардаги чиқиш маълумотларининг рус тилидаги таржимасида қуйидагилар келтирилади: сарлавҳа устидаги маълумотлар; алоҳида нашр қилинган иловада асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар; таҳририятнинг тўлиқ почта манзили; матбаа корхонасининг номи ва тўлиқ почта манзили. Нашр сарлавҳаси транслитерация шаклида келтирилади.

Ушбу маълумотлар рўзнома охириги полосасининг пастки қисмида нашрнинг асосий матн тили кўрсатилган ҳолда жойлаштирилади.

7 Варақли нашрлар

7.1 Матнли ва тасвирий нашрлар (откреткалар бундан мустасно)

7.1.1 чиқиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: муаллифлар, Тузувчилар, рассомлар, фотосуратчилар тўғрисидаги маълумотлар; нашр (санъат асари) сарлавҳаси; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

7.1.2 Муаллифлар, Тузувчилар, рассомлар, фотосуратчилар тўғрисидаги маълумотлар варақ чап томонининг пастки майдонида келтирилади ва 3.3.2 га мувофиқ расмийлаштирилади.

7.1.3 Нашр (санъат асари) Сарлавҳаси матнли варақли нашрлар да варақнинг Сарлавҳа қисмида матндан олдин келтирилади.

варақли тасвирий нашрлар Сарлавҳаси варақ пастки майдонининг чап томонида келтирилади.

Шунингдек, Сарлавҳада муаллиф томонидан белгиланган ёки асарга тарихий бириктирилган (портретлар учун - тасвирланаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва хаётининг санаси) санъат асарининг номи варақ; чап томонининг пастки майдонида келтирилади.

7.1.4 Матнли нашрларнинг Сарлавҳа остидаги маълумотлари (3.3.5 га қар.) варақнинг Сарлавҳа қисмида Сарлавҳа остида жойлаштирилади.

Тасвирий нашрларнинг Сарлавҳа остидаги маълумотлари варақ, чап томонининг пастки майдонида жойлаштирилади.

Бадиий репродукция ва эстампларнинг Сарлавҳа остидаги маълумотларида куйидагилар кўрсатилади: санъат асарининг тури; санъат асари яратилган вақт ва жой; асл нусханинг сақланадиган жойи ёки экспозицияси; муаллиф ва асар тўғрисидаги маълумотлар.

7.1.5 чиқиш маълумотлари (3.3.6 га қар.) варақ пастки майдонининг ўртасида келтирилади.

7.1.6 Чиқувчи маълумотлар (3.3.7 га қар.) варақ пастки майдонининг ўнг томонида келтирилади.

7.1.7 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда нашр қилинган варақли нашрлардаги чиқиш маълумотлари рус тилига таржима қилинади. Муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган нтхсларнинг номлари транслитерация шаклида келтирилади. чиқиш маълумотлари варақнинг пастки майдонида нашрнинг матн тили кўрсатилган ҳолда жойлаштирилади.

7.2 Тасвирий откриткалар

7.2.1 Чиқиш маълумотлари куйидагиларни ўз ичига олади: рассом ёки фотосуратчи номи; сарлавҳа; чиқувчи маълумотлар (ношир номи ва босиб чиқарилган йил); чиқиш маълумотлари (матбаа корхонасининг буюртма рақами; адади); муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

7.2.2 Репродукция откриткаларида санаб ўтилган маълумотлардан ташқари куйидагилар келтирилади:

- муаллиф ёки асарга тарихий бириктирилган санъат асарининг номи (портретлар учун - тасвирланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

- санъат асарининг тури, у яратилган вақт ва жой, сақлаш ёки экспозиция жойи, муаллиф ва асар тўғрисидаги маълумотлар.

Чиқиш маълумотлари орқа (почта откриткалари учун - манзил кўрсатиладиган) томонида кўрсатилади.

7.3 Варақли комплект нашрлар

7.3.1 Чиқиш маълумотлари (3.3 га қар.) қуйидагиларни ўз ичига олади: муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар; сарлавҳа; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

7.3.2 Комплект нашрларнинг чиқиш маълумотлари муқова (папка, гилоф, бандерол) томонларидан бирининг клапанида ёки ўров-манжеткада жойлаштирилади.

Комплектга кирувчи алоҳида матнли тасвирий нашрларда чиқиш маълумотлари 7.1 га мувофиқ келтирилади.

Комплектга кирувчи алоҳида тасвирий откриткаларда чиқиш маълумотлари 7.2 га мувофиқ келтирилади.

8 Экспорт қилиш учун махсус мўлжалланган нашрлар

8.1 Нашрлар таърифи

8.1.1 Экспорт қилиш учун махсус мўлжалланган нашрларга адади ёки ададининг катта қисми ташқи бозорда сотилиши мўлжалланган нашрлар; хорижий ташкилот-контр-агент буюртмаси бўйича Россия Федерациясида босиб чиқариладиган нашрлар қиради.

8.2 Чиқиш маълумотларини расмийлаштириш

8.2.1 Экспорт қилиш учун махсус мўлжалланган нашрлардаги чиқиш маълумотлари Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотнинг (ИСО) стандартлар талабларига мувофиқ қуйидагича расмийлаштирилади:

ISO 1086 Documentation - Title-leaves of a book;

ISO 6357 Documentation - Spine titles on books and other publications;

ISO 7275 Documentation - Presentation of title information jf series.

8.3 Ёпиштирмани расмийлаштириш

8.3.1 Россия Федерациясининг ичида тарқатилиши учун мўлжалланган адад ушбу қисмининг шартли нусхалари ёпиштирма билан таъминланиши керак. Ёпиштирма ушбу нашрга тааллуқли бўлган чиқиш маълумотларининг элементларини ўз ичига олади. Чиқиш маълумотлари элементларининг рўйхати - 3.3 га қар.

8.3.2 Чиқиш маълумотлари элементларининг кетма-кетлиги, тўлдирилиши ва жойлаштирилиши нашр турига боғлиқ - 3-6-бўлимларга қар.

8.3.3 Шунингдек, ёпиштирада нашрнинг асосий матн тили (тиллари) тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги шаклда келтирилади: «... тилида», «...,..... тилларида».

8.3.4 Ёпиштира муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган шахсларнинг номидан ташқари, барча чиқиш маълумотлари рус тилига таржима қилиниши шарт. Номлар транслитерация шаклида келтирилади.

А илова
(маълумот учун)

Чиқиш маълумотларини расмийлаштириш намуналари

Бир муаллифли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Маълумот нашрининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Ўқув қўлланмасининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Ўқув нашрининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Алоҳида нашр қилинган илованинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Чиқувчи маълумотлар ва чиқувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни
расмийлаштириш намунаси
Ўқув нашрининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Илмий ишлар тўпламининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Серияли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Бир муаллифли серияли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Серияли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Симпозиум материалларининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг ички титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг ички титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашр титул varaғининг орқа томонини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашр титул varaғининг орқа томонини расмийлаштириш намунаси
Чет тилидан таржима қилинган нашрнинг ички титул varaғини расмийлаштириш
намунаси
Нотали нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Давомли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Даврий нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Даврий нашрга алоҳида нашр қилинган даврий илованинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси
Титул varaғи орқа томонининг қайта терилганлиги ва ёшга доир хусусиятлар
кўрсатилган маълумотлар билан расмийлаштириш намунаси
Чиқувчи маълумотлар ва чиқувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни
расмийлаштириш намунаси
Чиқувчи маълумотлар ва чиқувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни
расмийлаштириш намунаси
Чиқувчи маълумотлар ва чиқувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни
расмийлаштириш намунаси
Рўзноманинг чиқиш маълумотларини расмийлаштириш намунаси

А илова
(маълумот учун)

Бир муаллифли нашрнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

АЛЕКСАНДР СОЛЖЕНИЦИН

В КРУГЕ ПЕРВОМ
РОМАНДАН БОБЛАР

МАТРЕНИН ДВОР
ХИКОЯ

ДЛЯ ПОЛЬЗЫ ДЕЛА
ДИКОЯ

Рассом В. И. Худяков

Санкт-Петербург
«ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЛИТЕРАТУРА»

Санкт-Петербург бўлинмаси 1994

ГОСТ 7.4-95

Аилова
(маълумот учун)

Маълумот нашрининг титул варағини
расмийлаштириш намунаси

БЕЗОПАСНОСТЬ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ-
ПРОЦЕССОВ

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН. (1995 йил 26 апрелдаги 7-95-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Беларусь Республикаси	Белстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Ўзбекистон Республикаси	Уздавстандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Туркменистон	Туркманстандарт
Украина	Украина Давстандарти

3 Ушбу стандартнинг 1.1, 2.1, 2.2. 1-2. 2.7, 2.3.3-бўлимлари (кичик бўлим, бандлари) ИСО 214-76 «Рефератн на издания и документы»нинг тўлиқ асл матнини ўз ичига олади.

4 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича қўмитасининг 1996 йил 27 февралдаги 108-сон қарори билан ГОСТ 7.9-95 давлатлараро стандарти 1997 йил 1 июлдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

5 ГОСТ 7.9-77 ЎРНИГА

ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими****РЕФЕРАТ ВА АННОТАЦИЯ****Умумий талаблар**

System of standards on information, librarianship and publishing.
Informative abstract and indicative abstract. General requirements.

Жорий этиш санаси 1997-07 -01

1 Қўллаш соҳаси

Стандарт бирламчи ва иккиламчи ҳужжатларни, шу жумладан машина ўқийдиган шаклда тайёрлайдиган ва чиқарадиган шахслар ҳамда ташкилотлар қўллаши учун мўлжалланган.

Ушбу стандарт реферат (ахборот берувчи реферат) ва ҳужжатларга аннотация (индикатив реферат) матнининг мазмуни, тузилиши ва расмийлаштиришига қўйиладиган талабларни белгилайди.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.0-84 АКНИТ. Библиографик фаолият. Асосий атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.1-84 АКНИТ. Ҳужжатнинг библиографик таърифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

ГОСТ 7.4-95 АКНИТ. Нашрлар. Чиқувчи маълумотлар

ГОСТ 7.5-88 АКНИТ. Журналлар, тўпламлар, ахборот нашрлари. Нашрга оид расмийлаштириш элементлари

ГОСТ 7.19-85 АКНИТ. Магнит тасмасида библиографик маълумотлар билан алмашишнининг коммуникатив формати. Ёзувнинг мазмуни

ГОСТ 7.23-80 АКНИТ. Ахборот нашрлари. Асосий турлари, тузилиши ва расмийлаштирилиши

ГОСТ 7.32-91 АКНИТ. Илмий-тадқиқот иши тўғрисида ҳисобот. Тузилиши ва расмийлаштирилиши

ГОСТ 7.51-84 АКНИТ. Каталоглар ва картотекалар учун varaқчалар.
Умумий талаблар

ГОСТ 7.57-89 АКНИТ. Нашрлар. Нашриёт ва китоб савдоси
библиографик кўрсаткичлари. Умумий талаблар

ГОСТ 7.59-90 АКНИТ. Ҳужжатларни индекслаш. Тизимлаш ва
предметлашга кўйиладиган умумий талаблар

ГОСТ 7.66-92 АКНИТ. Ҳужжатларни индекслаш. Координатали
индекслашга кўйиладиган умумий талаблар

ГОСТ 8.417-81 ГСИ. Единицы физических величин

3 Таърифлар

Ушбу стандартда куйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

3.1 **реферат:** Реферат муаллифининг кўшимча талқини ёки танқидий
фикрларисиз асосий маълумотлар ва хулосаларни ўз ичига олган ҳужжат
мазмунининг қисқача аниқ баёни.

3.2 **аннотация:** Ҳужжатнинг мақсади, мазмуни, тури, шакли ва бошқа
хусусиятлари нуктаи назаридан қисқача тавсифи.

3.3 **йиғма реферат:** Икки ва ундан кўпроқ дастлабки ҳужжатлар
асосида тузилган реферат.

4 Умумий қоидалар

4.1 Реферат ва аннотация куйидаги функцияларни бажаради:

- ҳужжатнинг асосий мазмунини очишга, унинг релевантлигини
аниқлашга ва ҳужжатнинг тўлиқ матнига мурожаат қилиш керакми ёки
йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилишга имкон беради;

- ҳужжат тўғрисида ахборот беради ва ҳужжат китобхон учун иккинчи
даражали аҳамият касб этса, ҳужжатнинг тўлиқ матнини ўқиш заруриятини
бартараф этади.

- ахборот тизимларида, жумладан автоматлаштирилган тизимларда
ҳужжатлар ва ахборотни қидириш учун фойдаланилади.

4.2 Рефератдан библиографик ёзув элементи ва чиқувчи маълумотлар
элементи сифатида фойдаланилади (ГОСТ 7.4, ГОСТ 7.19, ГОСТ 7.23,
ГОСТ 7.32, ГОСТ 7.51 бўйича).

4.3 Аннотациядан библиографик ёзув элементи, чиқувчи маълумотлар
элементи ва чоп этиладиган материалларни расмийлаштириш элементи
сифатида фойдаланилади (ГОСТ 7.4, ГОСТ 7.5, ГОСТ 7.19, ГОСТ 7.23,
ГОСТ 7.51, ГОСТ 7.57 бўйича).

5 Реферат

5.1 Рефератнинг тузилиши

5.1.1 Реферат бирламчи ҳужжат мазмунининг куйидаги жиҳатларини
ўз ичига олади:

- ишнинг предмети, мавзуси, мақсади;
- ишни амалга ошириш методи ёки методологияси;
- иш натижалари;
- натижаларни қўллаш соҳаси;
- хулосалар;
- қўшимча ахборот.

Реферат мазмуни жиҳатларининг оптимал кетма-кетлиги рефератнинг нимага мўлжалланганига боғлиқ бўлади. Масалан, янги илмий билимларни олишдан манфаатдор бўлган истеъмолчи учун иш натижалари ва реферат матнининг бошидаги хулосаларнинг баёни кўпроқ қулайлик яратади.

5.1.2 Ишнинг предмети, мавзуси, мақсади ҳужжат сарлавҳасидан аниқ бўлмаса, улар кўрсатиб ўтилади.

5.1.3 Ишни амалга ошириш методи ёки методологияси янгиси билан фаркланса ёки ушбу иш нуқтаи назарида қизиқиш уйғотса, уларни ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кенг танилган методларнинг фақат номи айтиб ўтилади. Экспериментал ишларни тавсифловчи ҳужжатларнинг рефератларида маълумотлар манбалари ва уларни қайта ишлаш ҳарактерини кўрсатиб ўтадилар.

5.1.4 Иш натижаларини имкон қадар аниқ ва ахборотбоп қилиб тавсифлайдилар. Асосий назарий ва экспериментал натижалар, аниқ маълумотлар, аниқланган ўзаро боғлиқликлар ва қонуниятлар келтирилади. Бунда узоқ муддатли аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ва янги натижалар, мавжуд назарияларни рад этувчи муҳим кашфиётлар, хулосалар, шунингдек, ҳужжат муаллифининг фикрига кўра амалий аҳамиятга эга бўлган маълумотларга устунлик берилади. Маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги чегаралари, шунингдек, уларнинг асосланганлиги даражасини кўрсатиш керак. Рақамли бирликлар бирламчими ёки иккиламчи эканлиги, битта кузатиш натижасими ёки такрор синашлар натижаси эканлиги аниқланади.

5.1.5 Патент ҳужжатлари учун натижаларни қўллаш соҳасини кўрсатиш муҳим.

5.1.6 Хулосалар дастлабки ҳужжатда ёритилган тавсиялар, баҳолар, таклифлар, фаразлар билан бирга берилиши мумкин.

5.1.7 Қўшимча ахборот тадқиқотнинг асосий мақсади учун муҳим бўлмаган, лекин унинг асосий мавзудан ташқари аҳамиятга эга бўлган маълумотларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, иш бажарилган ташкилот номи, дастлабки ҳужжатнинг муаллифи тўғрисидаги маълумотлар, олдин нашр этилган ҳужжатларга ҳаволалар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Дастлабки ҳужжатда жиддий хато ва зиддиятлар бўлганда реферат муаллифи ва муҳаррирнинг изоҳлари берилиши мумкин.

5.2 Реферат матнининг хусусиятлари

5.2.1 Реферат матни ҳужжат мазмунининг талқини, танқидий мулоҳазалар ва реферат муаллифининг нуқтаи назарини (5.1.7-бандда кўрсатилган қоидалардан ташқари), шунингдек, дастлабки ҳужжатда мавжуд бўлмаган ахборотни ўз ичига олмаслиги керак.

5.2.2 Реферат матни ўзининг лўндалиги, аниқлиги, ифодаланган фикрларнинг ишончилиги, иккинчи даражали ахборотнинг мавжуд бўлмаслиги билан ажралиб туриши керак.

5.2.3 Реферат матни ҳужжатнинг бош мавзуси ифодаланган жумла билан бошланади. Сарлавҳа ва библиографик таъриф мазмунида бўлган маълумотлар реферат матнида такрорланмаслиги керак. Ортиқча кириш жумлаларини ишлатишдан сақланиш зарур (масалан, «мақола муаллифи кўриб чиқади...» каби). Тарихий маълумотлар, агар улар ҳужжатнинг асосий мазмунини ташкил этмаган бўлса, олдин нашр этилган ишлар тавсифи ва умуммаълум бўлган қоидалар рефератда келтирилмайди.

5.2.4 Реферат матнида илмий ва техник ҳужжатлар тилига хос бўлган синтаксик конструкцияни ишлатиб, мураккаб грамматик конструкцияларни ишлатишдан сақланиш керак.

5.2.5 Реферат матнида стандартлаштирилган терминологияни қўллаш керак. Ижтимоий фанлар бўйича рефератларда дастлабки ҳужжат терминологиясидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Кам қўлланиладигантамалардан фойдаланмасликка ҳаракат қилиш ёки уларни матнда биринчи марта келтирганда маъносини тушунтириб ўтиш керак. Реферат доирасида терминология бирлигига риоя қилиш зарур.

5.2.6 Реферат матнида автоматлаштирилган қидирувни таъминлаш учун дастлабки ҳужжат матнидаги муҳим аҳамиятга эга сўзларни қўллаш керак.

5.2.7 Қисқартириш ва шартли белгилашларни, илмий ва техник матнларда умумий қўлланиладиганларидан ташқари, алоҳида ҳолатларда қўллайдилар ёки улар биринчи марта ишлатилганида уларнинг таърифини берадилар.

5.2.8 Физик катталиқ бирликларини ЎВ халқаро тизимида ГОСТ 8.417 бўйича келтириш керак. ЎВ тизимидаги катталиқ бирликлари ёнида кичик қавслар ичида дастлабки ҳужжатда фойдаланилган бирликлар тизимида катталиқ қийматини келтиришга йўл қўйилади.

5.2.9 Атоқли отларни (фамилиялар, ташкилотлар номлари, буюмлар номлари ва бошқалар) дастлабки манба тилида келтирадилар. Атоқли отларнинг транскрипцияси (транслитерацияси)га ёки атоқли отларнинг асл ёзилиши биринчи марта ишлатилганида уларни реферат тилига таржимаси билан бирга қавс ичида келтиришга йўл қўйилади.

5.2.10 Географик номларни «Дунё атласи»нинг охириги нашрига мувофиқ келтириш керак. Ушбу географик ном «Дунё атласи»да мавжуд

бўлмаса, у дастлабки ҳужжатдаги шаклда келтирилади.

5.2.11 Жадваллар, формулалар, чизмалар, расмлар, диаграммалар ҳужжатнинг асосий мазмунини очиш ва реферат ҳажмини қисқартиришга имкон бериш зарурияти бўлгандагина улар рефератга киритилади.

Бир неча марта келтириладиган формулалар тартиб рақамларига эга бўлиши мумкин. Формулаларнинг рефератдаги рақамланиши уларнинг асл нусхадаги рақамланишидан фарқ қилиши мумкин.

5.2.12 Реферат матнининг ҳажми ҳужжат мазмуни (маълумотлар сони, уларнинг илмий қиймати ва/ёки амалий аҳамияти), шунингдек, реферат қилинаётган ҳужжатнинг тушуниш учун қай даража осонлиги ва тили билан белгиланади.

Реферат матнининг тавсия қилинадиган ўртача ҳажми 850 босма белги.

Ижтимоий фанлар бўйича ахборот нашрларида реферат ҳажми қатъий белгиланмайди.

Экспресс-ахборотда ГОСТ 7.23 га мувофиқ ҳажми кенгайтирилган рефератларнинг нашр этилишига йўл қўйилади.

5.3 Реферат матнини шаклга солиш ва жойлаштириш

5.3.1 Реферат матни рефератлаштирилаётган ҳужжат билан бирга нашр этилиши ёки рефератлаштирилаётган ҳужжатнинг библиографик ёзуви таркибига кириши мумкин.

5.3.1.1 Таркибига реферат матни кирган библиографик ёзув, шунингдек, яна қуйидагиларни ўз ичига олади:

реферат сарлавҳаси (5.3.2-бандга мувофиқ);

рефератлаштирилаётган ҳужжатнинг библиографик таърифи (мажбурий элемент) ГОСТ 7.1 га мувофиқ;

рефератлаштирилаётган ҳужжатни индекслаш учун фойдаланиладиган ахборот-қидирув тилининг элементлари ГОСТ 7.59 ва ГОСТ 7.66 га мувофиқ.

5.3.2 Реферат сарлавҳаси, одатда, реферат асл нусха тилида тайёрланганда рефератлаштирилаётган ҳужжат сарлавҳаси билан бир хил бўлади.

Реферат сарлавҳаси рефератлаштирилаётган ҳужжат сарлавҳасидан қуйидаги ҳолларда фарқ қилади:

- рефератни рефератлаштирилаётган ҳужжат тилидан фарқ қиладиган тилда тайёрласалар, бунда реферат сарлавҳасини реферат тайёрланган тилга таржима қилинган кўринишда келтирадилар;

- рефератни ҳужжатнинг бир қисми учун тайёрласалар, бунда рефератга сарлавҳа сифатида реферат тилида ҳужжатнинг шу қисми сарлавҳасини берадилар;

- ҳужжат сарлавҳаси ҳужжат мазмунини акс эттирмаса, бунда

рефератга реферат тилидаги ҳужжат ушбу қисмининг янги сарлавҳасини берадилар;

- бир неча ҳужжатга йиғма реферат тузсалар, бунда рефератга реферат тилидаги янги сарлавҳа берадилар.

5.3.3 Ахборот нашрларида реферат матнини дастлабки ҳужжатнинг библиографик таърифидан кейин жойлаштирадилар.

Йиғма рефератларда реферат матнини реферат сарлавҳаси ва дастлабки ҳужжатларнинг библиографик таърифи орасида жойлаштиришга йўл қўйилади.

5.3.4 Нашрларда чоп этиладиган рефератларни нашрга оид расмийлаштириш ва жойлаштириш ГОСТ 7.4 ва ГОСТ 7.5 бўйича белгиланади.

5.3.5 Илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботларда рефератларни расмийлаштириш ва жойлаштириш ГОСТ 7.32 бўйича белгиланади.

6 Аннотация

6.1 Аннотация асосий мавзунинг тавсифи, объект муаммолари, иш мақсади ва унинг натижаларини ўз ичига олади. Аннотацияда ушбу ҳужжатнинг маавзу ва мақсад бўйича турдош бошқа ҳужжатларга қиёсан қандай янгиликка эга эканлиги кўрсатилади.

6.2 Аннотация дастлабки ҳужжат муаллифи ва асарнинг устунликлари тўғрисида бошқа ҳужжатлардан олинган маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

6.3 Аннотация, шунингдек, ҳужжат сарлавҳаси ёки муаллифлар жамоасидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот ва олдинги нашрнинг чиққан йили (қайта нашр этилган тақдирда), кўп томли нашр чиқарилишининг бошланган йили, муаллифнинг қайси мамлакатга мансублиги тўғрисидаги кўрсатмани (хорижий тиллардан таржима қилинган ҳужжатлар учун) ўз ичига олади.

6.4 Илмий-техник ҳужжатларга тузилган аннотация матнининг хусусиятлари 5.2.4-5.2.10-бандларга мувофиқ белгиланади.

6.5 Бадий адабиёт асарига тузилган аннотацияда адабий жанр, муаллифнинг ижодига тааллуқли бўлган давр, асарнинг асосий мавзуси ва муаммоси, асарда ёритилган воқеа ва ҳодисалар юз берган жой ва вақт тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Бадий адабиёт асарига аннотация 6.3-бандга мувофиқ белгиланади.

6.6 Даврий ва давомли нашрларга тузилган аннотация нашрнинг вазифаси, мақсадлари, нашр характери тўғрисидаги, нашрнинг бирлашиши, бўлиниши, қайтадан чиқа бошлаши ёки тўхтатилиши ва нашрдаги бошқа ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

ГОСТ 7.9-95

6.7 Аннотациянинг тавсия қилинадиган ўртача ҳажми 500 босма белги.

6.8 Ахборот нашрларида аннотацияни расмийлаштириш 5.3.1.1-бандга мувофиқ; белгиланади.

6.9 Нашрда чоп этилаётган аннотацияни нашрга оид расмийлаштириш ва жойлаштириш ГОСТ 7.4 ва ГОСТ 7.5 бўйича белгиланади.

Асосий сўзлар: реферат, аннотация, тўзилиши, расмийлаштириш

Д А В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

АХБОРОТ АЛМАШИШ УЧУН ФОРМАТ
ЎЗУВНИНГ ТУЗИЛИШИ

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича
давлатлараро кенгаш
Минск

Сўз боши

1 РФА Бутунроссия илмий ва техник ахборот институти ва Россия Фан ва техника сиёсати вазирлиги, «Информрегистр» илмий-техник маркази, ТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона, нашриётчилик ва архив иши» Стандартлаштириш бўйича техник кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН Россия Федерацияси Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (1998 йил 28 майдаги 13-98-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Белоруссия Республикаси	Белоруссия Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожиқдавстандарт
Туркменистон	Туркменистон Бош давлат инспекцияси
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт

3 Ушбу стандарт мамлакат иктисодиетининг эҳтиёжларини ифодаловчи кўшимча талабларга эга ИСО 2709-96 «Формат для обмена информацией. Структура записи» халқаро стандартининг тўлиқ асл матнидан иборат

4 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлат кўмитасининг 1998 йил 10 ноябрдаги 392-сон қарори билан ГОСТ 7.14-98 давлатлараро стандарти 1999 йил 1 июлдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган

5 ГОСТ 7.14-84 ЎРНИГА

Д А В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими****АХБОРОТ АЛМАШИШ УЧУН ФОРМАТ
ЎЗУВНИНГ ТЎЗИЛИШИ**

System of standards information, librarianship and publishing
Format for information exchange. Record structure

Жорий этиш санаси 1999-07-01

Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт библиографик таърифланадиган материалнинг ҳар қандай турини таърифлайдиган ўзувларга эга бўлган формат тузилишини белгилайди.

Стандарт белгилар, индикаторлар ва идентификаторларга бериладиган алоҳида ўзувлар ёки қийматларнинг узунлиги ва мазмунини белгиламайди. Бу қўллаш формати орқали амалга оширилади.

Стандарт ҳар қандай машина ўқийдиган ташувчиларда ҳужжатларни тайёрловчи ва чиқарувчи шахс ва ташкилотлар томонидан қўллаш учун мўлжалланган.

Стандартда тизимлар ичида маълумотларни қайта ишлаш учун эмас, балки маълумотларни қайта ишлаш тизимлари ўртасида махсус коммуникациялар учун мўлжалланган умумлаштирилган тузилма-схема таърифланади.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда ГОСТ 7.19-85 АКНИТ «Магнит тасмада библиографик маълумотлар билан алмашиш учун коммуникатив формат. Ўзув тузилиши» га ҳаволадан фойдаланилган.

3 Таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилади:

3.1 ёзув: Майдонлар мажмуи, шу жумладан ёзув маркери, маълумотнома ва маълумотлар майдони.

Изоҳ - Агар библиографик мақсад учун зарур бўлса, у ҳолда алоҳида ёзувлар ўртасида боғлиқликни ўрнатиш ва аниқ алмашув форматида ушбу ёзувлар тузилмасини қўллаш бўйича норматив ҳужжатларда белгиланадиган қоидалар бўйича амалга ошириладиган ёзувни кичик ёзувларга ажратишга рухсат этилади.

3.2 майдон: Ўзгарувчан узунликка эга бўлган, маълум тоифадаги маълумотлар учун мўлжалланган, маълумотномадан кейин келадиган ва унинг моддаларидан бири билан боғланган ёзув қисми.

Изоҳ - Маълумотлар майдони бир ёки бир неча кичик майдонлардан иборат бўлиши мумкин.

3.3 идентификатор (кичик майдоннинг); Бир ёки бир неча символлардан иборат, бевосита кичик майдондан олдин келадиган ва уни идентификация қиладиган маълумотлар элементи (4.3.1-банд учун изоҳга қар.).

3.4 индикатор: Маълумотларнинг қайсидир майдони билан боғлиқ бўлган ва майдон мазмуни, ушбу майдоннинг ёзувдаги бошқа майдонлар билан ўзаро боғлиқлиги ёки маълумотларни маълум даражада қайта ишлашда талаб қилинадиган операциялар тўғрисида қўшимча ахборотни ташувчи маълумотларнинг биринчи элементи, агар у мавжуд бўлса.

3.5 маълумотнома: Маълумотлар майдонларининг ёзувдаги жойи кўрсаткичи.

3.6 ёзув маркери: Ҳар бир ёзув бошида бўлган ва унга қайта ишлаш учун параметрларга эга бўлган майдон.

3.7 маълумотнома режаси: Маълумотнома моддаларининг тузилишини аниқловчи параметрлар тўплами.

3.8 майдон ажраткич: Маълумотларнинг шартли гуруҳларини мантиқий, баъзида эса иерархик мазмунда ажратиш учун мўлжалланган бошқарувчи символ.

3.9 кичик майдон: Маълум ахборот бирлигидан иборат майдон қисми.

3.10 кичик ёзув: Бир бутун сифатида қабул қилинадиган бир ёзув доирасидаги майдонлар гуруҳи.

3.11 тузилиши: Ёзувдан иборат компонентларнинг жойлашиш схемаси.

3.12 майдон белгиси: Майдон билан билан боғлиқ бўлган ва бу майдонни идентификация қилишда қўлланиладиган учта символ.

4 Ёзув учун коммуникатив форматнинг тузилиши

Ёзувнинг умумий тузилиши схематик равишда 1-расмда тасвирланган. Маълумотлар майдонлари учун тўртта муқобил вариантдан иборат янада батафсил тузилиш 2- ва 3- расмларда тасвирланган.

Ёзув маркери
Маълумотнома
Майдонлар
Ёзув ажраткичи


1-расм

Ёзув куйидаги кайд қилинган ва ўзгарувчан ўзўнликдаги майдонлардан иборат.

Маркер	Кайд қилинган узунлик
Маълумотнома	Ўзгарувчан узунлик
Ёзув идентификатори	Ўзгарувчан узунлик
Маълумот майдонлари	Ўзгарувчан узунлик
Майдонлар	Ўзгарувчан узунлик
Майдон ажраткичи (лари)	ГОСТ 7.19 бўйича IS2 симболи
Ёзув ажраткичи	ГОСТ 7.19 бўйича IS2 симболи

Улар кетма-кетлиги 2-расмда кўрсатилган.

Символлар ўрни



Маълумотнома, ёзув идентификатори, маълумот майдони ва майдонлар майдон ажраткичи билан чегараланган. Ёзув-ёзув ажраткичи билан чегараланган.

1-вариант	2-вариант	3-вариант	4-вариант
Индикатор	Индикатор	Индикатор	Индикатор
узунлиги=0	узунлиги=0	узунлиги>0	узунлиги>0
Идентификатор	Идентификатор	Идентификатор	Идентификатор
узунлиги=0	узунлиги>0	узунлиги=0	узунлиги>0
Маълумотлар	Идентификатор	Индикатор	Индикатор
Майдон ажраткичи	Маълумотлар	Маълумотлар	Идентификатор
		Майдон ажраткичи	Маълумотлар
	Идентификатор		
	Маълумотлар		Идентификатор
	Майдон ажраткичи		Маълумотлар
			Майдон ажраткичи
			Индикатор
	Идентификатор		Идентификатор
	Маълумотлар		Маълумотлар
	Идентификатор	Индикатор	Идентификатор
Маълумотлар	Маълумотлар	Маълумотлар	Маълумотлар
Майдон ажраткичи	Майдон ажраткичи	Майдон ажраткичи	Майдон ажраткичи
Ёзув ажраткичи	Ёзув ажраткичи	Ёзув ажраткичи	Ёзув ажраткичи
Кейинги ёзув	Кейинги ёзув	Кейинги ёзув	Кейинги ёзув

3-расм. Ёзувдаги библиографии майдонларнинг тўзилиш вариантлари

4.1 Ёзув маркери

2-расмда тасвирланган ёзув маркери қайд қилинган ўзўнликка эга ва қуйидаги компонентлардан иборат:

4.1.1 Ёзув узунлиги (0-4 ҳолатлар)

Ёзувдаги символли ҳолатлар сони, шу жумладан ёзув маркери ва ажраткичини ўз ичига олган, ўнг томонга туғриланадиган ва бешта символгача ноль билан тўлдириладиган унли сон билан ифодаланади.

Изоҳ - Ёзув узунлиги мантикий ёзув узунлигидир. Амалий мулоҳазаларга кўра маълумотларни машинада қайта ишлашда ахборот блокларга ажратилиши мумкин.

4.1.2 *Ёзув мақоми* (5-ҳолат)

Ёзувнинг ушбу тузилишини қўллаш бўйича алоҳида стандартда белгиланадиган символ, масалан «янги» ёки «ўзгартирилган» ёзув.

Алмашув бўйича ҳамкорлар ўртасида қўшимча битим тузилиши зарур.

4.1.3 *Қўллаш кодлари* (6-9-ҳолатлар)

Ушбу кодлар алмашув бўйича ҳамкорлар битимида белгиланади.

4.1.4 *Индикаторлар узунлиги* (10-ҳолат)

Индикатор символлари сонини аниқловчи битта ўнлик сон. Агар индикаторлардан фойдаланилмаса, у ҳолда индикатор узунлиги 0 (ноль) қийматига эга бўлади.

4.1.5 *Индентификатор узунлиги* (11-ҳолат)

Индентификатор символлари сонини белгиловчи битта ўнлик сон. Индентификаторнинг биринчи ёки ягона символи ҳар доим ISI (ГОСТ 7.19 бўйича) ажраткичи бўлиши керак. Индентификатордан фойдаланилмаса, у ҳолда индентификатор узунлиги 0 (ноль) қийматига эга бўлади.

4.1.6 *Маълумотларнинг асосий манзипи* (12-16-ҳолатлар)

Унг томонга тўғриланадиган ва бешта символгача ноллар билан тўлдириладиган, умумий узунликни ёзув маркери ва маълумотнома символларида, шу жумладан маълумотнома охирида майдон ажраткичини ҳисобга олган ҳолда кўрсатувчи ўнлик сон..

4.1.7 *Фойдаланувчи тизимлари учун* (17-19-ҳолатлар)

Улар фойдаланувчи тизимлари билан белгиланади.

4.1.8 *Маълумотнома режаси* (20-23-ҳолатлар)

20-ҳолат - маълумотнома ҳар битта моддасининг «маълумотлар майдони узунлиги» компоненти символларида узунликни кўрсатувчи битта ўнлик сон.

21-ҳолат - маълумотнома ҳар битта моддасининг «бошланғич символ ҳолати» компоненти символларида узунликни кўрсатувчи битта ўнлик сон.

22-ҳолат - маълумотнома ҳар битта моддасининг «қўллашда аниқланадиган қисм» компоненти символларида узунликни кўрсатувчи битта ўнлик сон.

23-ҳолат - келгусида қўллаш учун резервланган.

4.2 Маълумотнома

Маълумотнома моддаларнинг ўзгарувчан сонидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишли маълумотлар майдонини индентификация қилади (ёзув идентификатори, маълумотнома майдонлари ва ёзув майдонлари).

4.2.1 *Маълумотнома моддаси*

Модда келтирилган тартибда берилган қуйидаги компонентлардан иборат: «белги», «майдон узунлиги», «бошланғич символ ҳолати» ва (агар қўлланилса) «қўллашда аниқланадиган қисм».

Белги узунлиги - учта символ. Модданинг ҳеч қайси компоненти узунлиги бўйича 9 та символдан ошмайди. Маълумотноманинг барча моддалари бир хил тузилишга эга.

4.2.2 *Белги*

Маълумотлар ёзуви тегишли майдонининг қийматларини идентификация қилиш учун ёзувнинг ушбу тузилишини қўллаш бўйича алоҳида стандартда аниқланган учта символ.

Агар алоҳида стандарт бўлмаса, алмашув иштирокчилари ўртасида махсус битим тузилиши керак.

4.2.3 *Майдон узунлиги.*

Майдон узунлиги қуйидагиларга тенг:

1 аввалги белги билан идентификация қилинган маълумотлар майдонидаги символларнинг (шу жумладан, майдон индикатори ва ажраткичи) умумий сонига, ёки

2 маълумотноманинг ушбу моддаси умумий узунлиги маълумотнома моддасининг «маълумотлар майдони узунлиги» компонентидаги энг катта йўл қўйилган п ўнлик сонидан ошадиган маълумотлар майдонига тегишли эканлигини белгилайдиган нолга тенг. Бу ҳолда бу маълумотлар майдони бир неча қисмларга ажратилган сифатида қўрилади, ҳар бирининг узунлиги п га тенг, охиригиси бундан мустасно. Бунда ҳар бир қисм «белги» ва «қўллашда аниқланадиган қисм», шунингдек, маълумотноманинг бу моддаси

тегишли бўлган ўша қисм бошланғич символининг ҳолатидан иборат маълумотнома моддасига эга бўлади. Маълумотлар майдонининг ноль қиймати узунлиги, ушбу модда охири бўлмаган маълумотлар майдонининг охиригисига тегишли эканлиги ва унинг узунлиги п га тенглиги ёки

3 2-санаб ўтишда таърифланган маълумотлар майдонининг охиригисига қисмидаги символлар (шу жумладан, майдон ажраткичини ҳисобга олганда) сонига тенглигини билдиради.

2- ва 3-санаб ўтишларда таърифланган ҳолатларда айнан битта маълумотлар майдонининг қисмларига тегишли маълумотноманинг барча моддалари маълумотлар майдонининг қисмлари каби кетма-кетликда келиши керак.

4.2.4 *Бошланғич символ ҳолати*

Аввал келадиган белги билан идентификация қилинадиган маълумотлар майдонининг ҳолатини маълумотларнинг асосий манзилига нисбатан аниқлайдиган ўнлик сон (яъни, бевосита маълумотномадан кейин келадиган маълумотлар биринчи майдонининг бошланғич символи ҳолати нолга тенг).

4.2.5 *Қўллашда аниқланадиган қисми*

Маълумотноманинг ушбу моддаси билан идентификация қилинадиган маълумотлар майдонига тегишли қўшимча ахборотни тақдим этиш учун мўлжалланган.

4.3 *Майдонлар*

Барча майдонлар майдон ажраткичи билан тугаши керак.

Майдонларнинг қуйидаги учта тури мавжуд.

- ёзув идентификатори майдони: 001 белгиси;

- маълумотнома майдонлари: 002-009 ва 00А-002 белгилари (эхтиёж бўйича);

- маълумотлар майдонлари: 010-999 ва ОАА-222 белгилари (эхтиёж бўйича).

Ҳарfli символлар учун лотин алифб.осининг катта ёки кичик ҳарфларидан фойдаланилади.

Ҳарф ва рақамларнинг ҳар қандай комбинацияларига рухсат этилади. Ҳарф-рақамли белгилардан фойдаланганда, улар 00 дан бошланиши керак эмас, чунки маълумотнома майдонлари иккита нолдан бошланади.

4.3.1 *Ёзув идентификатори майдони*

Ёзувни тавсифлайдиган ва ёзувни яратадиган ташкилот томонидан бериладиган символлар.

Изоҳ - Ёзув идентификаторининг майдони ва маълумотнома майдонлари индикатор(лар) ва идентификатор(лар)га эга эмас.

4.3.2 *Маълумотнома майдонлари*

Ушбу майдонларда ёзувни қайта ишлаш учун керак бўлиши мумкин бўлган маълумотлар кўрсатилади.

Изоҳ - Ёзув идентификаторининг майдони ва маълумотнома майдонлари индикатор(лар) ва идентификатор(лар)га эга эмас.

4.3.3 *Маълумотлар майдони*

Ҳар бир майдон индикатор (мажбурий эмас), идентификатор(лар) (мажбурий эмас), маълумотлар ва майдон ажраткичидан иборат. Индикатор ёки идентификатор(лар) мавжудлиги ёки узунлиги ёзувдаги ҳар бир майдонда қўлланиши керак бўлган ёзув маркерининг тегишли компонентлари билан (индикатор узунлиги ёки идентификатор узунлиги) билан аниқланади.

Баъзи ёзувдаги ҳар бир маълумотлар майдони қуйидаги вариантлардан бири бўйича тузилиши керак (3-расм);

1 Маълумотлар. Бу ҳолатда ёзув маркердаги индикатор ва идентификатор узунлиги нолга тенг (3-расм, 1-вариант).

2 Идентификатор ва маълумотлар. Бу ҳолатда ёзув маркердаги индикатор узунлиги нолга тенг, идентификатор узунлиги 1 дан катта ёки унга тенг (3-расм, 2-вариант).

3 Индикатор ва маълумотлар. Бу ҳолатда ёзув маркердаги идентификатор узунлиги нолга тенг, индикатор узунлиги 1 дан катта ёки ўнга тенг (3-расм, 3-вариант).

4 Индикатор, идентификатор ва маълумотлар. Бу ҳолатда ёзув маркердаги индикатор ва идентификатор узунлиги 1 га тенг ёки ундан катта (3-расм, 4-вариант).

УЎТ 016:618.327.6:006.354 ДСТ 01.140.20 Т 62 СТШУТ 0007

Асосий сўзлар: ҳужжатлар, ахборотни қайта ишлаш, маълумот ёзувлари, ахборот алмашиш, маълумотларнинг тузилиши, машина ўқийдиган ташувчилар

ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

МАЪЛУМОТЛАР АЛМАШИНУВИ УЧУН ФОРМАТ

Ўзув мазмуни

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
бўйича давлатлараро кенгаш
Минск

Сўз боши

1 Бутунроссия илмий ва техник ахборот институти, Россия давлат оммавий илмий-техник кутубхонаси, Россия давлат кутубхонаси, Россия китоб палатаси, Ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборот институти, «Информрегистр» илмий-техник маркази ва ДТК 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техник кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2001 йил 22 майдаги 19-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлатлар номи	Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Грузия Республикаси	Грўзстандарт
Қозогистон Республикаси	Қозогистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	"Туркменстандартлари" Бошдавхизмати
Туркменистон Республикаси	«Туркменстандартлари» Бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлат кўмитасининг 2001 йил 4 сентябрдаги 372-сон қарори билан ГОСТ 7.19-2001 давлатлараро стандарта бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида 2002 йил 1 июлдан амалга киритилган.

4 ГОСТ 7.19-85 ўрнига

ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

МАЪЛУМОТЛАР АЛМАШИНУВИ УЧУН ФОРМАТ

Ўзув мазмуни

System of standards on information, librarianship and publishing.
Format for data interchange. Contents of record

Жорий этиш Siinacii 2002-07-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт маълумотлар алмашинуви учун маълумотлар элементларининг таркиби, мазмуни ва тақдим этилишини белгилайди ҳамда алмашинувда иштирок этадиган ахборот тизимлари томонидан фойдаланилиши мумкин.

Маълумотлар алмашинуви учун ўзув формата электрон кўринишдаги библиографик ўзувни ГОСТ 7.14 бўйича амалга оширади.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.1-84 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Хужжатнинг библиографик таърифи. Умумий қоидалар ва талаблар

ГОСТ 7.11-78 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик тавсифда хорижий-европа тилларида сўзлар ва сўз бирикмаларининг қисқартирилиши.

ГОСТ 7.12-93 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ўзув. Рус тилида сўзларни қисқартириш. Умумий талаблар ва қоидалар.

ГОСТ 7.14-98 (ИСО 2709-96) Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот алмашинуви учун формат. Ўзув таркиби.

ГОСТ 7.28-80 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Магнит тасмаларда ахборот алмашиш учун кенгайтирилган лотин алифбосининг тақдим этилиши.

ГОСТ 7.29-80 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Магнит тасмаларда ахборот алмашиш учун кенгайтирилган Кирилл алифбосининг тақдим этилиши.

ГОСТ 7.30-80 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Магнит тасмаларда ахборот алмашиш учун грек алифбосининг тақдим этилиши.

ГОСТ 7.52-85 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Магнит тасмаларда библиографик маълумотлар алмашуви учун коммуникатив формат. Хужжатни излаш

ГОСТ 7.53-86 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Китобни халқаро стандарт рақамлаш

ГОСТ 7.56-89 (ИСО 3297-86) Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Серилал нашрларни халқаро стандарт рақамлаш.

ГОСТ 7.64-90 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Куннинг муддати ва вақтини тақдим этиш. Умумий талаблар.

ГОСТ 7.67-94 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Мамлакат номларининг кодлари

ГОСТ 7.72-96 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. хужжатлар физик шаклининг кодлари

ГОСТ 7.75-97 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Тил номларининг кодлари

ГОСТ 7.76-96 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Хужжатлар фондини комплектлаш. Библиографиялаш. Каталог тўзиш. Атамалар ва таърифлар.

ГОСТ 34.301-91 (ИСО 6429-88) Информационная технология. 7-8-битные кодированные наборы символов. Управляющие функции.

ГОСТ 27463-87 Системы обработки информации. 7-битные кодированные наборы символов

ГОСТ 27466-87 Системы обработки информации. Наборы символов в 7-8-битных кодах. Методы расширения кодов

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда куйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилади:

3.1 библиографик ёзув: ГОСТ 7.76 бўйича

3.2 библиографик таъриф: ГОСТ 7.76 бўйича

3.3 хужжатнинг библиографик даражаси: Хужжатларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи тавсиф, улардан бири бошқа хужжат ёки хужжатлар гуруҳининг бир қисми ҳисобланади.

3.4 майдон: Ўзгарувчан узунликка эга, маълумотларнинг маълум тоифаси учун мўлжалланган, маълумотномадан кейин келадиган ва унинг мақолаларидан бири билан боғлиқ бўлган ёзув қисми. Маълумотлар майдонида бир ёки бир неча майдон қисмлари бўлиши мумкин.

3.5 белги: Майдонни идентификация қилиш учун фойдаланиладиган учта рақамли символлар мажмуи.

3.6 индикатор: Ўзгарувчан майдон билан боғлиқ, майдон мазмуни тўғрисидаги қўшимча ахборотни, ёзувдаги ушбу майдон ва бошқа майдонлар билан ўзаро боғлиқликни тақдим этувчи биринчи, рақамли ёки ҳарfli символ.

3.7 майдон қисми: Ахборотнинг маълум бирлигидан иборат бўлган майдон қисми.

3.8 идентификатор: Майдон ичидаги алоҳида майдон қисмларни идентификация қилувчи код. Биринчи символ - ажратгич, ГОСТ 7.14 бўйича белгиланган ҳар доим битта ноёб символ, иккинчи символ - рақамли ёки ҳарfli бўлиши мумкин бўлган майдон қисми коди.

3.9 маълумотлар элементи: Аниқ идентификация қилиниши керак бўлган библиографик ёзувнинг энг кичик бирлиги. Маълумотларнинг библиографик майдонларида маълумотлар элементи майдон қисми сифатида тақдим этилади.

3.10 маълумотлар элементининг белгиланиши: Маълумотлар элементини идентификация қилиш учун қўлланиладиган майдон қисми (унинг иккинчи симболи)нинг белгиси, индикатори ва идентификатори маъноларининг мажмуи.

3.11 бирламчи ёзув ости: Хужжатларга - маълумотларга ишлов бериш таъриф объектига ва (ёки) ҳолатларига ва умуман ёзувга тааллуқли маълумотлар элементларини ўз ичига олган ёзув ости.

3.12 иккиламчи ёзув ости: Бирламчи ёзув остига киритилмаган ёзув элементларини ўз ичигэ олган ёзув ости.

3.13 маълумотнома: Ёзувдаги маълумотлар жойини жойлашишининг кўрсаткичи.

3.14 ёзув маркери: Ҳар бир ёзув бошида жойлашган ва унга ишлов бериш параметрларини ўз ичига олган майдон.

3.15 маълумотнома режаси: Маълумотнома мақолаларининг структурасини белгилайдиган параметрлар тўплами.

4 Белгилашлар ва қисқартмалар

КБТ	Кутубхона-библиографик тасниф
БТМ	Бутунроссия таржима маркази
ИТАДТ	Илмий-техник ахборотнинг давлат тизими
АКТ	Ахборот-кидирув тили
ИДТ	Ихтироларнинг халқаро таснифи
НХ	Норматив ҳужжат
ИМТ	Ихтироларнинг миллий таснифи
ИТИ	Илмий-тадқиқот иши
ИТМ	Илмий-техник марказ
ТКИ	Тажриба-конструкторлик иши
ЁА	Ёзув ажраткичи
УЎТ	Универсал ўнлик тасниф
ISBN	Китобларнинг халқаро стандарт рақами
ISSN	Сериал нашрнинг халқаро стандарт рақами
ISDS	Сериал нашрларнинг халқаро тизими

5 Ёзув ва библиографик маълумотларни тақдим этиш структураси

5.1 Ёзув структураси ГОСТ 7.14 талабларига мувофиқ келиши лозим.

5.2 Ҳар бир библиографик ёзув таркибида қуйидагилар бўлиши керак:

- ёзув маркери;
- маълумотнома;
- майдонлар;
- ёзув ажраткичи.

Библиографик ёзувнинг умумий структураси:

Ёзув маркери	Маълумотнома	Майдонлар	Ёзув ажраткичи
--------------	--------------	-----------	----------------

5.3 Ёзув маркери 24 та символдан иборат. Ҳар бир ёзув ёзув маркеридан бошланади. Ёзув маркери ёзувга ишлов бериш учун мўлжалланган.

5.3.1 0-4-ҳолатларда ёзув узунлиги кўрсатилади.

5.3.2 5-ҳолатда 1-жадвалга мувофиқ ёзув мақомининг коди кўрсатилади.

1-жадвал. Ёзув мақомининг коди

Коди	Ёзув мақоми	Тушунтиришлар
1	Янги	Ушбу ҳужжат тўғрисидаги ёзув биринчи марта киритилмоқда
2	Ўзгартирувчи	Ёзув аввал киритилган баъзи маълумотлар элементларини қўшимча киритади ва (ёки) алмаштиради ва (ёки) бекор қилади
5	Йўқотувчи	Киритилаётган ёзув аввал киритилган ёзувни умуман йўқотади
Изоҳ - 3- ва 5-мақом кодларига эга ёзувдан фойдаланиш усулини фойдаланувчи белгилайди		

5.3.3 6-ҳолатда 2-жадвалга мувофиқ ҳужжат - тавсиф объекти библиографик даражасининг коди кўрсатилади.

2-жадвал. Ҳужжат - тавсиф объекти библиографик даражасининг кодлари

Код	Ҳужжатнинг библиографик даражаси	Ҳужжат тавсифи	Мисрлар
0	Сериал	Давомийлиги олдиндан белгиланмаган вақт мобайнида чиқадиган, одатда, бир сарлавҳага эга бўлган рақамланган ва (ёки) санаси қўйилган чиқаришлар (томлар) кўринишидаги нашр	1 Наука и жизнь 2 Труды Московского института инженеров геодезии, аэрофото-съемки и картографии
1	Кўп томли	Икки ёки ундан кўп рақамланган томлардан иборат, мазмуни ва расмийлаштирилиши бўйича яхлит даврий бўлмаган нашр	Словарь язка А.С.Пушкина. 4т. М., 1956-1961, т. 1-4
2	Бир томли	Бир томда чиқарилган даврий бўлмаган нашр	1 С.И.Ожегов. Словарь русского языка, М., 1972 2 Большая советская энциклопедия, 3-чи нашр, 1977, т 24 3 Наука и жизнь, 1999, 7-сон
3	Тахлилий	Ҳужжат алоҳида том (чиқариш)нинг қисми ҳисобланади	Горюнов И. Притяжение черных дыр // Поиск, 2001, 26 январь
4	Маълумотлар	Муаллиф томонидан	БД №ГР 0229600396

	базаси	яратилган ва илова қилинган ҳамда Маълумотлар базалари ва банклари давлат регистрида рухсатга олинган маълумотлар базаси	Экономика агропромышленного комплекса. ВИНИТИ
--	--------	--	---

5.3.4 7-ҳолатда 3-жадвалга мувофиқ ҳужжат синфининг коди кўрсатилади.

5.3.5 8, 9-ҳолатларда «Кўллаш кодлари» кўрсатилади. Бу кодлар шериклар ўртасидаги алмашинув бўйича битим билан белгиланади.

5.3.6 Индикатор узунлигини белгилайдиган 10-ҳолатда 1 қиймати кўрсатилади.

3-жадвал. Ҳужжатлар синфининг кодлари

Код	Шартли белгилаш	Ҳужжат синфи
1	КН	3 дан D гача бўлган кодларга эга синфларга тегишли бўлмаган китоблар, брошюралар ва бошқа бир мартали нашрлар
2	СН	3 дан D гача бўлган кодларга эга синфларга тегишли бўлмаган сериал нашрлар
3	ти	Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари тўғрисидаги ҳужжатлар
4	ди	Диссертациялар
5	пх	Патент ҳужжатлари
6	нх	Норматив ҳужжатлар
7	ск	Саноат каталоглари ва проспектлари
А	ЛпИ	Депонент илмий ишлар
В	шк	1 ва 2-кодларга эга синфларга тааллуқли бўлмаган шарҳлар ва кўрсаткичлар
с	ЭқмТ	Эълон қилинмаган таржималар
	АД	Алгоритмлар ва дастурлар
Р	АР	Ахборот ресурслар
Е	МБ	Маълумотлар базаси ва банклари

5.3.7 11-ҳолат «2» қийматини қабул қилиб, майдбн қисми идентификаторининг узунлигини белгилайди

5.3.8 12-16-ҳолатлар маълумотларнинг асосий манзилни кўрсатади.

5.3.9 17-ҳолатда А иловага мувофиқ кодлар тўплами кўрсатилади.

5.3.10 18-19-ҳолатларда фойдаланувчи тизимлари билан аниқланади.

5.3.11 Ёзув маркерининг 20-22-ҳолатлари тегишли равишда 4, 5, 3 рақамли қийматларни қабул қилади.

5.3.12 23-ҳолат резервланган.

5.4 Ҳар бир маълумотлар элементи учун келтирилган уч символли белгининг белгиланиши 4-жадвалда келтирилган.

ГОСТ 7.19-2001

Белгининг биринчи символи маълумотлар элементларини куйидагича таснифлайди:

- 0 - идентификация қилувчи маълумотлари;
- 1 - кодланган ахборот;
- 2 - библиографик тавсиф;
- 3 - изоҳлар;
- 4 - ёзувлар боғликлиги;
- 5 - бошқа сарлавҳалар (ўзаро боғлиқ сарлавҳалар);
- 6 - ҳужжатнинг қидирув образи (мазмун таҳлили);
- 7 - интеллектуал жавобгарлик;
- 8 - резерв (давлатлараро фойдаланиш);
- 9- ҳужжатни сотиб олиш ва сақлаш (локал фойдаланиш)

4-жадвалнинг давоми.

Мълумот элементининг белгилаши		Тақрирлаш шариhi		Хужжатларнинг синфи бўйича мълумотлар элементларини кулланишга мажбурийлиги													
Белги	Илмийкатор	Илмийкатор-Классификатор	Мълумотлар	Майдонлик	Стиль	КН	СН	СТ	ТИ	ИД	ХП	ХН	СК	ДП	КП	НҚЭС	ИУ
100	с	С	Бизу кутилган сана	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
100	с	Е	Таърихнинг чегаралаш белгиси 2)	-	+	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
100	с	Н	Пайвандлаш мамлакат	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
101	с	А	Хужжат асосий матнининг тиши	*	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
101	с	Д	Бир юзлик матн тиши	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
101	с	Е	Р. серат (внотация) тиши	+	+	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
103	с	А	Хужжатнинг физик шакли 3)	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
105	с	А	Сериял нашрнинг дарибалиги	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
105	с	С	Сериял нашрнинг макоти	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
106	с	А	Мълумотлар базасини аниқлаш дари	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
112	1	А	Мълумотлар базаси эгаси мулкнинг ташкилий-ҳужужий шакли	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
170	с	А	Хужжат таржимасининг макоти	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
170	с	В	Таржима тиши	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
171	с	А	ТИИ ва ТКИ ҳужжатлари (топилириги) шифри	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
171	с	В	ТКИни ишлаб чиқариш бозорчи	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
172	с	А	Иш характери	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
180	с	А	Мълумотлар базасининг тури	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
180	с	В	Мълумотлар базасининг вазифаси	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
180	с	С	Хужжатлар	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
180	с	Д	МБни етказиб беришда элгуви тури	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
180	с	Е	Ишни мольашиштириш маилбалари	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
200	с	А	Асосий сарлавҳа	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
200	с	Е	Сарлавҳала тегили мълумотлар	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
200	с	Е	Жавобгарлик халқда мълумотлар	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
200	с	Н	Том қисми ва хужжат секциясининг белгилаши	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
200	с	И	Том қисми ва хужжат секциясининг сарлавҳаси	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
200	с	К	Асосий сарлавҳа тиши	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
200	с	М	Юқори турувчи тилиқидиот	+	+	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
201	с	А	Параллел сарлавҳа	+	+	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
201	с	С	Параллел сарлавҳа тиши	+	+	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
202	с	А	Сериял шифр муҳтимаки бўлмаган мълумотнинг сарлавҳаси	-	-	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М

4-жадвалнинг давоми

Белги	Маълумот элементининг белгиланиши		Такрорла-ниши		Маълумотлар элементининг номи	Хужжатларнинг сифди бўйича маълумотлар элементларини қўллашнинг мажбурийлиги											
	Индиктор	Классифи-катор	Маълумот-лар	Бўв остида		КН	СН	СТ	ТИ	ДИ	ХП	НХ	СК	ДҒН	ПШ	НҚ	Ҳ
270	с	В	-	+	Дастуран тили												
270	с	А	-	-	ЭХМ												М
270	с	С	-	+	Фойдаланилган OT тури ва версияси												М
270	с	D	-	+	МБЕТ/АДП												М
271	с	F	-	-	Саклаш учун жўнатилган сана												М
271	с	G	-	-	Саклаш рақами												М
280	с	A	-	-	Тармоқ номи												
280	с	B	-	-	Тармоқ маъноси												
300	с	A	-	+	Изохлар												
380	с	A	-	+	Хужжатни ёрдамчи мати билан таъминлаш												
380	с	M	-	-	Хужжатни библиографик ҳаволалар билан таъминлаш												
390	с	A	-	-	Рефератив хужжатлар билан ас эгитириш												
400	с	A	-	+	Ёзувлар ўргасидаги идентификацион алоқанинг тури												
400	с	C	-	+	Боғлиқ хужжатнинг ёзув, ISBN ёки ISSN идентификаторининг маъноси												
400	с	E	-	+	Ёзувлар ўргасидаги муносабат характери												
401	с	A	-	+	Библиографик маълумотлар асосидаги ёзувлар ўргасидаги алоқа тури												
401	с	C	-	+	Ёзувлар ўргасидаги алоқани кўрсатувчи маълумотлар элементининг маъноси												
401	с	E	-	+	Библиографик маълумотлар билан боғланган ёзувлар ўргасидаги муносабат характери												
410	с	A	-	+	Боғланган ёзув ости коди												
410	с	C	-	+	Боғланган ёзув остининг библиографик даражаси												М
410	с	E	-	+	Ёзув остиларнинг муносабат характери												М
420	с	A	-	+	Биринчи боғланган маълумотлар элементининг белгиланиши												
420	с	C	-	+	Иккинчи боғланган маълумотлар элементининг белгиланиши												
420	с	E	-	+	Маълумотлар элементлари ўргасидаги муносабат характери												
500	с	A	-	+	Шарҳли сарлавҳа												
505	с	A	-	+	Сарлавҳа вариантти												
530	с	A	-	-	Ассосий сарлавҳа												

4-жадвалнинг давоми

Белги	Маълумот элементининг белгилаши		Таворлашиши		Маълумотлар элементининг номи	Хужжатларнинг сиффи бўлича маълумотлар элементларини куланишига мажбурийлиги											
	Илтифат-фикатор	Илтифат-фикатор	Маълумотлар	Майдонча		КН	СН	СТ	ТИ	ДИ	ПХ	НХ	СК	Дин	ШК	НрКН	АД
701	2	D	+	+	МБ маълумотнинг телефони												
701	3	A	-	-	Таржимон												
701	4	A	-	-	Маслаҳатчи												
701	5	A	*	*	Ёрдамчи маъмури												
701	6	A	-	-	Ихтиронинг индивидуал талабкори												
701	6	F	+	+	Ихтиро индивидуал талабдорининг турар жойи (мамлакат)												
701	7	A	-	-	Индивидуал патент эгаси												
701	7	F	+	+	Индивидуал патент эгасининг турар жойи (мамлакат)												
701	8	M	*	*	Иллюстратор												
710	0	A	-	-	Жамоа муаллифи							M					
710	0	B	-	-	Жамоа муаллифининг кескатирилган номи												
710	0	C	-	-	Жамоа муаллифининг параллел номи												
710	0	D	-	-	Жамоа муаллифининг турар жойи (шххар)												
710	0	E	-	-	Жамоа муаллифининг турар жойи (мамлакат)												
710	0	F	-	-	Жамоа муаллифининг турар жойи (мамлакат)												
710	1	A	-	-	Жамоа муаллифининг турар жойи (мамлакат)												
710	1	A	-	-	ИТИни бажарувчи-ташкilot								M				
710	1	B	-	-	ИТИни бажарувчи-ташкilotнинг кескатирилган номи												
710	1	D	-	-	ИТИни бажарувчи-ташкilot маълуми (шххар)												
710	1	E	-	-	ИТИни бажарувчи-ташкilot маълуми (давлат)												
710	1	S	-	-	ИТИни бажарувчи-ташкilot коди									M			
710	2	A	-	-	Навр этувчи-ташкilot												
710	2	C	-	-	Навр этувчи-ташкilot маълуми (шххар)												
710	2	E	-	-	Навр этувчи-ташкilot маълуми (мамлакат)												
711	0	A	-	-	Ихтиронинг жамоа талабкори												
711	0	C	-	-	Ихтиро жамоа талабдорининг турар жойи (шххар)												
711	0	E	-	-	Ихтиро жамоа талабдорининг турар жойи (мамлакат)												

4-жадвалнинг охири

Маълумот элементининг белгиланиши	Такрорланishi	Материаллар	Такрорланishi		Маълумотлар элементининг номи	Хужжатларнинг сифри бўйича маълумотлар элементларини қўллашнинг мажбуриятини																
			Материаллар	Езув остига		КН	СН	СТ	ТИ	ДИ	ПХ	НХ	СК	Дин	ШП	СЖ	Ў					
771	Ø	A	-	+	Ишлаб чикувчи - ташкилот																	
771	Ø	B	-	+	Ишлаб чикувчи - ташкилотнинг кискертирилган номи																	
771	Ø	C	-	+	Ишлаб чикувчи - ташкилот маъноси (шахар)																	
771	Ø	E	-	+	Ишлаб чикувчи - ташкилот маъноси (мамлакат)																	
771	1	A	-	+	Тайёрловчи ташкилот																	
771	1	B	-	+	Тайёрловчи ташкилотнинг кискертирилган номи																	
771	1	C	-	+	Тайёрловчи ташкилотнинг маъноси (шахар)																	
771	1	E	-	+	Тайёрловчи ташкилотнинг маъноси (мамлакат)																	
772	Ø	A	-	-	Депонент - ташкилот номи																	
905	Ø	B	-	-	Депонент - ташкилот маъноси																	
905	Ø	A	-	+	Хужжатни сақловчи - ташкилот																	
905	Ø	C	-	+	Хужжатни сақлаш шифри																	
905	Ø	E	-	+	Хужжатни сақловчи мамлакат																	
910	Ø	A	-	+	Хужжатни сотиб олиш шартлари																	
910	Ø	C	-	+	Хужжатни такдим этувчи - ташкилот																	
910	Ø	E	-	+	Хужжат такдим этувчи - ташкилотнинг жойлашган жойи (маъна)																	
930	Ø	A	-	-	Адаб																	

Маълумотлар элементининг мажбурий, агарда:

- 1) Езув иккиламчи Езув остига эга бўлса;
- 2) маълумотлар элементининг маъноси «А» дан фарқ қилса;
- 3) ишлов берилган хужжат босма бўлган ва машинада бўлмаган Езув шаклида такдим этилган бўлса;
- 4) хужжатнинг библиографик даражаси «2» қийматига эга бўлса;
- 5) «Нашр санаси» (210 & D) ва «Муаллифлик хужжатининг кучга кириш санаси» (210 & K) маълумотлар элементини бўлмас;
- 6) «Нашр санаси» (210 & D) маълумотлар элементини бўлмас;
- 7) «Хужжатни рўйхатга олиш санаси» (212 & M) маълумотлар элементини бўлмас;
- 8) қуйидаги келтирилган «Тезурут дескриптори» (630 & C), «Ассинг су» (640 & A), «Предмет рубрикаси» (670 & B) маълумот элементларидан бири мажбурий ҳисобланади.
- 9) ишлов берилган хужжат бир неча турларнинг белгиларини намойиш этса;
- 10) «Индивидуал муаллиф» (700 & A) маълумотлар элементини бўлмас;
- 11) «Индивидуал муаллиф» (700 & A) ва «Муҳаррир» (701 & A) маълумотлар элементлари бўлмас.

5.5 Индикатор ва идентификатор кийматлари рақамлар ёки катта лотин харфлари билан берилди.

5.6 Қўллашда аниқланадиган маълумотнома мақоласининг компоненти - қисм учта символ узунлигига эга ва қуйидагича фойдаланилади:

- биринчи символ шу майдонга тааллуқли ёзув ости кодини кўрсатади, агар майдон маълумотлари бирламчи ёзув остига тегишли бўлса, 0 кийматини қабул қилади, агар майдон маълумоти иккиламчи ёзув остининг бирига тегишли бўлса, 1-9 ёки А-2 кийматини қабул қилади. 1-8 кодларига эга иккиламчи ёзув остида қўлланадиган маълумотлар элементи 5-жадвалда келтирилган;

- иккинчи ва учинчи символлар бир ёзув ости доирасидаги айнан бир хил белгига эга маълумотлар майдонларининг рақамларини кўрсатади ва маълумотлар майдонининг биринчи ёки ягона пайдо бўлиши учун 01 ва худди ўша ёзув остида кейинги қайтариллишлар учун 02-22 кийматларини қабул қилади.

5.7 Ёзувда ҳужжатларнинг тавсифлари ўртасидаги расмий ёки мазмунли боғлиқлик, шунингдек боғлиқлик характери кўрсатилади. Бу боғлиқликни кўрсатиш учун «4» белгисининг биринчи символи билан маълумотлар элементларидан фойдаланилади.

Ҳужжат - тавсиф объекти билан боғлиқ ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ёзувда ёки унинг ташқарисида жойлашиши мумкин. Бу маълумотларни ёзув ичига жойлаштиришда уларни ҳужжат - тавсиф объекти билан боғлиқ ҳар бир ҳужжат учун биттадан иккиламчи ёзув остига гуруҳданади. Ҳужжат - тавсиф объекти тўғрисидаги маълумотлар бу ҳолда бирламчи ёзув остини ташкил этади.

Маълумотлари ёзув ташқарисида (бошқа ёзувларда) жойлашган ҳужжатлар билан боғлиқликни кўрсатувчи маълумотлар элементлари бирламчи ёзув остига жойланади.

Иккиламчи ёзув остиларининг бирламчи ёзув остилари билан боғлиқлигини кўрсатувчи маълумотлар элементлари боғланган иккиламчи ёзув остига жойланади.

Ҳар қандай иккиламчи ёзув ости билан шу боғлиқликни кўрсатувчи маълумотлар элементи жойлашиши керак бўлган бошқа иккиламчи ёзув остилар боғланган бўлиши мумкин.

Ёзув ости орасидаги алоқалар фақат ёзув ичида кўрсатилади.

Бир ёзув ости ичида маълумотлар элементлари ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилиши мумкин. Бу боғлиқликни кўрсатувчи маълумотлар элементи шу ёзув остига жойланади.

6 Маълумотлар элементлари

32	ИТИ ва ТКИнинг чоп этилмаган ҳисоботи
33	Лойиҳа материаллари (ҳисоботдан ташқари)
34	ЭХМ учун алгоритмлар ва дастурлар тавсифи
35	ИТИ ва ТКИ тўғрисида ҳисоботлар тўплами
39	Хорижий фирма ҳисоботи
3A	Хизмат сафари тўғрисида ҳисобот
41	Докторлик диссертацияси
42	Номзодлик диссертацияси
43	Диплом ишидан кейинги босқич ҳисобланган университет докторлик диссертацияси
44	Диплом иши
45	Диссертациянинг автореферати
46	Диссертациянинг авторефератидан иборат нашр
47	Диссертация мавзусини рўйхатга олиш картаси
50	Патент хужжатлари
51	Муаллифлик гувоҳномаси учун ихтиронинг тавсифи
52	Патент учун ихтиро тавсифи
53	Диплом учун кашфиёт тавсифи
54	Фойдали модель учун тавсиф

Б. 1 -жадвалнинг охири

Код	Ҳужжат тури
55	Маҳсулот белгиси, саноат намунаси ва б. учун ҳужжат
56	Му ҳужжат учун талабномага ихтиро тавсифи
57	Патент ҳужжатлари тўплами
58	Патент ҳужжатларидан ташкил топган нашр
60	Норматив ҳужжатлар (НХ)
61	Халқаро НХ
62	Давлатлараро стандарт
63	Тармоқ стандарти
64	Раҳбарий услубий ва норматив ҳужжатлар
65	НХ ва услубий материаллар тўплами
66	НХ ва услубий материаллардан иборат нашр
67	64 турга кирмаган йўриқнома ва услубий ҳужжатлар
68	Республика миқёсидаги НХ
69	Техник ҳужжатлар
6A	Ассоциация, фирма, корхоналарнинг стандартлари
70	Саноат каталоглари
71	Проспект
72	Проспект, буклет, реклама нашри, ёрлик, планшет
73	Ускуна ва маҳсулот, нархнома, номенклатура каталоги учун прејскурант
74	Эксплуатация қилиш, монтаж қилиш, таъмирлаш, ўзгартириш бўйича йўриқномалар
75	Фирма материаллари тўплами
76	Паспорт, техник тавсиф
A0	Сақлашга топширилган илмий ишлар
BO	Шарҳ ва кўрсаткичлар
B1	Ахборот varaка
B4	Шарҳ, маълумотнома (1, 2-синфларга кирмаган)
B5	Мавзули кўрсаткичлар (1, 2-синфларга кирмаган)
CO	Чоп этилмаган таржималар
DO	Алгоритмлар ва дастурлар
EO	Маълумотлар базалари ва банклари

В илова
(мажбурий)

Хужжат характери тўғрисида қўшимча маълумотлар

В.1-жадвал

Код	Хужжат характери
01	Авиа лойиҳа
02	Манзиллар дафтари
03	Альбом (чизмалар, расмлар ва б.)
04	Аннотация
05	Архив материаллари
06	Библиографик нашр
07	Дастурлар кутубхонаси
08	Муассаса нашри
09	Қўргазма материаллари
10	Маъруза, маъруза тезислари
11	Хорижий диссертация
12	Якуний ҳисобот
13	Жамоат ташкилотлари нашри
14	Алгоритм, дастурнинг ахборот картаси
15	Манбашунослик нашри
16	Картографик нашр
17	Конструкторлик хужжатлари
18	Варақа-каталог
19	Конференция материаллари
20	Оммавий-сиёсий характердаги материаллар
21	Илмий-оммабоп хусусиятидаги материаллар
23	Ёдномалар
24	Методик материаллар
25	Меъёрлар
27	Обзор
28	Алгоритм, дастур тавсифи
29	Дастурни қўллаш тавсифи
30	Тармоқ каталоги
31	Халқаро ташкилотнинг расмий нашри
33	Дастурлар пакети
34	Таржима
35	Ходимлар
36	Тушунтириш хати
37	Ҳукумат нашри
38	Ишлаб чиқариш учун прескурант
39	Препринт
40	Дастур

В.1-жадвалнинг охири

Код	Хужжат характери
41	Дастур модули
42	Дастур комплекси
43	Дастур тизими
44	Оралиқ ҳисобот
45	Ишчи лойиҳа
46	Рекламага оид техник хабар
47	ИСО тавсияси
48	Реферат, рефератив нашр
49	Тақриз
50	АҚТ луғати
51	Стандарт
52	Дастурнинг спецификацияси
53	Маълумот жадвали
54	Статистик материаллар
55	Технолргик хужжатлар
56	Техник ишчи лойиҳа
57	Намунавий лойиҳа
58	Кўрсаткич
59	Уқув нашри
60	Диссертациянинг ҳисобга олиш картаси
61	Чизма
62	Эксплуатация хужжатлари
63	Энциклопедия

УЎТ 001.891 [047]:006.354 ДСТ 01.140.20 Т62 СТШУТ 0007

Асосий сўзлар: формат, алмашинув, ахборот ресурслари, маълумотлар базалари, маълумотлар, библиографик ёзув, библиографик маълумотлар, маълумотлар элементлари

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

САНОАТГА ОИД КАТАЛОГЛАР

Умумий талаблар

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича
давлатлараро кенгаш
Минск

Сўз боши

1 РФА Бутунроссия илмий ва техник ахборот институти, Информэлектро, ДТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техник кўмитаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2003 йил 8 январдаги 9-сон баённома, ёзишма бўйича)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Тожикистон Республикаси	Тожикстандарт
Туркменистон	«Туркмстандартларн» Бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Уздавстандарт
Украина	Украина Давстандарти

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш ва метрология бўйича Давлат кўмитасининг 2003 йил 29 майдаги 167-ст-сон қарори билан ГОСТ 7.22-2003 давлатлараро стандарти 2004 йил 1 январдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

4 ГОСТ 7.22-80 ЎРНИГА

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

САНОАТГА ОИД КАТАЛОГЛАР

Умумий талаблар

System of standards information, librarianship and publishing
Industrial catalogues. General requirements

Жорий этиш санаси **2004-01-01**

1 Куллаш соҳаси

Ушбу стандарт саноатга оид каталоглар учун тегишли бўлиб, уларнинг тури, тузилиши, мазмуни, тайёрлаш тартиби, расмийлаштирилиши, кўлёмаларни нашр учун такдим этиш, каталогларни нашр этиш ва тарқатиш ишларини белгилайди.

Ушбу стандарт қоидалари реклама тариқасида фойдаланиладиган саноатга оид каталогларда, стендолди адабиётларида, деталлар ва йиғиш бирликлари каталогларида фойдаланилади.

Стандарт каталогларни нашр қилишта тайёрлаш учун бошланғич маълумотларни такдим этувчи барча хўжалик фаолияти субъектлари томонидан фойдаланиш учун тавсия этилади.

Стандарт экспорт учун мўлжалланган реклама тариқасида фойдаланиладиган саноатга оид каталоглар учун тааллуқли эмас.

2 Норматив хаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга хаволалардан фойдаланилади:

ГОСТ 2.114-95 Единая система конструкторской документации. Технические условия

ГОСТ 2.201-80 Единая система конструкторской документации. Обозначение изделий и конструкторских документов

ГОСТ 7.4-95 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар, чиқиш маълумотлари.

ГОСТ 7.60-90 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Асосий турлари. Атамалар ва таърифлар

3 Таърифлар

Ушбу стандартда атамалар ГОСТ 7.60 бўйича қўлланилади.

4 Умумий қондалар

4.1 Саноатга оид каталоглар серияли чиқариладиган, серияли ишлаб чиқаришга тавсия этилган, ишлаб чиқаришдан олиб ташланган маҳсулотлар тўғрисида маълумотларни, шунингдек маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида киритиладиган параметрларнинг ўзгаришлари, техник ва эксплуатацион (истеъмол) характеристикалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши ва ахборотнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва тезкорлигини таъминлаши керак.

4.2 Каталогларни тайёрлашда бошланғич маълумотлар сифатида стандартлаштиришнинг миллий тизими талабларйга, нархлар прејскурантига, техник шартларга, техник таърифларга ва фойдаланиш бўйича йўриқномаларга мувофиқ равишда амал қиладиган стандартлар маълумотларидан фойдаланилади.

4.3 Каталогларда келтирилган саноат маҳсулотлари ва улар тўғрисида маълумотларнинг ўзгариши ҳақидаги ахборотнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун ушбу маълумотларни тақдим этувчи хўжалик фаолияти субъектлари масъулдир.

5 Сакоатга оид каталогларнинг турлари, мазмуни ва тузилиши

5.1 Стандарт саноатга оид каталогларнинг қуйидаги турларини белгилайди:

- номенклатурага оид;
- варақча-каталог;
- проспект;
- прејскурант;
- шунингдек, саноатга оид каталоглар кўрсаткичи.

5.2 Номенклатурага оид каталог

5.2.1 Номенклатурага оид каталог истеъмолчиларни ҳозирги вақтда серияли чиқарилаётган ёки яқин вақтда ишлаб чиқаришга тайёрланаётган саноат маҳсулотлари тўғрисидаги қисқача маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган.

У маҳсулотлар тури бўйича тузилади, номенклатураси ишлаб чиқарувчи корхона томонидан тасдиқланган серияли саноат

маҳсулотларининг рўйхати ва асосий техник характеристикаларини ўз ичига олади.

Каталог нашрининг шакли - китоб ёки электрон кўринишида.

5.2.2 Номенклатурага оид каталогда маҳсулотлар номлари миллий таснифлаш бўйича ўрнатилган тасниф гуруҳларида, гуруҳлар ичида - турлари ва ўлчамлари бўйича жойлаштирилган.

5.2.3 Номенклатурага оид каталог ўз ичига қуйидагиларни олади:

муқова;

ГОСТ 7.4 га мувофиқ титул вараш;

аннотация;

кириш;

асосий қисм - маҳсулотларнинг техник маълумотлари;

шартли белгилар ва қабул қилинган қисқартмалар (зарур ҳолларда);

алифбо-предмет кўрсаткичи (зарур ҳолларда);

мазмун;

УЎТ индекси;

илмий ва техник ахборотнинг Давлат рубрикатори индекси;

миллий таснифлаш бўйича маҳсулот коди;

иловалар.

5.2.4 Номенклатурага оид каталогнинг асосий мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

маҳсулот номи унинг серияси, тури, модели, маркаси ва маҳсулотнинг белгиланиши кўрсатилган норматив ҳужжатларга мувофиқ - ГОСТ 2.201 бўйича;

маҳсулотни миллий таснифлаш бўйича маҳсулот коди;

асосий мақсади ва қўлланиш соҳаси;

истеъмолчига етказиш (чегаралашлар) шартлари;

бажарилиши (конструктив ва эксплуатация қилиш шартлари бўйича, шу жумладан экспорт);

маҳсулотнинг қисқача техник характеристикаси;

маҳсулот мувофиқ келадиган давлатлараро, миллий стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг белгиланиши;

прейскурант тартиб рақами ва нашр йили кўрсатилган прейскурант бўйича нарх ёки нашр йили ва тўпламни тузувчи ташкилот кўрсатилган ҳолда корхонадан бериладиган нархларининг тўплами бўйича;

варақча-каталогга ҳавола (зарур ҳолларда);

тайёрловчи тўғрисида маълумотлар.

5.3 Варақча-каталог

5.3.1 Варақча-каталог истеъмолчилар томонидан зарур саноат маҳсулотларини танлаш, буюртма қилиш ва ундан фойдаланиш учун

ахборотнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. У серияли чиқариладиган саноат маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади ва бир вазифани қўзлайдиган маҳсулотларнинг алоҳида турлари ёки гуруҳлари (сериялари)нинг таърифлари ва маҳсулотлар каталоги ишлаб чиқилган техник шароитлар йиғиндисидан иборат.

Каталог нашрининг шакли - варақа ва(ёки) китоб, электрон кўринишида.

5.3.2 Варақча-каталог ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

муқова (китоб нашри учун);

ГОСТ 7.4 бўйича титул варағи;

кириш (китоб нашри учун);

асосий матн;

мазмунни (китоб нашри учун);

нашр белгиси (варақали нашр учун);

УЎТ индекси;

илмий ва техник ахборотнинг Давлат рубрикатори индекси.

5.3.3 Варақча-каталогнинг асосий матни маҳсулот турига қараб қуйидагилардан ташкил топиши керак:

маҳсулот номи ГОСТ 2.201 бўйича унинг серияси, тури, модели, маркаси ва маҳсулотнинг белгиланиши кўрсатилган давлатлараро, миллий стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ;

маҳсулотни миллий таснифлаш бўйича маҳсулот коди;

мақсади ва қўлланиш соҳаси;

бажарилиши (конструктив ва эксплуатация қилиш шартлари бўйича, шу жумладан экспорт);

шартли белгилар ва қабул қилинган қисқартмалар (зарур ҳолларда);

маҳсулот мувофиқ келадиган давлатлараро, миллий стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг белгиланиши;

ГОСТ 2.114 бўйича асосий техник маълумотлар;

маҳсулотнинг асосий параметрлари ва ўлчамлари тўғрисидаги маълумотлар, энг катта, белгиланган ва бириктирилган ўлчамлари билан унинг тасвири ва уларнинг чегаравий оғишлари;

чиқариладиган ускуна бўйича зарур маълумотлар, пойдевор ўрнатиш бўйича кўрсатмалар, пойдевор болтлари ёки таянч асосларини жойлаштириш режаси; динамик юктамаларнинг аҳамияти ва қўйиш жойлари;

иктисодий техник ва эксплуатация кўрсаткичлари (ишлаб чиқариш, тезлик, фойдали иш коэффициенти, электр энергия, ёқилғи, мой ҳаражати, ишлатиладиган энергия тури, умумий белгиланган қувват, ҳар бир двигатель ва электр иситиш қурилмасининг қуввати ва тури);

физик-кимё ва механик хоссалари тўғрисида маълумотлар;

ташқи муҳит омилларининг таъсирида маҳсулот параметрларининг барқарорлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, маҳсулотнинг атроф-

муҳитга таъсири омиллари тўғрисидаги маълумотлар (эксплуатациянинг ўзига хос шартларида);

етказиб бериш комплектлиги;

транспортда ташиш ва сақлаш шароитлари (зарур бўлганда маҳсулотнинг энг оғир таркибий қисми массасини олиб келиш керак);

бошқа маълумотлар:

техника хавфсизлиги бўйича тавсиялар;

буюртмани сўров варақасининг шаклини (зарур бўлса) кўрсатган ҳолда расмийлаштириш тартиби;

ишлаб чиқувчи ташкилот тўғрисида маълумотлар;

тайёрловчи тўғрисида маълумотлар.

5.4 Проспект

5.4.1 Проспект маҳсулотга бўлган талабни яратиш мақсадида улар тўғрисидаги маълумотларнинг ўзига диққатни жалб қилиш шаклида баён этиш учун мўлжалланган.

5.4.2 Проспект куйидагилардан иборат бўлиши керак:

маҳсулот номи ГОСТ 2.201 бўйича унинг серияси, тури, модели, маркаси ва маҳсулотнинг белгиланиши кўрсатилган давлатлараро, миллий стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ;

УЎТ индекси;

илмий ва техник ахборотнинг Давлат рубрикатори индекси;

маҳсулотни миллий таснифлаш бўйича маҳсулот коди;

маҳсулот мувофиқ келадиган давлатлараро, миллий стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг белгиланиши;

маҳсулотни тайёрловчи тўғрисида маълумотлар;

ГОСТ 2.201 бўйича серияси, тури, модели, маркаси ва белгиланиши кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқаришдан олиб ташланган маҳсулотга алмаштирилган маҳсулот номи;

янги маҳсулотни тайёрловчи тўғрисида маълумотлар (зарур бўлса);

ишлаб чиқувчи тўғрисида маълумотлар.

5.5 Прейскурант

Прейскурант материаллар, маҳсулотлар, ускуналар, ишлаб чиқариш операциялари, нархларни кўрсатган ҳолда хизматларнинг, шунингдек (зарур бўлса) уларнинг қисқа тавсифларининг тартиблаштирилган рўйхатини баён этиш учун мўлжалланган.

5.6 Саноатга оид каталоглар кўрсаткичи

Саноатга оид каталоглар кўрсаткичи - ишлаб чиқарилаётган ва ишлаб чиқаришдан олиб ташланган, лекин эксплуатация қилинаётган маҳсулотлар, ИТАДР рубрикалари бўйича тизимлаштирилган саноатга оид каталогларнинг йиллик рўйхати.

6 Саноатга оид каталогларни нашрга тайёрлаш ва нашр қилиш тартиби

6.1 Нашрларнинг қўлёзмаларини тайёрлаш ва тақдим этиш, каталоглар ва каталоглар кўрсаткичларини нашр этиш муддатларини ҳар бир хўжалик фаолияти субъекти белгилайди. Қўлёзмалар ГОСТ 7.4 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

6.2 Саноатга оид каталоглар барча турларининг нашр этилиши амалдаги миллий қонун ҳужжатлари билан белгиланган органлар томонидан амалга оширилади.

УЎТ 025.3:006.354 ДСТ 01.140.20 Т62 СТШУТ 0007

Асосий сўзлар: варақча-каталог, нашрлар, номенклатурага оид каталог, прејскурант, проспект

Д А В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

АХБОРОТ НАШРЛАРИ

Тузилиши ва расмийлаштириш

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
бўйича давлатлараро кенгаш
Минск

Сўз боши

1 Бутунроссия илмий ва техник ахборот институти (БИТАИ), Россия давлат оммавий илмий-техник кутубхонаси (Россия ДООИТК) ва ТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (1996 йил 4 октябрдаги 10-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Белоруссия Републикаси	Белстандарт
Қозоғистон Ресиубликаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Тожикистон давлат маркази
Туркменистон	Туркманбошинспекция
Украина	Украина Давстандарти

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Давлат қўмитасининг 1997 йил 13 февралдаги 52-сон қарори билан ГОСТ 7.23-96 давлатлараро стандарти 1998 йил 1 январдан Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

4 ГОСТ 7.23-80 ЎРНИГА

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

АХБОРОТ НАШРЛАРИ

Тузилиши ва расмийлаштириш

System of standards of information, librarianship and publishing,
information publications. Structure and presentation

Жорий этиш санаси 1998-01-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт асосий ахборот нашрлари турларининг тузилиши ва расмийлаштирилишига бўлган талабларни белгилайди.

Стандарт ахборот нашрларини, шу жумладан, машина ўқув ташувчиларида ҳам тайёрловчи ва чиқарувчи ташкилотлар учун мўлжалланган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.0-84 АКНИТ. Библиографик фаолият. Асосий атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.1-84 АКНИТ. Хужжатнинг библиографик таърифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

ГОСТ 7.4-95 АКНИТ. Нашрлар. Чиқувчи маъумотлар

ГОСТ 7.5-88 АКНИТ. Журналлар, тўпламлар, ахборот нашрлари. Нашрга оид расмийлаштириш элементлари

ГОСТ 7.9-95 АКНИТ. Реферат ва аннотация. Умумий талаблар

ГОСТ 7.11-78 АКНИТ. Библиографик таърифда хорижий европа тилларида сўз ва сўз бирикмаларини қисқартириш

ГОСТ 7.12-93 АКНИТ. Библиографик ёзув. Рус тилидаги сўзларни қисқартириш. Умумий талаблар ва қоидалар

ГОСТ 7.49-84 АКНИТ. ИТАДАТ рубрикатори. Тузилиши, фойдаланиш ва юритиш қоидалари.

ГОСТ 7.57-89 АКНИТ. Нашрлар. Нашр ва китоб савдоси

ГОСТ 7.23-96

библиографик кўрсаткичлари. Умумий талаблар

ГОСТ 7.59-90 АКНИТ. Индекслаш. Тизимлаштириш ва предметлаштиришга қўйиладиган умумий талаблар

ГОСТ 7.60-90 АКНИТ. Нашрлар. Асосий турлари. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.61-90 АКНИТ. Нашрлар. Давлат (миллий) библиографик кўрсаткичлар. Умумий талаблар

ГОСТ 7.66-92 АКНИТ. Хужжатларни индекслаш. Координатали индекслашга қўйиладиган умумий талаблар

ГОСТ 5773-90 Китоб ва журнал нашрлари. Форматлар

3 Таърифлар

Стандартда қўлланадиган атамалар ГОСТ 7.0 ва ГОСТ 7.60 бўйича.

4 Умумий қоидалар

4.1 Ахборот нашрлари, уларнинг мазмунини ташкил қилган ахборотни таҳлилий-синтетик қайта ишлаш даражасига кўра библиографик, рефератив, шарҳли (ГОСТ 7.60 бўйича) ва аралаш турларга бўлинади. Аралаш нашр бир вақтнинг ўзида библиографик, рефератив ва шарҳли ахборотни ўз ичига олиши мумкин.

Ахборот нашрлари бир томли, кўп томли ва сериялар билан нашр қилиниши мумкин.

Материалнинг тузилишига кўра, ахборот нашрлари китоб, журнал ва варакали; даврийлигига кўра, даврий бўлмаган, даврий ва давомли турларга бўлинади.

4.2 Библиографик нашрларга библиографик кўрсаткичлар, библиографик рўйхатлар, библиографик шарҳлар ва библиографик каталоглар киради.

Давлат, нашр ва китоб савдоси библиографик кўрсаткичлари тузилиши ва расмийлаштирилишининг хусусиятлари ГОСТ 7.57 ва ГОСТ 7.61 да ўз аксини топган.

4.3 Рефератив нашрларга рефератив журналлар, рефератив тўпламлар, экспресс-ахборот, ахборот варакалари киради.

4.4 Шарҳли нашрларга бир ёки бир неча таҳлилий шарҳларни ўз ичига олувчи ахборот нашрлари киради.

5 Ахборот нашрларининг тузилиши

5.1 Ахборот нашрларининг элементлари

Ахборот нашрлари қуйидаги элементлардан таркиб топган:

- асосий қисм;
- маълумотқидирув аппарати;
- қўшимча маълумотлар;
- чиқувчи маълумотлар.

Асосий қисм ва чиқувчи маълумотлар мажбурий элемент ҳисобланади.

5.2 Библиографик нашрнинг асосий қисми

5.2.1 Библиографик нашрнинг асосий қисми библиографик ёзувларнинг тартибга солинган мажмуини ифодалайди.

5.2.2 Библиографик ёзув куйидагилардан иборат:

- ёзувнинг идентификация рақами;
- библиографик ёзувнинг сарлавҳаси;
- аннотация;
- индекслаш атамалари (ахборот-қидирув тилининг элементлари: тасниф индекслари; предмет рубрикалари ва бошқалар);
- ҳужжатнинг турган жойи тўғрисидаги маълумотлар.

Ҳужжатнинг библиографик таърифи мажбурий элемент ҳисобланади.

5.2.2.1 Ёзувнинг идентификация рақами (тартиб рақами) ҳужжатнинг библиографик таърифидан олдин ёки мавжуд бўлса, библиографик ёзувнинг сарлавҳасидан олдин келтирилади.

Тартиб рақами араб рақамлари билан қўйилади.

5.2.2.2 Библиографик ёзувнинг сарлавҳаси ГОСТ 7.1 бўйича берилади.

5.2.2.3 Ҳужжат, унинг бир қисми ёки бир гуруҳ ҳужжатларнинг библиографик таърифи ГОСТ 7.1 бўйича берилади.

5.2.2.4 Аннотация ГОСТ 7.9 бўйича берилади.

5.2.2.5 Индекслаш атамалари (АҚТ элементлари) ГОСТ 7.49 ва ГОСТ 7.59 га мувофиқ бўлиши керак. Муайян библиографик нашр доирасида индекслаш атамаларининг жойлашуви бир хил бўлиши керак.

5.2.2.6 Ҳужжатнинг муайян библиографик нашр доирасида жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар (сақлаш шифри, ташкилот номи ва бошқалар) бир хил шаклда келтирилиши керак.

5.2.3 Сўз ва сўз бирикмаларини қисқартириш ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 бўйича белгиланади. Кўрсатилган стандартларга қўшимча қабул қилинган қисқартмалардан фойдаланишга йўл қўйилади (бундай қисқартмалар рўйхати маълумот-қидирув аппаратининг таркибий қисми сифатида келтирилади).

5.2.4 Библиографик ёзувлар куйидагича гуруҳланади:

- мазмунига кўра - расман қабул қилинган таснифлаш тизимига мувофиқ (ИТА давлат рубрикатори, УЎТ, КБТ, ХПТ) ёхуд махсус ишлаб чиқилган рубрикаторга кўра;

расмий белгиларига кўра - муаллифлар алифбосида ёки ҳужжатларнинг сарлавҳаларида, хронологик тартибда;

- ҳужжатларнинг турларига кўра;

- санаб ўтилган белгиларнинг комбинациясидан фойдаланиш йўли билан.

5.2.5 МДХ мамлакатлари тилларидаги (рус тилидан ташқари) библиографик нашрларда рубрикалар номини рус тили ва хорижий тиллардаги таржимаси билан бирга келтирилишига йўл қўйилади.

5.3 Рефератив нашрнинг асосий қисми

5.3.1 Рефератив журнал, рефератив тўплам, экспресс-ахборотнинг асосий қисми рефератни ўз ичига оловчи библиографик ёзувларнинг тартибга солинган мажмуини ўзида ифода этади.

5.3.2 Рефератив нашрлар библиографик ёзувининг тузилиши библиографик нашрлар библиографик ёзуви тузилишига мувофиқ келади (4.2.2-бандга қаранг).

5.3.2.1 Рефератив нашрлардаги библиографик ёзувнинг идентификация раками ушбу нашрнинг чиқиш йили ва сони тўғрисидаги ахборотни, ҳужжат турининг белгиланиши ва бошқа маълумотларни ўз ичига олади.

5.3.2.2 Реферат ГОСТ 7.9 бўйича берилади.

Рефератив нашрларда чоп этилаётган рефератлар чоп этилган ски чоп этилмаган ҳужжатлардан олинishi ёки ушбу нашр учун махсус тузилиши мумкин.

Рефератларда рефератни тайёрлашда қатнашган шахслар ва ташкилотлар ҳамда ҳужжатнинг таҳририятга келиб тушган санаси тўғрисида маълумотлар келтирилишига йўл қўйилади.

5.3.2.3 Индекслаш атамалари ГОСТ 7.49, ГОСТ 7.59, ГОСТ 7.66 га мувофиқ бўлиши лозим.

5.3.3 Рефератив журналнинг асосий қисмига чегараланган сондаги рефератларсиз ва аннотацияларсиз библиографик ёзувларни, рефератив тўплам ва экспресс-ахборотга йиғма рефератларни киритишга йўл қўйилади.

5.3.4 Рефератив нашрларда библиографик ёзувларни гуруҳлаш 4.2.4- бандга мувофиқ амалга оширилади.

5.4 Шарҳли нашрнинг асосий қисми

5.4.1 Шарҳли нашрнинг асосий қисми бирламчи ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотларни таҳлилий-синтетик қайта ишлаш натижаси бўлган шарҳ ёки бир неча шарҳлардан иборат. Шарҳ кўриб чиқилаётган масалалар (объектлар, муаммолар, фаолият йўналишлари), уларнинг ҳолати, даражаси ҳамда асосланган танқидий баҳо билан ривожлантириш тенденциялари, хулосалар ва тавсиялар бўйича тизимлаштирилган маълумотларни қисқа шаклда ўз ичига олади.

5.4.2 Шарҳнинг асосий қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кириш қисми;

- таҳлилий қисм;
- хулосалар;
- иловалар.

Таҳлилий қисм шарҳнинг мажбурий қисмидир.

5.4.2.1 Кириш қисми шарҳ мавзуларини танлашнинг қисқача асосини, таҳлил этилаётган даврнинг вақт чегараларини, фойдаланилаётган ҳужжатларнинг турларини, шарҳнинг мавзулари бўйича олдин бажарилган шарҳдар билан боғлиқлигини ўз ичига олиши керак.

5.4.2.2 Таҳлилий қисм муаммонинг ҳақиқий мазмуни, муаммонинг асосий хусусиятлари, таҳлили ва баҳосини ўз ичига олиши керак.

Шарҳнинг таҳлилий қисмида фойдаланилган ахборот манбалари рўйхатининг тартиб рақамлари, бирламчи ҳужжатларнинг муаллифлари фамилиялари ва (ёки) асосий сарлавҳалари, нашр йили ва бошқалар кўринишидаги матн ичидаги ҳаволаларни жойлаштириш тавсия этилади.

5.4.2.3 Хулосалар аниқланган янги йўналишлар, тенденциялар ва ривожланиш истикболлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлиши керак.

5.4.2.4 Шарҳнинг асосий мазмунини тўлдирувчи жадваллар, намуналар, тажрибалар натижалари, маълумотнома ҳаракатидаги материалларни шарҳ матнига киритишга ёки иловаларда келтиришга йўл қўйилади.

5.5 Маълумот-қидирув аппарати

Ахборот нашрларининг маълумот-қидирув аппарати куйидагиларни ўз ичига олади:

- мундарижа;
- сўз боши (кириш);
- нашрдан фойдаланиш бўйича қўлланма;
- тасниф схемаси;
- ҳаволалар тизими;
- фойдаланилган ахборот манбалари рўйхати;
- қисқартмалар ва шартли белгилар рўйхати;
- ёрдамчи кўрсаткичлар.

5.5.1 Библиографик ва рефератив нашрларнинг мундарижаси бўлим биринчи бетининг рақами ёки бўлим бошланадиган ёзувнинг идентификацион тартиб рақами кўрсатилган ҳолда, уларнинг нашрда жойлашган кетма-кетлигига қараб санаб чиқилган бўлимлар (кичик бўлимлар)нинг рўйхатидан иборат бўлиши керак.

Серияли ёки кўп томли нашрларда мундарижа ҳар бир сон, жилд, томда келтирилиши ва ҳар бир нашр учун доимий жойда жойлаштирилиши керак.

Шарҳли нашрлар мундарижаси ГОСТ 7.5 бўйича берилади.

5.5.2 Сўз боши (кириш қисми) нашрнинг вазифалари, характери ва мақсадларини, унинг нимани мўлжаллашини, нашр этиш тартибини (даврийлигини, тартиб сонлари билан белгиланишини, серияларга бўлинишини) аниқлаб бериши, акс эттирилган бирламчи хужжатларнинг саралаш мезонларини кўрсатиши ва маълумот-қидирув аппарати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Сўз бошида ахборот нашрининг таркатилиши, дастлабки манбалар ёки улар нусхаларининг олинishi тартиби тўғрисидаги маълумотларни келтиришга йўл қўйилади.

Серияли нашрларда сўз боши (кириш) нашрнинг биринчи сони, жилди, томида келтирилиши керак. Нашр характери ўзгарганда сўз боши (кириш) ўзгаришлар тўғрисидаги тегишли ахборот билан бирга нашрнинг навбатдаги сони, жилди, томида жойлаштирилган бўлиши керак.

МДХ халклари тилларидаги нашрларда (рус тилидан ташқари) сўз бошининг рус тилига ва хорижий тилларга таржимасини жойлаштиришга йўл қўйилади.

5.5.3 Нашрдаи фойдаланиш бўйича қўлланма алоҳида ёки сўз боши (кириш) таркибда келтирилади. Нашрдан фойдаланиш бўйича қўллангани серияли нашрнинг ҳар бир чиқиш жилдида жойлаштириш керак.

5.5.4 Тасниф схемаси ахборот нашрининг асосий қисмидаги рубрикалар ва кичик рубрикаларнинг тартибга солинган рўйхатидан иборат бўлиши керак.

Тасниф схемаси нашрнинг асосий қисмида материаллар жойлашувини нашрнинг аниқ бир сони мундарижасига қараганда янада батафсилроқ аниқлаб беради.

Тасниф схемаси нашрнинг мундарижаси билан мос келиб қолса, тасниф схемаси келтирилмайди. Шунингдек, сўз бошида ёки нашрдан фойдаланиш бўйича қўлланмада алоҳида нашр этилган тасниф схемасига ҳавола берилганда ҳам тасниф схемаси келтирилмайди.

Серияли нашрларда тасниф схемасини ҳар йилнинг биринчи сонидан, бир мартада чиқариладиган кўп томли нашрларда - биринчи томда келтириш керак.

5.5.5 Ҳаволалар тизими библиографик ва рефератив нашрларнинг турли бўлимларида библиографик ёзув ва рефератлар такрорланишининг олдини олиш учун қўлланилади.

Ҳаволалар бир ёки бир неча ахборот нашрларининг бўлимларини (кичик бўлимларини) ўзаро бир-бири билан боғлаб туриши мумкин.

Ҳаволалар нашрнинг асосий қисмида, тасниф схемаси ёки мундарижада келтирилади.

5.5.6 Фойдаланилган ахборот манбаларининг рўйхати ахборот нашрини яратишда асос қилиб олинган манбалар номидан иборат бўлиши керак.

Серияли библиографик ва рефератив нашрларда фойдаланилган ахборот манбаларининг рўйхатини ҳар йилнинг биринчи ва (ёки) охириги сониди жойлаштириш керак, фойдаланилган ахборот манбаларининг рўйхаги жойлаштириладиган жой доимий бўлиши керак.

Шарҳли нашрларда фойдаланилган ахборот манбаларининг рўйхати ГОСТ 7.1 бўйича расмийлаштирилади ва шарҳнинг охирида жойлаштирилади.

5.5.7 Қисқартмалар ва шартли белгилар рўйхати ушбу нашрда фойдаланилган, ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 билан белгиланмаган қисқартмаларни, шунингдек шартли белгилари ва уларнинг расшифровкаларини ўз ичига олиши керак.

Серияли нашрларда қисқартмалар ва шартли белгилар рўйхатини нашрнинг ҳар бир сони, жилди, томида жойлаштириш керак. Қисқартмалар ва шартли белгилар рўйхати жойлаштирилган жой доимий бўлиши керак.

5.5.8 Ёрдамчи кўрсаткичлар (предмет, тизим, муаллиф, жамоалар, сарлавҳалар, формулалар, патентлар ва бошқалар) тегишли библиографик ёзувлар ёки шарҳ қисмларига ҳавола билан ахборот нашрининг асосий қисмидагига нисбатан ҳужжатлар тўғрисида бошқача маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Ёрдамчи кўрсаткичлар нашрнинг асосий қисмидан кейин жойлаштирилади. Ёрдамчи кўрсаткичларни алоҳида нашр этишга йўл қўйилади.

5.6 Қўшимча маълумотлар

Ахборот нашрларининг қўшимча маълумотлари қуйдагиларни ўз ичига олади:

- буюртма бланки;
- тескари алоқа бланки (талони);
- реклама ҳарактеридаги маълумотлар.

5.6.1 Буюртма бланки ушбу нашрда акс эттирилган бирламчи ҳужжатлар ва (ёки) уларнинг нусхалари ҳамда бошқа хизматларни (масалан, таржималарни) олиш учун буюртма шакли ва уни расмийлаштириш қоидаларини ўз ичига олиши керак.

5.6.2 Тескари алоқа бланки (талони) чоп этилаётган материалларнинг истеъмолчининг ахборот сўровларига ва улардан фойдаланиш ҳарактерига мувофиқ келиши тўғрисидаги расмийлашган маълумотлар тўпламидан иборат бўлиши керак.

Буюртма бланки ва тескари алоқа бланкини бирлаштиришга йўл қўйилади.

5.6.3 Ахборот нашрларига реклама ҳарактерига эга маълумотларни киритишга йўл қўйилади.

5.7 Чиқувчи маълумотлар

5.7.1 Даврий бўлмаган ахборот нашрларининг чиқувчи маълумотлари ГОСТ 7.4 бўйича белгиланади.

Чиқувчи маълумотларнинг қўшимча элементлари ва чиқувчи маълумотларнинг айрим элементларини расмийлаштириш хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Давлат илмий-техник ахборот рубрикаторидаги рубрика коди;
- сарлавҳа устидаги маълумотларни расмийлаштириш;
- сарлавҳа остидаги маълумотларни расмийлаштириш;
- УЎТ индекси (шарҳли нашрлар учун);
- реферат (шарҳли нашрлар учун).

5.7.1.1 Давлат илмий-техник ахборот рубрикаторининг (ДИТАР) ахборот нашри мавзусига мувофиқ келувчи рубрика коди ГОСТ 7.49 бўйича келтирилади ва муқова биринчи бетининг юқори чап бурчагида ёки муқова устининг олд томонида, муқова бўлмаганда - титул varaғининг, қўшма титул varaғининг ёки нашр биринчи бетининг юқори чап бурчагида жойлаштирилади.

5.7.1.2 Сарлавҳа устидаги маълумотларда нашр қайси ташкилот номидан чиқаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни келтириш қуйидаги хусусиятларга эга.

Титул varaғининг ёки қўшма титул varaғининг юқори қисмида, шунингдек муқованинг биринчи бетида тепадан пастга қараб қуйидагиларни жойлаштирадилар:

- ахборот органи қарашли бўлган вазирлик (идора)нинг тўлиқ номи;
- номидан ахборот нашри чиқаётган, ахборот фаолиятини амалга оширувчи ахборот органи ёки бошқа ташкилотнинг тўлиқ номи;
- ахборот органининг қисқартирилган номи;

5.7.1.3 Библиографик нашрларнинг сарлавҳа остидаги маълумотларида унга киритилган материалларнинг турлари ва хронологик чегараларини кўрсатиш керак.

Ёрдамчи кўрсаткичнинг алоҳида нашри учун сарлавҳа остидаги маълумотларга қуйидагилар қиради:

- кўрсаткич тури (агар у нашр сарлавҳасида кўрсатилмаган бўлса);
- кўрсаткич тузилган нашр комплектининг йили (йиллари);
- қўп томли нашрнинг ушбу томига кирувчи ҳужжатларнинг кидириш элементлари.

5.7.1.4 УЎТ индекси ва реферат фақат шарҳли нашрларда келтирилади: УЎТ индексини муқованинг иккинчи бети ёки титул varaғининг орқа томони юқори чап бурчагида жойлаштирадилар.

Рефератни муқованинг иккинчи бетида ёки титул varaғининг орқа томонида жойлаштирадилар. Рефератни УЎТ белгиси ва библиографик

таърифдан сўнг жойлаштирадилар.

Реферат ГОСТ 7.9 бўйича берилади.

5.7.2 Даврий ва давомли ахборот нашрларининг чикувчи маълумотлари ГОСТ 7.4 бўйича берилади.

Чикувчи маълумотларнинг қўшимча элементлари ва чикувчи маълумотларнинг айрим элементларини расмийлаштириш хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- Давлат илмий-техник ахборот рубрикаторининг рубрика коди (5.7.1.1- бандга қаранг);

- сарлавҳа устидаги маълумотларни расмийлаштириш (5.7.12-бандга қаранг);

- сарлавҳа остидаги маълумотларни расмийлаштириш (5.7.1.3, 5.7.2.1- бандларга қаранг);

- УЎТ индекси (шарҳли нашрлар учун) ва реферат (шарҳли нашрлар учун) (5.7.1.4-бандга қаранг).

5.7.2.1 Сарлавҳа остидаги маълумотлар куйидагилардан иборат:

- ахборот нашрининг тури тўғрисидаги маълумотлар;

- даврийлиги тўғрисидаги маълумотлар;

- нашрга асос солинган йил.

Ахборот нашрининг тури тўғрисидаги маълумотларни титул варағида ёки қўшма титул варағида, шунингдек, муқованинг биринчи бетидан нашр сарлавҳаси (номи) остида жойлаштирадилар.

Ахборот нашрининг даврийлиги тўғрисидаги маълумотларни (даврий нашрлар учун), нашрга асос солинган йилни титул варағида ёки қўшма титул варағида ахборот нашрининг чиқиш сони ёки алоҳида сарлавҳаси остида жойлаштирадилар.

6 Ахборот нашрларини нашрга оид расмийлаштириш

6.1 Библиографик ва рефератив нашрларнинг тузилиш элементларини (бўлимлар номи, улар олдидаги тасниф индекслари, бўлимларнинг муҳаррирлари тўғрисидаги маълумотлар, колонтитулларни) нашрга оид расмийлаштириш, шунингдек, шарҳли нашрларда чоп этиладиган шарҳли мақолаларни нашрга оид расмийлаштириш ГОСТ 7.5 бўйича амалга оширилади.

6.2 Ахборот нашрларининг формати ГОСТ 5773 бўйича белгиланади.

6.3 Бетларни рақамлаш (пагинация) араб рақамлари билан келтирилиши керак.

6.4 Ахборот нашрининг ҳар бир библиографик ёзувида ёзувнинг ўта муҳим элементларини (масалан, сарлавҳалар, дескрипторлар ва бошқалар) шрифтли ажратиш тавсия этилади.

6.5 Нашрларнинг алоҳида турларини визуал қидириши

ГОСТ 7.23-96

енгилаштириш мақсадида муқовада ёки нашр муқовасиз чиқётган бўлса, қўшма титул варағининг сарлавҳа қисмида жойлашган чиқувчи маълумотларни бир хил шрифтли ва (ёки) рангли расмийлаштириш мақсадга мувофиқ.

6.6 Нашр этувчи ташкилот эмблемаси (маркаси) тасвирини муқовада ёки нашр муқовасиз чиқётган бўлса, қўшма титул варағида жойлаштириш керак.

Асосий сўзлар: ахборот нашрлари, библиографик нашрлар, рефератив нашрлар, шарҳли нашрлар, асосий қисм, маълумот-қидирув аппарати, чиқувчи маълумотлар, расмийлаштириш

Д А В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

**АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ УЧУН ЛОТИН АЛИФБОСИ
СИМВОЛЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТЎПЛАМИ**

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
бўйича давлатлараро кенгаш
Минск**

Сўз боши

1 РФА Бутунроссия илмий ва техник ахборот институти, «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» ДТҚ 191 Стандартлаштириш бўйича техник кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан қабул қилинган (2002 йил 6 ноябрдаги 22-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизистон Республикаси Давстандарти
Молдова Республикаси	Молдова Республикаси Давстандарти
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожикстандарт
Туркменистон	«Туркманстандартларн» бош хизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт
Украина	Украина Давстандарти

3 Ушбу стандарт ИСО 5426-83 «Расширенный набор кодированных символов латинского алфавита для обмена библиографической информацией» (раздел 3 Основная таблица) ва ИСО 5426-2-96 «Расширенный набор кодированных символов латинского алфавита для обмена библиографической информацией. Часть 2. Латинские буквы, знаки, используемые в малораспространенных европейских языках и старопечатных книгах» (раздел 4. Расширение латинского алфавита для малораспространенных европейских языках и старопечатных книг) халқаро стандартларининг тўлиқ ўхшаш матнини ўз ичига олади.

4 Россия Федерацияси Стандартлаштириш ва метрология бўйича Давлат кўмитасининг 2003 йил 3 мартдаги 66-сон қарори билан ГОСТ 7.28-

2002 давлатларaro стандарти бевосита 2003 йил 1 июлдан Россия Федерациясининг стандарти сифатида амалга киритилган.

5 ГОСТ 7.28-80 ЎРНИГА

Д А В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ УЧУН ЛОТИН АЛИФБОСИ

СИМВОЛЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТЎПЛАМИ

System of standards on information, librarianship and publishing Extension
of the Latin alphabet coded character set for information interchange

Жорий этиш санаси 2003-07-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт 146 та график символлар, жумладан уларнинг номлари, белгиланишлари, кодлари ва ахборот алмашинуви учун фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмаларини ўз ичига олган тўпламини белгилайди.

График символларнинг тўплами асосий ҳинд-европа ва алифболари символларнинг белгиланган тўплами чегарасидан чиқмайдиган, лотин графикасига асосланган бошқа тилларда ҳамда бошқа тилларнинг транслитерация қилинган ва романлаштирилган шаклларида маълумотлар алмашинуви учун мўлжалланган.

Символлар тўплами эски нашр қилинган китобларда қўлланган специфик белгиларни ўз ичига олади.

Символларнинг ушбу тўплами ГОСТ 27466 бўйича символлар тўпламларини кенгайтириш методига мувофиқ ГОСТ 27463 билан белгиланган символлар билан биргаликда қўлланилади.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 27463-87 Системн обработки информации. 7-битные кодированные наборы символов

ГОСТ 27466-87 Системы обработки информации. Наборы символов в 7- ва 8-битных кодах. Методы расширения кодов.

3 Асосий жадвал

3.1 1-жадвал замонавий матнларни тақдим этишнинг етарли бўлган кўпгина ҳолларида 76 та диакритик белгилар, лигатуралар ва махус символларнинг кодларини белгилайди. Кодли жадвал структураси ГОСТ 27463 га мувофиқ келади.

3.2 Ушбу тўпلامга уч турдаги белгилар киритилган. 1-жадвалнинг 2- ва 3-устунлари тиниш белгилари ва махус символларни ўз ичига олади. 4- ва 5-устунлар фақат бошқа белгилар билан биргаликда қўлланиладиган ва уларнинг устига қўйиладиган диакритик белгиларни ўз ичига олади. Диакритик белгилар модификация қилинган белгилардан олдин келади ва матнда алоҳида интервални эгалламайди. Айрим тилларда қўлланиладиган специфик ҳарфлар 6- ва 7-устунларни эгаллайди.

3.3 График символларнинг белгиланиши, номи ва қўлланиши 2-жадвалда кўрсатилганларга мувофиқ келиши керак.

3.4 2-жадвалда кодлар, график тасвирлар, фойдаланиш мисоллари, ўзбек ва инглиз тилларидаги номлари ва изоҳ келтирилган.

1-жадвал. График символлар кодлари

					b ₇	0	0	0	0	1	1	1	1
					b ₆	0	0	1	1	0	0	1	1
					b ₅	0	1	0	1	0	1	0	1
b ₄	b ₃	b ₂	b ₁		0	1	2	3	4	5	6	7	
0	0	0	0	0				⊞ ¹⁾	⊞	⊞	3	s	
0	0	0	1	1			/	'	⊞	⊞	G	g	
0	0	1	0	2			*	⊞	⊞	⊞	H	h	
0	0	1	1	3			†	⊞	⊞	⊞	K	k	
0	1	0	0	4			⊞	⊞	⊞	⊞	N	n	
0	1	0	1	5			⊞	⊞	⊞	⊞	P	p	
0	1	1	0	6			⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	
0	1	1	1	7			⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	
1	0	0	0	8			⊞	⊞	⊞	⊞	Q	q	
1	0	0	1	9			7	7	⊞	⊞	R	r	
1	0	1	0	10			2	5	⊞	⊞	F	f	
1	0	1	1	11			⊞	⊞	⊞	⊞	P	p	
1	1	0	0	12			⊞	⊞	⊞	⊞	3	3	
1	1	0	1	13			⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	
1	1	1	0	14			⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	
1	1	1	1	15			⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	

¹⁾ Кейинчалик стандартлаштириш учун резервланган

2-жадвал. График символларнинг белгиланиши ва номи

1-жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			Ўзбекча	Халқаро	
Махсус белгилар					
2/0	Резерв	—	—	—	—
2/1	ı	i Pare	Тўнтарилган ундов белгиси	Inverted exclamation mark	Испан тилида қўлланади
2/2	”	„Unter der. . .	Иккиталик очадиган пастки	Double open quote	Сатр остида қўйилади
2/3	£	£5.00	Фунт стерлинг	Pound sign	—
2/4	\$	\$2.00	Доллар	Dollar sign	—
2/5	¥	¥300	Иена	Yen sign	—
2/6	†	word†	Хоч	Single dagger	Ҳавола белгиси
2/7	§	§5	Параграф	Section or paragraph mark	
2/8	'	50' (minutes of angle: feet; X = first derivative)	Вертикал штрих	Prime	Минутлар, футлар, биринчи ҳосила
2/9	'	'Four score . . .	Битталиқ очадиган кўш-тирноқ	Single open quote	Сатр устида қўйилади
2/10	“	"Hurry!	Иккиталиқ очадиган устки кўштирноқлар	Double open quote	Сатр устида қўйилади
2/11	«	«C'est ia vi'e.	Бурчакли кўштирноқлар	Angle quote	Муайян тилдаги қўллаш қоидаларига боғлиқ ҳолда очадиган ёки ёпадиган кўштирноқлар
2/12	b	Bb	Бемоль	Musical flat	Муסיкий белги
2/13	©	©2002	Муаллифлик ҳуқуқи	Copyright	—
2/14	®	®2002 Doe Records Inc.	Овоз ёзиш учун муаллифлик ҳуқуқи	Sound recording copyright statement	
2/15	®	XУ2®	Рўйхатга олинган савдо белгиси	Registered trade mark	Сатр устидаги белги

2-жадвалнинг давоми

1-жадвалдаги ўрни	Белгила ниши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			ўзбекча	халқаро	
3/0	‘	T'-ai-pe'i	Айн	Ayn	Транслитерация қилишда қўлланади. Битталиқ очадиган остки қўштирнок сифатда фойдаланилиши керак эмас
3/1	‘	Un ' yushō	Алиф/Хамза	Alif/Hamzah	Транслитерация қилишда қўлланади. Битталиқ ёпадиган остки қўштирнок сифатида фойдаланилиши керак эмас
3/2	‘	,Über. . .	Битталиқ очадиган пастки қўштирнок	Single open quote	Сагр остида қўйилади
3/6	‡	wod ‡	Иккиталиқ хоч	Double dagger	Ҳавола белгиси
3/7	·	novel·la	Уртадаги	Middle dot	Каталан тилида қўлланади
3/8	"	8" (seconds of angle; inches; x" = second derivative)	Иккита штрих	Double prime	Бурчак секундлари, дюмлар, иккинчи кўпайтма
3/9	'	Four score...'	Битталиқ ёпадиган устки қўштирнок	Single closed quote	Сагр устида қўйилади
3/10	”	Hurry!”	Иккиталиқ ёпадиган қўштирноклар	Double closed quote	Сагр устида қўйилади
3/11	»	C'est la vie.»	Бурчакли Кўштирноклар	Angle quote	Муайян тилда қўллаш коидаларига боғлиқ ҳолда очадиган ёки ёпадиган қўштирноклар
3/12	#	C #	Диез	Musical sharp	Муסיкий белги
3/13	'	Fakul 'et	Юмшатиш белгиси	Myagkij znak	Кирилл ёзувларини транслитерация қилишда қўлланади

2-жадвалнинг давоми

1-жадвалдаги ўрни	Белгиланishi	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			ўзбекча	халқаро	
3/14	”	Ob”iavlēnie	Айириш белгиси	Tverdyj znak	Кирилл ёзувларини транслитерация
3/15	¿	¿Què	Тўнтарилган сўрок белгиои	Inverted question mark	Испан тилида кўлланади
Диакритик белгилар					
4/0	ˆ	cūi	Сўрок оҳанги	Low rising tone mark	Вьетнам тилида кўлланади
4/1	˘	règle	Гравис Заиф урғу	Grave accent	Бир қатор европа тилларида кўлланади
4/2	˙	está	Акут Кучли урғу	Acute accent	Бир қатор европа тилларида кўлланади
4/3	ˆ	même	Циркумфлекс	Circumflex accent	Бир қатор европа тилларида кўлланади
4/4	˜	niño	Тильда	Tilde	Эстон, португал, испан ва бошқа тилларда кўлланади
4/5	ˉ	gājējs	Унли устидаги чўзиқ белгиси	Macron	Латиш, Литва ва бошқа тилларда кўлланади
4/6	˘	altā	Унли устидаги қиска белгиси	Breve	Румин, турк ва бошқа тилларда кўлланилади
4/7	•	žaba	Устидаги нукта	Dot above	Литва, поляк ва бошқа тилларда транслитерация қилишда
4/8	¨	Zaïre	Трема Диерез	Trema Diaeresis	Бир қатор тилларда
4/9	¨	är, öffen, öppna, über	Умляут	Umlaut	Эстон, немис, фин ва бошқа тилларда
4/10	◌◌	hår	Устидаги айлана	Circle above	Чех, скандинавия ва бошқа тилларда кўлланади

2-жадвалнинг давоми

1-жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			Ўзбекча	халқаро	
4/11	˘	rozdel'ovac	Ҳарфга нисбатан силжиган устидаги вергул	High comma off centre	Чех, словак ва бошқа тилларда қўлланади
4/12	˙	geotermika	Устидаги вергул, тўнгарилган	High inverted comma centred	Латиш тилида қўлланади
4/13	˝	időszaki	Қўш ақут	Double scute accent	Венгер тилида қўлланади
4/14	̣	xựa	Илмоқ	Horn	Вьетнам ва бошқа тилларда транслитерация қилишда қўлланади
4/15	̂	vždy	Ғачек	Hacek	Литва, эстон, чех, латиш ва бошқа тилларда қўлланади
5/0	̇	çȧ	Седиль	Cedilla	Француз тилида ва бошқа бир қатор тилларда қўлланади
5/1	̈	kḧong	Тескари седиль	Rude	Транслитерация қилишда қўлланади
5/2	̣̂	darzị̂ṅa	Чапга илмоқ	Hook the left	Латиш, румин тилларида қўлланади
5/3	̣̂̂	vietậ̂	Уннга илмоқ	Hook the right or ogonek	Литва, поляк тилларида қўлланади
5/4	˚	Mahar̄ṣicaritā mṝgam	Остидаги айлана	Circle below	Транслитерация қилишда қўлланади
5/5	̣̂̂̂	ḥumantus	Остидаги ярим айлана	Half circle below	Транслитерация қилишда қўлланади
5/6	̣̂̂̂̂	teḍa	Остидаги нукта	Dot below	Транслитерация қилишда қўлланади
5/7	̣̂̂̂̂̂	Kḥuṭ̣ban	Қўш нукта остида	Double dot below	Транслитерация қилишда қўлланади

2-жадвалнинг давоми

1-жадвалдаги ўрни	Белгилан иши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			ўзбекча	халқаро	
5/8	-	samar	Тагига чизиш	Underlinee	Транслитерация қилишда қўлланади
5/9	=	Ghulam	Икки чизик чизиш	Double underline	Транслитерация қилишда қўлланади
5/10		lati qwq	Вертикал чизик остида	Vertical bar	Транслитерация қилишда қўлланади
5/11	ˆ	njen	Остки циркумфлекс	Circumflex below	Кашуб тилида ва транслитерация қилишда қўлланади
5/13	ˆ	Akademīā	Лига ва қўш тильданинг чап қисми	Left half of ligature sign and of double tilde	Лига ва қўш тильда биринчи қисмлари бир хил бўлган икки қисмга бўли-нади
5/14	ˆ	Akademīā	Лиганинг ўнг қисми	Right half of ligature sign	Транслитерация қилишда қўлланади
5/15	ˆ	ñgalan	Қўш тильданинг ўнг қисми	Right half of double tilde	Тагаль тилида қўлланади
Махсус ёзма ҳарфлар					
6/1	Æ	Ætna	Лигатура AE	Ligature AE	Дания, норвегия ва бошқа тилларда қўлланади
6/2	Đ	Đuro	Чизиб ташланган D	Slash D	Серб-хорват, исланд ва бошқа тилларда қўлланади
6/6	IJ	IJselemeer	Диграф I J	Digraph Ij	Нидерланд тилида қўлланади
6/8	Ł	Łódź	Чизиб ташланган L	Slash L	Поляк ва лужиц тилларида қўлланади
6/9	Ø	Øst	Чизиб ташланган O	Slesh O	Дания, норвегия тилларида қўлланади

2-жадвалнинг охири

1-жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			Ўзбекча	халқаро	
6/10	Œ	Œuvre	Лигатура OE	Ligature OE	Француз ва бошқа тилларда қўлланади
6/12	Þ	Þann	Торн	Thorn	Исланд тилида ва бошқа тилларда қўлланади
Махсус кичик ҳарфлар					
7/1	æ	skæg	Лигатура ae	Ligature ae	Дания, Норвегия ва бошқа тилларда қўлланади.
7/2	đ	đavola	Чизиб ташланган d	Slash d	Серб-хорват ва бошқа тилларда қўлланади
7/3	ð	verður	Эт	Eth	Исланд тилида ва бошқа тилларда қўлланади
7/5	ı	masaıı	Нуктасиз i	Dotless i	Турк тилида ва бошқа тилларда қўлланади
7/6	ij	Rijks	Диграф ij	Digraph ij	Нидерланд тилида ва бошқа тилларда қўлланади
7/8	ı̇	rozbiı̇	Чизиб ташланган l	Slash l	Поляк, лужицаликлар тилида ва бошқа тилларда қўлланади
7/9	ø	høj	Чизиб ташланган o	Slash o	Дания ва норвегия тилларида ва бошқа тилларда қўлланади
7/10	œ	œuvre	Лигатура sz (эс сет) -	Ligature oe	Француз тилида ва бошқа тилларда қўлланади
7/11	ß	Schloß		Ligature sz	Немис тилида ва бошқа тилларда қўлланади
7/12	Þ	Þann	Торн	Thorn	Исланд тилида ва бошқа тилларда қўлланади.

4 Кам тарқалган европа тиллари ва эски нашр қилинган китоблар учун лотин алифбосини кенгайтириш

4.1 3-жадвал эски нашр қилинган матнларга тегишли бўлган, ГОСТ 27466га мувофиқ кенгайтирилган, ГОСТ 27463 бўйича асосий тўплам билан бирга маълумотларга ишлов бериш тизимлари ўртасидаги ахборот алмашинуви учун мўлжалланган 70 та график символлардан ташкил топган қўшимча тўплани ўз ичига олади.

4.2 3-кодли жадвал код ва график символдан ташкил топган. Кодли жадвалнинг структураси ГОСТ 27463 га мувофиқ келади.

4.2.1 Ушбу тўпламга белгиларнинг уч тури киритилган:

- лотин тилидаги матнларда кўп учрайдиган қисқартмаларни белгилаш учун белгилар, символлар ва махсус ҳарфлар (3-жадвал, 2- ва 3- устунлар); комбинацияланадиган белгилар (интервалсиз - интервални эгалламайдиган, матн сатрида интервал талаб қилмайдиган) (3-жадвал, 1- устун);

- эски китоблар ва/ёки кам тарқалган тилларда ишлатиладиган махсус ҳарфлар ва аббревиатуралар (3-жадвал, 6- ва 7- устунлар).

4.2.2 Лотинча қисқартмаларни билдирадиган белгилар маъносига қараб ўзгартирилиши мумкин. Аввалги ноширлар (ва матнларни библиографик ёзувларда қайта ишлайдиганлар) қўлёзмалар урф-одатларига риоя қиладилар. Белгини танлаш унинг ҳақиқий киймати (маъносига) аниқ мувофиқлиги билан эмас, балки ташқи кўриниши билан белгиланиши керак.

4.2.3 4-жадвалда кодланган белгилар (3-жадвал, 4/0-4/12-позициялар), интервални талаб қилмайдиган комбинацияланадиган белгиларни ифодалайдилар, яъни чиқариш қурилмасини олдинга сурмасдан ишлатилади. Ҳарфлар каторида бу белгилар улар модификация қиладиган ҳарфлардан олдин ёзилади. Битта ҳарф билан бирлаштирилган бир нечта комбинацияланадиган белгилар, агар чапдан ўнгга ёки пастдан юқорига ўқилганда, улар пайдо бўладиган тартибда кодланиши керак. Бу белгилар интервал (оралик) талаб қиладиган бошқа белгилар билан комбинацияланиши (бирлаштирилиши) учун мўлжалланган.

4.3 4-жадвалда кодлар, график тасвирлар, ишлатиш мисоли, ўзбек ва инглиз тилларидаги номлари ва изоҳ келтирилган.

3-жадвал. График символлар кодлари

					b ₇	0	0	0	0	1	1	1	1
					b ₆	0	0	1	1	0	0	1	1
					b ₅	0	1	0	1	0	1	0	1
b ₄	b ₃	b ₂	b ₁		0	1	2	3	4	5	6	7	
0	0	0	0	0				⊞ ¹⁾	⊞	⊞	З	з	
0	0	0	1	1			/	'	⊞	⊞	Г	г	
0	0	1	0	2			*	⊞	⊞	⊞	Н	н	
0	0	1	1	3			⊞	⊞	⊞	⊞	К	к	
0	1	0	0	4			⊞	⊞	⊞	⊞	Н	н	
0	1	0	1	5			⊞	⊞	⊞	⊞	Р	р	
0	1	1	0	6			⊞	⊞	⊞	⊞	Р	р	
0	1	1	1	7			⊞	⊞	⊞	⊞	Р	р	
1	0	0	0	8			⊞	⊞	⊞	⊞	Q	q	
1	0	0	1	9			?	⊞	⊞	⊞	R	r	
1	0	1	0	10			2	⊞	⊞	⊞	Ф	ф	
1	0	1	1	11			⊞	⊞	⊞	⊞	Р	р	
1	1	0	0	12			⊞	⊞	⊞	⊞	З	з	
1	1	0	1	13			⊞	⊞	⊞	⊞	Ф	ф	
1	1	1	0	14			⊞	⊞	⊞	⊞	Г	г	
1	1	1	1	15			'	⊞	⊞	⊞	⊞	⊞	

¹⁾ Кейинчалик стандартлаштириш учун резервланган

4-жадвал. График символларнинг белгилари ва номлари

3-жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			ўзбекча	халқаро	
2/1	/	Das ist / ein	Узун вcргул (вергуллар)	long comma-virgule	Айриш белгиси сифатида ишлатилади
2/2	*	* ⁸	Олти киррали юдузча	six spoked asterisk	—
2/3	¶	¶ I. inferno	Хатбоши белгиси	pilcrow sign	—
2/4	☞	☞ ⁸	Ўнг томонлама оқ кўрсаткич	white right pointing index	—
2/5	●	●Primo	Чап томонлама ккора ўк	black leftwards bullet	Параграф (хатбоши) белгиси сифатида ишлатилади
2/6	↵	↵ ⁸	Чап томонлама варақли ёй	leftwards leaf arrow	Муқовалашда имзо белгиси сифатида ишлатилади
2/7	đ	đ ⁸	Оғма кичик ҳарф d	letter sloped d	Лотин ҳарфи
2/8	Резерв	—	—	—	—
2/9	7	7 in terra pax	Қисқартириш белгиси - тўлқинсимон етти	contraction mark wavy digit seven	«et» лотин сўзи ўрнига қўлланади
2/10	ꝛ	ꝛfitetur	Қисқартириш белгиси: тўнтарилган илмоқли лотин ҳарфи "c"	contraction mark latin small latin reversed c with ogonek	«cop» лотин олд қўшимчаси ўрнига қўлланади
2/11	ꝛ	dieꝛ	Қисқартириш белгиси: тўлқинсимон тўрт раками	contraction mark wavy digit four	«rum» лотин суффикси ўрни-га қўлланади
2/12	§	qu§	Тўнтарилган параграф	reversed section sign	«orum» лотин суффикси ўрнига қўлланади
2/13	ꝛ	domins	Қисқартириш белгиси: лотин кичик ҳарфи тўнта-рилган «E»	contraction mark latin small letter reversed script e	«us» лотин суффикси ўрнига қўлланади
2/14	Ꝛ	nostrꝚ	Қисқартириш белгиси: ёзма лотин ҳарфи «D»	contraction mark latin capital letter script i	«is» ЛОТИН Суффикси ўрнига қўлланади

4-жадвалнинг давоми

•ад-валдаги ўрни	Белгилан иши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			ўзбекча	халқаро	
2/15	'	estiu ^l '	Қискартириш белгиси - огир апостроф	contraction mark heavy apostrophe	«us» ёКИ «is» лотин суффикси ўрнига
3/0	Резерв	—	—	—	—
3/1	'	æ ^l ljo	Штрих	prime	Саам тилида кўлланади
3/2	※	※ ⁸	Илова белгиси	reference mark	—
3/3	¶	¶ 2. Purgatorio	Унг томонлама хатбоши белгиси	right pilcrow sign	Хатбоши белгиси сифатида
3/4	✠	✠ ⁸	Мальтахочи	maltese cross	
3/5	●	● Secundo	Унг томонлама қора ўк	black rightwards bullet	Параграф (хатбоши) белгиси сифатида ишлатилади
3/6	➤	➤ ⁸	Унг томонлама	rightwards leaf arrow	—
3/7	Q	Q ⁸	Етик лотин бош ҳрфи Q	latin capital letter sideways q	—
3/8	Резерв	—	—	—	—
3/9	7̣	lui 7̣ elle	Қискартириш белгиси - ўртасида тильдали тўлқин-симон етти	contraction mark wavy digit seven with middle tilde	«e» француз сўзи ўрнига кўлланади
3/10	c	c̄gnovit	Қискартириш белгиси - илмоқли лотин "с" ҳарфи	contraction mark latin small letter c with tail	Лотинча «со» олд кўшимчаси ўрнига кўлланади
3/11	Ⓜ	ⓂC̄DCLVI	Тўнтарилган римча «юз» сони	roman numeral reversed one	Рим услуби бўйича саналарда ишлатилади
3/12	z	Paulinuz	Қискартириш белгиси - тескари лотин ҳарфи «Е»	contraction mark latin small letter c̄ript	«us» ёки «t» лотин суффикси ўрнига кўлланади
3/13	e	hadete	Қискартириш белгиси - ёзма лотин кичик ҳарфи «Е»	contraction mark latin small letter script e	«is» ЛОТИН суффикси ўрнига кўлланади

4-жадвалнинг давоми

3-жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			Ўзбекча	халқаро	
3/14	ʔ	fortit ʔ	Қиекартириш белгиси - нуктасиз сўрок белгиси	contraction mark dotless question mark	«er» лотин суффикси ўрнига қўлланади
3/15	Резерв	—	—	—	—
4/0	◌̇	ihu ^{◌̇}	Устида вергул	combining comma above	—
4/1	◌̇	nascetur ^{◌̇}	Устидаёзма лотин кичик ҳарфи "r"	combining latin small letter r above	«er» лотин суффикси ўрнига қўлланади
4/2	◌̈	ps ^{◌̈}	Кўштож	combining double caron	—
4/3	◌̆	q̆rts	Кўш циркумфлекс	combining double circumflex	—
4/4	◌̄	q̄	Циркумфлекс билан гравис	combining grave and circumflex	—
4/5	◌̆	a ^{◌̆}	Ҳарф устида ёзилган лотин ҳарфи «a»	Combining latin small letter a above	—
4/6	◌̆	klarer ^{◌̆}	Ҳарф устида ёзилган лотин ҳарфи «e»	combining latin small letter e above	—
4/7	◌̆	petbuch ^{◌̆}	Ҳарф устидаги «o»	combining latin small letter o above	—
4/8	◌̆	z ^{◌̆}	Ҳарф устидаги лотин ҳарфи «z»	combining latin small letter z above	—
4/9	◌̆	ephiam ^{◌̆}	Ҳарфни кесиб ўтувчи тильда	combining tilde thru ascender	—
4/10	◌̆	ruotagielas ^{◌̆}	Ҳарф устидаги чизик	combining line thru ascender	—
4/11	◌̆	gukotees ^{◌̆}	Чизик ҳарфни кесиб ўтади	combining line thru letter	—
4/12	◌̆	R̆ : Amen	Ҳарф бурчагини чизик кесиб ўтади	combining line thru corner	—

4-жадвалнинг давоми

3-жадвалдаги ўрни	Белгилан иши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			ўзбекча	халқаро	
4/13-4/15	Резерв	—	—	—	—
5/0-5/15	Резерв	—	—	—	—
6/0	З	ŽAV'DOT	Лотин бош ҳарфи «EZH»	latin capital letter ezh	Саам тилида қўлланади
6/1	Ѓ	VIǦA-T	Лотин бош ҳарфи «G» седи билан	latin capital letter G with cedilla	—
6/2	Н	HEMDA	Лотин бош ҳарфи «H» чизик билан	latin capital letter H with stroke	Мальта тилида қўлланади
6/3	К'	K'ISSUNMIK	Лотин бош ҳарфи «KKA»	latin capital letter kra	Гренланд тилида қўлланади
6/4	Ŋ	SIENGŊALIS	Лотин бош ҳарфи «ENG»	latin capital letter eng (Sami)	Саам тилида қўлланади
6/5	Ɔ	Ɔphetis	Уртасида тильдали лотин бош ҳарфи «P»	latin capital letter P with middle tilde	Лотинча «рго» олд кўшимчаси ўрнига қўлланади
6/6	Ɔ	Ɔtectum	Лотин бош ҳарфи «P» белбоғ билан	latin capital letter P with belt	Лотинча «рго» олд кўшимчаси ўрнига қўлла-нади
6/7	Ɔ	Ɔfectus	Лотин бош ҳарфи «P» чгоикча билан	latin capital letter P with stroke	Лотинча «рег» олд кўшимчаси ўрнига қўлланади
6/8	Q	Qdlibet	Лотин бош ҳарфи «Q» чизикча билан	latin capital letter Q with stroke	Латинча «quo» олд кўшмчаси ўрнига қўлланади
6/9	R	TARIK	Лотин бош ҳарфи «YK»	latin capital lett YR	Қадимги скандинавия тилида қўлланади
6/10	Т	RUOFFA	Лотин бош ҳарфи «T» чизикча билан	latin capital letter T with stroke	Саам тилида қўлланади
6/11	Ɔ	Ɔerman	Лотин ил-моқли бош ҳарфи «P»	latin capital letter P with hook	Ҳарф, шунингдек «wen» деб номланади
6/12	З	Zender	Тўнтарилган очик лотин бош ҳарфи «E»	latin capital letter reversed openE	Ҳарф, шунингдек «yogh» деб номланади

4-жадвалнинг давоми

3-жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			ўзбекча	халқаро	
6/13	ф	Ф	Лотин ҳарфи "qr"	latin small letter qr	Лотинча олд кўшимчалар учун ишлатилади
6/14	ſ	ſpes	Лотин кичик ҳарфи «s» узайтирилган	latin small letter long s	«s» ҳарфининг муқобили
6/15	Резерв	—	—	—	
7/0	з	žav'dot	Лотин кичик ҳарфи «E2H»	latin small letter small	Саам тилида қўлланади
7/1	g	viga-t	Лотин кичик ҳарфи «g» чизикча билан	latin small letter g with stroke	Саам тилида қўлланади
7/2	h	henda	Лотин кичик ҳарфи «h» чизикча билан	latin small letter h with stroke	Мальта тилида қўлланади
7/3	k	kissunmik	Лотин кичик ҳарфи «kга»	latin small letter kra	Гренланд тилида қўлланади
7/4	ŋ	ciegŋalis	Лотин кичик ҳарфи «ENG»	latin small letter eng (Sami)	Саам тилида қўлланади
7/5	ƿ	ƿphetis	Уртасида тийъда билан лотин кичик ҳарфи «p»	latin small letter p with middle tick	Лотинча «pго» олд кўшимчаси ўрнига қўлланади
7/6	ƿ	ƿtectum	Лотин кичик ҳарфи «p» белбоғча билан	latin small letter p with belt	Лотинча «pго» олд кўшимчаси ўрнига қўлланади
7/7	ƿ	ƿfectus	Лотин кичик ҳарфи «p» чизикча билан	latin small letter p with stroke	Лотинча «pег» олд кўшимчаси ўрнига қўлланади
7/8	q	qdlbet	Лотин кичик ҳарфи «q» чизикча билан	latin small letter q with stroke	Лотинча «qо» олд кўшимчаси ўрнига қўлланади
7/9	R	tarik	Лотин кичик ҳарфи «yг»	latin small letter yr	Қадимги скандинавия тилида қўлланади
7/10	t	ruotta	Лотин кичик ҳарфи «t» чизикча билан	latin small letter with stroke	Саам тилида қўлланади

4-жадвалнинг охири

3-жадвалдаги ўрни	Белгилан иши	Фойдаланиш мисоли	Номи		Эслатма
			ўзбекча	халқаро	
7/11	ƀ	ƀerman	Илмокли лотин кичик ҳарфи «р»	Latin small letter p with hook	Ҳарф, шунингдек «wen» деб номланади
7/12	Ʒ	Ʒender	Тўнтарилган очик лотин кичик ҳарфи «е»	Latin small letter reversed open e	Ҳарф, шунингдек «yogh» деб номланади
7/13	Ɔ	ƆoƆ	Учли "s" билан лотин кичик ҳарфй	Latin small letter q shap s	«bus» лотин суффикси ўрнига қўлланади
7/14	Ɔ	Ratizpon-ef	Лотин кичик ҳарфи, «бемоль» мусиқа белгиси илмок билан	Latin small letter musik flat with hook	«s» ёки «ecundus» лотин суффикси ўрнига қўлланади

УЎТ 3.344:025.3

ДСТ 1.140

Т62

СТШУТ 0007

Асосий сўзлар: символлар тўплами, лотин алифбоси, кенгайтирилган тўплам, махсус белгилар, ўзига хос ҳарфлар, диакритика, қисқартириш белгилари, кам тарқалган тиллар, эски нашр китоблари

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

МАГНИТ ТАСМАЛАРДА АХБОРОТ
АЛМАШИШ УЧУН КЕНГАЙТИРИЛГАН КИРИЛЛ
АЛИФБОСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

ГОСТ 7.29-80

Стандартлар бўйича Давлат кўмитаси
Москва

ГОСТ 7.29-80

Фан ва техника бўйича Давлат қўмитаси

Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

БАЖАРУВЧИЛАР

А.И.Михайлов, Ю.А.Полусук, Л.М.Фрид, М.А.Довбенко,
И.П.Перстнев, В.И.Федосимов, Т.Б.Чубинидзе

Фан ва техника бўйича Давлат қўмитаси томонидан КИРИТИЛГАН

ФТДҚ (фан ва техника давлат қўмитаси) раисининг ўринбосари
В. В. Смчев

Стандартлар бўйича Давлат қўмитасининг 1980 йил 31 декабрдаги 6345-
сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик
иши бўйича стандартлар тизими

**МАГНИТ ТАСМАЛАРДА АХБОРОТ АЛМАШИШ УЧУН
КЕНГАЙТИРИЛГАН КИРИЛЛ АЛИФБОСИНИ
ТАҚДИМ ЭТИШ**

**ГОСТ
7.29 - 80**

System of Standards: "Information, Libraries and Publishing"
Representation of extended Cyrillic alphabet for information
interchange on magnetic tape

Стандартлар бўйича Давлаг кўмитасининг 1980 йил 31 декабрдаги 6345-сон қарори билан жорий этиш санаси 1982 йил 1 январдан белгиланган

1 Ушбу стандарт магнит тасмаларида ахборот алмашиш учун 42 та график символлар, шу жумладан уларнинг номлари, белгиланиши, 7-битли кодлари ва улардан фойдаланиш кўрсатмаларидан иборат тўпламни белгилайди. СТ СЭВ 356-76 бўйича КОИ-7 Н1 тўплами билан бирга фойдаланиладиган ушбу тўплам кирилл графикаси асосидаги алифбода маълумотлар алмашиши учун мўлжалланган.

Тўплам алифболари ўрнатилган символлар чегарасидан чиқмаган, ҳинд-европа тилларининг славян гуруҳидаги белорус, болгар, македон, рус, сербхорват, украин тилларидаги ва кирилл графикаси асосидаги бошқа тилларда маълумот алмашиш учун мўлжалланган.

8-битли коддан фойдаланганда ушбу тўпламнинг қўлланиши - СТ СЭВ 360-76 бўйича амалга оширилади.

Стандарт хатоларни топиш ва уларни қайта ишлашни таъминлаш учун график символларнинг шрифт турини белгиламайди ва физик ташувчида график символларнинг ифодаланишини тартибга солмайди.

Ушбу стандартнинг қўлланиши СТ СЭВ 360-76 талабларига мувофиқ амалга оширилади. График символларнинг ўрнатиладиган тўпламининг белгиланиши Г0 тўплами сифатида АР2: АР2 2/8 3/2 кетма-кетликлари ва Г1 тўплами сифатида АР2 2/9 3/2 кетма-кетликлари билан амалга оширилади.

Стандарт ИСО 5427 халқаро стандартига мувофиқдир.

2 Символлар кодлари жадвалда кўрсатилган кодларга мос бўлиши керак.

Кодлар жадвали

Номера						δ_7	0	0	0	0	1	1	1	1
Символлар						δ_6	0	0	1	1	0	0	1	1
δ_5	δ_4	δ_3	δ_2	δ_1	δ_0	δ_5	0	1	0	1	0	1	0	1
						N° о.п.	0	1	2	3	4	5	6	7
0	0	0	0	0	0	0					г	ѣ	Г	Ѣ
0	0	0	1	1	1	1					ђ	е	Ђ	ѐ
0	0	1	0	1	0	2					ѓ	ѵ	Ѓ	Ѵ
0	0	1	1	1	1	3					є	ѡ	Є	Ѣ
0	1	0	0	1	0	4					є		Ё	
0	1	0	1	1	1	5					ѕ		ѕ	
0	1	1	0	1	0	6					і		І	
0	1	1	1	1	1	7					ї		Ї	
1	0	0	0	1	0	8					ј		Ј	
1	0	0	1	1	0	9					љ		Љ	
1	0	1	0	1	0	10					њ		Њ	
1	0	1	1	1	1	11					ћ	[Ћ	
1	1	0	0	1	0	12					ќ		Ќ	
1	1	0	1	1	0	13					џ]	Џ	
1	1	1	0	1	0	14					џ		Џ	
1	1	1	1	1	1	15					џ		џ	

3 График символларнинг белгилари ва номлари жадвалда кўрсатилган символларга мос бўлиши керак.

Жадвалдаги хोलати	Белгиси	Номи		Кўлланиши (тиллар)
		рус	халқаро	
Кичик ҳарфлар				
4/0	г	Қаттиқ г	Hard g	Украин ва белорус
4/1	ђ	Юмшок д	Soft d	Сербхорват
4/2	ѓ	Юмшок г	G'erv'	Македон
4/3	є	Юмшок е	Soft e	Украин
4/4	ё	Ё	Yo	Рус ва белорус
4/5	ѕ	Зело	Zelo	Македон
4/6	і	И нукта билан	i s toshkoj	Рус, белорус, украин
4/7	ї	И икки нукта билан	i z dvoma krapkamy	Украин
4/8	ј	Йот	je	Сербхорват, македон
4/9	љ	Юмшок л	Soft l	Сербхорват, македон
4/10	њ	Юмшок н	Soft n	Сербхорват, македон
4/11	ћ	Юмшок т	Soft t	Сербхорват, македон
4/12	ќ	Юмшок к	Soft k	Македон
4/13	у	Қисқа у	u karotkoe	Белорус
4/14	ц	Қаттиқ д	Hard d	Сербхорват, македон
4/15	џ	Айриш белгиси	Hard sign	Рус, украин, белорус, болгар

Давоми

Жадваллаги хोलати	Белгиси	Номи		Кулланиши (тиллар)
		рус	халқаро	
5/0	Ѣ	Ять	Yat'	Рус, украин, белорус, болгар
5/1	ѣ	Фита	Fita	Рус
5/2	ѵ	Ижица	Izhitsa	Рус
5/3	ѥ	Катга юс	Gofam ius	Болгар
Кўшимча белгилар				
5/11	┌	Чап квадрат кавс	Open bracket	--
5/13	┐	Ўнг квадрат кавс	Closed bracket	--
Бош харфлар				
6/0	Г	Қатик Г	Hard G	Украин, белорус
6/1	Г	Юмшок Д	Soft D	сербхорват
6/2	Г	Юмшок Г	G'ery'	Македон
6/3	є	Юмшок Е	Soft E	Украин
6/4	Є	Ё	Yo	Рус, белорус
6/5	ѕ	Зело	Zelo	Македон
6/6	І	И нукта билан	I s toshkoj	Рус, белорус, украин
6/7	І	И икки нукта билан	I z dvoma kgarakatu	Украин
6/8	Ј	Йот	Je	Сербхорват
6/9	Љ	Юмшок Л	Soft L	Сербхорват
6/10	Њ	Юмшок Н	Soft N	Сербхорват
6/11	Ѓ	Юмшок Т	Soft T	Сербхорват

Охири

Жадвалдаги ҳолати	Белгиси	Номи		Қўлланиши (тиллар)
		рус	халқаро	
6/12	Ќ	Юмшоқ К	Soft K	Македон
6/13	Ў	Қиска У	U karotkae	Белорус
6/14	Ц	Қаттик Д	Hard D	Сербхорват, македон
6/15	Ъ	Айриш белгиси	Hard sign	Рус, украин, белорус, болгар
7/0	Ѣ	Ягъ	Yat'	Рус, украин, белорус, болгар
7/1	Ө	Фита	Fita	Рус
7/2	У	Ижица	Izhitsa	Рус
7/3	Ѥ	Қатта юс	Golfam ius	Болгар

ГОСТ 7.29-80

4 Символлар код ҳолатларининг тузилиши ва талқини, шунингдек ларнинг жадвалдаги кўриниши - ГОСТ 356-76 бўйича.

5 Код жадвалининг 2-7-устунларидаги тўлдирилмаган ҳолатлардан фойдаланиш мумкил эмас (2/0 ва 7/15 ҳолатлари бундан истисно)

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

МАГНИТ ТАСМАЛАРДА АХБОРОТ АЛМАШИШ УЧУН
ГРЕК АЛИФБОСИНИНГ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ

ГОСТ 7.30-80

Стандартлар бўйича Давлат кўмитаси
Москва

ГОСТ 7.30-80

Фан ва техника бўйича Давлат қўмитаси,
Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси томонидан
ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

БАЖАРУВЧИЛАР

А.И.Михайлов, Ю.А.Полусук, Л.М.Фрид, М.А.Довбенко,
И.П. Перстнев, В.И. Федосимов, Т.Б. Чубинидзе

Фан ва техника бўйича Давлат қўмитаси томонидан КИРИТИЛГАН

ФТДД раиси уринбосари В.В.Сычев

Стандартлар бўйича Давлат қўмитасининг 1980 йил 31 декабрдаги 6346-сон
қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

УЎТ 681.3.065.4:006354

Гуруҳ Т62

ДАВЛАТ С Т А Н Д А Р Т И**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши
бўйича стандартлар тизими**

МАГНИТ ТАСМАЛАРДА АХБОРОТ АЛМАШИШ УЧУН ГРЕК АЛИФБОСИНИНГ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ	ГОСТ 7.30-80
--	-------------------------

System of Standards "Information, Libraries and
Publishing". Representation of Greek alphabet for

information interchange on magnetic tape

Стандартлар бўйича Давлат қўмитасининг 1980 йил 31 декабрдаги 6346-сон қарори билан жорий этиш санаси 1982 йил 1 январдан белгиланган

1 Ушбу стандарт магнит тасмаларда ахборот алмашиш учун 73 та график символлардан иборат тўпламни, шу жумладан уларнинг номлари, белгиланишлари, 7-битли кодлар ва фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмаларни белгилайди. СТ СЭВ 356-76 бўйича КОИ-7 НО ва КОИ-7 Н1 тўпламлари билан бирга фойдаланиладиган ушбу тўплам грек алифбосидан фойдаланган ҳолда маълумотлар алмашиш учун мўлжалланган.

8-битли коддан фойдаланганда ушбу тўпламнинг қўлланиши - СТ СЭВ 360-76 бўйича амалга оширилади.

Стандарт график символлар шрифтининг турини белгиламайди ва хатоларни топиш ҳамда тузатиш учун физик элтувчидаги график символларнинг тақдим этилишини тартибга солмайди.

Ушбу стандартнинг қўлланиши СТ СЭВ 360-76 талабларига мувофиқ амалга оширилади. График символларнинг белгиланган тўпламини белгилаш АР2: ГО тўплам сифатида АР2 2/8 3/3 ва Г 1 тўплам сифатида АР2 2/9 3/3 кетма-кетликлари билан амалга оширилади.

Стандарт ИСО 5428 халқаро стандартига мос келади.

2 Символларнинг кодлари кодли жадвалда кўрсатилганларга мос келиши керак.

Кодли жадвал

Номера разрядов							d_7	d_6	d_5	d_4	d_3	d_2	d_1	$N^{\text{нп}}$	0	1	2	3	4	5	6	7
							0	0	0	0	1	1	1	1								
							0	0	1	1	0	0	1	1								
							0	1	0	1	0	1	0	1								
d_7	d_6	d_5	d_4	d_3	d_2	d_1	0	1	2	3	4	5	6	7								
							0	0	0	0							⊕		N		ν	
							0	0	0	1							⊗	A	Ξ	α	ξ	
							0	0	1	0							∞	B	O	β	ο	
							0	0	1	1							∞	∞	Π	ℓ	π	
							0	1	0	0							~	/	Γ	Ϛ	γ	ς
							0	1	0	1							·	/	Δ	P	δ	ρ
							0	1	1	0							·		E	Σ	ε	σ
							0	1	1	1							!		Ϛ		τ	ς
							1	0	0	0									F	T	Ϛ	τ
							1	0	0	1									Z	Υ	ζ	υ
							1	0	1	0									H	Φ	η	φ
							1	0	1	1									Θ	X	θ	χ
							1	1	0	0									I	Ψ	ι	ψ
							1	1	0	1									K	Ω	κ	ω
							1	1	1	0									Λ	Ϙ	λ	Ϛ
							1	1	1	1									;	M		μ

3. График символларнинг белгиланишлари ва номлари жадвалда кўрсатилганларга мос бўлиши керак

Жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Ном		Кўланиши
		рус	халқаро	
Диакритик белгилар				
2/1	˘	Гравис	Grave	Харф устига қўйлади
2/2	/	Акут	Acute	Шунинг ўзи
2/3	¨	Диерез	Diaeresis	-
2/4	˜	Циркумфлекс	Circumflex	-
2/5	˘	Ингичка нафас товуши	Smooth breathing	Сатр харфи устига, бош харф олтидан қўйлади
2/6	ˆ	Қалин нафас товуши	Rough breathing	Шунинг ўзи
2/7	˙	Сатр ости йота	Iota subscript	Харф тагига қўйлади
Махсус белгилар				
3/0	«	Очиладиган қўштирноқлар	Angle open quote	-
3/1	»	Ёпиладиган қўштирноқлар	Angle closed quote	-
3/2	¨	Қўш очиладиган қўштирноқлар	Double open quote	-
3/3	¨	Қўш ёпиладиган қўштирноқлар	Double closed quote	-
3/4	/	Юқори штрих	Upper prime	1000 гача бўлган сонлар каби ишлатиладиган харфлардан сўнг келади
3/5	/	Пастки штрих	Lower prime	1000 дан ортиқ сонлар каби ишлатиладиган харфлардан олдин келади

Давоми

Жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Номи		Қўлланиши
		рус	халқаро	
3/11	•	Юқори нукта	Full stop (period)	Нукта вергул, икки нуктага мос келади
3/15	;	Нукта вергул	Semicolon	Сурок белгисига мос келади

Бош харфлар

4/1	A	Альфа	Alpha	-
4/2	B	Бета	Beta	-
4/4	Г	Гамма	Gamma	-
4/5	Δ	Дельта	Delta	-
4/6	E	Эпсилон	Epsilon	-
4/7	Ζ	Стигма	Stigma	-
4/8	F	Дигамма	Digamma	Эскирган харф, б
4/9	Z	Дзета	Zeta	рақами сифатида
4/10	H	Эта	Eta	ишлатилган
4/11	Θ	Тета	Theta	Шунинг ўзи
4/12	I	Йота	Iota	-
4/13	K	Каппа	Kappa	-
4/14	Λ	Ламбда	Lambda	-
4/15	M	Мю	Mu	-
5/0	N	Н.ю	Nu	-
5/1	Ξ	Кси	Xi	-
5/2	O	Омикрон	Omicron	-
5/3	Π	Пи	Pi	-

Давоми

Жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Номи		Кулланиши
		рус	халқаро	
5/4	С	Коппа	Корра	Эскирган харф, 90 раками сифатида ишлатилган
5/5	Р	Ро	Rho	-
5/6	Σ	Сигма	Sigma	-
5/8	Т	Тау	Tau	-
5/9	У	Ипсилон	Upsilon	-
5/10	Ф	Фи	Phi	-
5/11	Х	Хи	Chi	-
5/12	Ψ	Пси	Psi	-
5/13	Ω	Омега	Omega	-
5/14	Ϛ	Сампи	Sampi	Эскирган харф, 900 раками сифатида ишлатилган

Сатр харфлари

6/1	α	Альфа	Alpha	-
6/2	β	Бета	Beta	-
6/3	ℓ	Бета	Beta	Мукобил шакл
6/4	γ	Гамма	Gamma	-
6/5	δ	Дельта	Delta	-
6/6	ϵ	Эпсилон	Epsilon	-
6/7	ζ	Стигма	Stigma	Эскирган харф, 6-раками сифатида ишлатилган

Охири

Жадвалдаги ўрни	Белгиланиши	Номи			Кўлланиши
		рус	халқаро		
6/8	Ϝ	Дигамма	Digamma	Эскирган харф, 6-раками сифатида ишлатилган Шунинг ўзи	
6/9	ζ	Дзета	Zeta	-	
6/10	η	Эта	Eta	-	
6/11	θ	Тета	Theta	-	
6/12	ι	Йота	Iota	-	
6/13	κ	Каппа	Kappa	-	
6/14	λ	Лямбда	Lambda	-	
6/15	μ	Мю	Mu	-	
7/0	ν	Ню	Nu	-	
7/1	ξ	Кси	Xi	-	
7/2	ο	Омикрон	Omicron	-	
7/3	π	Пи	Pi	-	
7/4	ς	Коппа	Koppa	-	
7/5	ρ	Ро	Rho	Эскирган харф, 90 раками сифатида ишлатилган	
7/6	σ	Сигма	Sigma	Сўз бошида ёки ўртасида учрайди Сўз охирида учрайди	
7/7	ς	Сигма	Sigma	-	
7/8	τ	Тау	Tau	-	
7/9	υ	Ипсилон	Upsilon	-	
7/10	φ	Фи	Phi	-	
7/11	χ	Хи	Chi	-	
7/12	ψ	Пси	Psi	-	
7/13	ω	Омега	Omega	-	
7/14	ϝ	Сампи	Sampi	Эскирган харф, 900 раками сифатида ишлатилган	

4 Символлар кодли ўрнининг структураси ва изоқи, шунингдек уларни жадвалларда тақдим этиш шакли - СТ СЭВ 356-76 бўйича.

5 Кодли жадвалнинг 2-7-устунларидаги тўлдирилмаган ўринларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди (2/0 ва 7/15 ўринлари бундан мустасно)

6 Белгиланадиган тўплам график символларнинг уч турини ўз ичига олади:

 диакритик белгилар (2-устун) - ҳар доим бошқа символлар билан бирга қўлланилади;

 махсус белгилар (3-устун);

 харфлар (4-7-устунлар).

7 КОИ 7 НО (0/8 ўрни) тўпламидан ОҚ (орқага бир қадам қайтиш) символини диакритик белгиларни идентификация қилиш учун ишлатмаслик керак.

Ўвнинг асосий бирликлари

Катталик	Бирлиги		
	Номи	Белгиланиши	
		рус	халқаро
УЗУНЛИГИ	метр	м	m
МАССА	килограмм	кг	kg
ВАҚТ	секунд	с	s
ЭЛЕКТР ТОКИ КУЧИ	ампер	А	A
ТЕРМОДИНАМИК ҲАРОРАТ	кельвин	К	K
МОДДАНИНГ МИҚДОРИ	моль	моль	mol
ЁРУҒЛИК КУЧИ	кандела	кд	cd
Увнинг қўшимча бирликлари			
Ясси бурчак	Радиян	рад	rad
Фазовий бурчак	стерадиан	ср	sr

Ўз номларига эга Ўвнинг ҳосила бирликлари

Катталик	Бирлиги		Ҳосила бирлигининг иф. одаланиши	
	номи	белгиланиши	Ўвнинг бошқа бирликлари оркали	Увнинг асосий бирликлари оркали
Частота	герц	Гц	-	c^{-1}
Куч	ньютон	Н	-	$m \cdot kg \cdot c^{-2}$
Босим	паскаль	Па	N/m^2	$m^{-1} \cdot kg \cdot c^{-2}$
Энергия, иш, иссиқлик миқдори	джоуль	Дж	$N \cdot m$	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-2}$
Қувват, энергия оқими	ватт	Вт	$Дж/с$	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-3}$
Электр миқдори, электр заряди	кулон	Кл	$A \cdot c$	$c \cdot A$
Электр кучланиши, электр потенциаллари	вольт	В	$Вт/А$	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-3} \cdot A^{-1}$
Электр сизими	фарад	Ф	$Кл/В$	$m^{-2} \cdot kg^{-1} \cdot c^4 \cdot A^2$
Электр қаршилиги	ом	Ом	$В/А$	$m^2 \cdot kg^{-1} \cdot c^{-3} \cdot A^{-2}$
Электр ўтказгич	сименс	См	$А/В$	$m^{-2} \cdot kg^{-1} \cdot c^3 \cdot A^2$
Магнит индукция оқими	вебер	Вб	$Вс$	$m^{-2} \cdot kg \cdot c^3 \cdot A^{-1}$
Магнит индукцияси	тесла	Тл	$Вб/м^2$	$kg \cdot c^{-2} \cdot A^{-1}$
Индуктивлик	генри	Гн	$Вб/А$	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-2} \cdot A^{-2}$
Ёруғлик оқими	люмен	лм	-	$кд \cdot ср$
Ёритилганлик	люкс	лк	-	$m^{-2} \cdot кд \cdot ср$
Нуклид фаоллиги	беккерель	Бк	-	c^{-1}
Нурланиш дозаси	грей	Гр	-	$m^2 \cdot c^{-2}$

* Ушбу икки ифодага Ўвнинг асосий бирликлари билан бир каторда қўшимча бирлик - стерадиан ҳам қиради.

ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Структураси ва расмийлаштириш қоидалари

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича
давлатлараро кенгаш Минск

Сўз боши

1 Бутунроссия илмий ва техника ахборот институти, Бутунроссия илмий-техник ахборот маркази ҳамда ДТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (Техник котибиятнинг 2001 йил 22 майдаги 19-сон ҳисоботи).

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожикистандарт
Туркменистон Республикаси	«Туркменстандартлари» Бошдавхизмати
Ўзбекистон	Ўздавстандарт

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш ва метрология бўйича давлат қўмитасининг 2001 йил 4 сентябрдаги 367-ст-сон қарори билан ГОСТ 7.32-2001 давлатлараро стандарти 2002 йил 1 июлдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган

4 ГОСТ 7.32-91 ЎРНИГА

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

Жорий этиш санаси 2002-07-01

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими****ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ****Структураси ва расмийлаштириш қоидалари**

System of standards of information, librarianship and publishing.
The research report. Structure and rules of presentation

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт илмий ва техник ҳисоботларнинг структураси ва расмийлаштириш қоидаларига қўйиладиган умумий талабларни, итунингдек ахборот тизимидаги ҳисоботга ишлов беришни янада такомиллаштирган тақдирда, расмийлаштиришнинг ягона процедураси ахборот алмашувига қўмак берган ҳоллар учун қоидаларни белгилаб беради.

Ушбу стандарт илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари, олий ўқув юртлари, илмий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, саноат корхоналари, акциядорлик жамиятлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажариладиган фан ва техниканинг барча соҳалари бўйича фундаментал, изланиш, амалий илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) тўғрисидаги ҳисоботларга тааллуқлидир.

Ушбу стандарт қоидаларидан илмий фаолиятнинг бошқа соҳаларида ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Стандарт гуманитар йўналишдаги ИТИ тўғрисидаги ҳисоботларга тааллуқли эмас.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 1.5-93 Государственная система стандартизации РФ. Общие требования к построению, изложению, оформлению и содержанию стандартов

ГОСТ 2.105-95 Единая система конструкторской документации. Общие требования к текстовым документам

ГОСТ 7.32-2001

ГОСТ 2.111-68 Единая система конструкторской документации. Нормоконтроль

ГОСТ 6.38-90 Унифицированные системы документации. Система организационно-распорядительной документации. Требования к оформлению документов

ГОСТ 7.1-84 Ахборот, кутубхона ва кутубхоначилик иши бўйича стандартлар тизими. Хужжатнинг библиографик таърифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

ГОСТ 7.9-95 (ИСО) 214-76 Ахборот, кутубхона ва кутубхоначилик иши бўйича стандартлар тизими. Реферат ва аннотация. Умумий талаблар

ГОСТ 7.12-93 Ахборот, кутубхона ва кутубхоначилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Рус тилида сўзларни қисқартириш. Умумий талаблар ва қоидалар

ГОСТ 7.54-88 Ахборот, кутубхона ва кутубхоначилик иши бўйича стандартлар тизими. Илмий-техник хужжатларда модда ва материалларнинг хоссалари тўғрисида сонли маълумотларни тақдим этиш. Умумий талаблар

ГОСТ 8.417-81 Государственная система обеспечения единства измерений. Единицы физических величин

ГОСТ 13.1.002-80 Репрография. Микрография. Документы для съёмки. Общие требования и нормы

ГОСТ 15.011-82 Система разработки и постановки продукции на производства. Порядок проведения патентных исследований

ГОСТ 9327-60 Бумага и изделия из бумаги. Потребительские форматы

3 Умумий қоидалар

3.1 ИТИ тўғрисидаги ҳисобот - илмий-тадқиқот иши тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотлардан иборат, илмий-техник муаммо ҳолатини, илмий тадқиқот жараёнини ва/ёки натижаларини таърифлайдиган илмий-техник хужжат.

3.2 ИТИни бажариш натижалари бўйича умумий иш тўғрисида якуний ҳисобот тузилади. Бундан ташқари, ИТИ алоҳида босқичлари бўйича оралик ҳисоботлар тайёрланиши мумкин. Улар ИТИнинг Техник топшириғида ва ИТИни бажариш таквим режасида акс эттирилади.

3.3 Ҳисоботдаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва унинг ушбу стандарт талабларига мувофиқлиги учун бажарувчи-ташқилот жавобгардир.

3.4 ИТИ тўғрисидаги ҳисобот бажарувчи-ташқилотда мажбурий норма назоратидан ўтказилиши шарт. Норма назоратини ўтказишда ГОСТ 2.111га амал қилиш тавсия этилади.

4 Ҳисоботнинг таркибий элементлари

ИТИ тўғрисидаги ҳисоботнинг таркибий элементлари қуйидагилар:

- титул варағи;
- бажарувчилар рўйхати;
- реферат;
- мундарижа;
- норматив ҳаволалар;
- таърифлар;
- белгилар ва қисқартмалар;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланилган манбалар рўйхати;
- иловалар.

Мажбурий таркибий элементлар қора шрифт билан ажратилган. Бошқа таркибий элементлар 5- ва 6-бўлимларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ИТИ бажарувчисининг ихтиёрига кўра ҳисоботга киритилади.

5 Ҳисоботнинг таркибий элементлари мундарижасига қўйиладиган талаблар

5.1 Титул варағи

5.1.1 Титул варағи ИТИ тўғрисидаги ҳисоботнинг биринчи бети бўлиб, ҳужжатни қайта ишлаш ва қйдириш учун зарур бўлган ахборот манбаи сифатида хизмат қилади.

5.1.2 Титул варағида қуйидаги маълумотлар келтирилади:

- юқори ташкилот номи;
- ИТИни бажарувчи-ташкилот номи;
- Универсал ўнли тасниф (УЎТ) индекси;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш учун етказиб беришдан олдин бериладиган ИТИ учун Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг Умумроссия таснифлагичи юқори тасниф гуруҳларининг кодлари;
- ҳисоботни идентификация қилиш рақамлари;
- келишиш ва тасдиқлаш грифлари;
- иш номи;
- ҳисобот номи;
- ҳисобот тури (яқуний, оралик);
- иш рақами (шифри);

- ИТИни бажарувчи-ташкilot раҳбарлари, ИТИ раҳбарларининг лавозими, илмий даражалари, илмий унвонлари, фамилиялари, исм-шарифлари;

- ҳисобот тузилган жой ва сана.

5.1.3 ИТИ тўғрисидаги ҳисобот икки ва ундан кўп қисмлардан иборат бўлса, у ҳолда ҳар бир қисм биринчи қисмнинг титул варағига мувофиқ ўз титул варағига ва шу қисмга тегишли бўлган маълумотларга эга бўлиши керак.

5.1.4 Титул варағини 6.10-бандга мувофиқ расмийлаштириш керак.

5.2 Бажарувчилар рўйхати

5.2.1 Бажарувчилар рўйхатига ишни бажаришда ижодий иштирок этган ИТИ раҳбарлари, масъул бажарувчилар, бажарувчилар ва бирга бажарувчиларнинг фамилия ва исм-шарифлари, илмий даражалари, илмий унвонлари киритилиши керак.

5.2.2 Ҳисобот бир бажарувчи томонидан бажарилган бўлса, у ҳолда унинг лавозими, илмий даражаси, илмий унвони, фамилияси ва исм-шарифи ҳисобот титул варағида кўрсатилиши керак.

5.2.3 Бажарувчилар рўйхатини 6.11-бандга мувофиқ расмийлаш-тириш керак.

5.3 Реферат

5.3.1 ИТИ тўғрисидаги ҳисобот учун рефератга қўйиладиган умумий талаблар - ГОСТ 7.9 бўйича.

5.3.2 Реферат қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- ҳисобот ҳажми, расмлар, жадваллар, иловалар сони, ҳисобот қисмларининг сони, фойдаланилган манбалар сони тўғрисидаги маълумотлар;

- асосий сўзлар рўйхати;

- реферат матни.

5.3.2.1 Асосий сўзлар рўйхати ҳисобот мазмунини энг кўп даражада тавсифлайдиган ва ахборотни қидириш имконини таъминлайдиган ҳисобот матнидаги 5 дан 15 тагача сўз ёки сўз бирикмаларидан иборат бўлиши керак. Асосий сўзлар бош келишида келтирилади ва вергул орқали кичкина харфлар билан терилади.

5.3.2.2 Реферат матни қуйидагиларни акс эттириши керак:

- тадқиқот ёки ишлаб чиқиш объекти;

- иш мақсади;

- ишни бажариш методи ёки методологияси;

- иш натижалари;

- асосий конструктив, технологик ва техник-эксплуатацион тавсифлар;

- жорий этиш даражаси;

- ИТИ натижаларини жорий этиш бўйича тавсиялар ёки жорий этиш якуни;

- қўллаш соҳаси;

- иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти;

- тадқиқот объектини ривожлантириш тўғрисидаги прогноз тахминлар.

Ҳисобот рефератнинг санаб ўтилган таркибий қисмларидан биронтаси бўйича маълумотларга эга бўлмаса, у ҳолда бу реферат матнида келтирилмайди, бунда баён қилиш кетма-кетлиги сақланади.

5.3.3 Рефератни тузиш мисоли А иловада келтирилган.

5.4 Мундарижа

5.4.1 Мундарижага кириш, барча бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар номи (агар улар номланган бўлса), хулоса, фойдаланилган манбалар рўйхати ва ИТИ тўғрисидаги ҳисобот элементларидан бошланган бет рақамлари кўрсатилган иловалар номи киритилади.

5.4.2 Икки ва ундан кўп қисмли ҳисобот тузилганда уларнинг ҳар бири ўзининг мундарижасига эга бўлиши керак. Биринчи қисмда қисмлар рақамлари кўрсатилган бутун ҳисоботнинг мундарижаси, кейинги қисмларда фақат тегишли қисмнинг мундарижаси жойлаштирилади. Биринчи қисмида кейинги қисмлар мундарижаси ўрнига фақат уларнинг номларини кўрсатишга йўл қўйилади.

5.4.3 Ҳажми 10 бетдан кўп бўлмаган ИТИ тўғрисидаги ҳисоботда мундарижа тузилмаслигига йўл қўйилади.

5.5 Норматив ҳаволалар

5.5.1 «Норматив ҳаволалар» таркибий элементи ҳисобот матнида ҳавола берилган стандартлар рўйхатини ўз ичига олади.

5.5.2 Ҳавола қилинган стандартлар рўйхати «Ушбу ИТИ тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган» сўзлари билан бошланади.

5.5.3 Рўйхатга стандартларнинг белгиланишлари ва уларнинг номлари белгилашлар рўйхатга олинган рақамларининг ўсиб бориш тартибида киритилади.

5.6 Таърифлар

5.6.1 «Таърифлар» таркибий элементи ИТИда фойдаланиладиган атамаларни аниқлаштириш ва белгилаш учун зарур бўлган таърифларни ўз ичига олади.

5.6.2 Таърифлар рўйхати «Ушбу ИТИ тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилади» сўзлари билан бошланади.

5.7 Белгилашлар ва қисқартмалар

5.7.1 «Белгилашлар ва қисқартмалар» таркибий элементи ушбу ИТИ тўғрисидаги ҳисоботда қўлланиладиган белгилашлар ва қисқартмалар рўйхатини ўз ичига олади.

5.7.2 Белгилашлар ва қисқартмалар зарур расшифровкаси ва изоҳлари билан ҳисобот матнида келтириш тартиби бўйича ёзилади.

5.7.3 Таърифлар, белгилашлар ва қисқартмаларни «Таърифлар, белгилашлар ва қисқартмалар» битта таркибий элементида келтиришга йўл қўйилади.

5.8 Кириш

5.8.1 Кириш ечиладиган илмий-техник муаммонинг замонавий ҳолатини баҳолаш, мавзунини ишлаб чиқиш учун асос ва бошланғич маълумотлар, ИТИни ўтказиш зарурлигини асослаш, ишлаб чиқишнинг режалаштирилган илмий-техник даражаси тўғрисидаги маълумотлар, патентли тадқиқотлар ва улардан келиб чиққан хулосалар тўғрисида, ИТИ метрологик таъминоти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Киришда мавзунинг долзарблиги ва янгилиги, ушбу ишнинг бошқа илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилиши керак.

5.8.2 ИТИ босқичи бўйича оралиқ ҳисоботнинг кириш қисмида тадқиқот босқичининг мақсадлари ва вазифалари, умуман ИТИни бажаришда уларнинг ўрни берилиши керак.

5.8.3 ИТИ тўғрисидаги якуний ҳисоботнинг кириш қисмида босқичлар бўйича барча тайёрланган оралиқ ҳисоботлар номларининг рўйхати ва уларнинг инвентарь рақамлари келтирилади.

5.9 Асосий қисм

5.9.1 Ҳисоботнинг асосий қисмида бажарилган ИТИ моҳияти, методикаси ва асосий натижаларини кўрсатувчи маълумотлар келтирилади.

5.9.2 Асосий қисм қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) тадқиқот йўналишининг асоси, масалаларни ҳал этиш методи ва уларнинг такқослаш баҳоси, ИТИни ўтказишнинг танланган умумий методикасининг таърифини ўз ичига олувчи тадқиқотлар йўналишини танлаш;

б) назарий ва/ёки экспериментал тадқиқотлар жараёни, шу жумладан назарий тадқиқотлар характери ва мазмунининг таърифи, тадқиқотлар методлари, ҳисоблаш методлари, экспериментал ишларни ўтказиш зарурлигини асослаш, ишлаб чиқилган объектларнинг ишлаш принциплари ва уларнинг тавсифлари;

в) умумлаштириш ва тадқиқот натижаларини баҳолаш, у ўз ичига қўйилган вазифа ечимининг тўлиқлигини баҳолаш ва ишнинг келажақ

йўналиши бўйича таклифлар, олинган натижалар тўғрилигини баҳолаш ва уларни ўхшаш маҳаллий ва хорижий ишлар билан таққосланганлиги, қўшимча тадқиқот ўтказиш зарурлигини асослаш, тадқиқот ишларини тўхтатишга олиб келувчи қоникарсиз натижалар.

5.9.3 Ҳисоботда моддалар ва материаллар хусусияти тўғрисидаги маълумотлар ГОСТ 7.54, физик ўлчамлар бирлиги ГОСТ 8.417 бўйича келтирилади.

5.10 Хулоса

Хулоса таркибига қуйидагилар киради:

- бажарилган ИТИ яқунлари ёки унинг алоҳида босқичларининг натижалари бўйича қисқача хулоса;
- қўйилган масалалар ечимининг тўлиқлигини баҳолаш;
- ИТИ натижаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ва дастлабки маълумотларни ишлаб чиқиш;
- жорий этишнинг техник-иқтисодий самарадорлиги;
- бажарилган ИТИ илмий-техник даражасини ушбу соҳадаги энг яхши ютуқларга таққослаган ҳолда баҳолаш.

5.11 Фойдаланилган манбалар рўйхати

Рўйхат ҳисоботни тузишда фойдаланилган манбалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак. Манбалар тўғрисидаги маълумотлар ГОСТ 7.1 талабларига мувофиқ келтирилади.

5.12 Иловалар

5.12.1 Иловаларга айрим сабабларга кўра асосий қисмга киритилиши мумкин бўлмаган, бажарилган ИТИ билан боғлиқ бўлган материалларни киритиш тавсия этилади. Иловаларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

- оралиқ математик исботлар, формулалар ва ҳисоб-китоблар;
- ёрдамчи рақамли маълумотлар жадваллари;
- синовлар баённомалари;
- тажрибалар, ўлчашлар ва синовлар ўтказишда қўлланиладиган аппаратура ва усқуналар таърифи;
- метрологик экспертиза хулосаси;
- ИТИ бажариш жараёнида ишлаб чиқилган йўриқномалар ва методикалар;
- ёрдамчи характердаги иллюстрациялар;
- ИТИ учун техник топшириқ, иш дастурлари, ИТИни бажариш учун шартномаси ёки бошқа бошланғич ҳужжат нусхалари;
- илмий-техник кенгашда бажарилган ИТИни кўриб чиқиш баённомаси;
- ИТИ натижаларини жорий этиш далолатномалари ва бошқ.

5.12.2 Маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўйишдан олдин бериладиган ИТИ тўғрисидаги ҳисобот учун иловаларга маҳсулотни ишлаб чиқиш (модернизация қилиш) техник топширик лойиҳаси ёки маҳсулотга қўйиладиган асосланган техник-иқтисодий талаблардан иборат ҳужжат (буюртма, баённома, шартнома ва бошқ.) киритилиши керак.

5.12.3 Таркибида патентли тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилган ИТИ тўғрисидаги ҳисобот учун иловаларга ГОСТ 15.0111' бўйича расмийлаштирилган патентли тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисобот, нашрлар ва ИТИни бажариш натижасида олинган патент ҳужжатларнинг библиографик рўйхати киритилиши керак - ГОСТ 7.1 бўйича.

5.12.4 Иловалар 6.14-бандга мувофиқ расмийлаштирилиши керак.

6 Ҳисоботни расмийлаштириш қодалари

6.1 Умумий талаблар

6.1.1 Матн баёни ва ҳисоботнинг расмийлаштирилиши, ушбу стандарт, ГОСТ 2.105 ва ГОСТ 6.38¹ талабларига мувофиқ бажарилади. ИТИ тўғрисидаги ҳисобот матнининг бетлари ва ҳисоботга киритилган иллюстрациялар ҳамда жадваллар ГОСТ 9327 бўйича А4 форматига мос бўлиши керак.

6.1.2 ИТИ тўғрисидаги ҳисобот турли босма усулда ёзув машинкасида ёки компьютер ва принтерлардан фойдаланилган ҳолда А4 форматдаги оқ қоғознинг бир томонида бир ярим интервалда бажарилган бўлиши керак. Шрифт қора рангда, ҳарфлар, рақамлар ва бошқа белгилар баландлиги -1,8 мм дан кам бўлмаслиги (кегль 12 дан кам бўлмаслиги) керак.

Ҳисобот матни ҳошияларнинг қуйидаги ўлчамларига риоя қилган ҳолда чоп этилади: ўнг томондан - 10 мм, юқоридан - 20 мм, чапдан ва қуйидагиси - 20 мм.

Алоҳида атамалар, формулалар, теоремаларга диққатни жалб этишнинг компьютер имкониятларидан фойдаланиб, шрифтларнинг турли хил гарнитураларини қўллашга руҳсат этилади.

6.1.3 Ҳисоботни бажариш усулига боғлиқ бўлмаган ҳолда босилган матн ва иллюстрациялар, жадваллар, ШЭХМда чиқарилган компьютер нусхаларининг сифати уларнинг аниқ қайта акс эттирилиши талабларига жавоб беркши керак.

6.1.4 Ҳисоботни бажаришда бутун ҳисобот бўйича тасвирнинг бир текис зичлигига, контрастлигига ва аниқлигига риоя этиш керак.

¹ Россия Федерацияси ҳудудида ГОСТ Р 15.0011 амал қилади.

¹ Россия Федерацияси ҳудудида ГОСТ Р 6.30-97 амал қилади

Ҳисоботда аниқ, чаплашиб кетмаган чизиклар, харфлар, рақамлар ва белгилар бўлиши керак.

6.1.5 Ҳисоботни тайёрлаш жараёнида аниқланган босма хатолар, ёзувдаги хатолар ва график ноаниқликларни тозалаш ёки матн тўғриланган жойга оқ бўск суриб машинкада тузатиш ёки қора сисхда қўлёзма усулида - пастада ёки тушда тузатишга рухсат этилади.

Матнли хужжатнинг бетларидаги шикастланишлар, доғлар ва олдинги матнни (графикани) тўғрилашнинг тўлиқ ўчирилмаган излари бўлишига йўл қўйилмайди.

Тузатишлар киритилгандан сўнг хужжат ГОСТ 13.1.002 да белгиланган микрофильмлаш талабларига жавоб бериши керак.

6.1.6 Фамилиялар, муассасалар, ташкилотлар, фирмалар номи, махсулотлар номи ва бошқа атоқли отлар ҳисоботда асл нусха тилида берилди. Атоқли отларни транслитерациялаш ва ташкилот номларининг асл номини (биринчи кўрсатиб ўтишда). қўшиб ҳисобот тилига таржима қилиб келтиришга рухсат этилади.

6.1.7 Ҳисоботда рус сўзлари ва сўз бирикмаларини қисқартиш - ГОСТ 7.12 бўйича.

6.2 Ҳисоботнинг тузилиши

6.2.1 Ҳисобот таркибий элементларининг номи «Бажарувчилар рўйхати», «Реферат», «Мундарижа», «Норматив ҳаволалар», «Таърифлар», «Белгилашлар ва қисқартмалар», «Кириш», «Хулоса», «Фойдаланилган манбалар рўйхати» ҳисобот таркибий элементларининг сарлавҳаси сифатида хизмат қилади.

6.2.2 Ҳисоботнинг асосий қисмини бўлим, кичик бўлимларга ва бандларга ажратиш керак. Зарурат бўлганда, бандлар кичик бандларга бўлиниши мумкин. Ҳисобот матнини бандларга ва кичик бандларга бўлганда ҳар бир банд тугалланган ахборотга эга бўлиши керак.

6.2.3 Бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар, кичик бандлар араб рақамлари билан белгиланиши ва хат бошидан ёзилиши керак.

Бўлимлар бутун матн доирасида тартиб рақамига эга бўлиши керак, иловалар бундан мустасно.

Мисол - 1,2,3 ва ҳ.

Кичик бўлим ёки банд рақами бўлим рақами ва нуқта билан ажратилган кичик бўлим ёки банднинг тартиб рақамини ўз ичига олади.

Мисол - 1.1,1.2,1.3 ва ҳ.

Кичик банднинг рақами нуқта билан ажратилган бўлим, кичик бўлим, банднинг рақами ва нуқта билан ажратилган кичик банднинг тартиб рақами киритилади.

Мисол - 1.1.1,1.1.1.2,1.1.1.3 ва ҳ.

Матндаги бўлим, кичик бўлим, банд ва кичик банд рақамидан кейин нуқта қўйилмайди.

Агар ҳисобот матни фақат бандларга бўлинган бўлса, иловалардан ташқари бутун ҳисобот доирасида улар тартиб рақамлари билан рақамланиши керак.

Агар бўлим ёки кичик бўлимда фақат бир банд бўлса ёки банд бир кичик бандга эга бўлса, улар рақамланмайди.

6.2.4 Бўлимлар, кичик бўлимлар сарлавҳага эга бўлиши керак. Бандларга, одатда, сарлавҳа қўйилмайди. Сарлавҳалар бўлимлар ва кичик бўлимларнинг мазмунини қисқа ва аниқ ифодалаш керак.

6.2.5 Бўлимлар, кичик бўлимлар ва бандлар сарлавҳалари хатбошидан катта ҳарф билан охирига нукта қўймай, тагига чизилмай босилади.

Агар сарлавҳа икки гапдан иборат бўлса, улар нукта билан ажратилади.

6.3 Ҳисобот саҳифаларини рақамлаш

6.3.1 Ҳисобот саҳифаларини ҳисоботнинг бутун матни бўйича рақамланиш кетма-кетлигини сақлаган ҳолда араб рақамлари билан рақамлаш керак. Саҳифа рақами варақ пастки қисмининг марказига нуктасиз қўйилади.

6.3.2 Титул варағи ҳисобот саҳифаларининг умумий рақамланишига киритилади. Саҳифа рақами титул варағида қўйилмайди.

6.3.3 Алоҳида варақларда жойлашган иллюстрациялар ва жадваллар ҳисобот саҳифаларининг умумий рақамланишига киритилади.

A3 форматли варақлардаги иллюстрациялар ва жадваллар бир саҳифа сифатида ҳисобга олинади.

6.4 Ҳисоботнинг бўлимлари, кичик бўлимлари, бандлари ва кичик бандларини рақамлаш

6.4.1 Ҳисобот бўлимлари бутун ҳужжат доирасида нуктасиз араб рақамлари билан белгиланган ва хатбошидан сзилган тартиб рақамларига эга бўлиши керак. Кичик бўлимлар ҳар бир бўлим доирасида рақамларга эга бўлиши керак. Кичик бўлим рақами нукта билан ажратилган бўлим ва кичик бўлимлар рақамларидан ташкил топади. Кичик бўлим рақами охирида нукта қўйилмайди. Бўлимлар, кичик бўлимлар каби бир ёки бир неча бандлардан ташкил топиши мумкин.

6.4.2 Агар ҳужжатда кичик бўлимлар бўлмаса, бандларнинг рақамланиши ҳар бир бўлим доирасида бўлиши керак ва банд рақами нукта билан ажратилган бўлим ҳамда бандлар рақамларидан ташкил топади. Ҳар бир банд рақами охирида нукта қўйилмайди.

Мисол

1 Турлари ва асосий ўлчамлар

1.1

1.2 Ҳужжат биринчи бўлимнинг бандларини

1.3 рақамлаш

2 Техник талаблар**2.1****2.2 Хужжат иккинчи бўлимнинг бандларини****2.3 рақамлаш**

Агар хужжат кичик бўлимлардан иборат бўлса, бандлар рақамланиши ҳар бир кичик бўлим доирасида бўлиши ва банд рақами, кичик бўлим ҳамда банд рақамларидан ташкил топиши керак, масалан:

3 Синов методлари**3.1 Аппаратлар, материаллар ва реактивлар****3.1.1****3.1.2** } **Хужжат учинчи бўлимнинг биринчи кичик****3.1.3** } **бўлимнинг бандларини рақамлаш****3.2 Синовга тайёргарлик****3.2.1****3.2.2** } **Хужжат учинчи бўлимнинг иккинчи кичик****3.2.3** } **бўлимнинг бандларини рақамлаш**

6.4.3 Агар бўлим бита кичик бўлимдан иборат бўлса, у ҳолда кичик бўлим рақамланмайди. Агар кичик бўлим бир банддан иборат бўлса, банд рақамланмайди. Бўлимдаги бир кичик бўлимнинг бўлиши уларнинг йўқлиги билан тенг.

6.4.4 Агар ҳисобот матни фақат бандларга бўлинса, у ҳолда улар бутун ҳисобот доирасида тартиб рақамлари билан рақамланади.

6.4.5 Бандлар, зарур бўлганда, ҳар бир банд доирасида тартиб рақамларига эга бўлиши керак бўлган кичик бандларга бўлинади, масалан 4.2.1.1, 4.2.1.2, 4.2.1.3 ваҳ.

6.4.6 Бандлар ёки кичик бандлар ичида санаб ўтишлар келтирилиши мумкин.

Ҳар бир санаб ўтишдан олдин дефис қўйилиши керак ёки, хужжат матнида санаб ўтишлардан бирига ҳавола келтириш зарур бўлган ҳолларда кетидан қавс қўйиладиган кичик ҳарф қўйилади (ё, з, о, г, ь, й, н, ь лар бундан мустасно).

Санаб ўтишларни янада деталлаштириш учун кетидан қавс қўйиладиган араб рақамларидан фойдаланилади, ёзиш эса, мисолда келтирилганидек хатбошидан амалга оширилади.

Мисол

а) _____

б) _____

1) _____

2) _____

в) _____

6.4.7 Агар ҳисобот икки ва ундан кўп қисмлардан иборат бўлса, ҳар бир қисм ўзининг тартиб рақамига эга бўлиши керак. Ҳар бир қисмнинг рақамини араб рақамлари билан, ҳисобот тури кўрсатилиши тагига титул варағига қўйилади, масалан, «2-қисм»

6.4.8 Ҳисоботнинг ҳар бир таркибий элементи янги варақдан (бетдан) бошланиши керак.

6.4.9 Ҳисобот саҳифаларини ва ҳисобот таркибидаги иловаларни рақамлаш узвий бўлиши керак.

6.5 Иллюстрациялар

6.5.1 Иллюстрациялар (чизмалар, графиклар, схемалар, компьютерда чиқарилган нусхалар, диаграммалар, фотосуратлар) бевосита ҳисобот матнида биринчи бор келтирилган жойидан кейин ёки кейинги бетда жойлаштирилади.

Иллюстрациялар, компьютерда бажарилган, шу жумладан рангли бўлиши мумкин.

Ҳисоботда барча иллюстрацияларга ҳаволалар берилиши керак.

6.5.2 Ҳисоботда жойлаштириладиган чизмалар, графиклар, схемалар, диаграммалар, иллюстрациялар Конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими (Единая система конструкторской документации) (КХЯТ) давлат стандартлари талабларига мос бўлиши керак.

Чизмалар, графиклар, диаграммалар, схемалар нусхаларини компьютерда амалга оширишга рухсат этилади.

6.5.3 Улчамлари А4 форматидан кичик бўлган фотосуратлар стандарт оқ қоғоз варағига елимланиши керак.

6.5.4 Иловадаги иллюстрациялардан бошқа иллюстрациялар араб рақамларида узвий рақамланиши керак.

Агар расм бир дона бўлса, у «1-расм» деб белгиланади. «Расм» сўзи ва унинг номи сатр ўртасида жойлаштирилади.

6.5.5 Иллюстрацияларни бўлим доирасида рақамлаш мумкин. Бундай ҳолларда иллюстрация рақами бўлим рақами ва нуқта билан ажратилган иллюстрация тартиб рақамидан иборат бўлади. Масалан, 1.1-расм

6.5.6 Иллюстрациялар, зарур бўлганда, номи ва тушунтириш маълумотларига эга бўлиши мумкин (расм остидаги матн). «Расм» сўзи ва номи тушунтириш маълумотларидан сўнг қуйидагича жойлаштирилади: 1-расм - Ускуна деталлари.

6.5.7 Ҳар бир илованинг иллюстрациялари рақам олдида илова белгисини қўшган ҳолда араб рақамларидаги алоҳида рақам билан белгиланади. Масалан, А.3-расм.

6.5.8 Иллюстрацияларга ҳавола қилинганда узвий рақамлашда «... 2-расмга мувофик» деб ёзилади ва бўлим доирасида рақамланганда «... 1.2-расмга мувофик» деб ёзилиши керак.

6.6 Жадваллар

6.6.1 Жадваллар кўргазмалилик ва кўрсаткичларни таққослаш қулайлиги учун қўлланилади. Жадвал номи, агар у мавжуд бўлса, унинг мазмунини ёритиши, аниқ ва қисқа бўлиши керак. Жадвал номини жадвал юқорисининг чап томонида, хатбошисиз, унинг рақами билан бир каторда тире орқали жойлаштириш керак.

Жадвал қисмини кўчиришда унинг номи фақат жадвал биринчи қисмининг юқорисида кўрсатилади, жадвални чегаралайдиган пастки горизонтал чизик қўйилмайди.

6.6.2 Жадвал ҳисоботда, у бевосита биринчи марта қайд этилган матндан сўнг ёки кейинги бетда жойлаштирилади:

6.6.3 Ҳисоботда барча жадвалларга ҳаволалар берилиши керак. Ҳаволада «жадвал» сўзи унинг рақами кўрсатилган ҳолда ёзилади.

6.6.4 Сатрлари кўп бўлган жадвални иккинчи вараққа (бетга) ўтказиш мумкин. Жадвални иккинчи вараққа (бетга) ўтказишда «Жадвал» сўзи ва унинг рақами жадвал биринчи қисмининг ўнг томонида бир марта кўрсатилади, бошқа қисмлари устига «Давоми» сўзи ёзилади ва жадвал рақами кўрсатилади, масалан: «1-жадвалнинг давоми». Жадвални иккинчи вараққа (бетга) ўтказишда сарлавҳалари бир марта унинг биринчи қисми устида жойлаштирилади.

Устунлари кўп бўлган жадвалларни қисмларга бўлиб, бир бет чегарасида бир қисмини бошқасининг тагига жойлаштириш мумкин. Агар жадвалнинг сатрлари ва устунлари саҳифа форматидан чиқадиган бўлса, биринчи ҳолда жадвалнинг ҳар бир қисмида боши такрорланади, иккинчи ҳолда - ёнидагиси.

Агар жадвал устунининг турли сатрларида такрорланадиган матн бир сўздан иборат бўлса, у ҳолда бу сўз биринчи ёзилишдан кейин уни қўштирноқ билан алмаштириш мумкин; агар икки ва ундан кўп сўздан иборат бўлса, унда биринчи такрорланишида «Худди шунинг ўзи» сўзлари билан, бундан кейин эса - қўштирноқ билан алмаштирилади. Такрорланадиган рақамлар, маркалар, белгилар, математик ва кимёвий символлар ўрнига қўштирноқ қўйиш мумкин эмас. Агар рақамли ёки бошқа маълумотлар жадвалнинг қайсидир бир сатрида келтирилмаса, унга чизикча қўйилади.

6.6.5 Рақамли материал, одатда, жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Жадвални расмийлаштириш мисоли 1-расмда кўрсатилган.

Жадвал _____

рақам

жадвал номи



1-расм

6.6.6 Жадваллар, иловалар жадвалларидан ташқари, узвий рақамлаш билан араб рақамларида рақамланади.

Жадвалларни бўлим доирасида рақамлаш мумкин. Бу ҳолда жадвал рақами нукта билан ажратилган бўлим рақами ва жадвалнинг тартиб рақамидан иборат бўлади.

Ҳар бир илова жадвали рақамдан олдин илованинг белгисини қўшган ҳолда алоҳида араб рақамлари билан рақамланади.

Агар ҳужжатда битта жадвал бўлса, у «1-жадвал», В иловаси келтирилган бўлса, «ВЛ-жадвал» деб кўрсатилиши керак.

6.6.7 Жадвалдаги устунлар ва сатрлар сарлавхалари катта ҳарфлар билан бирликда, устунларнинг кичик сарлавхалари, агар улар сарлавҳа билан бир гапдан иборат бўлса - кичик ҳарфларда ёки мустақил мазмунга эга бўлганда кичик ҳарфларда ёзилади. Жадвалнинг сарлавхалари ва кичик сарлавхалари охирида нукта қўйилмайди.

6.6.8 Жадваллар, одатда, чап, ўнг ва тагидан чизиқлар билан чегараланади. Жадвалларда матндаги шрифтга нисбатан кичикроқ ўлчамдаги шрифтни қўллашга йўл қўйилади.

Жадвал ён томонлари ҳамда устунларнинг сарлавхалари ва кичик сарлавхаларини диагональ чизиқлар билан ажратишга йўл қўйилмайди.

Жадвал сатрларини чегараловчи горизонтал ва вертикаль чизиқлар қўйилмаслиги мумкин, агар уларнинг йўқлиги жадвалдан фойдаланишда қийинчиликка олиб келмаса.

Устунлар сарлавхалари, одатда, сатрга параллел равишда ёзилади. Зарур бўлганда, устунлар сарлавхаларини перпендикуляр жойлаштириш мумкин.

Жадвал боши қолган қисмлардан чизиқ билан ажратилиши керак.

6.6.9 Ҳисоботда жадвалларни расмийлаштириш тартиби ГОСТ 1.5 ва ГОСТ 2.105га мос бўлиши керак.

6.7 Изоҳлар

6.7.1 «Изоҳ» сўзи хат бошидан, бош ҳарф билан остига чизилмай босилиши керак.

6.7.2 Агар матн, жадвал ёки график материалларнинг мазмунига тушунтириш ёки ахборот маълумотлари зарур бўлганда ҳужжатларда изоҳлар келтирилади. Изоҳларда талаблар бўлмаслиги керак.

6.7.3 Изоҳлар бевосита матн, график материалдан кейин ёки бу изоҳлар тааллуқли бўлган жадвал ичида жойлаштирилади. Агар изоҳ битта бўлса, «Изоҳ» сўзидан сўнг тире қўйилади ва изоҳ бош ҳарф билан босилади. Битта бўлган изоҳ рақамланмайди. Бир неча изоҳлар араб рақамлари билан тартиб бўйича нукта қўйилмасдан рақамланади. Жадвал учун изоҳ унинг охирида, жадвал тугаганлигини билдирадиган чизиқдан олдин жойлаштирилади.

Мисол

Изоҳ- _____

Бир неча изоҳлар тартиб бўйича араб рақамлари билан рақамланади.

Мисол

Изоҳлар

1 _____

2 _____

3 _____

6.8 Формулалар ва тенгламалар

6.8.1 Тенгламалар ва формулалар матндан алоҳида сатрга ажратилиши керак. Ҳар формула ва тенгламанинг тепасида ва тагида биттадан кам бўлмаган бўш сатр қолдирилиши керак. Агар тенглама бир сатрга сиғмаса, уни тенглик белгиси (=) ёки плюс (+), минус (-), кўпайтириш (x), бўлиш (:) ёки бошқа математик белгилардан кейин кўчирилиши керак, бунда белги кейинги сатр бошида такрорланади. Формулаларни кўчиришда белгисида кўпайтириш операциясини билдирадиган символда «X» белгиси қўлланади.

6.8.2 Символлар ва сонли коэффициентлар маъноларини тушунтиришлар улар формулада берилган кетма-кетликдаги каби бевосита формула остида берилиши керак.

6.8.3 Ҳисоботда формулалар тартиб бўйича бутун ҳисобот доирасида араб рақамлари билан думалоқ қавс ичида сатрнинг ўнг четида рақамланади.

Мисол

A=a:b, (1)

B=c:e (2)

Битта формула - (1) белгиланади

6.8.4 Иловаларда жойлаштириладиган формулалар ҳар бир сон олдида илова белгисини қўйган ҳолда ҳар бир илова доирасида алоҳида рақамланиш билан араб рақамларида рақамланади, масалан, (B. 1)-формуласи.

6.8.5 Матндаги формулаларнинг тартиб рақамига ҳаволалар қавсда берилади. Мисол - ... (1)- формулада

6.8.6 Бўлим доирасида формулаларни рақамлашга рухсат этилади. Бундай ҳолда формуланинг рақами бўлим рақами ва формуланинг нуқта билан ажратилган тартиб рақамидан иборат бўлади, масалан (3.1)

6.8.7 Ҳисоботда математик тенгламаларни баён этиш тартиби формулаларни баён этиш тартибига ўхшаш.

6.8.8 Ҳисоботда формула ва тенгламаларни қўлёзма усули орқали қора сиёҳда бажаришга рухсат этилади.

6.9 Ҳаволалар

6.9.1 Ҳисоботда ушбу ҳужжат, стандарт, техник шартлар ва бошқа ҳужжатларга ҳаволаларга йўл қўйилади, улар тегишли талабларни тўлиқ ва бир хил белгилаши ва ҳужжатдан фойдаланишда қийинчилик туғдирмаслиги шарти билан.

6.9.2 Бутун ҳужжатга ёки унинг бўлимлари ва иловаларига ҳавола берилиши керак. Кичик бўлимлар, бандлар, жадваллар ва иллюстрацияларга ҳаволалар берилиши мумкин эмас, ушбу ҳужжатнинг кичик бўлимлари, бандлари, жадваллари ва иллюстрациялари бундан мустасно.

6.9.3 Стандарт ва техник шартларга ҳаволалар берилганда фақат уларнинг белгиланиши кўрсатилади, бунда ГОСТ 7.1 бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатида стандартга тўлиқ таъриф берилиши шарти билан уларнинг тасдиқланган йили кўрсатилмаслиги мумкин.

6.9.4 Фойдаланилган манбаларга ҳаволалар квадрат қавсларда келтирилади.

6.10 Титул варағи

6.10.1 Титул варағи куйидаги реквизитларга эга:

- тизимга бажарувчи ташкилот кирадиган юқори ташкилот ёки бошқа таркибий тузилманинг номи, ташкилотнинг номи (шу жумладан, қисқартирилган номи);

- УЎТ индекси, Умумроссия маҳсулотлар таснифи (УМТ)нинг ЮТГ коди (маҳсулотни ишлаб чиқиш ва модернизация қилишдан олдинги ИТИ тўғрисидаги ҳисоботлар учун) ва бажарувчи ташкилот томонидан қўйиладиган ИТИ давлат рўйхатидан ўтган рақами, шунингдек «Инв. рақ.» ёзуви - бу маълумотлар кетма-кет жойлаштирилади.

махсус белгилар (ҳисоботда моддалар ва материалларнинг хусусиятлари тўғрисида сонли маълумотлар мавжуд бўлса, бу қисмда САМДХ (стандарт ахборот маълумотлари давлат хизмати) қўйилади;

- келишув грифи, тасдиқлаш грифи.

Тасдиқлаш грифи «ТАСДИҚЛАЙМАН» сўзи, ташкилот номи кўрсатилган ҳолда ҳисоботни тасдиқлаган шахснинг лавозими, илмий унвони, илмий даражаси, шахсий имзоси, унинг расшифровкаси ва ҳисобот

тасдиқланган санасидан иорат. Шу жоининг узида ҳисоотни тасдиқловчи ташкилотнинг муҳри қўйилади.

Келишув грифи «КЕЛИШИЛГАН» сўзи, ташкилот номи кўрсатилган ҳолда ҳисоботни келишган шахснинг лавозими, илмий даражаси, илмий унвони, шахсий имзоси, унинг расшифровкаси, ҳисобот келишилган санасидан, келишувчи ташкилот муҳридан иборат.

Агар келишув хат орқали ўтказилган бўлса, келишувчи ташкилотнинг қискартирилган номи, хатнинг чиқувчи рақами ва санаси кўрсатилади.

«Келишув грифи» ва «тасдиқлаш грифи» реквизитларидаги асосий қисмлар бир неча қатордан иборат бўлса, 1, қаторлараро интервал билан босилади, қисмларининг ўзи эса бир-биридан, 1,5 қаторлараро интервалда ажратилади.

Имзолар ва имзо қўйиш санаси фақат қора сиёҳда ёки тушда бажарилиши керак.

Сақа элементлари араб рақамлари билан бир қаторда қуйидаги кетма-кетликда келтирилади: ой куни, ой, йил, масалан: 2000 йил 10 апрель 10.04.2000 кўринишида ёзилиши керак;

Ҳужжат тури бош ҳарфларда келтирилади, дастур номи (ИТИ) - кичик ҳарфларда, биринчиси бош ҳарф билан, Ҳисобот номи - бош ҳарфларда, ҳисобот тури (оралиқ ёки якуний) - қавс ичидаги кичик ҳарфларда берилади. Агар ҳисобот номи дастур мавзуси номига (ИТИ) мос келса, у бош ҳарфларда босилади.

- давлат илмий-техник дастурининг шифри, бажарувчи-ташкилот томонидан берилган иш шифри;

- ИТИни бажарувчи-ташкилот раҳбарлари, ИТИ раҳбарларининг лавозимлари, илмий даражалари, илмий унвонлари, (агар бир нечта қаторда босилса, 1 қаторлараро интервалда босилади), кейин имзолар учун бўш жой қолдирилиб, ўнг томонда бажарувчилар ва бирга бажарувчилар исм-шарифининг бош ҳарфлари ва фамилиялари ҳамда пастда шахсий имзолардан кейин имзо қўйилган санаси қўйилади (агар титул варағида барча керакли имзолар сиғмаса, кейинги бетга кўчириш мумкин);

- ҳисобот чиқарилган шаҳар ва йили.

6.10.2 Титул варақларини расмийлаштириш мисоли Б иловада келтирилган.

6.11 Бажарувчилар рўйхати

6.11.1 Фамилиялар ва исм-шарифларнинг бош ҳарфлари, лавозимлар, илмий даражалар, илмий унвонлар рўйхатда устун бўйича жойлаштирилади. Чап томонда бажарувчилар ва бирга бажарувчиларнинг лавозимлари, илмий даражалари, илмий унвонлари (агар бир нечта қаторда босилса, 1 қаторлараро интервалда босилади), кейин асл имзолар учун бўш жой қолдирилади, ўнгда бажарувчилар ва бирга бажарувчилар исм-

шарифларининг бош ҳарфлари ва фамилиялари кўрсатилади. Ҳар бир фамилия ёнида қавсда бўлим (кичик бўлим)нинг рақами ва аниқ бажарувчи томонидан тайёрланган ишнинг ҳақиқий қисми кўрсатилади. Бирга бажарувчилар учун бирга бажарувчи ташкилотнинг номи кўрсатилади.

6.11.2 Бажарувчилар рўйхатини расмийлаштириш мисоли В иловада келтирилган.

6.12 Белгилашлар ва қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, физик катталиклар бирликлари ва атамалар рўйхати

Рўйхат устун бўйича жойлаштирилади. Чапда алифбо тартибда қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, физик катталиклар бирликлари ва атамалар, ўнгда - уларнинг батафсил маъноси.

6.13 Фойдаланилган манбалар рўйхати

Манбалар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобот матнидаги манбаларга ҳаволалар пайдо бўлиши тартибда жойлаштирилади ва араб рақамларида нуктасиз хатбошидаи босилади.

6.14 Иловалар

6.14.1 Илова ушбу ҳужжатнинг кейинги бетлардаги давоми сифатида расмийлаштирилади ёки мустақил ҳужжат сифатида чоп этилади.

6.14.2 Ҳужжат матнида барча иловаларга ҳаволалар берилиши керак. Иловалар ҳужжат матнида уларга ҳаволалар берилган тартибда жойлаштирилади, охирида жойлаштирилдиган «Библиография» маълумотнома иловаси бундан мустасно.

6.14.3 Ҳар бир илова янги бетдан бошланиб саҳифанинг юқори қисмининг ўртасида «Илова» сўзи, унинг белгиси ва даражаси кўрсатилиши керак.

Илова матнга нисбатан бош ҳарфда алоҳида сатрдан ёзилган симметрик сарлавҳага эга бўлиши керак.

6.14.4. Иловалар Ё, З, Й, О, Ч, Ь, Ы1, Ъ ҳарфларидан ташқари, А дан бошлаб рус алифбосининг бош ҳарфлари билан белгиланади. «Илова» сўздан кейин кетма-кетлик тартибини белгиловчи ҳарф берилади.

Иловаларни I ва O ҳарфларидан ташқари, лотин алифбосининг ҳарфлари билан белгилаш мумкин.

Рус ва лотин алифбоси ҳарфларидан тўлиқ фойдаланиб бўлинганда, иловаларни араб рақамлари билан белгилаш мумкин.

Агар ҳужжатда битта илова бўлса, у «А илова» деб белгиланади.

6.14.5 Ҳар бир илова матни, зарур бўлганда ҳар бир илова доирасида рақамланадиган бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар, кичик бандларга бўлиниши мумкин. Рақам олдидан бу илованинг белгиси қўйилади.

6.14.6 Иловалар ҳужжатнинг қолган қисмлари билан умумий бўлган саҳифаларнинг узвий рақамланишига эга бўлиши керак.

Зарур бўлганда бундай илова «Мундарижа»га эга бўлиши мумкин.

6.14.7 Мустақил ҳужжат сифатида чиқарилган иловалар ёки қисмларга ҳужжатнинг кодида унинг тартиб рақамини кўрсатган ҳолда ҳужжат қисмига каби белги берилади.

А ИЛОВА
(мажбурий)

ИТИ тўғрисидаги ҳисобот учун реферат тайёрлаш мисоли

Реферат

Ҳисобот 85 б., 2 қ., 24 та расм., 12 та жадв., 50 та манба, 2 та илова.

РАСХОДОМЕРНЫЕ УСТАНОВКИ, ПОРШНЕВЫЕ РАСХОДОМЕРЫ, ТАХОМЕТРИЧЕСКИЕ РАСХОДОМЕРЫ, ИЗМЕРЕНИЕ, БОЛЬШИЕ РАСХОДЫ, ГАЗЫ

Тадқиқот объекти бўлиб, газнинг катта сарфларини ўлчаш ва аниқифодалаш учун мўлжалланган поршенли қурилмалар ҳисобланади.

Ишнинг мақсади - қурилмаларнинг метрологик тадқиқотлари методикасини ва уларни амалга ошириш учун стандарт бўлмаган аппаратурани ишлаб чиқиш.

Иш жараёнида алоҳида ташкил этувчилар ва қурилмалар умумий ҳатолигининг экспериментал тадқиқотлари ўтказилди.

Тадқиқот натижасида биринчи марта икки поршенли реверсив сарфўлчагич қурилмалари яратилди: биринчиси $0,07 \text{ м}^3/\text{с}$ гача бўлган сарфлар учун, иккинчиси - $0,33 \text{ м}^3/\text{с}$ гача сарфлар учун мўлжалланган.

Асосий конструктив ва техник-эксплуатацион кўрсаткичлари: газ сарфининг катта кўрсаткичларидаги ўлчашнинг юқори даражадаги аниқлиги.

Жорий этиш даражаси - иккинчи қурилма ишлаб чиқилган методика бўйича намунали сифатида атгестацияланган.

Қурилмаларнинг самарадорлиги уларнинг ўлчанадиган жараёнларнинг боришига кичик таъсири билан белгиланади. Икки қурилма ҳам саноат ротацион газ ўлчагичларини ҳамда тахометрик сарфўлчагичларни даражалаш ва текшириш учун қўлланиши мумкин.

Б ИЛОВА
(мажбурий)

Титул варақларини расмийлаштириш мисоллари

1-мисол ИТИ тўғрисидаги ҳисоботнинг титул варағи
Россия Федерациясининг умумий ва
касб-хунар таълими вазирлиги

УФА ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ТЕХНИК
УНИВЕРСИТЕТИ

УЎТ 378.14
Давлат рўйхат рақ. 1970006723
Инв. рақ

ТАСДИҚЛАЙМАН

Илмий иш бўйича
университет проректори
_____ Н.С. Жернаков
« _ » _____ й.

**ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШИ ТЎҒРИСИДА
ҲИСОБОТ**

Россия фуқаролик олий ўқув юртларида ҳарбий мутахассислар
тайёрлашнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари

Мавзу:

ИЖТИМОЙ ЖАРАЁН СИФАТИДА
АРМИЯНИ ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШ
(оралиқ)

Илмий иш бўйича
проректор ўринбосари

_____ Р.А. Бадамшин
имзо, сана

Мавзу раҳбари

_____ Г.А. Кабакович
имзо, сана

Уфа 1999

ГОСТ 7.32-2001

2-мисол ИТИ тўғрисидаги ҳисоботга тегишли иловалар китобининг титул varaғи

Г.П. Қржижановский номидаги Мехнат Қизил
Байроқ Ордени Давлат илмий-тадқиқот
энергетика институти (ЭИТИ)

УЎТ 662.612.3
ЮТГ УМТ
Давлат рўйхат рақ. 01890083597
Инв. рақ.

ТАСДИҚЛАЙМАН
ЭИТИ директор ўринбосари
техн. фанлари доктори
_____ Е.И.Королев
«__» _____ й.

ОТЧЕТ О НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ РАБОТЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
КИНЕТИКИ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ ОКИСЛОВ АЗОТА И
СЕРЫ ПРИ СЖИГАНИИ ТОПЛИВА
(якуний)

5-қисм

	ИЛОВАЛАР	
Х-Д №1217/89	имзо, сана	
	имзо, сана	
	имзо, сана	
Бўлим мудир	имзо, сана	С.С.Филимоно

Лаборатория мудир		в Е.В.

ИТИ раҳбари Норма		Самуилов Г.Я.

назорати		Герасимов В.П.

		Кошкарев

Москва 1989

3-мисол Бир бажарувчи томонидан бажарилган ИТИ тўғрисидаги хисоботнинг титул varaғи

Россия Федерациясининг умумий ва касб-хунар таълим вазирлиги

ИРКУТСК ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЙ АКАДЕМИЯСИ
(ИДИА)

УУТ 338.242
Давлат рўйхат рақ. 01980002302
Инв. рақ,

ТАСДИҚЛАЙМАН
Илмий иш бўйича проректор
иктисод. фанлари доктори, МАН
ВШ академиги
– _____ В.И.Самаруха
«_ _» _____ й.

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШИ ТЎҒРИСИДА
Х.ИСОБОТ

Корхонанинг банкротлик хавфини диагностика қилиш

КОРХОНА БАНКРОТЛИК ХАВФИНИНГ НАЗАРИИ АСОСЛАРИ
(яқуний)

Г-50

Илмий раҳбар
иктисод. фанлари д-ри,
проф, МАН ВШ
академиги

имзо, сана

Г.В.

Норма назорати

_____ имзо, сана

Давидова

К.П. Иванова

Иркутск 1998

В ИЛОВА
(маълумот учун)

Бажарувчилар рўйхатини раемийлаштириш мисоли

БАЖАРУВЧИЛАР РЎЙХАТИ

Мавзу раҳбари, филология фанлари д-ри	_____	Г.А. Кабакович (кириш, хулоса)
	имзо, сана	
Мавзу бажарувчилари	_____	М.В.Макатрова (1-3 бўлим, хулоса)
	имзо, сана	Ю.Г. Спицин (3- бўлим)
Норма назорати	_____	А.В. Костюнина
	имзо, сана	
Бирга бажарувчилар:	_____	
	имзо, сана	
Катта илмий ходим техн. фанлари номзоди	_____	Т.Д. Меркулова (2- бўлим, НТЦ «Ипформрегистр»)
	имзо, сана	

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

АХБОРОТ ТИЛЛАРИ ЛУҒАТЛАРИ ВА АТАМАЛИ МАЪЛУМОТЛАР
ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

УЧУН КОММУНИКАТИВ ФОРМАТ

Ёзув мазмуни

ГОСТ 7.47 -84

Стандартлар бўйича Давлат кўмитаси
Москва

ГОСТ 7.47-84

Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси
Фан ва техника бўйича Давлат қўмитаси
Фанлар академияси
Ихтиро ва кашфиёт ишлари бўйича Давлат қўмитаси
Авиация саноати вазирлиги
Кемасозлик саноати вазирлиги томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

БАЖАРУВЧИЛАР:

В.И. Федосимов, Г.Г. Белоногов, А.В. Веселовский, Ю.В. Сипапин, А.А. Полтев, Л.Ю. Герасимов, Э.П. Зарубин (руководители темы), В.А. Гарбарчик, В.Н. Белоозеров, Л.П. Верякина, Н.Д. Кравченко, Е.Н. Казаков, В.С. Горбаченко, А.Б. Антопольский, Ю.Ф. Протопопов, Ю.П. Венедиктов

Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси томонидан КИРИТИЛГАН

Раис ўринбосари В.И.Кипаренко

Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси 1984 йил 28 февралдаги 707-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши
бўйича стандартлар тизими**

**АХБОРОТ ТИЛЛАРИ ЛУҒАТЛАРИ ВА
АТАМАЛИ МАЪЛУМОТЛАР УЧУН
КОММУНИКАТИВ ФОРМАТ**

**ГОСТ
7.47 -84**

Ўзув мазмуни

System of standards on information, libraries and publishing. Communicative format for vocabularies of information retrieval languages and terminological data.
Content of records

СТШУТ 0007

Стандартлар бўйича Давлат қўмитасининг 1984 йил 28 февралдаги 707-сон қарори билан жорий этиш санаси 1985 йил 1 январдан белгиланган

Ушбу стандарт магнит тасмадаги лексик ахборотни, шунингдек ўзув мазмуни, маълумотлар элементларининг таркиби ва идентификация қилинишининг коммуникатив форматини белгилайди.

Стандарт автоматлаштирилган ахборот тизимлар ўртасида алмашиш учун ахборот тиллари луғатларининг лексикаси, атамашунослик ва бошқа лексикографик манбаларни магнит тасмаларда тавдим этишга тааллуқли бўлиб, илмий-техник ахборот органлари учун мажбурийдир.

Ушбу коммуникатив форматнинг белгиланиши АТЛАФ - ахборот тилларининг лексикаси билан алмашиш формати.

Ахборот-кидирув тезаурусларини тақдим этиш қисмида стандарт ГОСТ 7.25-80 билан бирга қўлланиши керак.

1 Умумий қоидалар

1.1 Коммуникатив форматдан куйидаги лексикографик манбалардаги ахборотни магнит тасмаларга ёзиш учун қўлланилади:

бир тилли ахборот-кидирув тезауруслари;
кўп тилли ахборот-кидирув тезауруслари;
илмий-техник ахборотнинг рубрикатори (таснифлари) (шу жумладан.
УЎТ ва ИТАДАТ Рубрикатори);
предмет рубрикаларининг рўйхатлари (луғатлари);
атамалар ва таърифлар учун стандартлар;
атамашунослик луғатлари ва маълумотномалар.

1.2 Коммуникатив формат фақат маълумотлар билан алмашиш учун мўлжалланган. Ёзувлар структураси ахборот қидирувига мўлжалланмаган ва аниқ ахборот тизимларида маълумотларнинг ички структураси сифатида қўлланиши мажбурий эмас.

1.3 Лексикографик манба АТЛАФ форматида ҳар бири бир луғат мақоласининг манбасига мослаштирилган, ёзувларнинг кетма-кетлигида тақдим этилади. Ёзувнинг асосий элементи **бош лексик бирлик** (БЛБ) ҳисобланади. Ушбу луғат мақоласида қўшимча ахборот берилган лексикографик манба сўзлигининг элементиدير.

1.4 Битта магнит тасмаси ҳам битта, ҳам бир неча манбаларга тегишли бўлган ёзувларни ўз ичига олиши мумкин, бунда ҳар бир манба тўлиқ ёки қисман тақдим қилиниши мумкин.

Турли хилдаги ёзувларни қўллаб ёзув атамалари ўртасига манбанинг тизимлаштирилган кўрсаткичининг рубрикалари ёзувани қўйган ҳолда, магнит тасмасида лексик бирликларнинг тизимлаштирилган таснифларини акс эттириш, шунингдек лексик бирликлар кўрсаткичдарининг ҳар хил турларини ўз ичига олган манбаларни тақдим этиш мумкин.

1.5 Турли ахборот тизимларида бир хил ёки боғлиқ манбаларнинг синхрон юритилишини таъминлаш учун форматда манбанинг лексик таркибидаги ўзгаришларни узатиш воситалари кўзда тутилган.

1.6 Коммуникатив формат воситалари томонидан таърифланадиган маълумотлар структурасининг тури - турли хилдаги боғлиқдаги ва семантик боғланган чўққиларни гуруҳлаш имкониятига эга бир поғонали дарахт. Ҳар бир ёзувда БЛБ ва маълумотлари элементининг белгиси ёрдамида БЛБ га нисбатан кўрсатилган уларнинг ўрни ёки боғлиқлиги кўрсатилган бошқа маълумотлар элементлари мавжуд.

1.7 Агар лексик ва терминологик тизимларнинг ривожланиш жараёнида янги семантик муносабатлар ва боғлиқликларнинг ушбу стандартда тақдим этилмаган янги турларини аниқлашга эҳтиёжи туғилса, улар ИТАДАТнинг ахборот тилларини юритишнинг автоматлаштирилган тизимида (АТЮАТ) рўйхатдан ўтказилади.

1.8 Коммуникатив форматда маълумотларни кодлаш СТ СЭВ 358-76 (КОИ-8 -жадвали), символларнинг кенгайтирилган рўйхатини кодлаш - ГОСТ 7.28-80, ГОСТ 7.29-80, ГОСТ 7.30-80 талабларига мувофиқ бўлиши

керак. Такдим этилиши учун 8-битли кодларнинг кенгайтирилишини талаб қиладиган маълумотлар элементларининг структураси - СТ СЭВ 360-76 бўйича. Агар ахборотни фақат бош ҳарфларда кўрсатиш етарли бўлса, ДКОИ кодини қўллаш мумкин.

2 Лексикографик ахборотни такдим этиш усули

2.1 Магнит тасмадаги (МГ)ёзув структу-раси ГОСГ7.14-84 талаб ларига мувофиқ бўли-ши керак

Индикатор ва идентификаторларсиз структура вариантдан фойдаланилади.

ИТАДАТ макротезаурус ахборотини такдим этиш учун, индикатор ва идентификаторлар мавжуд бўлган структура вариантдан фойдаланишга йўл қўйилади.

Блокнинг максимал узунлиги 16000 байт бўлган ўзгарувчан узунликдаги блоклаштирилган ёзувлари қўлланилади.

2.2 Ёзув маркери компонентларининг қиймати

2.2.1 5-ҳолат қиймати (ёзув мақоми) - 1-жадвалга қар.

1 -жадвал

Маркер 5-ҳолатининг қиймати	Ёзув мақоми	Тушунтириш
1	Янги	Луғат мақоласи массивда илк мартаба киритилмоқца
3	Ўзгартирувчи	Луғат мақоласи аввал киритилган мақола ўрнига киритилади, унинг ёзуви худди ўша идентификаторга эга.
5	Тугатувчи	Ёзув аавал киритилган ёзувнинг худди ўша идентификаторига эга ёзувни тугатади

2.2.2 Маркер 20-ҳолатининг қиймати («маълумотлар майдонининг узунлиги» майдон узунлиги) - 4

2.2.3 Маркер 21-ҳолатининг қиймати («Бошланғич символ майдонининг узунлиги» майдон узунлиги) - 5

2.2.4 Маркер 22-ҳолатининг қиймати («Қўллашда аниқланадиган қисм узунлиги» майдон узунлиги) - 4

2.3 Маълумотнома мақоласидаги маълумотлар майдонлар и қийматларини индентификация қилиш қоидалари

2.3.1 Ўрнатиладиган белгилар рўйхати ва уларнинг қийматлари маълумотлар элементларининг спецификациясида келтирилган (3-бўлим). Маълумотлар майдонлари семантик тоифаларининг фарқи 2-жадвалга мувофиқ белгининг биринчи символини белгилайди.

2.3.2 Қўллашда аниқланадиган қисмнинг биринчи учта ҳолатида, СТ-СЭВ 251-76 тегишли маълумотлар майдони тилининг лотин коди жойлаштирилади. Агар маълумотлар элементи учун тилни кўрсатиш маънога эга бўлмаса, бу ҳолатлар бўш жойлар билан тўлдирилади.

Тўртинчи ҳолат бир ёзув доирасида маълумотларнинг алоҳида майдонлари орасидаги боғлиқликни кўрсатиш учун фойдаланилади. Биргаликда кўриб чиқиладиган маълумотларни ўз ичига олган майдонлар кўрсатилган ҳолатда ўхшаш символлар билан идентификация қилинади. Бу ҳолда символлар 1; ... 9, А, ..., 2 қаторидан кетма-кет танланади. Агар маълумотлар элементлари ўртасидаги боғлиқлик белгиланмаган бўлса, кўрсатилган ҳолатда бўш жой қолдирилади.

2-жадвал

Белгининг биринчи симболи	Ахборот тури
Ø*	Индентификацион маълумотлар
1	Луғат мақоласининг бош лексик бирлиги
2	Морфологик маълумотлар
3	Предметли-тематик тасниф
4	Таърифлар, мисоллар, контекстлар
5	Лексик бирликлар ўргасидаги муносабатлар
6	Бош лексик бирликнинг бошқа тилдаги эквивалентлари
7	Бошқа ахборот
8	Манба таърифи
9	Резерв

Мисол. Антенналар диапазон бўйича кенг полосали, УҚТ ва бошқа, шакли бўйича - параболик, сферали ва бошқа шаклларга ажратилади.

Белги	Боғлиқлик кўрсаткичи	Лексик бирлик	Тушунтириш
1ØØ		антенналар	БЛБ
54Ø	1	диапазон	Бўлиниш аспекти
532	1	кенг полосали антенналар	«Диапазон» бўлиниш аспектидаги кўйи турувчи тушунча
532	1	УҚТ - антенналар	«Диапазон» бўлиниш аспектидаги кўйи турувчи тушунча
54Ø	2	шакл	Бўлиниш аспекти
532	2	параболали антенналар	«Шакл» бўлиниш аспектидаги кўйи турувчи тушунча
532	2	сферали антенналар	«Шакл» бўлиниш аспектидаги кўйи турувчи тушунча

Бу ерда ва кейинчалик О харфидан ажралиб туриши учун ноль 0 белгиси билан белгиланади.

2.4 Маълумотлар майдонларида ахборотни ёз иш қоидалари

2.4.1 Ҳар бир маълумотлар элементига маълумотнома мақоласи ва маълумотлар майдони тўғри келади. Маълумотлар элементининг семантикаси ва киймати, шунингдек унинг бош лексик бирликка (БЛБ) бўлган муносабати маълумотнома мақоласида белги билан белгиланади. Барча майдонлар ўзгарувчан узунликка эгадир.

2.4.2 Ёзувдаги маълумотларнинг барча элементлари бош лексик бирликка (БЛБ) нисбатан кўриб чиқилади. Боғлиқлик кўрсаткичлари билан гурухлаштирилган маълумотлар элементлари ҳам БЛБга нисбатан бир бутун сифатида кўриб чиқилади. Агар маълумотлар элементларини боғлиқлик кўрсаткичлари орқали гурухлаш тушунишнинг турлилиги ёки ноаниклигига олиб келса, илова қилинган ҳужжатларда изоҳлар келтирилиши керак.

2.4.3 Маълумотлар элементлари маълумотлар майдонида биттадан ёзилади.

2.4.4 Битта тоифага тегишли маълумотларнинг бир неча нусхалари мавжуд бўлганда уларнинг ҳар бири алоҳида маълумот майдонида, маълумотнома мақоласининг ҳар бир майдонига мувофиқ ксладиган ягона белги билан ёзилади. Маълумот элементларининг такрорланишига йўл қўйилиши 3-жадвалда кўрсатилган.

Агар бир хил белгига эга маълумот элементлари бир нечта нусхаларининг қўлланилиши тушунишнинг турлилиги ёки ноаниклигига олиб келса, илова қилинган ҳужжатларда изоҳлар келтирилиши керак.

2.4.5 Турли хилдаги манбалар учун маълумотлар элементларининг мажбурийлиги ва қўлланилиши 3-жадвалда кўрсатилган.

3- жадвал. Маълумотлар элементларини қўллаш

Белги	Маълумот элементининг номи	Такрор ланиши	Манба турлари бўйича мажбурийлик ва қўлланиши									
			М	В	Т	К	П	Р	С	U	D	
Ø01	Ёзув индентификатори	Иўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
Ø14	Ёзув яратувчиси	Ҳа	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
Ø16	Ёзувни яратиш санаси	Иўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
Ø3Ø	Шарҳлар	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
1ØØ	Бош лексик бирлик	Ҳа	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
155	Ердамчи кўрсаткичдаги лексик бирлик шакли	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
13Ø	Қиска шакл	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	+	+	-	Мэ
131	Аббревиатура	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	Мэ
132	Сўз бирикмасининг қиска шакли	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	Мэ

3-жадвалнинг давоми

Белги	Маълумот элементининг номи	Такрор ланиши	Манба турлари бўйича мажбурийлик ва қўлланиши										
			М	в	т	к	п	Р	5		V		
135	Тўлиқ шакл	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	М	Мэ	Мэ	Мэ	-	Мэ
15Ø	БЛБ белгиланиши	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	-	+
3ØØ	ИТАДАТ Рубрикатори бўйича манба индекси	Ҳа	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
301	ИТАХК Рубрикатори бўйича манба индекси	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
302	Тасниф номи	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
303	Манба мавзусининг индекси	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
304	АТЮАТда рўйхатга олинган Рубрикатор бўйича манба мавзусининг индекси	Ҳа	+	+	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
306	Манба учун УУТ индекси	Йўқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
308	Манба учун КБГ индекси		+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
311	ИТАХК Рубрикатори бўйича БЛБ индекси	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
312	ИТАДАТ Рубрикатори бўйича БЛБ индекси	Ҳа	+	+	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
313	БЛБ мавзусининг индекси		Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
314	АТЮАТда рўйхатга олинган Рубрикатор бўйича БЛБ индекси	Ҳа	+	+	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
	БЛБ учун УУТ индекси	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
320	Макола тури	Йўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
400	Аниклаш, изохлаш	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
402	Аниклаш	Йўқ		Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	+	+	-	+
404	Изохлаш	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	+	+	-	+
406	Релятор	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
420	Контекст	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
434	Изоҳ	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
440	Матнли бўлмаган ахборотнинг мавжудлиги	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	+	+	-	+
500	Синонимик ЛБ	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ		Мэ	Мэ	Мэ	-	+
502	Синоним	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ		Мэ	Мэ	Мэ	-	+
504	Квазисиноним	Ҳа	-	-	-	Мэ	-	Мэ	+	+	-	-	+
506	Тавсия этилмайдиган синоним	Ҳа	-	-	-	-	+	Мэ	-	-	-	-	+
511	«Биргаликда каранг» хаволаси	Ҳа	-	-	-	-	+	Мэ	-	-	-	-	Мэ
513	«Фойдаланинг» хаволаси	Йўқ	-	-	-	-	+	Мэ	-	-	-	-	Мэ

3-жадвалнинг давоми

Белги	Маълумот элементининг номи	Такрор ланиш	Манба турлари бўйича мажбурийлик ва қўлланиши									
			и	М	В	Т	К	П	Р	С	Р	U
	«Эквивалент» ҳаволаси	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	М	Мэ	Мэ	-	+
52Ø	Юқоридаги тушунчалар	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	М	Мэ	Мэ	-	+
522	Род тушунчаси	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	М	Мэ	Мэ	-	+
524	Бутун	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	М	Мэ	Мэ	-	+
526	Бошқа юқоридаги тушунча	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
53Ø	Қуйидаги тушунча	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	М	Мэ	Мэ	-	+
532	Тур тушунчаси	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	М	Мэ	Мэ	-	+
534	Қисм	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	М	Мэ	Мэ	-	+
536	Бошқа қуйидаги тушунчалар	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
54Ø	Аспект	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	М	Мэ	Мэ	-	+
75Ø	Қидирув массиви	Ҳа	+	+	+	+	+	+	-	-	Мэ	Мэ
751	Қидирув массивининг хажми	Ҳа	+	+	+	+	+	+	-	-	Мэ	Мэ
752	Статистик маълумотлар	Ҳа	+	+	+	+	+	+	-	-	Мэ	Мэ
80Ø	Манба тури	Иўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
809	ИТАХКда узатиладиган манба белгиси	Иўқ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
81Ø	ИТАДАТда узатиладиган манба белгиси	Иўқ	М	М	М	М	М	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
811	Манбанинг номи	Иўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
812	Манба яратилган сана	Иўқ	М	М	М	М	М	М	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
813	Тасдиқлаш санаси	Иўқ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
814	Версия рақами	Иўқ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
82Ø	Манбадаги жойлашган	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
89Ø	Муаллифлик ҳуқуқи	Ҳа	М	М	М	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
891	Масъул ташкилот	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
892	Манбани етказиб берувчи	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
893	Манбани сақловчи	Иўқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+

Изохлар

1 Шартли белгилар:

М - ҳар бир ёзувда иштирок этувчи мажбурий маълумотлар элементи. (ёки массивнинг биринчи ёзуви, 2.4.5-6.ни кўллаганда);

+ - манбада мавжудлигини кўрсатувчи мажбурий маълумотлар элементи.

Мэ - ёзувда бўлиши мумкин бўлган, бироқ унинг қиймати манбада кўрсатилган бўлса ҳам ундан фойдаланиш мажбурий бўлмаган маълумотлар элементи.

- - манбанинг ушбу тури тақдим этилганда ундан фойдаланиш мумкин бўлмаган ёки маънога эга бўлмаган маълумотлар элементи.

2. Ҳар бир (ёки фақат биринчи) узатиладиган ёзувда, ҳеч бўлмаганда, 890 ёки 891 белгилари маълумотлар элементларидан бири иштирок этиши керак.

Агар 014, 016, 300, 301, 302, 303,304, 306,308, 750, 751,809,810, 811, 812, 813, 814, 890, 891, 892, 893 белгиларига эга манбага тўлиқ тегишли бўлган маълумотлар элементлари алмашув массивининг барча ёзувлари учун бир хил бўлса, уларни биринчисидан ташқари барча ёзувларда тушириб колдириш мумкин. Бу тўғрисида илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган бўлиши керак.

2.4.6 Агар манбада, масалан, халқаро атамашунослик стандартларида, икки ва ундан кўп тенг ҳуқуқли (ушбу манба учун) тилдан фойдаланилса, турли тиллардаги бош лексик бирликлари бўлган атамалар 100белгисига эга алоҳида маълумотлар майдонларида ёзилади. Бошқа ҳолларда, 600-605 белгисига эга маълумотлар элементларидан фойдаланилади.

2.4.7 АТЮАТ форматидаги лексик ахборот ёзувларининг мисоллари маълумотнома иловасида келтирилган.

3 Маълумотлар элементларининг спецификацияси

001.ЁЗУВ ИНДЕНТИФИКАТОРИ

Мазмуни. Ёзувнинг бир хиллигини индентификация қилувчи рақамли код. Ёзув идентификатори мамлакат, идентификаторни берадиган ташкилот -ёзув яратувчисини, шунингдек, идентификатор берилган йил, асосида ёзув тузилган массивни ва ёзувнинг тартиб рақамини белгилайди.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи структурадаги 22-символли код ёрдамида ёзилади

СССXXXXXXГМММММНННННН,

бунда СССР - СТ СЭВ 252-82 бўйича мамлакатнинг рақамли коди;

XXXXXX - ўнг тарафга текисланадиган ва зарур бўлганда, етакчи ноллар билан тўлдириладиган, ёзувни

яратган ташкилот коди; ГГ - йилнинг охириги икки рақами;
MMMMM - ўнг тарафга текисланадиган ва зарур бўлганда
етакчи ноллар билан тўлдириладиган массив
рақами; НННННН - ўнг тарафга текисланадиган ва
зарур бўлганда
етакчи ноллар билан тўлдириладиган массивдаги
ёзуврақами.

Ў14 ЁЗУВ ЯРАТУВЧИСИ

Мазмуни. Ёзувни амалга оширган ва унга ёзув индентификаторини берган ташкилотнинг номи.

Ёзиш усули. Расмий номи.

Ў16 ЁЗУВ ЯРАТИЛГАН САНА

Мазмуни. Ёзувни яратувчи-ташкилот томонидан магнит тасмага ёзилган сана.

Ёзиш усули. Узунлиги 8 та символдан иборат бўлган маълумотлар майдони ГПГГММДД форматдагисанани ўз ичига олади, бунда ГПГГ - йил рақамлари, ММ - йилнинг ой рақами, ДД- ойдаги кун рақами.

Ў30. ШАРХ

Мазмуни. Ихтиёрий матн

Ёзиш усули. Эркин.

100. БОШ ЛЕКСИК БИРЛИК (БЛБ)

Мазмуни. Ушбу ёзувда лексикографик манбадаги сўзлик элементига нисбатан манбанинг бир луғат мақоласига тегишли бўлган ахборот келтирилган.

Ёзиш усули. БЛБ манбада кўрсатилган шаклда берилади.

115. ЁРДАМЧИ КЎРСАТКИЧДАГИ ЛЕКСИК БИРЛИК ШАКЛИ

Мазмуни. БЛБ ёрдамчи кўрсаткичларда келтирилган (инвертирланган шакл ва бошқа) шакл.

Изох - Агар ушбу шакл сўзликдаги БЛБ шаклига тўғри келмаганда қўлланилади.

Ёзиш усули. Манбада тақдим этилган шаклда.

130. ҚИСҚА ШАКЛ

Мазмуни. Агар манбада 131 ва 132 белгиларига эга бўлган маълумотлар элементининг дифференциацияси бўлмаса, БЛБ тўлиқ ёзилишининг ҳар қандай қисқартмаси.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

131. АББРЕВИАТУРА

Мазмуни. БЛБ қисмлари битта қисқа сўз шаклига бирлашган лексик бирлик шакли.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда

Мисоллар.

- а) Бош ҳарfli аббревиатура:
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти - БМТ.
- б) Бўгинли аббревиатура:
герметик контакт - геркон
- в) График аббревиатура:
шаҳар - ш.
қишлоқ хўжалиги - қ.-х.
туман - тум.

132. СЎЗ БИРИКМАСИНИНГ ҚИСҚА ШАКЛИ

Мазмуни. Сўз бирикмаси қийматини сақлаб қолиш шарти билан баъзи сўзлар тушириб қолдирилган БЛБ шакли. Сўзларнинг сўз ясовчи ўзгаришларига ва ифода этиладиган тушунча ҳажмининг айрим кенгайтирилишига йўл қўйилади.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

135. ТЎЛИҚ ШАКЛ

Мазмуни. Агар БЛБ атаманинги қисқа шакли бўлса, у тўлиқ ёзилади.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

150. БЛБ БЕЛГИЛАНИШИ

Мазмуни. Манбадаги БЛБнинг идентификацион коди ёки индекси.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

Мисоллар:

- а) ихтироларнинг халқаро тасниф (МКИ) ҳолати 01К1/ 00

Термометрлар конструкциясининг элементлари

150 белгиси маълумот элементларининг мазмуни: 01 К 100.

- б) «Давлат стандартини стандартлаштириш бўйича тезауруслар»

мақоласи

ТЕЗЮРАР МАШИНАЛАР 107110

в) ТРАНСПОРТ МАШИНАЛАРИ

15 белгисига эга маълумотлар элементининг мазмуни: 107110

300. **ИТАДАТ РУБРИКАТОРИ БЎЙИЧА МАНБА ИНДЕКСИ**

Мазмуни. ИТАДАТ Рубрикатори қоидаларига мувофиқ манба

мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. Рубриканинги иерархик даражасидан келиб чиқиб қуйидаги структуралардан бири танланади: XX, XXXX, XXXXXX. Агар манба юқори даражанинги ўнтадан ортик рубрикалари билан тавсифланса, маълумотлар элементи икки бўш жойдан иборат бўлади.

301.ИТАХК РУБРИКАТОРИ БЎЙИЧА МАНБА ИНДЕКСИ

Мазмуни. ИТАХК Рубрикатори қоидаларига мувофиқ манба

мавзусининг белгиланиши

Ёзиш усули. 300 белгисига эга маълумотлар элементига ўхшаш

302.ТАСНИФЛАР НОМЛАРИ

Мазмуни. Манба мавзусини ёки БЛБни тавсифлаш учун қўлланиладиган тасниф номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Эркин. 303ёки 313 белгисига эга маълумотлар элементининг алоқа кўрсаткичи зарур.

Изоҳ - ЛПЮАТда рўйхатга олинмаган рубрикаторлар (таснифлар) учун қўлланилади.

303. Манба мавзусининг индекси

Мазмуни. 302 белгисига эга маълумотлар элементи билан белгиланган тасниф бўйича манба мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. Қўлланиладиган таснифларда қоидалари бўйича. 302 белгисига эга маълумотлар элементининг боғлиқлик кўрсаткичи зарур.

304. АТЮАТда РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН РУБРИКАТОР БЎЙИЧА МАНБА МАВЗУСИНИНГ ИНДЕКСИ

Мазмуни. ИТАДАТ Рубрикаторининг ривожланиши бўлган рубрикатор бўйича манба мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони, АТЮАТ тақдим этган локал рубрикаторнинг рўйхат рақамига ва = белгиси билан ажратилган рубрика кодига эга. Рубрика кодиннг биринчи 6 симболи 301 белгисига эга маълумотлар элементига ўхшаш равишда ёзилади.

306. МАНБА УЧУН УЎТ ИНДЕКСИ

Мазмуни. Манбага берилган ва анъанавий шаклда нашр этишда титул варағига қўйиладиган индекс.

Ёзиш усули. Манбада келтирилган шаклда

308. МАНБА УЧУН КБК ИНДЕКСИ

Мазмуни. Хужжатларни кутубхона-библиографик тизимлаштириш қоидаларига мувофиқ манбага берилган КБТ индекси.

Ёзиш усули. КБТ бўйича индекслаш қоидаларига мувофиқ

311. ИТАХК РУБРИКАТОРИ БЎЙИЧА БЛБ ИНДЕКСИ

Мазмуни. ИТАХК Рубрикатори бўйича рубрикалар кодлари, уларнинг тушунча соҳасига БЛБ билан ифодаланувчи тушунча киради.

Ёзиш усули. 300 белгисига эга маълумотлар элементига қаранг.

312. ИТАДАТ РУБРИКАТОРИ БЎЙИЧА ИНДЕКС

Мазмуни. ИТАДАТ Рубрикаторининг рубрикалар кодлари, англаш сферасида ифодаланувчи БЛБ тушунча.

Ёзиш усули. 300 белгили маълумотлар элементига қаранг.

313. БЛБ МАВЗУСИ ИНДЕКСИ

Мазмуни. 302 белгисига эга маълумотлар элементи билан белгиланган тасниф бўйича БЛБ мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. 303 белгисига эга маълумотлар элементига қаранг.

314. АТЮАТда РЎЙХАТДАН ЎТГАН РУБРИКАТОР БЎЙИЧА БЛБ ИНДЕКСИ

Мазмуни. ИТАДАТ Рубрикаторини ривожлантирувчи рубрикатор бўйича БЛБ мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. 304 белгисига эга маълумотлар элементига қаранг.

316. БЛБ УЧУН УЎТ ИНДЕКСИ

Мазмуни. УЎТ коидаларига мувофиқ БЛБ мавзусини белгилайдиган индекс.

Ёзиш усули. УЎТда кўзда тутилган Шаклда

320. МАҚОЛА ТУРИ

Мазмуни. БЛБ турини белгилаш (4-жадвал)

4-жадвал

Белгиланиши	БЛБ тури	Манба тавсифи
A	Дескриптор	Ахборот-кидирув тезауруси, дескриптор лугати
B	Аскриптор	Худди шунинг ўзи
I	Индентификатор	«
O	Дескрипторга номзод	«
K	Асосий сўз	Асосий сўзлар лугатлари
N	Стандартлаштирилган атама	Атамашунослик стандарти
Q	Тавсия этилган атама	Атамашунослик қўлланмалари
N	Йўл қўйилмайдиган, тавсия этилмаган атама	Атамашунослик манбалари
	Луғат тизимли кўрсаткичи	Луғатларнинг барча турлари
	рубрикасининг номи	
G	Фойдаланиладиган рубрика	Рубрикторлар, таснифлар
U	Шартли ёки чиқариб ташланган рубрика	Худди шунинг ўзи
R	Предмет рубрикаси	Предмет рубрикаларининг рўйхати
Z.	Бошқалар	Манбаларнинг барча турлари

400. ТАЪРИФ, ИЗОҲ

Мазмуни. БЛБ ифодалаётган тушунча мазмунини очиб берувчи матн.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

Изоҳ -. Маълумотлар элементи манбада 402 ва 404 белгиларига эга маълумотлар элементи маънолари дифференциацияланмаган ҳолда қўлланилади.

402. ТАЪРИФ

Мазмуни. Қатъий мантикий дефиниция ҳисобланган ёки БЛБ мазмунининг норматив очиб бсрилиши сифатида белгиланган матн.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

404. ИЗОҲ

Мазмуни. Норматив таъриф ҳисобланмаган БЛБ маъносини изоҳловчи матн.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

406. РЕЛЯТОР

Мазмуни. БЛБ омонимиясини олиб ташлайдиган махсус сўз, сўз бирикмаси ёки бошқа белги.

Ёзиш усули. Манбага мувофиқ.

Изоҳ.- АҚТ дескрипторининг релятори бош лексик бирликнинг қисми ҳисобланади ва унинг таркибида такдим этилган бўлиши керак. 406 белгисига эга маълумотлар элементда унинг кўшимча кўрсатилиши мажбурий эмас.

420. КОНТЕКСТ

Мазмуни. БЛБдан иборат ва унинг қўлланишини тасвирлайдиган боғловчи матн.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

434. ИЗОҲ

Мазмуни. БЛБ маъноси ёки қўлланиши тўғрисидаги маълумотлар.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда

440. МАТНЛИ БЎЛМАГАН АХБОРОТНИНГ МАВЖУДЛИГИ

Мазмуни. Манбанинг луғат мақоласидаги матнли бўлмаган ахборот (расмлар, формулалар, схемалар ва б.)нинг мавжудлиги ва тавсифи тўғрисидаги маълумотлар.

Ёзиш усули. Эркин.

500. СИНОНИМИК ЛЕКСИК БИРЛИК

Мазмуни. БЛБ маъносига яқин маънога эга бўлган ва БЛБ эквиваленти сифатида кўриладиган, БЛБ тилига тегишли бўлган лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

Изоҳ - 502, 504 ва 506 белгиларига эга маълумотлар элементларининг маъноси дефференцияланмаган ҳолларда қўлланилади.

502. СИНОНИМ

Мазмуни. Маъносига кўра БЛБга мос келадиган лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

Мисоллар.

- а) тилшунослик - лингвистика - тилшунослик
- б) булок - манба - чашма
- в) товадаста - даста
- г) мангал - кўра
- д) ўпканинг шамоллаши — пневмония

504. КВАЗИСИНОНИМ

Мазмуни. Маъноси бўйича БЛБдан фарқ қиладиган, бироқ махсус фойдаланишда БЛБ эквиваленти сифатида қўлланиладиган, лексикографик манбага мўлжалланадиган лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

Мисол. АҚТда синонимлар сифатида баъзи бир отлар ва уларга тегишли бўлган сифатлар кўринишида берилиши мумкин.

муаллиф - муаллифликка оид

автотрансформатор - автотрансформаторли

агрегат - агрегатли
 мослашувчанлик - мослашувчан
 ва х.

506. ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИГАН СИНОНИМ

Мазмуни. Амалда БЛБ синоними сифатида қўлланиладиган, бироқ ушбу лексикографик манбада қўлланиш учун тавсия этилмайдиган (тақиқланадиган) лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

511. «БИРГАЛИҚДА КЎРИЛСИН» ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. Ушбу ёзувда ёзилган рубрикадан худди шундай номга эга бўлган, лекин рубрикатор (тасниф)нинг бошқа бўлимида жойлашган рубрикадан ҳавола.

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони манба белгилаган шаклдаги рубрика кодига эга.

513. «ФЙДАЛАН» ҲАВОЛАСИ (ФДН)

Мазмуни. Маълумотлар элементи бекор қилинган рубриканинг ёзувида унинг ўрнида фойдаланиладиган рубрикани кўрсатади.

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони фойдаланиладиган рубриканинг кодидан, зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган унинг номидан иборат.

Мисол.

ИХТ матни

Мурожаат усуллари С 035/50

С 03С5/56 (Рубрика бекор қилинди. Мазмуни 5/50 га ўтказилган).

Юқорида келтирилган магнит тасмадаги иккинчи ёзув

Белгилар	Маълумотлар элементи
10Ø	_
15Ø	С03С5/56
513	С03С5/50 = мурожаат усуллари

517. «ЭКВИВАЛЕНТЛИК» (ЭКВ) ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. Таснифнинг бошқа бўлимида жойлашган синонимик лексик бирликка ҳавола.

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони лексик бирлик номидан, зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган унинг номидан иборат.

520. ЮҚОРИ ТУШУНЧАЛАР*

Мазмуни. Иерархик муносабат бўйича БЛБдан юқори турувчи, масалан, род тушунчасини ёки объектни белгиловчи лексик бирлик, бунда компонентлардан бири БЛБнинг маъноси ҳисобланади.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

Ушбу маълумотлар элементида БЛБ билан бевосита алоқада булган лексик бирликлар ёзилади.

Изоҳ - 522, 524 ва 526 белгиларига эга маълумотлар элементи маъноларини ажратиб бўлмайдиган ҳолларда қўлланилади.

522. РОД ТУШУНЧАСИ*

Мазмуни. БЛБ учун род тушунчасини англатувчи лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

524. БУТУН*

Мазмуни. «Қисм-бутун»га нисбатан қуйи турувчи юқори лексик бирлик

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

526. БОШҚА ЮҚОРИ ТУШУНЧАЛАР*

Мазмуни. 522 ва 524 белгиларига эга маълумотлар элементидан фарқ қилувчи, иерархик муносабатлардаги юқорида турувчи лексик бирлик. Муносабат характери магнит тасмага илова қилинган ҳужжатларда изоҳланган бўлиши керак.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

530. ҚУЙИ ТУРУВЧИ ТУШУНЧА*

Мазмуни. Тор мазмунга эга бўлган лексик бирлик, масалан, тур тушунчасини билдирувчи ёки БЛБ деб аталувчи объект қисми.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

Изоҳ - 532, 534 ва 536 белгиларига эга маълумотлар элементларининг маъноси фарқланмаган ҳолларда қўлланилади.

532. ТУР ТУШУНЧАСИ*

Мазмуни. БЛБ учун тур тушунчасини билдирувчи лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

534. ҚИСМ*

Мазмуни. «Қисм-бутун»га нисбатан қуйи турувчи лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

536. БОШҚА ҚУЙИ ТУШУНЧАЛАР*

Мазмуни. 522 ва 524 белгиларига эга маълумотлар элементи билан назарда тутилганидан фарқ қилувчи, иерархик муносабатлардаги қуйи турувчи лексик бирлик. Қайд этиладиган муносабат тавсифи илова қилинган ҳужжатларда тушунтирилади.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

540. АСПЕКТ

Мазмуни. Тушунча ҳажмининг бўлиниши, қисмининг ажратилиши ёки БЛБни бошқа лексик birlikлар билан ассоциатив боғлиқлиги учун асос бўладиган аспектнинг номи.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда. Ушбу аспект бўйича тушунчалардан иборат маълумотлар элементлари билан боғлиқлик кўрсаткичи зарур.

Ушбу маълумотлар элементида БЛБ билан бевосита алоқада бўлган лексик birlikлар ёзилади.

Мисол. 2.3.2-бандга қар.

560. АССОЦИАТИВ ТУШУНЧА*

Мазмуни. БЛБ тезауруси билан ГОСТ 7.25-80 бўйича ассоциатив ҳавола орқали боғлиқ бўлган лексик бирлик.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

561. «ШУНИНГДЕК ҚАР.» ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. БЛБга релевант бўлган ахборот бўлиши мумкин бўлган рубрикасини кўрсатувчи ИТА рубрикаторлари аппаратининг ҳавола-маълумот ҳаволаси.

Ўзиш усули. Маълумотлар майдони таркибида рубрика коди ва зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган номдан иборат.

576. КОМБИНАЦИЯДАН ФОЙДАЛАН

Мазмуни. Маълумотлар майдонларидаги ёзувга 576 белгиси билан киритилган бошқа лексик бирликлар билан комбинацияда БЛБ ўрнида келадиган лексик бирлик.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

577. МУҚОБИЛ ФОЙДАЛАН

Мазмуни. Ноаниқ маънога эга бўлган БЛБни алмаштириш учун танлашга бериладиган лексик бирликлар.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

580. АНТОНИМ

Мазмуни. Қарама-қарши маънога эга бўлган бирлик.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

583. «ҚАР.» ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. Махсус маълумотлар элементида кўрсатилган БЛБнинг баъзи аспекти бўйича ахборот бўлиши мумкин бўлган бошқа рубрикани кўрсатувчи ИТА рубрикаторларининг ҳавола-маълумот аппаратининг ҳаволаси.

Ўзиш усули. Маълумотлар майдони рубрика кодига эга ва, зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган унинг номидан иборат. 540 белгили маълумотлар элементи учун алоқа кўрсаткичи зарур.

Изоҳ - Маълумотлар элементи ИТА рубрикатори учун қўлланилади. АҚТда қўлланиладиган «қар.» ҳаволаси, 500, 504,506 белгиларига эга маълумотлар элементларида келтирилади.

585. «ОСТ. ОТ» ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. ИТА рубрикаторининг маълумот-ҳавола аппарати, «қар.» ҳаволасига қарама-қарши ҳавола.

Ўзиш усули. Маълумотлар майдони рубрика кодидан ва зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган унинг номидан иборат.

589. ТЕХНОЛОГИК ҲАВОЛА

Мазмуни. Лексикографик манбанинг оошқа лексик бирликка ихтисослаштирилмаган, уни юритиш ва эксплуатация қилишни ташкил этиш учун, масалан, лексик бирликнинг ҳавола мақоласида БЛБга тескари ҳаволанинг мавжудлигини кўрсатиш учун зарур бўлган ҳавола.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

600. БОШҚА ТИЛДАГИ ЭКВИВАЛЕНТ

Мазмуни. Агар 601, 603, 605, 607 белгиларига эга маълумотлар элементларининг дифференциацияси бўлмаса, БЛВ маъноси бўйича эквивалент сифатида кўриладиган чет тилидаги лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

601. РАСМИЙ ТАРЖИМА

Мазмуни. Бирон-бир норматив ҳужжатга мувофиқ БЛБнинг чет тилидаги эквиваленти сифатида кўриладиган аниқ мувофиқлиги.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

603. ЧЕТ ТИЛИДАГИ ЯҚИН АТАМА

Мазмуни. Бошқа тилдаги маъноси бўйича яқин бўлган атама.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

605. ҚИСМАН ТАРЖИМА

Мазмуни. БЛК маъноларидан бирига мос келадиган чет тилидаги лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

607. КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРЖИМА

Мазмуни. Маъноларидан бири БЛБ маъносига мос келадиган чет тилидаги лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўришда.

610 ТАРЖИМАГА ИЗОҲЛИ БЕЛГИ ҚЎЙИШ

Мазмуни. Ушбу таржима учун мос бўлган кўп маънога эга БЛБ маъносини ажратувчи белги.

Ёзиш усули. Лексикографик амалиётига мувофиқ. Таржиманинг лексик бирлигига эга маълумотлар элементи билан алоқа бўлиши мажбурий.

720. БИБЛИОГРАФИК ҲАВОЛА

Мазмуни. У ёки бу маълумотлар элементи тўғрисидаги маълумотлар олинган еки сақланган манбага библиографик ҳавола матни.

Ёзиш усули. Библиографик тавсиф коидаларига мувофиқ.

721. ҲАВОЛА НОМЕРИ

Мазмуни. Магнит тасмага ёзилган лексикографик манбага илова қилинган матн (сўз боши)да мавжуд библиографик ҳавола номери.

Ёзиш усули. Символли тақдим этишдаги ўнлик сон.

733. ИТАДАТНИНГ БОШҚА МАНБАЛАРИДА МАВЖУДЛИК

Мазмуни. Узатиладиган манбадан фарқ қиладиган, БЛБга мувофиқ бўлган лексик бирликка эга манбанинг рўйхатга олинган индекси (АТЮАТ томонидан берилган).

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони рўйхатга олиш индекси ва зарур бўлганда ҳавола манбасида берилган шаклдаги тегишли лексик birlikнинг матнига эга (ажраткич - =белгиси).

750. ҚИДИРУВ МАССИВИ

Мазмуни. Манба ахборот-қидирув тилининг луғати бўлган маълумотлар базаси (унинг номи, мавзуси, фойдаланиш шакллари)ни идентификация қилувчи маълумотлар.

751. ҚИДИРУВ МАССИВИНИНГ ҲАЖМИ

Мазмуни. Маълумотлар базасидаги қидирув образларининг сони. **Ёзиш усули.** Символли тақдим этишдаги 9-белгили ўнлик сон, 750 белгили маълумотлар элементи билан мажбурий алоқа.

752. СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР

Мазмуни. 750 ва 751 белгиларига эга маълумотлар элементи билан белгиланган массивдаги ВЛБ тезлиги.

Ёзиш усули. Символли тақдим этишдаги 9-белгили бутун ўнлик сон. 750 белгисига эга маълумотлар элементи билан алоқанинг бўлиши мажбурий.

800. МАНБА ТУРИ

Мазмуни. Лексикографик манба турининг тавсифи (5-жадвал).

5-жадвал

Белгиланиши	Манба тури
М	ИТАДАТ макротезауруси
В	Бирлашманинг базисли тезауруси
Т	Тармоқ тезауруси ёки мақоми кўрсатилмаган тезаурус
К	Асосий сўзлар рўйхати
Г	ИТА рубрикатори
Р	Предмет рубрикаларининг рўйхати
	Атамашунослик стандарт и
Р	Атамашунослик қўлланмаси (маълумотномаси). тавсия этилган атамалар луғати
	Увверсал ўнлик таснифи
D	Луғат, энциклопедия
Z	Бошқалар

809. ИТАХКга УЗАТИЛАДИГАН МАНБА БЕЛГИСИ

Мазмуни. ИТАХМга берилган узатиладиган манбанинг рўйхатга олинган индекси.

Ёзиш усули. Индекс шаклига мувофиқ.

810. ИТАДАТГА УЗАТИЛАДИГАН МАНБА БЕЛГИСИ

Мазмуни. АТЮАТ томонидан берилган узатиладиган манбанинг рўйхатга олинган индекси.

Ёзиш усули. Индекс шаклига мувофиқ.

811. МАНБА НОМИ

Мазмуни. Китоб кўринишида тақдим этилган манбанинг титул варағидаги бош сарлавҳа. **Ёзиш усули.** Эркин.

812. МАНБА ЯРАТИЛГАН САНА

Мазмуни. Манбани магнит тасмасида Ёзилган версияда эълон қилиш ёки илк маротаба тақдим этиш санаси.

Ёзиш усули. ГТТГММДД, ГТТГДД, ГТТГММ ёки ГТТГ, бунда ГТТГ - йил рақамлари, ММ - ой рақимлари, ДД - ойдаги куннинг рақамлари.

813. ТАСДИҚЛАШ САНАСИ

Мазмуни. Яратилган манбанинг уни яратишда қўйилган мақсадларга мувофиқлиги тўғрисидаги расмий далолатномани қабул қилиш санаси.

Ёзиш усули. 812 белгисига эга маълумотлар элементига қар.

814. ВЕРСИЯ РАҚАМИ

Мазмуни. Ўзгартирилган (қайта ишланган, тўғриланган ва б.) кўринишдаги маибанинг версияси, таҳрири ёки нашрининг рақами.

Ёзиш усули. Символли тақдим этишдаги 3-белгили ўнлик сон.

820. МАНБАДАГИ ЖОЙЛАШИШИ

Мазмуни. Тақдим згишнииг китоб шаклидаги манбада луғат мақоласининг ҳолатини кўрсатувчи маълумотлар (бетлари, хат боши ва б.).

Ёзиш усули. Илова қилинган ҳужжатларда белгиланади.

890. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

Мазмуни. Манбапи биринчи марта яратган ёки манбага муаллифлик ҳуқуқида эга бўлган ташкилотнинг номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Матн

891. МАСЪУЛ ТАШКИЛОТ

Мазмуни. Манбанинг мазмуни учун масъул бўлган ташкилотнинг номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Матн.

892. МАНБА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Мазмуни. Манба (оригинал ёки нусха)нинг сотиб олиниши мумкин бўлган ташкилотнинг номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Матн.

893. МАНБАНИ САҚЛОВЧИ

Мазмуни. Манбаининг эталон нусхасини сақловчи ташкилотнинг номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Матн.

Илова
(маълумот учуи)

Коммуникатив форматдаги ахборот майдонларини
тўлдириш мисоли

(«Стандартлаштириш бўйича тезаурус»нинг уч турдаги мақолалари
учун, ВНИИКИ, М, 1982 рўйхат рақ. 534. 82)

1-мисол

Дескриптор мақоласи (бошқа АҚТларга кириши тўғрисидаги ахборот
билан):

ВАКУУМЛИ НАСОСЛАР

12277 0904 =153081

в НАСОСЛАР

н ЮҚОРИ ВАКУУМЛИ НАСОСЛАР

н ДИФФУЗ НАСОСЛАР

ФОРВАКУУМЛИ НАСОСЛАР

а ВАКУУМЛИ ҚУРИЛМАЛАР

Формат майдонини тўлдириш

Белги	Маълумотлар майдони	Маълумотлар мазмуни
014	ВНИИКИ	Ёзувратувчи
016	19821215	Ёзувни яратиш санаси
100	ВАКУУМЛИ НАСОСЛАР	БЛБ
150	122770	Луғат мақоласи коди
391	84	ИТАХК рубрикатори бўйича «Стан дартл аш тири ш» класси индекси
300	84	И ГАДАТ рубрикатори
	бўйича индекси "Стандартлаш тириш» класси индекси	
315	0904	Тизимли кўрсаткич бўйича код
320	А	Дескриптор
520	НАСОСЛАР	Юқори турувчи тушунча

53Ø	ЮҚОРИ ВАКУУМЛИ НАСОСЛАР	Куйи турувчи гушунча
53Ø	ДИФФУЗ НАСОСЛАР	
53Ø	ФОРВАКУУМЛИ НАСОСЛАРИ	
Белги	Маълумотлар майдони	Маълумотлар малиуни
56Ø	ВАКУУМ УСКУНАЛАРИ	Ассоциация
1 Ёнгин жихатидан хавфли асоснинг чириши ёки биологик зарарланиши натижасида пайдо бўлган желатин (елимшак) фотоқатламнинг гидролизи белгилари бўлган ҳужжатларни сув ёрдамида ишлов бериш методи билан консервациялашга йўл қўйилмайди.

2 Нуқсонларга эга ҳужжатларни консервациялаш биологик актив кимёвий препаратлар билан ишлаганда хавфсизликни таъминловчи хавфсизлик чорапарига риоя қилган ҳолда қўлда ёки машина усулида ўтказилиши керак.

4.2 Консервациялаш ўтказилгандан кейин фотографик қатламдаги кимёвий-фотографик ишлов бериш қолдиқ маҳсулотларининг миқдорини назорат қилиш ГОСТ 25063.1, ГОСТ 25063.2 бўйича амалга оширилиши керак.

Назорат намунасининг фотографик қатламидаги тиосульфат натрий таркиби куйидагилардан ошмаслиги керак:

$7 \cdot 10^{-8}$ г/м² - оқ-қора негативли кино- ва фотоҳужжатлар ва суғурта нусхалари учун;

$7 \cdot 10^{-9}$ г/м² - рангли негативли кино- ва фотоҳужжатлар учун.

Кумушнинг қолдиқ тузлари бўлмаслиги керак. Кумушнинг қолдиқ тузлари мавжудлигини аниқлаш ГОСТ 25063.3 бўйича ўтказилиши керак. Назорат намунасида қолдиқ маҳсулотлар нормадан ошиқ эканлиги аниқланса, ҳужжатларга тақдоран ишлов берилади ва ҳужжатларнинг кейинги назорати ўтказилади.

4.3 Ҳужжатларни реставрациялаш ва консервациялашдан кейин ишлов беришнинг қанчалик самара берганлигини ҳамда ҳужжатда ишлов бериш натижасида пайдо бўлган янги шикастларнинг йўқлигини аниқлаш мақсадида уларнинг техник ҳолати қайта назоратдан ўтказилиши керак. Назорат натижаларини техник ҳолат далолатномаларида қайд этилади (1-5 иловаларга қар.).

4.4 Техник ҳолат далолатномаларида фотоқатлам таркибида кимёвий-фотографик ишлов бериш қолдиқ маҳсулотларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки уларнинг таркиби нормадан ортиқ бўлганда суғурта нусхалари стандартнинг 4.1-бандига мувофиқ консервацияланиши керак.

5 Ҳужжатларнинг ўрвланишига қўйиладиган талаблар

5.1 Ҳар бир ҳужжат аввал бирламчи, кейин иккиламчи ўрвланиши керак. Бирламчи ўров ҳужжатларга бевосита тегиб туради ва уни чанг ҳамда намликдан сақлайди, иккиламчи ўров ҳужжат ва бирламчи ўровни механик шикастланиш, ёруғлик ва атроф-муҳитнинг бошқа таъсирларидан сақлайди.

5.2 Сақлаш бирлиги бўлган ҳар бир алоҳида физик ҳужжат герметик бўлмаган индивидуал ўровга жойлаштирилган бўлиши керак.

5.3 Киноҳужжатлар ва микрофильмлар стандарт ва химоя рақордлари билан расмийлаштирилган бўлиши, фотографик қатлами ташқарига қаратилган ҳолда ўзакка рулон қилиб ўралган бўлиши керак. Ўрам йўналиши - охиридан бошига қараб бўлади. Ўрам зич, рулон ёнларидан чиқиб турадиган бурамаларсиз бўлиши керак.

5.4 Ўровлаш материаллари кимёвий инерт бўлиши, таркибида хлор, азот, олтингугурт пероксидлари бўлмаслиги, биозарарлар пайдо бўлишига, ўров ичига ёруғлик тушишига йўл қўймаслиги керак.

Ўровлаш материаллари сиртининг гадур-будурлиги ҳужжатлар эмульсия қатламининг абразив шикастларига олиб келмаслиги ёки унга ёпишмаслиги керак.

5.5 Ўровлашнинг асосий тавсифлари 1- ва 2-жадвалларда келтирилган.

1-жадвал. Бирламчи ўровлаш тавсифи

Ҳужжат номи	Ўровлаш мақсади	Ўровлаш тури	Ўровлаш материали
Хавфсиз асосдаги киноҳужжатлар ва микрофильмлар	1. Чанг билан ифлосланишдан сақлаш 2. Намлик, зарарли газлар, ифлосланишдан сақлаш	Ўрам Кўпқатламли елимланган пакет	ГОСТ 20263, ГОСТ 3479 бўйича юпка қоғоз Полиэтилен + алюмин фольга + полиэтилен-рефталат
Фотонегативлар диапозитивлар ва микрофишалар	Чанг билан ифлосланишдан сақлаш	Конверт Ўрам	ГОСТ 892 бўйича калька ГОСТ 20363, ГОСТ 3479 бўйича юпка қоғоз
Шишадаги фотонегативлар	Шунинг ўзи	Конверт Ўрам	ГОСТ 10354 бўйича полиэтилен, ГОСТ 7730 бўйича триацетат ГОСТ 3479, ГОСТ 20263 бўйича юпка қоғоз

2-жадвал. Иккиламчи ўровлаш тавсифи

Ҳужжат номи	Уровлаш тури	Уровлаш материали
Киноҳужжатлар Микрофильмлар	ГОСТ 4097 бўйича кути ГОСТ 13.1.505 бўйича кути	- -
Фотонегативлар, диапозитивлар, микрофишалар ва шишадаги фотонегативлар	Конвертлар, пакетлар ва папкалар	Муқова қоғози, ГОСТ 20283 бўйича А маркаси, ГОСТ 7362 бўйича перфокарта қоғози, ГОСТ 597 бўйича чизмачилик қоғози (В ва О, N ₁ ва N ₂ маркадаги), ГОСТ 7277 бўйича В ва Ве маркадаги расм қоғози, ГОСТ 7950 бўйича А, Б ва В маркадаги муқовалаш картони, ГОСТ 2824 бўйича ЭВ маркадаги электр изоляцияли варақли картон.

5.6 Пакетлар ва конвертларнинг тузилиши елим чоклари ва елимланадиган элементларнинг минимал сонини таъминлаши керак. Елимнинг фотоқатламга тўғридан-тўғри тегиб туришига йўл қўймаслик керак. Желатин, поливинилацетат ва ацетилцеллюлоза асосидаги елимдан фойдаланиш тавсия этилади.

Латекс асосидаги силикат, казеин ва резина елимларнинг ишлатилишига йўл қўйилмайди.

5.7 Рангли тасвирларга эга фотоҳужжатлар ёруғликни ўтказмайдиган қоғозли кистирмалар билан қўшимча ҳимояланган бўлиши керак.

5.8 Маркалаш ўровга ажралиб турувчи рангдаги бўёқ билан ҳужжатнинг зарур идентификацион маълумотларнинг, шунингдек, ёнғин жиҳатидан хавfli асосдаги ҳужжатлар, учун «Ёнғин жиҳатидан хавfli» индексининг туширилиши орқали амалга оширилади. Хавfli ва хавфсиз асосга эга плёнкалар биргаликда монтаж килинган ҳолларда киноҳужжатлар ўрови ҳам худди шундай маркаланиши керак.

6 Ҳужжатларни сақлаш шарт-шароитлари

6.1 Ҳужжатларни сақлаш режими ҳарорат-намлик, ёруғлик ва санитар-гигиеник режимларнинг норматив параметрларини сақлаш орқали таъминланади. Ҳужжатлар сақланадиган хоналар ва уларда ҳужжатларни жойлаштиришга қўйиладиган талаблар 6-иловада келтирилган.

6.2 Ҳужжатларни сақлашнинг ҳарорат-намлик режимини барқарорлаштириш мақсадида уларни сақлаш хоналарига жойлаштиришдан олдин очиқ ўровда (20 ± 3)°C ҳароратда ҳамда рангли кино- ва фотоҳужжатлар учун ҳавонинг (25 ± 5) фоиз нисбий намлигида, оқ-қора ҳужжатлар ҳамда суғурта нусхалар учун ҳавонинг (35 ± 15) фоиз нисбий намлигида янги иқлимга мослаштириш зарур.

Киноҳужжатларни ва ўрамли микрофильмларни янги иқлимга мослаштириш давомийлиги 10 кеча-кундуздан, фотоҳужжатлар ва микрофишалар учун 24 соатдан кам бўлмаслиги керак.

6.3 Ҳ а р о р а т - н а м л и к р е ж и м и

6.3.1 Кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмларни уларнинг асос турига (хавfli, хавфсиз) ҳамда тасвир турига (оқ-қора ёки рангли) мувофиқ турли хил ҳарорат режимига эга ҳолда ҳужжатлар сақланадиган жойнинг турли хил хоналарида сақлаш тавсия этилади. Ҳужжатлар сақланадиган жойнинг барча хоналарида ҳавонинг нисбий намлиги 40-50 фоиз бўлиши керак.

6.3.1.1 Хавfli асосдаги ҳужжатларни қуйидаги ҳароратдан юқори бўлмаганда сақлаш тавсия этилади:

- + 10°C-оқ-қора;
- 5 °C - рангли.

6.3.2 Технологик ишлов бериш даврида $(20 \pm 5)^{\circ} \text{C}$ ҳароратда ва ҳавонинг (5 ± 10) фоиз нисбий намлигида бошқарилмайдиган ҳарорат-намлик режими билан хоналарда ҳужжатларни вақтинча (2 ойгача) сақлашга йўл қўйилади.

6.3.3 Ҳужжатларни сақлашда бир кеча-кундуз давомида ҳароратнинг $(\pm 5^{\circ} \text{C})$ ва ҳаво нисбий намлигининг (± 10) фоиз) кескин ўзгаришига йўл қўймаслик керак. Сақлашнинг ҳарорат-намлик режими бузилганда ҳужжатлар сақлашга олиб қўйилишидан олдин ушбу стандартнинг 6.2-бандига мувофиқ иқлимга мослаштиришдан ўтказилиши зарур.

6.3.4 Сақлашнинг ҳарорат-намлик режимини назорат қилиш ва рўйхатга олиш бир кеча-кундузда камида бир марта $\pm 5^{\circ} \text{C}$ ҳароратни ўлчаш аниқлигини ва ± 2 фоиз нисбий Намликни таъминлайдиган ўлчов асбоблари ёрдамида амалга оширилиши керак. 25 м^2 майдондаги сақлаш хонасида камида бир комплект ўлчов асбоблари бўлиши керак.

6.4 Ёруғлик режими

6.4.1 Сақлаш хоналарини ёритиш ташқи сирти силлиқ бўлган ёпиқ плафонлар билан сунъий ёруғлик манбалари ёрдамида амалга оширилиши керак.

Сақлаш хоналари, ўқув заллари ва архивнинг бошқа хоналарига қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушишига йўл қўйилмайди. Хоналарни қуёш нури ёрдамида табиий ёритилишига деразаларда нурни тарқатувчи мосламалар ўрнатилиши шарти билан йўл қўйилади.

6.4.2 Жавонлар, стеллажларни ёритилганлиги 20 лк, йўлакларнинг ёритилганлиги - 50 лк, иш ўринларининг ёритилганлиги - 100 лк дан кам бўлмаслиги керак.

6.5 Санитария - гигиена режими

6.5.1 Сақлаш хоналарида ҳафтада камида бир марта бутун хонани қуруқ йиғиштириш (чангютгич билан); бир ойда камида бир марта ускуналарни намли тозалаш; ҳар куни полларни ҳўл латта билан артиш керак.

6.5.2 Сақлаш хонасига ва бошқа иш хоналарига кириш вақтида кийим ва оёқ кийими алмаштирилиши лозим.

6.5.3 Ҳужжатларни сақлаш давомида уларнинг ўровлари ҳолати доимо кузатиб турилиши керак. Ўровда шикастлар, занг, деформациялар аниқланганида, у дарҳол алмаштирилиши керак.

7 Ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш

7.1 Кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмларнинг бутлигини таъминлаш ва уларда пайдо бўладиган нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ҳужжатлар сақлаш жараёнида даврий назоратдан ўтказиб турилиши керак.

7.2 Сақлаш жараёнида ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш даврийлиги қуйидагича белгиланади:

2 йилда 1 марта - снғин жиҳатидан хавфли асосдаги ҳужжатлар учун;

5 йилда 1 марта - бошқа асосдаги ҳужжатлар учун.

Ёнғин жиҳатидан хавфли асосдаги барча ҳужжатлар назорат қилиниши лозим. Бошқа асосдаги ҳужжатларни назорат қилиш муддати улар ишлаб чиқилган йилига боғлиқ равишда белгиланади. Нуқсонлар, айниқса кимёвий-биологик ҳарактерга эга нуқсонлар (сарғайиш, моғорлаш, қат-қат ажралиши) аниқланганда, шу йилда чиқарилган ўхшаш шароитларда сақланаётган барча ҳужжатлар назоратдан ўтказилиши керак.

7.3 Ҳужжатларнинг бутун ҳажми 5 йилда камида 1 марта назоратдан ўтказилиши керак.

7.4 Техник ҳолат назоратининг амалга оширилиш вақтида қуйидагиларни текшириш зарур:

1) ҳужжатлар ўровининг ҳолатини;

2) ҳимоя ва стандарт рақордларнинг мавжудлигини;

3) фотоқатлам ва асос сиртининг техник ҳолатини (механик шикастлар, ифлосланишлар);

4) ёнғин жиҳатидан хавфли асоснинг барқарорлигини;

5) геометрик ўлчамларни (перфорация қадами, ҳар бир сақлаш бирлигининг узунлиги);

6) биологик ва кимёвий нуқсонларнинг мавжудлигини (микроорганизмлар, ҳашаротлар ва кемирувчилар томонидан зарарланиши, тузларнинг кристаллашиши ҳамда кимёвий-фотографик ишлов бериш қолдиқ маҳсулотларининг чириш изларини);

7) перфорация йўлқалари ва елимлаб уланган жойларнинг техник ҳолатини;

8) фотографик тасвир сифатини.

7.5 Барча турдаги ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш акс эттирилган ёруғликда кўздан кечириш билан амалга оширилиши керак. Плёнкали асосдаги ҳужжатлар акс эттирилган ёруғликда кўздан кечирилганидан кейин махсус аппарат билан ўтувчи ва акс эттирилувчи ёруғликда - монтаж столида, ёритилган экранда, КП-8 туридаги нусха кўчириш станогида кўриб чиқилиши керак. Зарур ҳолларда линейка, шкалали лупа, микроскопдан фойдаланиш керак.

7.6 Назорат қилиш натижаларига кўра таъмирлаш ва консервациялашни ўтказиш зарурияти тўғрисида хулоса чиқарилади ва навбатдаги техник текширувни ўтказиш муддатлари белгиланади. Маълумотлар техник ҳолат далолатномаларида қайд этилади (1-5-5 иловалар).

8 Ҳужжатларни фойдаланишга тайёрлаш

8.1 Доимий сақланишдаги кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмлар ҳисобдан ўтиши, техник ҳолати назорат қилиниши, шунингдек улардан нусха олиниши лозим.

8.2 Ҳужжатларнинг суғурта нусхаларидан фойдаланишга фақат асл нусхалари йўқолган ёки шикастланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

8.3 Сақлаш хоналари ва хизмат хоналарида ҳароратларнинг турлилиги туфайли намлик конденсацияланишининг олдини олиш учун ҳужжатлар фойдаланишдан олдин иқлимга мослаштирилиши керак.

8.4 Мусбат ҳароратда сақланаётган ҳужжатларни иқлимга мослаштириш тўлиқ очик ўровда камида бир кеча-кундуз давомида амалга оширилиши керак.

Манфий ҳарорат ва ҳавонинг паст нисбий намлиги (40 фоиздан кам)да сақланаётган ҳужжатларни иқлимга мослаштириш икки босқичда амалга оширилиши керак. Бунда дастлабки 3 соатда (ҳароратга мослаштиришда) кино- ва фотоҳужжатлар ёпиқ ўровда ушлаб турилади. Ушлаб туришнинг навбатдаги босқичида ҳужжатлар ўровдан тўлиқ бўшатилади ва белгиланган ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлигида камида:

- киноҳужжатлар ва ўрамли микрофильмлар - 10 кеча-кундуз очик кутиларида;

- фотоҳужжатлар ва микрофишалар - 1 кеча-кундуз сақланади.

8.5 Ҳужжатлар фойдаланишга берилгандан кейин техник ҳолат назоратидан ўтказилиши, зарурат туғилса, реставрацияланиши керак.

9 Хавфсизлик чоралари

9.1 Кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмларга ишлов бериш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва транспортда ташиш вақтида ёнадиган, портловчи ҳамда тез ёнувчи моддалар билан ишлаш коидаларига риоя қилиниши керак.

9.2 Ҳужжатларни сақлаш, транспортда ташиш ва фойдаланиш вақтида уларнинг ўров ичида силжиши, зарбалар ва тебранишлар, нам, зарарли газлар, чанг ва қуёш нурларининг ўтиши, шунингдек, ўров ичида конденсацияли намлик ҳосил бўлиши эҳтимоли мустасно этилиши керак.

9.3 Кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмлар билан ишлаш вақтида уларнинг шикастланиши ва ифлосланишини мустасно этиш мақсадида умумий эҳтиёткорликка риоя қилиш лозим.

1-илова
(тавсия этиладиган)

Идора номи
Ташкилот номи

Киноҳужжатнинг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМАСИ

(сана) _____ -сон

Киноҳужжат келган сана _____

Киноҳужжат тайёрланган санаси _____

Тузилди _____
лавозими, исм-шарифи, фамилияси

Киноҳужжат _____
архивга оид, ишлаб чиқариш рақами

Номи _____

Қисмлар сони _____ -сон қисм _____ Метраж _____

Фильм материали тури _____
чегатив, контратип, рангли ёки ок-кора, товушли ёки

товушсизлигини кўрсатган ҳолда оралиқ позитив

Асос тури _____
ёнгин жиҳатидан хавфли ёки хавфсиз

Плёнка тури _____
маҳаллий ёки хорижийлигини кўрсатган ҳолда

Босиб чиқарилган _____
негативдан, контратипдан ва б., қачон

Текширилди _____
иш тури

Текшириш натижалари қуйидагилар:

Сана	Улчанаётган участка	Усадка, фоиз	Сана	Ўлчанаётган участка	Усадка фоиз

1*-СОН НУҚСОН ҚАЙДНОМАСИ

Режа рақами	Нуқсонлар

* 2, 3- нуқсон қайдномаси ва х. заруратдан келиб чиққан ҳолда 1-сон нуқсон қайдномаси шакли буйича алоҳида варақларга тўлдирилади ҳамда ушбу далолатномага қўшиб қўйилади. Агар нуқсон қайдномаларининг сони 2 тадан ошса, уларнинг рўйхати тузилади.

НУҚСОН ҚАЙДНОМАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Назорат санаси	Қайднома рақами	Назорат мақсади	Техник ҳолати тўғрисидаги хулоса	Текширувчининг имзоси

ОПТИК ЗИЧЛИКЛАР

Сана	Текширилаётган участкаларнинг координаталари	Зичликлар			Сана	Текширилаётган участкаларнинг координаталари	Зичликлар		
		Ж	П	Г			Ж	П	Г

Тузувчининг лавозими

Имзо

Имзонинг расшифровкаси

2-илова
(тавсия этиладиган)

Ташкилот номи _____

Киноҳужжат суғурта нусхасининг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Далолатнома тузилган сана _____

Киноҳужжат номи _____

Қисмлар сони _____ -сон қисм _____ Метраж _____

Асл нусхани сақловчи архив номи _____

Асл нусханинг архив рақами _____

Асл нусханинг тури _____

Асл нусханинг формати _____

Нусхани тайёрлаш санаси _____

Тайёрловчи _____

Суғурта нусханинг тури: контратип, дубль-позитив (кераксизи ўчирилсин)

Суғурта нусха ташувчисининг тури ва маркаси _____

Асос тури _____

Тайёрлашдаги фотографик сифат тўғрисида хулоса _____

Қолдиқ тиосульфат натрийнинг миқдори _____

Кумуш тузларининг мавжудлиги _____

НУҚСОН ҚАЙДНОМАСИ

Текширув санаси	Қисм рақами	Метражи	Елимли ўланмалар сони	Режалар рақами	Техник ҳолат		Рақордлар
					асос	эмульсия катлами	
1	2	3	4	5	6	7	8

Нуксон қайдномасининг давоми

Усадка, фоиз	Реставрацией ишлов беришнинг зарурати тўғрисида хулоса	Назорчи имзоси	Реставрацион ишлов бериш санаси	Реставратор имзоси	Зслатма
9	10	11	12	13	14

ОПТИК ЗИЧЛИКЛАР

Сана	Текширилаётган участка координаталари	Зичлиги

3-илова
(тавсия этиладиган)

Ташкилот номи _____

Сугурта нухасининг рақами _____

Сугурта фонди микрофильмининг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Далолатнома тузилган сана _____

Асл нухани сақловчи архив номи _____

Микрофильм тайёрланган сана _____

Тайёрловчи _____

Метраж _____ Кадрлар сони _____

Микрофильм ташувчисининг тури ва маркаси _____

Асос тури _____

Микрофильмнинг шартли белгиси _____

Кичрайтириш масштаби _____

Тест-объектнинг мавжудлиги ва тавсифи _____

Қолдиқ тиосульфат натрийнинг миқдори _____

Кумуш тузларининг мавжудлиги _____

Текширувчининг имзоси

Текширув сана-си	Усадка физ	Асоснинг техник ҳолати	Эмульсиянинг техник ҳолати	Елимли уланмаларнинг техник ҳолати	Елимли уланмаларнинг сони	Перфорациянинг техник ҳолати	Ракордлар
1	2	3	4	5	6	7	8

Давоми

Реставрацион ишлов беришнинг зарурати тўғрисида хулоса	Назоратчи имзоси	Реставрацион ишлов бериш санаси	Реставратор имзоси	Эслатма
9	10	11	12	13

ОПТИК ЗИЧЛИКЛАР

Сана	Текширилаётган участка координаталари	Зичлиги	
		Е1 эталони	Е2 эталони

4-илова
(тавсия этиладиган)

Ташкилот номи _____

Фотоҳужжат асл нусхасининг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМА СИ

Далолатнома тузилган сана _____

Сақлаш бирлигининг архив рақами _____

Фотоҳужжат тури _____
негатив, конратип, позитив, диапозитив

Сурагга олинган сана _____
оқ-қора, рангли

Фотографик сифат _____

Сиртининг техник ҳолати _____

Реставрацион ишлов бериш зарурати тўғрисида хулоса _____

Лавозими _____ Имзо _____ Имзонинг расшифровкаси _____

Сана _____

_____ Реставрацион ишлов беришнинг тури _____

Лавозими _____ Имзо _____ Имзонинг расшифровкаси _____

Сана _____

Реставрацион ишлов бериш натижалари _____

Лавозими _____ Имзо _____ Имзонинг расшифровкаси _____

Сана _____

5-илова
(тавсия этиладиган)

Ташкилот номи _____

Фотоҳужжат суғурта нусхасининг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМА СИ

Далолатнома тузилган сана _____

Асл нусхани сақловчи архив номи _____

Асл нусханинг архив рақами _____

Асл нусханинг тури _____

Асл нусханинг формати _____

Нусха тайёрланган сана _____

Тайёрловчи ташкилот _____

Суғурта нусхаси ташувчисининг типи ва маркаси _____

Асос тури _____

Суғурта нусхасини тайёрлаш усули _____

Суғурта нусхасининг формати _____

Текширув санаси	Фотографик сифат	Техник ҳолати	
		асослар	эмульсия катлами
1	2	3	4

Давоми

Ишлов бериш зарурати тўғрисида хулоса	Назоратчи имзоси	Ишлов берилиш санаси	Реставратор имзоси
5	6	7	8

6-илова
(тавсия этиладиган)

**Хужжатларни сақлаш ва уларни жойлаштириш учун мўлжалланган
бино ва хоналарга қўйиладиган талаблар**

1 Архивлар бинолари

1.1 Кино- ва фотохужжатлар ҳамда микрофильмлар сақланишини таъминлаш мақсадида улар бу хужжатларни сақлаш учун махсус қурилган ёки уларни сақлашга мослаштирилган ҳарорат - намлик режими тартибга солинадиган биноларга жойлаштирилиши керак. Архивлар биноларини лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш амалдаги қурилиш нормалари ва қоидалари, шунингдек ушбу стандарт талабларига мувофиқ ўтказилиши керак.

1.2 Архивлар бинолари жойлашган район ҳавони чанг ва зарарли газлар билан ифлослантирадиган саноат қорхонларидан, шунингдек, ёнғинга нисбатан хавфли бўлган объектлардан узоқда бўлиши керак. Районнинг архивлар жойлашиши учун яроқлилиги санэпидстанция хулосасига мувофиқ белгиланади.

2 Хужжатларни сақлаш учун мўлжалланган хоналар

2.1 Хужжатларни сақлаш учун мўлжалланган хоналар хужжатларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланишнинг барча турлари учун мўлжалланган ишчи хоналар комплексидан иборат бўлиши керак.

2.2 Барча хоналарда тортувчи-чиқарувчи вентиляция, сақлаш хоналарида ва хужжатлар узоқ вақт давомида (бир неча соатдан кам бўлмаган) турадиган хоналарда ҳавони кондицияланиши кўзда тутилиши керак.

2.3 Деворлар, поллар, хонанинг ички арматураларини қоплаш материаллари чанг йиғувчи ёки чанг манбаи бўлмаслиги керак.

2.4 Хужжатларнинг асл нусхалари ва суғурта нусхаларини махсус жиҳозланган хоналарда алоҳида сақлаш лозим.

2.5 Кино- ва фотохужжатларни сақлаш хоналари бошқа хоналардан ажратилган бўлиши керак. Ёнғин жиҳатидан хавфли асосдан қилинган хужжатлар бошқа хужжатлардан алоҳида изоляцияланган (ёнғинга чидамли боксларда, камераларда) хоналарда сақланиши керак. Ушбу хоналарнинг қуйи зонасидан ҳаво тортишнинг қўшимча чоралариини қўриш керак.

Ёнғин жиҳатидан хавфли асосдан қилинган плёнкалар учун мўлжалланган хоналар ва бошқа турдаги хужжатларни сақлаш хоналари умумий шамоллатиш каналларига эга бўлмаслиги керак.

2.6 Сақлаш хоналари хонага чанг, аммиак, олтингугурт, водород, азот оксидлари, олтингугурт газини, симоб буғлари киришининг олдини оладиган техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

3 Сақлаш хоналарининг усқунаси

3.1 Сақлаш хоналарининг усқунаси кинохужжатлар ҳамда ўрамли микрофильмларнинг горизонтал ва микрофильмларни вертикал жойлаштириш имкониятини таъминлаши керак.

3.2 Кино- ва фотохужжатлар ҳамда микрофильмлар картотека туридаги суриладиган қутиларда, шкафларда, сейфларда, стеллажларда ва эшиклари ёпиладиган жавонларда сақланиши лозим. Очiq жавонлар ва стеллажларни кино- ва фотохужжатлар ёпиқ қутилар ҳамда контейнерларда жойлаштирилиши шарти билан қўллашга рухсат берилади. ГОСТ 13.1.505 бўйича қутиларга ўрланган ўрамли микрофильмлар ГОСТ 13.1.506 бўйича жавонда сақланиши керак.

3.3 Сақлаш хонаси бир ва икки томонли стеллажлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

3.3.1 Стеллажлар деразалари бўлган ташқи деворларга перпендикуляр ҳолатда ўрнатилади. Агар сақлаш хонасида деразалар бўлмаса, стеллажларни ўрнатиш вақтида сақлаш хонаси майдонидан максимал фойдаланиш принциpidан келиб чиқиш керак.

3.3.2 Стеллажлар ва хоналар конструкциясининг элементлари йўлаклар билан ажратилади. Йўлаклар кенглиги қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак:

0,75 м - стеллажлар орасида;

1,20 м - стеллажларнинг ён томонлари орасида (бош йўлак);

0,75 м - девор ва деворга параллел бўлган икки томонли стеллажлар орасида;

0,50 м - девор ва стеллаж ён томони орасида.

3.3.3 Девордан унга параллел бўлган бир томонли стеллажгача бўлган масофа 0,05 м дан кам бўлмаслиги, полдан стеллажнинг пастки тоқчасигача - 0,20 м дан кам эмас, иситиш ва шамоллатиш тизимларидан стеллажгача -1,00 м дан кам бўлмаслиги керак.

3.4 Хужжатларни сақлаш учун мўлжалланган жиҳозларни тайёрлаш материаллари ёнмайдиган ва зангламайдиган бўлиши керак. Хужжатларнинг бузилишига олиб келадиган моддаларни ажратувчи материалларни қўллаш тавсия этилмайди.

3.5 Кондициялаш мавжуд бўлганда сақлаш хоналаридаги жиҳозлар шундай жойлаштирилиши керакки, бунда ҳавонинг барча жавонлар, тоқчалар ва қутилар бўйича ички айланиши таъминланиши лозим. Жиҳозлар ҳавонинг шкафлар, тоқчалар ва қутилар ичига киришини таъминлайдиган шамоллатиш тирқишларига эга бўлиши керак. Бундай тирқишларнинг мавжудлиги ёнғин хавфсизлиги ва гидрохимоя талабларига зид бўлмаслиги керак.

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

ФОНО- ВА ВИДЕОҲУЖЖАТЛАР

Архивда сақлашга қўйиладиган
умумий техник талаблар

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
бўйича давлатлараро кенгаш
Минск

Сўз боши

1 Давлат архив хизматининг Бутунроссия техник ҳужжатлар илмий-тадқиқот маркази, ТК 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (1995 йил 26 апрелдаги 7-95-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Беларусь Республикаси	Белстандарт
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Украина	Украина Давстандарти

3 Россия Федерациям Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Кўмитасининг 1995 йил 18 октябрдаги 544-сон қарори билан ГОСТ 7.68-95 давлатлараро стандарти 1996 йил 1 июлдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

4 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

ФОНО- ВА ВИДЕОҲУЖЖАТЛАР

Архивда сақлашга қўйиладиган умумий техник талаблар

System of standards information, librarianship and publishing
Photo and video documents
General technical requirements for archive storage

Жорий этиш санаси 1996-07-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандартхужжатларнинг қуйидаги турларини архивда сақлашга қўйиладиган талабларни белгилайди:

- кенглиги 6,2 мм бўлган магнит тасмасидаги фонохужжатларнинг асл нусхалари;
- кенглиги 8; 12,7; 19,05; 25,4 ва 50,8 мм бўлган магнит тасмаларидаги видеохужжатларнинг асл нусхалари;
- кинофильмларга овозли ахборотни магнит қайта ёзишнинг асл нусхалари (25 ва 16 мм ли тасмаларда);
- грампластинкалардаги фонохужжатлар;
- магнит тасмалари ва металл грамаслнусхалардаги суғурта нусхалари.

Стандарт фотографик ёзиш усулида, ковак мумли цилиндрга механик ёзиш ёрдамида тайёрланган фонохужжатларга, шунингдек, фойдаланиш фондининг нусхаларига тааллуқли эмас.

Фотографик ёзиш методи билан тайёрланган фонохужжатларни давлат томонидан сақлаш қоидалари ГОСТ 7.65 талабларига мувофиқ келиши керак.

Ушбу стандарт давлат ва идоравий сақлашда бўлган Архив фонди давлат қисмининг барча хужжатларига тааллуқлидир.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.65-92 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Микрошакллардаги киноҳужжатлар, фотоҳужжатлар. Архив сақлашга қўйиладиган умумий талаблар.

ГОСТ 1908-88 Бумага конденсаторная. Общие технические условия.

ГОСТ 4097-78 Коробки для киноплёнок, магнитных лент и плёночных материалов. Технические условия.

ГОСТ 7933-89 Е Картон коробочный. Технические условия.

ГОСТ 8433-81 Вещества вспомогательные ОП-7 и ОП-10. Технические условия.

ГОСТ 9421-80 Картон тарный плоский клеенный. Технические условия.

ГОСТ 10354-82 Пленка полиэтиленовая. Технические условия.

ГОСТ 12796-93 Сердечники для намотки магнитной ленты шириной 6,30 мм. Технические условия.

ГОСТ 20283-89 Е Бумага обложечная. Технические условия.

3 Умумий қондалар

3.1 Давлат томонидан сақланиши керак бўлган фоно- ва видеоҳужжатларни сақлашни таъминлаш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш лозим:

ҳужжатларнинг техник ҳолатини баҳолаш, уларни таъмирлаш ва консервация қилиш, ўршлаш, сақлашнинг норматив тартибини таъминлаш, ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш, ҳужжатларни фойдаланиш учун тайёрлаш.

3.2 Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиш ва тайёрлашда уларнинг техник ҳолатининг назоратини ўтказиш, сақлаш жараёнида эса - даврий назоратни ўтказиш лозим.

3.3 Сақлашга тайёрлаш вақтида фоно- ва видеоҳужжатлар реставрация ва консервация қилиниши лозим:

- магнит тасмадаги фоно- ва видеоҳужжатларни чангдан тозалаш ва қайта ўраш;

- грампластинкалар ва металл грамаслнусхалардаги фоноҳужжатларни ифлосланишлардан тозалаш;

- мавжуд ҳарорат-намлик шароитидаги иқлимга мослаштириш;

- ўршлаш.

4 Ҳужжатларнинг техник ҳолатини баҳолаш

4.1 Ҳужжатлар сақлаш хоналарига жойлаштирилишидан аввал уларнинг техник ҳолати баҳоланиши керак.

4.2 Ҳужжатларнинг асл нусхалари ва суғурта нусхаларининг техник ҳолати ҳужжатларни сақлашга қабул қилиш вақтидан уч ойдан кўп бўлмаган муддатда баҳоланиши керак.

4.3 Техник ҳолатни баҳолаш жараёнида ҳужжатлар техник ҳолатининг уларга илова қилинадиган техник ҳолат тўғрисидаги далолатномалардаги маълумотларга мувофиқлиги белгиланади.

Изоҳ - Айрим ҳолларда техник ҳолат тўғрисидаги далолатнома ҳужжатларни сақлашга қабул қилиш вақтида баҳолашга ўтказиш жараёнида тузилиши мумкин. (А, Б иловаларга қар.)

4.4 Баҳолаш натижалари бўйича тегишли маълумотлар техник ҳолат далолатномасига киритилади ва ҳужжатларни реставрация қилиш бўйича ишлар комплекси белгиланади.

5 Ҳужжатларни реставрацион ва консервацион-профилактик қайта ишлаш

5.1 Реставрацион ва консервацион-профилактик қайта ишлаш ўз ичига қуйидаги ишларни олади:

магнит тасмадаги ҳужжатлар учун:

- сиртини чанг ва кирдан қўлда ёки махсус тозалаш ускунасида тозалаш;

- қуриган ва тирналган елимли уланмаларни алмаштириш;

- қайта ўраш;

- магнит тасма ўрамларини икки томонидан 2-2,5 мм дан ҳимояловчи магнит тасма билан қоплаш;

грампластинка ва грамаслнусхалардаги фоноҳужжатлар учун:

- чангдан тозалаш;

- антистатик билаи артиш;

фамаслнусхалар учун:

- электрокимёвий тозалаш;

видеоҳужжатлар учун:

- юзасини чанг ва ифлосланишлардан тозалаш;

- қайта ўраш.

5.2 Қайта ўраш ҳужжатларни сақлаш ва ташиш вақтида ҳаво ҳарорати ва намлигининг ўзгариши натижасида келиб чиқадиган магнит тасма ўрамларидаги ички кучланишларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

5.3 Хужжатлар юзасини ифлосланишлардан тозалаш хужжатни сақлаш ва тиклаш вақтида сақланиш муддатини узайтириш ва унинг сиртида шикастлар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

5.4 Магнит тасмадаги фоно- ва видеохужжатларни қайта ўрашни белгиланган тортиш қонуни билан ишлайдиган махсус ускуналарда ва тасма юзасини механик тозалаш учун мўлжалланган ускуналар билан амалга ошириш керак. Қайта ўрашни, шунингдек, ўрашнинг бир текис зичлигига эга силтанишларсиз, созланган магнитофонда ҳам ўтказиш мумкин.

Фоно- ва видеохужжатларни ўраш бир текис, зич, четидан чиқиб турмайдиган ўрамлар ва поғоналарсиз бўлиши керак.

5.5 Профилактик мақсадларда магнит тасмадаги хужжатларни қайта ўраш ва тозалаш даврийлиги хужжатлардан фойдаланиш жадаллиги ва уларни сақлаш шарт-шароитлари билан боғлиқ равишда - 2-4 йилда бир мартани ташкил қилади.

5.6 Грампластинкалар ва грамаслнусхалар навбатдаги ҳар бир қайта эшиттиришдан аввал ГОСТ 8433 бўйича махсус таркиб билан, масалан, 2 фозли ОП-10 ёрдамчи модданинг сувдаги эритмасида ҳўлланган туксиз мато билан артилиши керак. Артишдан олдин матони яхшилаб сикиш лозим.

6 Хужжатларни ўршлашга қўйиладиган талаблар

6.1 Фоно- ва видеохужжатлар ўрови хужжатларга намлик, чанг кириши, ёруғлик нурлари тушиши эҳтимолларининг олдини олиши, механик шикастланишлардан ҳимоя қилиши керак. Ўров унинг ичида хужжатларнинг эркин силжишига йўл қўймаслиги керак.

6.2 Кенглиги 6,25 мм бўлган магнит тасмадаги фонограммалар ўзакка ГОСТ 12796 бўйича ўралган бўлиши керак.

6.3 Сақлашга қабул қилинадиган магнит тасмадаги фоно- ва видеохужжатлар ГОСТ 10354 бўйича полиэтилен плёнкадаги пакетга ва заводда тайёрланган қутига ўрвланиши ёки ёрликлар учун кесмалари бўлган полиэтилен ғилоф (контейнер)га жойланиши керак.

6.4 Кинофильмларга магнит қайта ёзишнинг асл нусхалари ГОСТ 10554 бўйича полиэтилен плёнкадаги пакетларга ва ГОСТ 4097 бўйича металл қутиларга ўрвланган бўлиши керак.

6.5 Грампластинкалардаги фонохужжатлар ГОСТ 10354 бўйича полиэтилен плёнкали пакетга ва ГОСТ 20283 бўйича қоғоз конвертга ўрвланган бўлиши керак. Грампластинкалар партияси уларнинг архив рақамларига мувофиқ картон ёки фанера қутиларга жойланган бўлиши керак.

6.6 Металл грамаслнусхалар ГОСТ 1908 бўйича конденсаторли қоғозга ўралган, ГОСТ 7933 бўйича картон конвертга, кейин эса ГОСТ 9421 бўйича қалин картон қутига жойланган бўлиши керак. Механик шикастланишларнинг олдини олиш учун картон конвертнинг ички

томонларидан бири юмшоқ матоли (фланель, паҳмок ва ш.к) кистирмага эга бўлиши керак.

6.7 Магнит тасмадаги ҳужжатларни ўраш учун мўлжалланган ғалтаклар ва кассеталар сезиларли нуқсонларга (металлнинг тегиб туриши, пачокликлар, шакл ўзгаришлари, занг излари ва ҳ.к.) эга бўлмаслиги керак.

6.8 Ўров, ғалтаклар, кассеталар ҳамда фоно- ва видеоҳужжатларда нуқсонлар аниқланганда нуқсонлар мавжудлиги тўғрисида далолатнома тузилади.

6.9 Ҳужжат жойланган ҳар бир қути (ёки конверт) аудиовизуал ҳужжатлар ва босма асарни таърифлаш элементларига эга материалларни таърифлашнинг амалдаги қоидаларига биноан тузилган ёрлик билан таъминланган бўлиши керак.

Маркалаш ўровга ҳужжатнинг зарур идентификацион маълумотларини ажралиб турувчи рангдаги бўёқ билан тушириш йўли билан амалга оширилади.

7 Ҳужжатларни сақлаш тартиби

7.1 Ҳужжатларни сақлаш тартиби ҳарорат-намлик, ёруғлик ва санитария-гигиена режимларининг норматив параметрларига риоя қилиш орқали таъминланади. Хоналар ва ҳужжатларни жойлаштиришга қўйиладиган талаблар В иловада келтирилган.

7.2 Ҳужжатларни ҳарорат-намлик сақлаш режимига мослаштириш мақсадида улар сақлаш хонасига жойлаштиришдан олдин (18 ± 2) °С ҳарорат ва ҳавонинг (55 ± 10) фоиз нисбий намлигида очиқ ўровда иқлимга мослаштиришдан ўтказилиши керак. Иқлимга мослаштириш давомийлиги ҳужжатларнинг бошланғич ҳолатига боғлиқ ва камида 3 кеча-кундузни ташкил этади.

7.3 Ҳарорат-намлик режими

7.3.1 Фоно- ва видеоҳужжатларни 8 дан 18 °С гача ҳароратда ва ҳавонинг 45 дан 65 фоизгача нисбий намлигида сақлаш тавсия этилади.

7.3.2 Ҳужжатларни сақлашда бир кеча-кундуз давомида ҳароратнинг (5 °С дан кўп) ва ҳаво нисбий намлигининг (10 фоиздан ортиқ) кескин ўзгаришига йўл қўйилмайди. Ташиш ва қайта ишлашда ҳарорат-намлик режими бузилган ҳолда ҳужжатларни сақлашга қўйишдан олдин уларни ушбу стандартнинг 7.2-бандига мувофиқ иқлимга мослаштиришдан ўтказиш зарур.

7.3.3 Сақлашнинг ҳарорат-намлик режимини назорат қилиш ва рўйхатга олишни бир кеча-кундузда камида 1 марта ҳароратнинг 5 °С ҳамда ҳаво нисбий намлигининг 2 фоиз аниқликда ўлчанишини таъминлайдиган ўлчаш ускуналари ёрдамида амалга оширилиши лозим. Майдони 25 м²

бўлган сақлаш хонасида ўлчаш ускуналарининг камида бир комилекти бўлиши керак.

7.4 Ёруғлик р е ж и м и

7.4.1 Хоналарнинг ёритилиши табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

7.4.2 Хоналарни ёритиш силлик ташқи сиртга эга бўлган плафонлар билан ёпилган сунъий ёруғлик манбалари ёрдамида амалга оширилади.

Сақлаш хонаси, ўқув заллари ва архивнинг бошқа хоналарига қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушишига йўл қўйилмайди. Хоналарнинг қуёш нури ёрдамида табиий ёритилишига деразаларда нурни тарқатувчи мослама ўрнатилиши шарти билан йўл қўйилади.

7.4.3 Шкафлар, стеллажларнинг ёритилганлиги 20 лк дан, йўлақларники - 50 лк дан, иш жойлариники - 100 лк дан кам бўлмаслиги керак.

7.5 С а н и т а р и я - г и г и е н а р е ж и м и

7.5.1 Сақлаш хоналарида ҳафтада камида бир марта стеллажли жиҳозларни ва ҳужжатлар жойланган ўровларни курук йиғиштириш (чангютгич билан), сақлаш хоналарининг полларини ойда камида бир марта хўллаб йиғиштириш зарур.

7.5.2 Сақлаш хоналари ва бошқа иш хоналарига киришдан аввал махсус кийимлар ва оёқ кийимларини кийиш тавсия этилади.

7.5.3 Ҳужжатларни сақлашда уларнинг ўрови ҳолатини мунтазам кузатиш зарур. Ўровда шикастлар, занглашлар, шакл ўзгаришлари аниқланганда, у дарҳол алмаштирилиши керак.

8 Ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш

8.1 Фоно- ва видеоҳужжатларнинг бутлигини таъминлаш ҳамда уларда пайдо бўлган нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ҳужжатларни сақлаш жараёнида даврий назоратдан ўтказиб туриш керак.

8.2 Сақлаш жараёнида барча турдаги ҳужжатларни техник назорат қилиш даврийлиги қуйидагича белгиланади:

- грампластинкалар ва металл грамслнусхалардаги фотоҳужжатлар учун - 7 йилда бир марта;

- магнит тасмадаги фоноҳужжатлар ва видеоҳужжатлар учун - 5 йилда бир марта.

8.3 Техник ҳолат назоратини амалга ошириш вақтида қуйидагиларни текшириш зарур:

- ҳужжатлар ўровининг ҳолатини;
- стандарт рақордлар мавжудлигини;
- ҳужжатлар юзасининг техник ҳолатини (ифлосланишлар, механик шикастланишларнинг мавжудлигини);
- магнит тасмалардаги елимли уланмаларнинг техник ҳолатини;

- кенглиги 35 ва 16 мм бўлган магнит тасмаларнинг перфорация қадами;
- физик-механик тавсифини (тирналиши, иш қатламининг тўкилиши ва бошқаларни);
- кимёвий ҳамда биологик нуқсонлар (микроорганизмлар, ҳашаротлар ва кемирувчилар) билан зарарланишини;
- фоно- ва видеоҳужжатларнинг электроакустик тавсифини;
- видеоканалдаги видеоҳужжатлар параметрларини;
- видеоҳужжатларнинг тасвир сифатини;
- металл грамаслнусхаларнинг юзасида занглашнинг мавжудлигини.

8.4 Грампластинкалар ва грамаслнусхалардаги ҳужжатларнинг техник ҳолатини текшириш ёруғлик аксида кўздан кечириш йўли билан амалга оширилиши керак. Зарур ҳолларда чизгич, шкалали лупа, микроскопдан фойдаланиш керак.

8.5 Фоноҳужжатларнинг электроакустик тавсифларини (частотали бузилишлар, нусха кўчириш эффекти даражаси, фон ва шовкинлар даражаси, шитир-шитир ва чертишларнинг мавжудлиги, тўхташ шовқини) текширишни тинглаш учун мўлжалланган назорат агрегатларига, қувват кучайтиргичлари, радиокарнайлар ва бошқа зарурий ускуналарга эга бўлган махсус магнитофонларда эшитиб ўтказадилар.

8.6 Видеоҳужжатларнинг техник кўрсаткичларини текшириш назорат ўлчов ускуналар комплекси: ёзиш формати билан белгиланадиган тегишли турдаги видеоманитофонлар; синов сигналлари генератори; синов сатри сигналларининг ўлчагичи; осциллограф; мониторлар; стандартлар ҳамда видеоёзув тизимларини ўзгартирувчилар; видеоовоз коммутатори; синхронлаш учун мўлжалланган таянчлар; АВК генератори ёрдамида ўтказилади.

8.6.1 Техник назоратдан ўтказилиши керак бўлган видеоҳужжатлар аввал камида икки кеча-кундуз давомида (18 - 22) °С ҳарорат ва (55 - 65) фоиз нисбий намликда саклаб турилади.

8.6.2 Кенглиги 50,8 мм бўлган магнит тасмадаги видеофонограммаларнинг сифатини баҳолаш учун «Кадр - ЗПМ» туридаги видеоманитофондан ёки техник жиҳатдан ундан қолишмайдиган бошқа видеоманитофондан фойдаланилади.

Кенглиги 25,4 мм бўлган тасмадаги видеоҳужжат сифатини баҳолаш учун «Кадр - 103 СЦ» туридаги ёки бошқа техник параметрлари шунга ўхшаш видеоманитофондан фойдаланилади.

8.6.3 Видеомагнитофонни сошлаш ўлчов магнит тасмалари (ЎМТ) ёрдамида тезкор бошқариш билан видеоманитофоннинг техник паспорти талабларига (ишлатиш бўйича йўриқномага) биноан амалга оширилади.

8.6.4 Кенглиги 50,8 мм бўлган магнит тасмадаги видеоҳужжатлар ТУ 84-882 бўйича параметрларга эга техник рақордда сигналларнинг қайта

акс эттирилишини таъминлаши керак. Бунда сигналнинг қайта акс эттирилиши тракти келтирилган ТШнинг 1.7-банди талабларига мувофиқ созланган бўлиши керак.

Объектив тавсифларга эга бўлиш учун синов сатрларининг параметрларини ўлчаш ТУ 84-882 бўйича ўтказилади, шунингдек равшанлик сигналнинг флукутуацияли халақитга боғлиқлиги аниқланади.

Кенглиги 25,4 мм бўлган магнит тасмадаги видеохужжатлар сигналларнинг «Кадр-103 СЦ» видеомагнитофонида ТШ нормаларига мувофиқ келувчи параметрларга эга техник ракордда сигналларни қайта акс эттирилишини таъминлаши керак.

8.6.5 Синов сатри сигналлари ёзувисиз «U-matik-H» форматда бажарилган видеохужжатлар сифатини текшириш монитор экранда ўтказилади.

8.6.6 «Q» ва «С» форматларига ўхшаш техник ракорд мавжуд бўлмаганда равшанлик сигнални, синхросигнални, қора рангдаги ранглиликнинг модуллашмаган куйи элтувчилар амплитудасини, дифференциал кучайишни (қора рангдаги модуллашмаган куйи элтувчи қулочига нисбатан) ўлчашни, рангли полосалар генератори кўринишида бажарилган ракордда ўтказилади.

8.6.7 Видеохужжат текширилганда товушли дастур сигнали эшитганда сезиларли бўлган бузилишлар, фон, шовқин, тиқирлашлар, чертишлар бор-йўқлигига, даражаси бўйича (видеомагнитофон индикаторларида) баҳоланади. Товуш сигналнинг номинал даражаси техник ракорд бўйича, унинг ўлчов магнит тасмалари даражаларига мувофиқ ўлчанади.

Қайта акс эттиришда видеохужжат тасвирининг ёзилиши ахборотнинг яхши қабул қилинишини таъминлаши керак. Видеомагнитофон орқали кўрилатганда равшанлик, контраст ва ранглар узатилиши сифатини пасайтирувчи шовқинлар (горизонтал чизиклар, тебранишлар, равшанликнинг бетартиб бузилишлари ва ҳ.) бўлмаслиги керак.

«Q» форматдаги видеомагнитофонда тушиб қолишлар сони 1 минутда 100 тадан (максимал сони 170 бўлганида), «С» ва «U-matik-H» форматдаги видеохужжатда 1 минутда 20 тадан ошмаслиги керак.

Изоҳ - Давомийлиги 10 мкс дан кўп бўлган тушиб қолишлар ҳисобга олинади. Сони ва давомийлиги кўрсатилган даражадан кўпайиб кетган тушиб қолишлар мавжуд бўлганда, видеохужжатга тушиб қолишлар компенсатори ёрдамида ишлов бериш керак.

8.7 Назорат қилиш натижаларига кўра реставрация ва консервация қилишни ўтказиш зарурати тўғрисида хулоса қилинади ва хужжатнинг техник ҳолатига боғлиқ равишда навбатдаги техник назоратни ўтказишнинг муддатлари белгиланади. Маълумотлар техник ҳолат далолатномаларида қайд этилади (А, Б иловалар).

9 Хужжатлардан фойдаланиш

9.1 Фоно- ва видеохужжатлар ҳисобга олиниши, техник ҳолати назорат қилиниши, шунингдек, улардан нусха кўчириб олиниши керак.

9.2 Хужжатларнинг суғурта нусхаларидан фойдаланишга фақат асл нусхалари йўқолган ёки шикастланганда йўл қўйилади.

9.3 Ўта муҳим бўлган фоно- ва видеохужжатларнинг асл нусхаларидан фойдаланишга фақат уларнинг кўчирма ишчи нусхалари тайёрланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

9.4 Ўта муҳим бўлган барча турдаги хужжатларнинг узоқ вақт сақланишини таъминлаш мақсадида уларнинг кенглиги 6,25 мм (фонохужжатлар) ва 25,4 мм («С» форматдаги видеохужжатлар) бўлган магнит тасмаларида тайёрланган фақат кўчирма ишчи нусхалари фойдаланиш учун берилиши лфзим.

9.5 Фоно- ва видеохужжатлар билан ишлашда қуйидаги талаблар бажарилиши зарур:

- овоз ва қайта акс эттирувчи ҳамда назорат аппаратлари тозаликда сақланиши лозим; аппаратлар ва магнит каллақларнинг ташқи ишчи қисмидан ҳар куни чанг ва ифлосланишлар артилиши керак;

- аппаратларнинг ташқи ишчи қисмида ортиқча буюмларнинг туриши мумкин эмас;

- хужжатлар билан шундай ишлаш керакки, уларнинг юзасида механик шикастлар ва бармоқ излари пайдо бўлишига йўл қўйилмасин;

- хужжатларга белгилар қўйиш, ўрамга хатчўп кистириш, кесиш, қирқиш қатъий ман қилинади;

- магнит тасмасини полга тушириб юборишга йўл қўйилмайди;

- магнитофоннинг тасма тортиш трактини зарядлашни фақат химоя рақорди билан амалга ошириш зарур;

хужжатларнинг тўғри тушадиган қуёш нурлари остида, электромагнит майдон манбалари яқинида (электромоторлар, трансформаторлар, кабеллар) ва қиздирувчи ҳамда иситувчи мосламалар ёнида туришига йўл қўйилмайди;

- иш тутагандан кейин аппаратларни қопқоқ ва ғилофлар билан ёпиб қўйиш лозим.

9.6 Фойдаланиш учун берилгандан кейин хужжатларнинг техник ҳолати назоратдан ўтказилиши, зарурат туғилганда эса, реставрация қилиниши керак.

9.7 Хужжатларни ҳаво ҳарорати паст бўлганда ташигандан кейин механик шикастланишларга йўл қўймаслик, ҳароратнинг турлилиги натижасида хужжатларда намлик тўпланишининг олдини олиш учун уларнинг техник ҳолатини текшириш ва фойдаланишдан олдин ўров ичидаги

хужжатлар 15-25 °С ҳароратда ва 45-65 фоиз нисбий намликда куйидаги вақтдан кам бўлмаган муддат давомида сақлаб турилиши лозим:

2 соат - грампластинкалар ва грамаслнусхалар учун;

4 соат - магнит тасмадаги фонохужжатлар учун;

24 соат - видеохужжатлар ва кинофильмлар учун қайта ёзиш асл нусхалари учун.

10 Хавфсизлик чоралари

10.1 Фоно- ва видеохужжатларни қайта ишлаш, сақлаш ва кўчириш вақтида ёнувчи, портловчи ҳамда тез ўт оладиган моддалар билан ишлаш қоидаларига риоя қилиш керак.

10.2 Хужжатларни сақлаш, ташиш ва фойдаланишда уларнинг ўров ичида силжиши, зарблар ва тебранишлар, намлик, зарарли газлар, чанг ва қуёш нурларининг ўтиши, шунингдек, ўров ичида конденсацияланган намлик ҳосил бўлиши эҳтимоли бартараф қилиниши керак.

10.3 Фоно- ва видеохужжатлар билан ишлашда уларнинг шикастланиши ва ифлосланишини бартараф этиш мақсадида эҳтиёткорликка риоя қилиш лозим.

10.4 Хужжатлар билан ишлаш ўтказиладиган аппаратура созланган бўлиши ва ходимларнинг электр токи уришидан ҳимояга эга бўлиши керак.

10.5 Магнит тасмадаги фоно- ва видеохужжатларни ташиш ёзувнинг магнитсизланишига тўсқинлик қиладиган эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш лозим. Хужжатларни электрокарларда ва кучли магнит майдон манбаларига бевосита яқинликда ташиш тақиқланади.

Б и л о в а
(маълумот учун)

Видеоҳужжат техник ҳолати далолатномасининг шакли

Архив номи _____

Видеоҳужжат техник ҳолатининг

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Видеоҳужжатнинг номи _____

Магнит тасмасининг тури _____ Тасма кенглиги _____

Ёзиш формати _____ Сақлаш бирлиги рақами _____

Лентадаги техник рақорднинг параметрлари

Кўрсаткич	Норма	Натижа	Эслатма
17 ва 330 с даги оқ импульс кулочи	700+ 10		
Импульс катталиги $\sin^2 2 T$	92- 108%		
$\sin^2 2 T$ импульсдан кейин биринчи сапчиш	6%		
Кўйи эгилувчи нотекислиги $\sin^2 20 T$	6%		
0,5-4,8 МГц полосадаги АЧХ нотекислиги	$\pm 10\%$		
Дифференциал кучайиш	6%		
Товуш каналининг кулочи, дБ	-		

ТНБ бошлиғи _____

имзо, имзонинг очиб ёзилиши, сана

Видеофонограммани тайёрлаган ташкилот номи _____

Видеоўрам _____ Хронометраж _____ Ёзиш санаси _____

Аппарат хонаси _____ Ёзиш манбаи, вақти _____

Тасвир ва товуш сифатини баҳолаш (4 ёки 5дан паст)											ТНБ раками ва сана	Опера- тор Ф.И.Ш.
	0	10	20	30	40	50	60	70	80	90 мин		
Шовқинлар Тушиб қолиш Тасвир бузилиши Аниқлик Бошқа нуқсонлар (равшанлик, ранглилиги) Шитирлаш, товуш шовқини Товушнинг йуқолиши Бошқа бузилишлар												

Рулон бўйича бошқа хулосалар _____
Халакитлар сезиларлиги шкаласи: 5 - билинмайди; 4 - деярли билинмайди;
3 - билинади, бир оз халакит қилади; 2 - жуда билинади; 1 - жуда
халакит қилади.

Видеофонограмманинг нуқсон қайдномаси

т/р	Текширув санаси	Текширув мақсади	Физ. - мех. нуқсонлар мавжудлиги	П - импульс қулочи	Импульс катталиги $\sin^2 2 T$
1	2	3	4	5	6

$\sin^2 2T$ импульсдан кейин 1-сапчиш	Қуйи эгилувчи нотекислиги $\sin^2 20 T$	0,5-4,8 МГц полосадаги АЧХ нотекислиги	Дифференциал кучайиш	Товуш канали даражаси
7	8	9	10	11

Умумий баҳо балларда	Профилактик ва реставрацион қайта ишлаш зарурати тўғрисида хулоса	Назорат қилувчи имзоси	қайта ишлаш санаси ва тури	Реставрация қилувчи имзоси	Эслатма
12	13	14	15	16	17

В илова
(маълумот учун)

**Ҳужжатларни сақлаш ва жойлаштириш учун мўлжалланган
бино ва хоналарга қўйиладиган талаблар**

8.1 Архивлар бинолари

8.1.1 Фоно- ва видеоҳужжатларнинг бутлигини таъминлаш мақсадида ушбу ҳужжатларни сақлаш учун махсус қурилган ёки мослаштирилган, ҳарорат-намлик режимлари тартибга солинадиган биноларга жойлаштириш керак. Архивлар биноларини лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта таъмирлаш амалдаги қурилиш нормалари ва қоидаларига, шунингдек, ушбу стандарт талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

8.1.2 Архивлар бинолари жойлашадиган ҳудудлар чанг ва зарарли газлар билан ҳавони ифлослантирадиган саноат объектлари, шунингдек, ёнғин хавфи бўлган объектлардан узоқда жойлашган бўлиши керак. Архивларни жойлаштириш учун яроқли бўлган жой санэпидемстанция ҳулосасига биноан белгиланади.

8.2 Ҳужжатлар сақланадиган бинолар

8.2.1 Ҳужжатларни сақлаш бинолари ҳужжатларни сақлаш, уларга барча кўринишдаги ишлов бериш ва улардан фойдаланиш учун мўлжалланган ишчи хоналар комплексидан иборат бўлиши керак.

8.2.2 Ҳужжатларнинг ҳар хил турларини (магнит тасмадаги фоноҳужжатлар, грампластинкалардаги фоноҳужжатлар, магнит тасмадаги видеоҳужжатларни) алоҳида хоналарда сақлаш тавсия этилади.

8.2.3 Барча биноларда оқимли-сўрувчи шамоллатиш мосламаларининг бўлиши, сақлаш хоналарида ҳамда ҳужжатлар узоқ вақт турадиган хоналарда (бир неча соат) эса - ҳавонинг кондицияланиши назарда тутилиши керак.

8.2.4 Бино деворлари, пол ва шифтлари, ички арматураларини қоплайдиган материаллар чангни йиғмаслиги ёки унинг манбаи бўлмаслиги керак.

8.2.5 Ҳужжатларнинг асл нусхалари ва суғурта нусхаларини алоҳида, махсус жиҳозланган хоналарда сақлаш керак.

8.2.6 Сақлаш хоналари хоналарга чанг, аммиак, олтингугурт, азот, олтингугурт оксидлари, олтингугурт гази, симоб буғлари киришининг олдини оладиган техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

8.2.7 Магнит тасмадаги фоно- ва видеоҳужжатларни кучланганлиги 400 А/м дан кўп бўлган магнит майдонида сақлашга йўл қўйилмайди. Доимий ва ўзгарувчан зарарли магнит майдонларининг кучланганлигини ўлчаш учун ШЦ - 4311 комбинацияланган рақамли асбоб ёки шунга ўхшаш асбоблар қўлланади.

8.3 Сақлаш хоналарининг ускунаси

8.3.1 Сақлаш хоналарининг ускунаси фоно- ва видеохужжатларни қутили ўровда вертикал ҳолатда жойлаштириш имкониятини таъминлаши керак.

Комбинацияланган гуруҳлар турли таснифлар асосида тузилган қаторларнинг қўшилиши натижасида олинган маълумотларни акс эттиради.

6.6 Нашриёт маҳсулоти қуйидаги белгилар бўйича таснифланади:

6.6.1 Нодаврий нашрлар

6.6.1.1 Китоблар ва брошюралар:

- нашриётлар гуруҳлари бўйича;
- мавзуси бўйича;
- мақсадли вазифаси бўйича;
- чоп этиш тили бўйича;
- асарнинг оригиналлиги бўйича;
- нашрнинг такрорийлиги бўйича;
- ҳудудий белгиси бўйича.

6.6.1.2 Нотали, адабий-бадий ва тасвирий нашрлар - турлари ва жанрлари бўйича.

6.6.2 Даврий ва давомли нашрлар.

6.6.2.1 Журналлар, даврий тўпламлар, бюллетенлар:

- мавзуси бўйича;
- мақсадли вазифаси бўйича;
- қандай китобхонга мўлжаллангани бўйича;
- чоп этиш тили бўйича;
- ҳудудий белгиси бўйича;
- чиқиш даврийлиги бўйича.

Изоҳ - Ушбу белгилар бўйича статистик ҳисобга олиш даврий/давомли нашрнинг ҳар бир тури учун алоҳида ўтказилади.

6.6.2.2 Газеталар:

- тури ва ихтисослашиши бўйича;

- худудий белгиси бўйича;
- чиқиш даврийлиги бўйича;
- чоп этиш тили бўйича.

7 Нашриёт махсулотини статистик ҳисобга олишда фойдаланиладиган нашрларнинг асосий таснифлари ва гуруҳлари

7.1 Статистик ҳисобга олишда нашриёт махсулотининг қуйидаги асосий таснифлари ва гуруҳлари қўлланилади

- нашриётлар турлари бўйича;
- мавзуси бўйича;
- мақсадли вазифаси бўйича;
- асарнинг оригиналлиги бўйича;
- нашрларнинг такрорийлиги бўйича;
- жанрлари ва турлари бўйича;
- чоп этиш тили бўйича.

7.2 Нашриётлар давлат ва нодавлат нашриётларга бўлинади.

7.3 Статистик ҳисобга олиш учун Универсал децимал тасниф тегишли рубрикаларини кўрсатган ҳолда, 46 та рубрикадан иборат мавзули таснифлагичдан фойдаланилади (1-жадвал).

1-жадвал. Мавзули таснифлагич

Мавзу бўлимининг номи	УЎТ индекси
Умуман ижтимоий фанлар	3
Фалсафа фанлари. Психология	1
Социология	3/6
Дин	2
Тарих. Тарихий фанлар	93/99
Иқтисодиёт. Иқтисодий фанлар	33
Статистика	311
Демография	314
Сиёсат (давлатнинг ҳозирги сиёсий аҳволи). Қасаба уюшмалари. Ёшлар. Ёшлар ташкилотлари	32
Давлат ва ҳуқуқ. Юридик фанлар	34
Ҳарбий фан. Ҳарбий иш	35, 623
Фан. Фаншунослик. Кибернетика. Семиотика.	00
Информатика	
Умуман табиий фанлар	5
Физика-математика фанлари	51,53
Кимё фанлари	54

Ер тўғрисидаги фанлар	55,91
Биология фанлари	57
Техника. Умуман техника фанлари	60,62
Умуман саноат	6
Энергетика	620
Радиоэлектроника. Алоқа	621,3
Автоматика. Ҳисоблаш техникаси	681.3,681.5
Кон саноати	622
Металлургия	669
Машинасозлик. Асбобсозлик	621,681.2
Кимё саноати	66
Ўрмон, ёғочсозлик, ўрмон-кимё, целлюлоза-қоғоз саноати	674, 676
Матбаа. Репрография. Кинофототехника	655,681.6,77
Транспорт	656
Қурилиш	69
Енгил саноат	67/68
Уй-жой-коммунал хўжалиги. Маиший хизмат. Савдо-сотик	64
Космик фазони ўзлаштириш	52, 629
Атом энергиясидан фойдаланиш	621,0
Қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалик фанлари	63 55, 625/628
Сув хўжалиги	630, 639
Ўрмон хўжалиги. Овчилик хўжалиги. Балиқ хўжалиги	663, 664
Озик-овқат саноати. Микробиология саноати	61
Соғлиқни сақлаш. Тиббиёт фанлари	769
Жисмоний тарбия. Спорт	37
Таълим. Педагогика фанлари	00
Маданият. Маданий қурилиш	654, 659
Оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение)	
Филология фанлари	8
Бадий адабиёт. Фольклор	82/89, 39
Болалар адабиёти. Фольклор	82-93, 39
Санъат. Санъатшунослик	7.0
Универсал мавзудаги адабиёт	08

7.4 Нашрларни мақсадли вазифаси бўйича гурухлашнинг асосий принципи - улар бажараётган ижтимоий функциянинг характери. Мақсадли вазифаси бўйича нашрларнинг куйидаги гурухлари ажратилади:

- расмий нашрлар;
- илмий нашрлар;
- илмий-оммабоп нашрлар;
- ишлаб чиқариш-амалий нашрлар, шу жумладан:
амалий қўлланмалар;

- норматив-ишлаб чиқариш ва йўриқнома нашрлари;
 - ўқув нашрлари, шу жумладан:
 - умумтаълим мактаблари учун;
 - олий мактаб учун;
 - ўрта махсус таълим учун;
 - касб-хунар таълим тизими учун;
 - малака ошириш институтлари ва курслари учун;
 - таълимнинг бошқа турлари учун;
 - ўқув-услубий нашрлар, шу жумладан:
 - умумтаълим мактаблари учун;
 - олий мактаб учун;
 - ўрта махсус таълим учун;
 - касб-хунар таълими тизими учун;
 - малака ошириш институтлари ва курслари учун;
 - таълимнинг бошқа турлари учун;
 - оммавий-сиёсий нашрлар;
 - маълумотли нашрлар, шу жумладан:
 - энциклопедиялар;
 - луғатлар;
 - маълумотномалар;
 - оммавий-сиёсий;
 - илмий;
 - ишлаб чиқариш-амалий;
 - оммабоп;
 - ахборот нашрлари;
 - бўш вақт учун мўлжалланган нашрлар;
 - болалар ва ўсмирлар учун нашрлар, шу жумладан:
 - мактабгача ёшдагилар учун; кичик
 - мактаб ёшдагилар учун; ўрта ва катта
 - мактаб ёшдагилар учун; ўсмирлар учун;
 - адабий-бадий нашрлар.
- 7.5 Гуруҳдаги асарнинг оригиналиги бўйича қуйидагилар ажратилади:
- таржима нашрлар;
 - оригинал нашрлар;
 - кўп тилли нашрлар;
 - параллел нашрлар.
- Изоҳ - Мақсадли вазифаси ва мавзуси бўйича таржима ҳамда оригинал нашрларни ажратган ҳолда комбинацияланган гуруҳлар қўлланилади.
- 7.6 Нашрларни такрорийлиги бўйича гуруҳлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:
- янги нашрларни;

- қайта нашрларни;

Изоҳ - Нашрнинг такрорийлиги ва мақсадли вазифаси бўйича, шунингдек нашрнинг такрорийлиги ва мавзуси бўйича ажратилган ҳолда комбинацияланган гуруҳлар қўлланилади.

7.7 Адабий-бадиий нашрларни дифференциацияланган статистик ҳисобга олиш қуйидагиларни ажратган ҳолда бадиий адабиётнинг турлари ва жанрлари бўйича амалга оширилади:

- наср;
- драматургия;
- шеърят.

Изоҳ - Адабий-бадиий нашрларни муайян маданият ёки тарихий даврга тегишлилиги (масалан, рус адабиёти, инкилобгача бўлган рус ёзувчилари асарлари) бўйича ажратиш мумкин.

7.8 Тасвирий нашрларни дифференциацияланган статистик ҳисобга олиш қуйидагиларни ажратиб жанр аломати бўйича амалга оширилади:

- альбомлар;
- плакатлар, шу жумладан;
- сиёсий;
- йўриқнома ва ўқув кўргазмалари қуроллар;
- портретлар;
- бадиий репродукциялар;
- откриткалар;
- амалий графика;
- эстамплар.

7.9 Нотали нашрларни дифференциацияланган статистик ҳисобга олиш қуйидагиларни ажратиб мусика асарлари турлари бўйича амалга оширилади:

- мусика фольклори;
- вокал мусика, шу жумладан:
 - хорлар ва ансамбллар;
 - чолғу жўрлигидаги яккахон қўшиқчилик;
- чолғу куйи, шу жумладан:
 - оркестр учун; камер мусика;
 - якка ижро этадиган чолғу учун;
- сахна мусикаси;
- мусиқий асарлар тўплами;
- ўқув нашрлари, шу жумладан:
 - ўқув-педагогика нашрлари.

7.10 Даврий ва давомли нашрларни дифференциацияланган статистик ҳисобга олиш қуйидаги гуруҳлар бўйича амалга оширилади:

- газеталар;
- журналлар;
- даврий тўпламлар;

- бюллетенлар.

7.11 Журналлар, даврий тўпламлар ва бюллетенларнинг гуруҳланиши қуйидагича:

7.11.1 қуйидагиларни ажратган ҳолда мақсадли вазифаси бўйича:

- оммавий нашрлар;
- илмий нашрлар;
- ахборот нашрлари;
- илмий-оммабоп нашрлар;
- илмий-амалий нашрлар ва ишлаб чиқариш нашрлари;
- услубий нашрлар;
- расмий-ҳужжатли нашрлар;
- бошқа бўлимлар нашрлари.

7.11.2 қуйидагиларни ажратган ҳолда қандай китобхонга мўлжаллангани бўйича:

- ёшлар учун нашрлар;
- хотин-қизлар учун нашрлар;
- эркеклар учун нашрлар;
- болалар учун нашрлар;
- оилавий нашрлар;
- хорижий китобхон учун нашрлар ва б.

7.11.3 мавзуси бўйича - 7.3-бандга мувофиқ;

7.11.4 қуйидагиларни ажратган ҳолда даврийлиги бўйича:

- ҳафталик нашрлар;
- ойлик нашрлар;
- чораклик нашрлар;
- ярим йиллик нашрлар;
- йиллик нашрлар.

7.12 Газеталарни дифференциацияланган статистик ҳисобга олиш қуйидаги гуруҳлар бўйича амалга оширилади:

7.12.1 қуйидагиларни ажратган ҳолда даврийлиги бўйича:

- ҳафтадаги нашрлар сони бўйича;
- ойдаги нашрлар сони бўйича;
- номаълум даврийлик бўйича.

7.12.2 тарқалиш соҳаси бўйича:

- умумдавлат;
- регионал;
- шаҳар;
- туман;
- қуйи ва б.

7.12.3 мавзуси бўйича:

- умумсиёсий;
- иқтисодий;

- юридик;
 - ишга оид;
 - касаба уюшмаларига тегишли;
 - экологик;
 - саноат ва қурилиш бўйича;
 - транспорт ва алоқа;
 - қишлоқ хўжалиги бўйича;
 - жисмоний тарбия ва спорт бўйича;
 - тиббий;
 - диний;
 - маданият, адабиёт ва санъат масалалари бўйича.
- 7.12.4 қандай китобхонга мўлжаллангани бўйича:
- ёшлар учун;
 - эркеклар учун;
 - хотин-қизлар учун;
 - болалар учун;
 - ўқитувчилар учун ва б.

Асосий сўзлар: статистик ҳисобга олиш, нашр, нодаврий нашр, даврий нашр, давомли нашр, нашрлар таснифлари, нашрлар гуруҳлари, нашриёт маҳсулотини чиқаришнинг сифат кўрсаткичлари, нашриёт маҳсулотини чиқаришнинг миқдорий кўрсаткичлари

Д А В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

НАШРЛАР
МУҚОВАЛАР ВА ҚАЛИН МУҚОВАЛАР

Умумий талаблар ва расмийлаштириш қоидалари

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
бўйича

давлатлараро кенгаш

М и н с к

Сўз боши

1 Россия Федерацияси Матбуот ишлари, телерадиоэшиттириш ва оммавий коммуникация воситалари вазирлиги қошидаги Россия китоб палатаси ва ДТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича Давлатлараро техника кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2002 йил 12 апрелдаги 4-сон баённома, ёзишма бўйича).

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Грузия	Грузстандарт
Қозогистон Республикаси	Қозогистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Мол довастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожиқстандарт
Туркманистон	«Туркменстандартлари» Бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт
Украина	Украина Давстандарти

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш ва метрология давлат кўмитасининг 2002 йил 5 июндаги 233-ст-сон қарори билан ГОСТ 7.84-2002 давлатлараро стандарти 2003 йил 1 январдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

4 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

Д А В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

МУҚОВАЛАР ВА ҚАЛИН МУҚОВАЛАР

Умумий талаблар ва расмийлаштириш қоидалари

System of standards on information, librarianship and publishing
Editions. Paper covers and bindings General
requirements and rules of presentation

Жорий этиш санаси 2003-01-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт китоб ва серияли нашрларнинг муқовалари ва қалин муқоваларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Стандарт газета ва варақали нашрларга тегишли эмас.

Стандарт ташкилий-ҳуқуқий тузилиши, идоравий тегишлилиги ва мулкчилик шаклидан катъи назар, ноширлар ва матбаа корхоналари учун мўлжалланган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳолалардан фойдаланилди:

ГОСТ 7.4-95 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар, чиқиш маълумотлари.

ГОСТ 7.60-90 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Асосий турлари. Атамалар ва таърифлар.

3 Таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилади:

3.1 муқова: Нашрнинг бир қатор чиқиш маълумотларини ўз ичига олган ва нашрнинг ташқи расмийлаштириш элементи ҳисобланган нашр қопламаси.

3.2 супермуқова: Қалин муқова қопкоғи ёки муқовани ҳимоя қилувчи нашрларни ташқи расмийлаштириш, шунингдек реклама элементи сифатида фойдаланиладиган клапанли қўшимча муқова.

3.3 қалин муқова: Нашрнинг бир қатор чиқиш маълумотларини ўз ичига олувчи ва нашрнинг расмийлаштириш элементи ҳисобланган нашрнинг мустақкам қопламаси.

3.4 қалин муқова қопқоғи: Қалин муқова материали билан қопланган томонлар ва корешокдан иборат бўлган қалин муқованинг асосий қисми.

3.5 қалин муқова томони: Варақли картон ёки одатда, нашр форматидан иборат бошқа қаттиқ материалдан тайёрланган қалин муқова қопқоғининг қисми.

3.6 қалин муқова (муқова) корешоғи: Биринчи ва тўртинчи томонини бирлаштирувчи ҳамда китоб блоки корешоғини қоплайдиган қалин муқова қопқоғининг қисми.

3.7 китоб блоки: Аниқ изчилликда жойлашган, муқова қопламасига ёки қалин муқова қопқоғига киритиш учун ўзаро бириктирилган варақлар жамламасидан тузилган нашр материал конструкциясининг қисми.

3.8 ғилоф: Нашрларни ҳимоялаш мақсадида уларни ўривлаш учун мўлжалланган қути.

3.9 штрихли код: Нашрлар сотилишини назорат қилиш мақсадида нашрларни маркалаш учун фойдаланиладиган Товарни рақамлаш Халқаро ассоциацияси (EAN) коди.

3.10 нашрнинг титул варағи: Нашрнинг асосий чиқиш маълумотлари жойлашган саҳифаси.

3.11 нашрнинг чиқиш маълумотлари: ГОСТ 7.4 бўйича.

3.12 нашр: ГОСТ 7.60 бўйича.

3.13 китоб нашри: ГОСТ 7.60 бўйича.

3.14 журнал нашри: ГОСТ 7.60 бўйича.

4 Умумий қоидалар

4.1 Нашрларнинг муқова ва қалин муқовасини расмийлаштириш ноширнинг бадиий маҳорати ва нашрнинг типологик хусусиятларига кўра аниқланади.

4.2 Муқовада, супермуқовада ва қалин муқовада жойлашган маълумотлар нашрни идентификациялаши ва нашр титул варағида келтирилган чиқиш маълумотларига мос келиши керак. муқова, супермуқова ва қалин муқовада нашр титул варағидаги чиқиш маълумотларини бузувчи ёки ўнга қарама-қарши маълумотлар келтирилишига йул қўйилмайди.

5 Муқованинг биринчи бети. Қалин муқованинг олд томони

5.1 муқова ва супермуқованинг чап бетида ёки қалин муқованинг олд томонида албатта қуйидагилар келтирилади:

- муаллиф (муаллифлар) номи;

· нашр сарлавҳаси.

Муқова, супермуқованинг биринчи бетида ёки қалин муқованинг олд томонида кўрсатилган муаллифлар сони нашрнинг титул варағида кўрсатилган муаллифлар сонига мос келиши ва одатда, учтадан ошмаслиги керак.

5.2 Расмий ва норматив нашрлар муқова, супермуқовасининг биринчи бетида ёки қалин муқовасининг олд томонида албатта қуйидагилар келтирилади:

- расмий муассасанинг номи;
- муаллиф (муаллифлар) номи;
- нашр сарлавҳаси.

5.3 Кўп томли нашрлар муқова, супермуқовасининг биринчи бетида ёки қалин муқовасининг олд томонида албатта қуйидагилар келтирилади:

- муаллиф (муаллифлар) номи;
- нашр сарлавҳаси;
- том рақами ва белгиси.

5.4 Китобли сериялар нашрлари муқова, супермуқовасининг биринчи бетида ёки қалин муқовасининг олд томонида қуйидагилар келтирилади:

- серия номи ва/ёки серия маркаси, сериянинг чиқарилган рақами;
- муаллиф номи;
- нашр сарлавҳаси.

5.5 Вақтли ва давомли нашрлар муқова, супермуқовасининг биринчи бетида ёки қалин муқовасининг олд томонида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- ISSN рақами (юқори ўнг бурчакда);
- нашрнинг тартиб рақами;
- нашр сарлавҳаси;
- нашр чиққан йил.

5.6 Ношир нашрнинг титул варағида кўрсатилган барча чиқиш маълумотларини муқова, супермуқованинг биринчи бетида ёки қалин муқованинг олд томонида келтириши мумкин.

5.7 муқованинг биринчи бетида титул варағи бўлмаган ҳолларда барча зарур чиқиш маълумотлари келтирилади (ГОСТ 7.4 бўйича).

6 Муқова, қалин муқова корешоги

6.1 Муқова ва қалин муқова корешогида китоб блоканинг қалинлиги 9 мм дан баланд бўлганда қуйидагилар кўрсатилади:

- муаллиф (муаллифлар) номи;
- нашр сарлавҳаси;
- том, нашр, қисм (кўп томли нашрлар учун)нинг рақами ва белгиси;
- биринчи ва охириги сўзлар ёки ҳарфлар (кўп томли маълумот нашрлари ва луғатлар учун).

6.2 Корешокдаги маълумотлар юқоридан пастга белгиланган кетма-кетликда босилади (А иловага қаралсин). Китоблар блокиннинг қалинлиги 40 мм дан баланд бўлган нашрлар учун келтирилган маълумотлар қўндаланг жойлаштирилиши мумкин.

6.3 Корешокда келтирилган маълумотлар матбаа воситалари ёрдамида ажратилади.

7 Муқованинг тўртинчи бети. Қалин муқованинг орқа томони

7.1 Муқова, супермуқованинг тўртинчи бетидаги ёки қалин муқованинг орқа томонидаги пастки қисмида нашрнинг штрихли коди келтирилади.

7.2 Муаллифлар, серия, ношир ва бошқа реклама ахбороти тўғрисида қўшимча маълумотлар келтирилиши мумкин.

8 Ғилоф, контейнер, папка ва шу кабилар

8.1 Ғилоф, контейнер, папка ва шу кабилар нашрнинг муқоваси ёки қалин муқоваси каби расмийлаштирилади (4-7-бўлимларга қаралсин).

А илова
(маълумот учун)

Муқова, қалин муқовани расмийлаштириш намунаси



УЎТ 655.534:006.354

СДТ 01.140.40

T62

СТШУТ0007

Асосий сўзлар: нашрлар, китоблар ва брошюралар, серияли нашрлар, қалин муқова, муқова, корешок, чиқиш маълумотлари, штрихли код, серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами

СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШ

INTERSTATE COUNCIL FOR STANDARDIZATION, METROLOGY AND
CERTIFICATION

ДАВЛАТЛАРАРО
СТАНДАРТ

ГОСТ
7.86-2003

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иш бўйича
стандартлар тизими

НАШРЛАР

Нашриёт аннотациясига қўйиладиган умумий талаблар

Москва
Стандартлар нашриёти НМК
2004

Сўз боши

Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадлари, асосий қоидалари ва асосий тартиби ГОСТ 1.0-92 «Межгосударственная система стандартизации. Основные положения» и ГОСТ 1.2-97 «Межгосударственная система стандартизации. Стандарты межгосударственные, правила и рекомендации по межгосударственной стандартизации. Порядок разработки, принятия, применения, обновления и отмены» да белгиланган.

Стандарт тўғрисида маълумот

1 Россия Федерацияси Вазирлигининг Россия китоб палатаси, ТК 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техник кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Техник тартибга солиш ва метрология Федерал агентлиги томонидан КИРИТИЛГАН

3 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2003 йил 5 декабрдаги 24-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

ХТ бўйича мамлакатнинг қисқача номи (ИСО 3166) 004-97	ХТ бўйича мамлакат коди (ИСО 3166) 004-97	Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг қисқартирилган номи
Озарбайжон	OZ	Озстандарт
Арманистон	AM	Армстандарт
Беларусь	BY	Беларусь Республикаси Давстандарт
Қозоғистон	KZ	Қозоғистон Республикаси Давстандарт
Қирғизистон	KG	Қирғизстандарт
Молдова	MD	Молдава-Стандарт
Россия Федерацияси	RU	Россия Давстандарт
Тожикистон	TJ	Тожикистандарт

Туркменистон	TM	«Туркменстандартлары» Бошдавхизмати
Ўзбекистон	UZ	Ўзстандарт
Украина	UA	Украина Давистеъмстандарти

4 Техник тартибга солиш ва метрология Федерал агентлигининг 2004 йил 9 сентябрдаги 5-ст-сон буйруғига асосан ГОСТ 7.86-2003 давлатлараро стандарти 2005 йил 1 майдан бевосита Россия Федерациясининг миллий стандарти сифатида амалга киритилган

5 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

НАШРЛАР

Нашриёт аннотациясига қўйиладиган умумий талаблар

System of standards on information, librarianship and publishing.
Editions. General requirements for annotation of edition

Жорий этиш санаси 2005-05-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт нашриёт аннотациясининг мазмунига, тузилишига ва расмийлаштирилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Стандарт ноширлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ва ташкилотлар томонидан қўллаш учун мўлжалланган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги давлатлараро стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.4-95 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Чиқиш маълумотлари

ГОСТ 7.5-98 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Журналлар, тўпламлар, ахборот нашрлари. Эълон қилинадиган материалларни нашриётга оид расмийлаштириш

ГОСТ 7.9-95 (ИСО 214-76) Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Реферат ва аннотация. Умумий талаблар

ГОСТ 7.12-93 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Рус тилида сўзларни қисқартириш. Умумий талаблар ва қоидалар

ГОСТ 7.51-98 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Каталоглар ва картотекалар учун варақчалар. Нашрда каталоглаштириш. Маълумотлар таркиби, тузилиши ва нашриётга оид расмийлаштириш

ГОСТ 7.60-2003 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Асосий турлари. Атамалар ва таърифлар

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланишда ҳавола қилинган стандартларнинг амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тузилган «Миллий стандартлар» кўрсаткичи бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола ҳужжати алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, ушбу стандартдан фойдаланишда алмаштирилган (ўзгартирилган) нусха стандартига амал қилиш лозим. Агар ҳавола ҳужжати алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, ўнга ҳавола берилган қоида бу ҳавола тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

3.1 **нашриёт аннотацияси:** Нашрнинг мақсадли вазифаси, мазмуни, қандай китобхонга мўлжалланганлиги, нашриёт-матбаа шакли ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан унинг қисқача тавсифини ўз ичига олган аннотация.

4 Умумий қондалар

4.1 Нашриёт аннотацияси ГОСТ 7.9 талабларига жавоб бериши керак.

4.2 Нашриёт аннотацияси нашрни чиқаришга тайёрлашда ношир томонидан тузилади ва ахборот-библиографик мақсадларда:

- нашрда - ГОСТ 7.4 ва 7.5 бўйича чиқиш маълумотларининг элементи сифатида;

- варақчаларда - ГОСТ 7.51 бўйича каталоглар ва картотекалар учун фойдаланилади.

4.3 Нашриёт аннотацияси библиографик ёзувнинг бир қисми ҳисобланади. У нашрни библиографик тавсифлайди ва нашрнинг қисқача тавсифини ўз ичига олади.

4.4 Нашриёт аннотацияси библиографик тавсифга кирган маълумотларни ўз ичига олмайди, балки уларни тўлдирди.

4.5 Кўп томли ва серияли нашрларнинг биринчи томига аннотация тайёрланганда умуман нашрга ва шу нашрнинг биринчи томига аннотация бериш зарур. Кейинги томларда умуман нашрни ва навбатдаги томни қисқача тавсифловчи аннотация берилди.

4.6 Кўп томли ёки рақамланган серияли нашрлар учун ҳар бир томнинг аннотацияси аввалги томлар чиқарилган йиллар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олади.

Изоҳ - Кўп томли нашр календарь йил давомида чиқарилганда бу маълумотлар кўрсатилмайди.

4.7 Нашриёт аннотацияси маълумотнинг мазмунига ва хусусиятига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- адабий-бадий нашрларга аннотация;

- бошқа нашр турларига ГОСТ 7.60 бўйича аннотация.

5 Нашриёт аннотациясининг тузилиши

5.1 Адабий-бадий нашр аннотацияси қуйидаги маълумотни ўз ичига олади:

- нашрнинг мақсадли вазифаси ва қандай китобхонларга мўлжалланганлиги.

Изоҳ - Бадий адабиёт нашрнинг мақсад ва вазифасига кўра катта ёшдаги китобхонлар учун илмий (академик), илмий-оммабоп ва оммавий, шунингдек турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган нашрларга бўлинади.

- муаллиф тўғрисидаги маълумот, у қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

муайян даврга, мамлакатга, миллатга, ижтимоий гуруҳга, адабий йуналишга мансублик;

асарнинг яратилган вақти;

китобхонга таниш бўлиши мумкин бўлган муаллифнинг бошқа асарлари тўғрисида эслатиш;

- тўпламларнинг библиографик тавсифида (зарурат туғилганда) муаллифлар исмлари бўлмаганда уларнинг исмлари (камида учта);

- тўпламнинг тузувчиси, агар у адабий ва бошқа фаолияти билан танилган бўлса ҳамда нашрни тайёрлашда иштирок этган бошқа шахслар, масалан, безатувчи рассом, таржимон ва бошқалар тўғрисидаги маълумот;

- асар жанри, унинг стилистик хусусиятлари.

Тўплам учун нашрнинг мақсади, уни шакллантириш принципи (хронологик, жанрли, мавзули ва б.) кўрсатилади:

асарнинг асосий мавзуси ёки унда кўтарилган муаммо, тавсифланадиган воқеаларнинг бўлиб ўтган вақти ва жойи, асарнинг умумий сюжет йуналиши ва бош қаҳрамонлар тавсифи.

Изоҳ. - Жаҳонга машхур асарлар нашрлари аннотациясида бу маълумотлар, одатда, кўрсатилмайди.

- нашрнинг маълумотнома аппарата таркиби, агар мавжуд булса, бадий адабиётнинг илмий ва илмий-оммабоп нашрлари учун,

- нашриёт-матбаага оид расмийлаштириш хусусиятлари (таникли рассомнинг иллюстрациялари, нашрнинг материал конструкцияси ва бошқа расмийлаштириш тавсифлари).

5.2 бошқа турдаги нашрлар аннотацияси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- ГОСТ 7.60 бўйича мақсадли вазифаси;

- нашр нуфузи тўғрисида фикр юритишга имкон берадиган муаллиф тўғрисида маълумот (касби, лавозими, илмий даражаси, унвони ва бошқалар);

- асар жанри библиографик тавсифда кўрсатилмаган бўлса (монография, мақола, очерк, амалий кўлланма, дарслик, энциклопедия, тил луғати ва б. — ГОСТ 7.60 бўйича), асар жанри.

Изоҳ - Ўрта мактаб дарслиги биринчи марта нашр қилинган ёки қайта кўриб чиқилган бўлса, унга аннотация берилди:

- нашр мавзусини қисқача очиб беришда унинг мазмун хусусиятини ва уни мавзуси (муаммоси)га яқин нашрлардан фарқлайдиган ва мақсадли вазифаси акс эттиради, яъни ўзида янгиликларни акс эттирадиган жиҳатларни ажратиб кўрсатиш керак.

Аввалги нашрга нисбатан ўзгартишларни ўз ичига олган қайта нашрлар учун, ўзгартишлар нимадан иборатлигини кўрсатиш, шунингдек аввалги нашр тўғрисида маълумотни (агар ўзгарган бўлса, чиқарилган йили ва номи) бериш лозим.

- нашр учун - тўплам учун материаллар танлашнинг умумий принципи ёки умумий мавзусининг таърифи;

- аниқ китобхон манзили, яъни ушбу нашр қандай китобхонлар аудиториясига мўлжалланганлигини аниқ кўрсатиш. Бунда ишлаб чиқариш-амалий нашрлар учун ушбу нашр мўлжалланган мутахассиснинг касби ва малакаси кўрсатилади.

Изоҳлар

1 Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун ўқув нашрларидаги аннотацияда мутахассислик, библиографик тавсифда келтирилмаган бўлса, кўрсатилади.

2 Айрим ҳолларда кўшимча китобхон манзили кўрсатилиши мумкин, масалан, тегишли ихтисосликларнинг мутахассислари ва талабалари учун.

- нашр илмий-маълумотнома аппаратининг хусусиятлари, унинг таркиби (сўз боши, сўнгсўз, шарҳлар, изоҳлар, ёрдамчи кўрсаткичлар, луғат иловаси ва б.);

- нашриёт-матбаага оид расмийлаштириш спецификаси (одатдан ташқари ёки яхши расмийлаштирилиши билан ажралиб турувчи нашрлар учун).

6 Нашриёт аннотациясига қўйиладиган умумий талаблар

6.1 Нашриёт аннотацияси лўнда, аниқ тил шаклига эга, шу билан бирга иккинчи даражали ва ташқи ахборотсиз, сиғимли тавсифни ўз ичига олади.

6.2 Нашриёт аннотациясининг ҳажми, одатда, 500—600 босма белгидан (ГОСТ 7.9 бўйича) ёки 10 - 12 сатрдан ортиқ бўлмайди.

6.3 Мутахассис бўлмаган китобхонга мўлжалланган нашрнинг нашриёт аннотациясида умумқабул қилинган лексика ва атамашуносликдан, оддий тил конструкцияларидан фойдаланилади.

6.4 Кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган нашр номида ишлатилган кам тушунарли сўзлар аннотацияда тушунтирилиши лозим.

6.5 Аннотация матнида фақат умумқабул қилинган қисқартма сўзларга йўл қўйилади (ГОСТ 7.12 бўйича).

6.6 Нашрда мавжуд бўлган асар матнидан цитата келтириш тавсия этилмайди.

6.7 Аннотация мазмунидаги реклама элементлари нашрнинг объектив тавсифини бузмаслиги керак.

УЎТ 066.44:655.535.54:006.354

СДТ 01.140.20

Т62

Асосий сўзлар: нашриёт аннотацияси, нашр, нашриёт аннотациясига қўйиладиган талаблар, аннотациянинг тузилиши, аннотация матни.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШ

INTERSTATE COUNCIL FOR STANDARDIZATION, METROLOGY AND
CERTIFICATION

ДАВЛАТЛАРАРО
СТАНДАРТ

ГОСТ
7.88 —
2003

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

НАШРЛАР САРЛАВҲАЛАРИДА САРЛАВҲАЛАР ВА
СЎЗЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҚОИДАЛАРИ

Москва
Стандартлар нашриёти НМК
2004

Сўз боши

Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадлари, асосий қоидалари ва асосий тартиби ГОСТ 1.0-92 «Межгосударственная система стандартизации. Основные положения» и ГОСТ 1.2-97 «Межгосударственная система стандартизации. Стандарты межгосударственные, правила и рекомендации по межгосударственной стандартизации. Порядок разработки, принятия, применения, обновления и отмены»да белгиланган.

Стандарт тўғрисидаги маълумот

1 Россия Федерацияси Саноат, фан ва технологиялар вазирлиги ва Россия Фанлар Академиясининг Бутунроссия илмий ва техник ахборот институти, Россия Федерацияси Маданият вазирлигининг Россия давлат кутубхонаси ҳамда ДТК 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техник қўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Техник тартибга солиш ва метрология Федерал агентлиги томонидан КИРИТИЛГАН

3 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2003 йил 30 декабрдаги 14-сон баённома, ёзишма бўйича)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

ХТ бўйича мамлакатнинг қисқача номи (ИСО 3166) 004-97	ХТ бўйича мамлакат коди (ИСО3166) 004-97	Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг қдсқдртирилган номи
Озарбайжон	AZ	Озстандарт
Арманистон	AM	Армстандарт
Беларусь	BY	Беларусь Республикаси Давстандарт
Қозғистон	KZ	Қозғистон Республикаси Давстандарт
Қирғизистон	KG	Қирғизстандарт
Молдова	MD	Молдова-Стандарт
Россия Федерацияси	RU	Россия Давстандарт
Тожикистон	TJ	Тожикистандарт

Туркманистон	TM	«Туркменстандартлары» бошдавхизмати
Ўзбекистан	UZ	Ўзстандарт
Украина	UA	Украина Давистеъмстандарти

4 Ушбу стандарт ИСО 4-1997 «Информация и документация. Правила сокращения слов в названиях и названий публикаций» халқаро стандартининг асосий норматив қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган

5 Техник тартибга солиш ва метрология Федерал агентлигининг 2004 йил 9 сентябрдаги 6-ст-сон буйруғи билан ГОСТ 7.88-2003 давлатлараро стандарти 2005 йил 1 майдан бевосита Россия Федерациясининг миллий стандарти сифатида амалга киритилган

6 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

Д А В Л А Т Л А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

**НАШРЛАР САРЛАВҲАЛАРИДА САРЛАВҲАЛАР ВА
СЎЗЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҚОИДАЛАРИ**

System of standards on information, librarianship and publishing
Rules for the abbreviation of titles and title words of publications

Жорий этиш санаси — 2005—05—01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандартда лотин, грек ва кирилл алифболаридан фойдаланадиган тиллардаги нашрлар сарлавҳалари ва сарлавҳадаги сўзларни қисқартириш қоидалари берилган.

Ушбу стандарт ГОСТ 7.1 да белгиланган ҳоллардаги библиографик ҳаволаларга ва таҳлилий библиографик таърифларга тегишлидир.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги давлатлараро стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.1-2003 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Библиографик таъриф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

ГОСТ 7.11-2004 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Хорижий европа тилларидаги сўзлар ва сўз бирикмаларини қисқартириш

ГОСТ 7.12-93 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Рус тилидаги сўзларни қисқартириш. Умумий талаблар ва қоидалар

ГОСТ 7.60-2003 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Асосий турлари. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.76-96 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ҳужжатлар фондини комплекшлаш. Библиография қилиш. Каталог тузиш. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.79-2000 (ИСО 9-95) Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Кирилл ёзувини латин алифбоси ёрдамида транслитерация қилиш қоидалари.

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланишда ҳавола қилинган стандартларнинг амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тузилган «Миллий стандартлар» кўрсаткичи бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳаволаҳужжати алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, ушбу стандартдан фойдаланишда алмаштирилган (ўзгартирилган) нусха стандартига амал қилиш лозим. Агар ҳаволаҳужжати алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, ўнга лавола берилган қоида бу ҳавола тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланади

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

3.1 **сарлавҳа** (title): ГОСТ 7.76 бўйича.

3.2 **қуйи серия сарлавҳаси** (section title): Сарлавҳани тўлдирувчи умумий сарлавҳага эга бўлган ўзаро боғланган серияли нашрлар гуруҳидаги алоҳида қисм (қуйи серия) учун специфик бўлган сарлавҳа.

3.2 **корпоратив ташкилот** (corporative body): Юридик ёки жисмоний шахслар ташкилотининг бирлаштирилган шакли.

3.4 **қўмакчи** (preposition): Сўз бирикмасида бошқа сўзлар орасидаги муносабатни ифодаловчи ёрдамчи сўз.

3.5 **боғловчи** (conduction): Сўз бирикмасининг бир хил бўлақларини боғлаш учун фойдаланиладиган ёрдамчи сўз.

3.6 **серияли нашр** (serial): ГОСТ 7.60 бўйича.

3.7 **аббревиатура** (қисқартма) (abbreviation): Мураккаб қисқартирилган ёки бош ҳарфлар, товушлар, сўзлардан ёки аралаш турдан ҳосил қилинган сўз.

3.8. **артикуль** (article): Айрим тилларда аниқ ёки ноаниқ маънода қўлланилишини ифодалаш учун отга қўшиладиган ёрдамчи сўз.

3.9 **умумий атама** (generic term): Нашрнинг тури ва/ёки мунтазамлигини кўрсатувчи сарлавҳадаги умумилмий ёки умумтехник маънодаги атама.

Мисоллар: Abhandlungen, annals, Berichte, bulletin, cahier, annual report, compte rendu, proceedings, yearbook, журнал, йилнома, бюллетень.

4 Сарлавҳадаги сўзларни қисқартириш қоидалари

4.1 Қисқартириш методлари

Сарлавҳалардаги алоҳида сўзлар ва сўз бирикмалари ГОСТ 7.11, 7.12 да кўрсатилган методлар бўйича қисқартирилади.

4.2 Шахслар исмларини қисқартириш

Шахсларнинг исмлари қисқартирилмаслиги керак. Шахсий исмлардан ҳосил қилинган сифатлар уларни ҳосил қилган исмга қадар қисқартирилиши мумкин.

Мисол

Mozart

mozartien = mozart.

Менделеев

менделеевский = Менделеев.

4.3 Ташкилотлар номи

Агар нашр сарлавҳасида корпоратив ташкилот номи бўлса, бу номни қисқартириш мумкин. Миллий ёки халқаро амалиёт қоидаларига кўра корпоратив ташкилотларнинг тўлиқ номи ўрнига қисқартмаларни ишлатиш тавсия этилса, улардан сарлавҳани қисқартиришда фойдаланиш мумкин.

1-мисол

Сарлавҳа: Proceedings of the International Seed Testing Association

Қисқартирилган сарлавҳа: Proc. Int. Seed Test. Assoc.

2-мисол

Сарлавҳа: The United Nations disarmament yearbook

Қисқартирилган сарлавҳа: U.N. disarm, yearb.

3-мисол

Сарлавҳа: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиши бўйича йилнома

Қисқартирилган сарлавҳа: БМТ қуролсизл. йилн.

4.4 Географик номлар

Географик жойлар (масалан, шаҳар, штат, провинция ёки мамлакат) номлари қисқартирилиши мумкин. Агар географик номлар, муҳим аҳамиятга эга жойлардан иборат бўлса ёки сарлавҳаларда тез-тез фойдаланилса, шунингдек -burgh; -ton; -ville; -град, -бург, -поль суффикслари билан тугалланган ҳолларда қисқартирилади.

1-мисол

New York = N.Y.

2-мисол

Fribourng = Fribg.

3-мисол

Southampton = Southampt.

4-мисол

Оренбург = Оренб.

5-мисол

Севастополь = Севастоп.

4.5 Транслитерация

Халқаро айирбошлашда сарлавҳани транслитерацияланган кўринишда қисқартирилган ҳолларда бошланғич ёзув учун белгиланган сўзлар ва сарлавҳаларни қисқартириш қоидалари қўлланилади. Транслитерацияланган сўзларда учрайдиган диакритик белгилар қисқартиришда сақланиб қолинади. Кирилл алифбосидаги сўзлар ва сарлавҳаларнинг транслитерацияси ГОСТ 7.79 га мувофиқ бўлиши керак.

1-мисол

υπερесьια - *uperesia* = *υπερ.* (*грекча*)

2-мисол

современный = *sovremenny'j* = *sovг.* (*русча*)

5 Нашрлар сарлавҳаларини қисқартириш қоидалари

Нашрлар сарлавҳалари унинг таркибига кирувчи сўз ҳамда сўз бирикмаларини ГОСТ 7.11, 7.12 бўйича қисқартириш йули билан қисқартирилади.

5.1 Сўзлар тартиби

Қисқартирилган сўзлар тартиби сарлавҳадаги сўзлар тартибига мос келиши керак.

5.2 Бир сўздан иборат сарлавҳалар

Бир сўздан иборат, лекин артикль ва олд кўмакчига эга бўлган сарлавҳалар қисқартирилмайди.

1-мисол

Сарлавҳа: *Nefrologia*

2-мисол

Сарлавҳа: *Sans frontiere*

3-мисол

Сарлавҳа: *Оиласиз*

Бир сўздан иборат сарлавҳа нашриётнинг жойлашган географик номи, санаси ёки ўрнашган жойи билан тўлдириладиган бўлса, асосий сўз қисқартирилмайди, лекин кўшимча элемент эса қисқартирилиши мумкин.

1-мисол

Сарлавҳа: Forum (Dusseldorf)

Қисқартирилган сарлавҳа: Forum (Disseld.)

2-мисол

Сарлавҳа: Communication (New York)

Қисқартирилган сарлавҳа: Communication (N.Y.)

Агар биргина сўздан иборат сарлавҳадан кейин қисм, бўлим, серия ёки иловани билдирувчи умумий характерга эга атама келса, сарлавҳа қисқартирилмайди, умумий характердаги атама эса қисқартирилади.

Мисол

Сарлавҳа: Medicina. Supplement
Қисқартирилган сарлавҳа: Medicina. Suppl.

5.3 Артиклар, боғловчилар ва предлоглар

Сарлавҳани қисқартиришда, шахсий исмлар, жой номлари ёки «in vivo», «in vitro», «внахлестку» каби техник атамаларнинг ажралмас қисми бўлган предлоглар ва артиклардан ташқари, шунингдек тил структураси ёки миллий анъана ушбу сўзларни ўтказишга йул қўймаганда артиклар, боғловчилар ва предлоглар тушириб қолдирилиши мумкин.

1-мисол

Сарлавҳа: The New Hungaria Quaterly
Қисқартирилган сарлавҳа: New Hung. Q.

2-мисол

Сарлавҳа: Los Alamos Life Science Sumposium
Қисқартирилган сарлавҳа: Los Alamos Life Sci. Symp.

3-мисол

Сарлавҳа: Journal of in vitro fertilization
and embryo transfer
Қисқартирилган сарлавҳа: J. in vitro fertil. embryo transf.

4-мисол

Сарлавҳа: Амалий ва назарий физика журнали
Қисқартирилган сарлавҳа: Амал. ва наз. физика журн.

Сарлавҳа бошида жойлашган предлоглар ва боғловчилар тушириб қолдирилмайди. **1-мисол**

Сарлавҳа: Vom Abenberger Land
Қисқартирилган сарлавҳа: Vom Abenb. Land

2-мисол

Сарлавҳа: Vers education permanente
Қисқартирилган сарлавҳа: Vers educ. perm.

3-мисол

Сарлавҳа: Осмон жисмларининг
айланиши тўғрисида
Қисқартирилган сарлавҳа: Осмон жисм. айл. тўғр.

4-мисол

Сарлавҳа: Ва тўртинчи кун келди
Қисқартирилган сарлавҳа: Ва тўрт. кун келди.

5.4 Аббревиатуралар ва ҳарф аниқловчилари

Сарлавҳа қисқартирилганида сарлавҳадаги аббревиатура қолдирилади.

1-мисол

Сарлавҳа: AEG — Mitteilungen
Қисқартирилган сарлавҳа: AEG - Mitt.

2-мисол

Сарлавҳа: Revue de CETHEDEC
Қисқартирилган сарлавҳа: Rev. CETHEDEC

3-мисол

Сарлавҳа: УЎТга ўзгартиришлар ва қўшимчалар
Қисқартирилган сарлавҳа: УЎТга ўзгарт. ва қўш.

5.5 Бош ҳарфларни киритиш

Сарлавҳани қисқартиришда биринчи сўзнинг биринчи ҳарфи бош ҳарф билан ёзилади. Қисқартманинг қолган қисми учун ҳамма ҳарфларни ёки ҳар бир сўзнинг биринчи ҳарфини бош ҳарф билан ёзиш ёки миллий амалиёт ё алоҳида талабларга кўра, ҳарфларни ўзгаришсиз қолдириш мумкин.

Мисол

Сарлавҳа: Archives of internal medicine
Сарлавҳани қисқартириш вариантлари: Arch, intern.med.
Arch. Intern. Med.
Arch intern. Med.
ARCH. INTERN. MED.

5.6 Тиниш белгилари

Тўлиқ сарлавҳада учрайдиган тиниш белгилари, нукта ва вергулдан ташқари, қисқартирилган сарлавҳада сақлаб қолиниши керак. Қисқартирилган сарлавҳада вергул тушириб қолдирилиши, тўлиқ сарлавҳа ичидаги нукталар эса вергул билан алмаштирилиши керак. Бироқ тўлиқ сарлавҳада нукталар қисқартирилган сўз ёки махсус белгилашлар таркибига кирган бўлса, сақлаб қолиниши мумкин.

1-мисол

Сарлавҳа: Acta mineralogical, petrografica
Қисқартирилган сарлавҳа: Acta mineral, petrogr.

2-мисол

Сарлавҳа: Soviet Physics. Technical Physics
Қисқартирилган сарлавҳа: Sov. Phys., Tech. Phys.

3-мисол

Сарлавҳа: E.S.A. bulletin
Қисқартирилган сарлавҳа: E.S.A. bull.

4-мисол

Сарлавҳа: Mr. Rodger's journal

Қисқартирилган сарлавҳа: Mr. Rodger's j.

5-мисол

Сарлавҳа: «Экстра М». Юг бепул ҳафталик газетаси.

Қисқартирилган сарлавҳа: Экстра М., Юг беп. хафт. газ

Сарлавҳа таркибига кирувчи кўп нуқта (уч нуқта) қисқартирилган сарлавҳада тушириб қолдирилиши керак.

Мисол

Сарлавҳа: Proceedings of the... annual meeting of the Academician Entomological Society

Қисқартирилган сарлавҳа: Proc. ann. meet. Academician Entomol. Soc.

5.7 Махсус ҳарфлар ва символлар

Сарлавҳа оригиналида учрайдиган махсус ҳарфлар ёки символлар сарлавҳа қисқартирилганида «ва» боғловчиси сифатида фойдаланилган «&» белгиси ва «+» белгисидан ташқари ўзгаришсиз қолдирилади. Ушбу икки («&» ва «+») белги аббревиатура ёки махсус белгининг ажралмас қисмини ташкил этса, улар сақлаб қолиниши керак.

1-мисол

Сарлавҳа: Europe on \$... a day

Қисқартирилган сарлавҳа: Eur. \$ day

2-мисол

Сарлавҳа: Metall-Reinigung+Vorbehandlung

Қисқартирилган сарлавҳа: Met. - Reinig. Vorbehandl.

3-мисол

Сарлавҳа: Computer & control abstracts

Қисқартирилган сарлавҳа: Comput. control abstr.

4-мисол

Сарлавҳа: AT & T Technical Journal

Қисқартирилган сарлавҳа: AT&T Tech. J.

5-мисол

Сарлавҳа: C++ тилида дастурлаш

Қисқартирилган сарлавҳа: C++ тил. даст.

5.8 Қуйи сериялар ва сериялар

Икки ёки ундан ортиқ серияли нашрлар рақам, ҳарф ёки қуйи серия сарлавҳасини қўшиш орқали аниқлаштириладиган умумий сарлавҳага эга

бўлса, улар қисқартирилган сарлавҳага қўшилиши керак. «Бўлим», «серия» каби умумий характерга эга атамалар қисқартмалари, агар улар қуйи серияни идентификация қилиш мақсадида зарур бўлса, улар қисқартирилган сарлавҳада бўлиши керак.

Умумий сарлавҳада нашр қуйи сериясининг идентификатори мавжуд бўлса ҳам, қисқартирилган сарлавҳада тобе сарлавҳа қисқартмасини сақлаб қолиш талаб этилади.

1-мисол

Сарлавҳа: Annales scientifiques de l'Universite de Besancon. Geologie

Қисқартирилган сарлавҳа: Ann. sci. Univ. Besancon, Géol.

2-мисол

Сарлавҳа: Journal of Botany. Section A

Қисқартирилган сарлавҳа: J. Bot., Sect. A ёки j. Bot., A

3-мисол

Сарлавҳа: УЎТ. Универсал ўнлик тасниф.

III том. 5/54 Математика.

Табий фанлар

Қисқартирилган Сарлавҳа: УУТ. Универс. унл. тасниф.,

III, 5/54 Мат., Таб. фанлар.

5.9 Фарқлаш ва тушунтириш

Агар қисқартирилган сарлавҳалар диакритика ёки тиниш белгиларини ҳисобга олмаган ҳолда бир хил ҳарфлар ва белгилардан тузилган бўлса, улар бир хил (ўхшаш) ҳисобланади.

Ўхшаш равишда қисқартирилган сарлавҳалар тасниф элементининг қўшимчаси билан қавслар ичида: жой (шаҳар), нашр қилиш жойи ва муддати, агар бу етарли бўлмаса, бошқа квалификацион ахборот билан дифференцияланган бўлиши керак. Квалификацион элементи қисқартирилган бўлиши мумкин.

Ми сол

Сарлавҳалар: Innovations en médecine

Innovaciones en medicina

Innovations in medicine

Innovacii v medicine

Қисқартирилган сарлавҳа:

Innov. méd.(Ed. fir.)

Innov. med.(Ed. esp.)

Innov. med.(Engl.ed.)

Innov. med.(Rus. uzd.)

УЎТ 002+02+655.4/.5:006.354

СДТ 01.140.20

Т62

Асосий сўзлар: сўзларни қисқартириш, сарлавҳаларни қисқартириш, титул сўзи, нашрлар сарлавҳаси

А.Ходжаев., М. Мухитдинов., А. Ишматов., М.Махмудов.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА
ФАОЛИЯТИГА ОИД
СТАНДАРТЛАР
ТЎПЛАМИ

Босишга рухсат этилди: 15.08.08 й.
Бичими 60x84 1/16 нашр.т. 30. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 132

"Ўзбекистан маркаси" нашриёти

МЧЖ "ALOQA PRINT" босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Гавҳар кўчаси, 125.